



ОЧИКЛИК, ОШКОРАЛИК, ТЕНГ ХУҚУҚЛИЛИК ВА
ҲАҚҚОНЧИЛИК – 2016 ЙИЛИ 4 ДЕКАБРДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ
ТАМОЙИЛЛАРИ





**ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК, ТЕНГ
ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК –
2016 ЙИЛ 4 ДЕКАБРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2017

26008

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 342.511.1(575.1)
КБК 67.400.5(5Ў)
О-95

Тузувчи ва масъул муҳаррир
Н. Нурматов,
Таржимон **Д. Дониёров**

О-95 **Очиқлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ҳаққонийлик – 2016 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг асосий тамойиллари.** [Матн] / Масъул муҳаррир Н. Нурматов – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 264 б.

ISBN 978-9943-25-421-3

Мазкур тўпламга 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига тааллуқли асосий материаллар, шунингдек халқаро ташкилотлар (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти)нинг сайловларни кузатиш бўйича миссиялари раҳбарлари ва хорижий кузатувчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш, уни ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан матубот анжуманларида, брифингларда, баёнотларида, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларига кўп сонли интервьюларидаги фикрлари киритилган.

УЎК 342.511.1(575.1)
КБК 67.400.5(5Ў)

ISBN 978-9943-25-421-3

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2017
© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2017

7 400.5 (50')

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**2016 ЙИЛ 4 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 ва 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларидан олинган сайлов натижалари тўғрисидаги баённомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилсин.

2. **Шавкат Миромонович МИРЗИЁЕВ** 2016 йил 4 декабрь куни муқобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 88,61 фоиз овози билан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 9 декабрь.*

Фурсатдан фойдаланиб, менга ўз табрик ва қутловларини йўллаган барча хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар етакчиларига, сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек сайлов жараёнида ва ҳар доим бизга хайрихоҳ бўлиб келган, бугунги йиғилишимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни, юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади.

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради.

Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама раванқ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.

Мен бугун Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлаштиришга даъват этаман.

Бу олижаноб мақсад – изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очикмиз. Бўлиб ўтган демократик сайлов жараёни бунинг яна бир ишончли ва яққол тасдиғи бўлди.

Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани сизларга яхши

маълум. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни, ушбу халқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили – бу албатта кичкина гап эмас – айнан демократик тамойиллар талаблари асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоеён этди. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажагига қандай қатта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этади.

Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиёт дастуримизга берган холис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қонунчилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиқлик руҳида ўтганини барча чет эллик кузатувчилар очиқ ва баралла таъкидладилар.

Кунни кеча Марказий сайлов комиссияси ҳам ўзининг сайлов натижалари бўйича якуний хулосаларида шу ҳақиқатни яна бир бор қайд этди. Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак эътироф, бундай юксак баҳо барчамизни қувонтиради.

Мухтарам дўстлар!

Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришар эканман, буюк давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислом Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммамдаги жуда улкан жавобгарликни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб турибман.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Буюк Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртдошларимиздан кўплаб таклиф ва тавсиялар келиб тушмоқда. Уларнинг барчаси айни пайтда атрофлича ўрганилмоқда ва бу болада алоҳида қарор қабул қилинади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун дунёдаги шиддатли глобаллашув шароитида, халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодий-молиявий инкирози давом этаётган кескин бир вазиятда Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни зиммамга олаётган эканман, мен аввало кўпни кўрган, донишманд халқимизга, сиз, азизларнинг ёрдам ва кўмагингизга таянаман ва ишонаман.

Барчангиз хабардорсиз, сайлов арафасида мен сайловчилар ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказдим.

Ана шундай очиқ мулоқотларда билдирилган амалий таклифлар, қонуний талаблар, уларни амалга ошириш учун кўрилган аниқ чора-тадбирлар, очиғини айтаман, мен учун яна бир катта ҳаётий мактаб бўлди.

Ана шу учрашув ва суҳбатларнинг якуний хулосалари мамлакат Президенти лавозимидаги ўта муҳим ва масъулиятли фаолиятимда мен учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизнинг олдимизга, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президенти сифатида менинг олдимга янги ва ғоят масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шу асосий вазифалар хақида бугун ушбу йиғилишимизда қисқача ахборот беришни ўринли, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, биз муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамыз.

Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада раванқ топтиришнинг мустаҳкам заминидир.

Мен мамлакат Президенти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатъий ва сўзсиз бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ўзимнинг энг асосий бурчим ва вазифам, деб ҳисоблайман.

Ана шу фундаментал тамойилларни рўёбга чиқаришга доир амалий саъй-ҳаракатлар тўғрисида мен Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузамда ўз фикрларимни баён қилганимдан албатта барчангиз хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатлар, Сенат Раиси ва сенаторлардан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари хизматлари ҳамда Ҳукумат билан биргаликда мамлакатимизда келажакда амалга ошириладиган ислохот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаш-

тириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни сўрайман.

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз корачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда.

Шу борада Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳамиша диққатимиз марказида бўлади.

Бугун принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бир фикрни яна таъкидлаб айтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шунини айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч кимда ҳеч қандай иккиланиш ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички қўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генералларига, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамёди ва муқаддас бурчига садоқати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комилки, сизлар бундан буён ҳам юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва

барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчин-гизга содиқ бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашидан Мудофаа вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарияти билан биргаликда Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар комплексини яқин кунларда тақдим этишни сўрайман.

Бу борада муносиб ҳарбий хизматчиларни нафақат яқинда таъсис этилган кўкрак нишонлари билан, балки юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича ҳам таклифлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «**Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!**» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътикодга айланиши зарур.

Бу масала, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бутун суд тизими, прокуратура, ички ишлар, назорат органлари раҳбарлари ва ходимларининг, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бевосита вазифасидир.

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича катъий чоралар кўришимиз зарур.

Депутатлар ва сенаторлар, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз ҳуқуқий демократик давлат куришнинг ана шу муҳим соҳасидаги давлатимизнинг саъй-ҳаракатларини албатта қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман ва бунга ишонаман.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

«**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғ-

рисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳраб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улуғ, улкан ҳаётий тажрибага эга нуруний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмагига умид қиламиз ва таянамиз.

Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонкуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз равнаки йўлидаги фидокорона хизматлари учун муҳтарам нурунийларимизга, кадрли меҳнат фахрийларига ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилақларимни билдиришга, уларнинг барчасига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат ва фаровонлик тилашга руҳсат бергайсизлар.

Шу борада бир фикрга алоҳида урғу бериб таъкидламоқчиман: ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади.

«Нуруний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ходимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш бўйича қўшимча зарур чоралар кўрилади.

Яратганнинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, кадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, сеvimли қизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз.

Шу сабабли оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ана шу заҳматқаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Шу мақсадда ҳукуратимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Бугунги кунда **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»** деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур.

Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қискартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш – ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.

Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни **«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади»**.

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман.

Сайловчилар билан учрашувларда нафақат тадбиркорлар, балки аҳоли-мизнинг кенг қатлами ана шу талабни қатъий қўллаб-қувватлаганига шахсан ўзим чуқур ишонч ҳосил қилдим.

Бешинчидан, биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича биз аниқ чора-тадбирларни режалаштирганмиз ва улар албатта амалга оширилади.

2017 йилдан бошлаб аҳолини, авваламбор лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрглари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар қаторига киради.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўлинмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор.

Бу масалада куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги раҳбар кадрлар тўлиқ янгиланди ва айтиш мумкинки, уларнинг таркиби кучайтирилди.

Барчангизнинг хабарингиз бор, дори воситалари ва тиббий буюмларга нархларни шакллантириш тизimini такомиллаштириш бўйича кейинги пайтда аниқ чоралар кўрилмоқда ва биз бу ишларни катъий давом эттирамиз.

Бу борадаги ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, 2017–2021 йилларга мўлжалланган 15 та мақсадли дастурнинг айримлари қабул қилиниб, уларнинг ижросига киришилди ва яқин вақт ичида шу йўналишдаги бошқа дастурларнинг барчасини тасдиқлаш бўйича ишлар тўлиқ якунланади.

Мазкур дастурларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштириб туради. Яъни, улар яқин 5 йилда аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, замонавий муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга доир бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилади.

Олтинчидан, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.

Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман.

Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас.

Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз.

Хаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами» деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам каторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз.

Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан, бизнинг орзу-интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамни ҳайратга солади.

Биз барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтишимиз даркор. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, илгари ҳам айтганимиз каби, ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур бўлади.

Бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб, бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш даркор.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.**

Шу муносабат билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим.

Айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва иқтисодий тармоқлари раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг Президент хузурида шахсий ҳисоботини эшитиш амалиёти янгитдан жорий этилади.

Ҳукуматга, ҳокимликларга сайловчилар ва аҳолининг кенг катламлари вакиллари билан учрашувлар якунлари бўйича 2017–2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш борасидаги муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни вазирлик ва идоралар билан биргаликда сўзсиз амалга ошириш топширилади.

Бугунги кунда нафақат Бош вазирнинг электрон почтаси ва қабулхонасига, балки Президент номига келиб тушаётган фуқароларнинг қонуний мурожаат ва шикоятларини батафсил ўрганиш ва уларда кўтарилган масалаларни ечиш бўйича ишларни фаол давом эттириш ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Айни шу масалада уларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса – биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг учта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомни талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Албатта, биз режалаштираётган барча ўзгаришларнинг ниҳоятда кўпқиррали ва ўта муҳим эканини мен чуқур тушунаман.

Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгилашиш моделимизни қатъий амал-

га оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади.

Бу стратегия давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни қамраб олади.

Халқимиз билан доимий мулоқот қилишга доир талабни амалда бажариш учун ушбу Стратегияни қабул қилишдан олдин уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб, эл-юртимиз ўртасида кенг муҳокама қилишни таклиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳокамалар халқимиз манфаатларини янада тўлиқ инобатга олиш учун хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бу, биринчи навбатда, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан юксак даражадаги шахсий масъулиятни, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва тўлиқ бажаришни талаб этади.


Шу муносабат билан бир таклиф киритмоқчиман. Яъни, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги ва жорий йилнинг 8 сентябрдаги қўшма мажлисларида таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, унга қўшимчалар киритиш лозим. Бу – кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Умид қиламанки, бугунги мажлисимизнинг иккинчи қисмида Бош вазир лавозимига кўрсатиладиган янги номзод ушбу дастурнинг яқин ва узок истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари ва устувор вазифалари тўғрисида ахборот беради.

Бу борада асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Биринчидан, иқтисодийтимизда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорлик ва миллий валютамизни янада мустаҳкамлашни таъминлаш.

Иккинчидан, мамлакатимиз ҳудудларини, яъни шаҳар, туман ва маҳаллаларни, айниқса иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш.



Учинчидан, аҳолининг реал даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Хукумат ва шахсан унинг янги раҳбарияти фаолияти самарасини биз айнан шу мезонлар асосида баҳолашимиз зарур.

Шу мақсадда яқин кунларда Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тўзилмаси қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бундай ўзгартиришлардан асосий мақсад – тўпланган тажриба асосида ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли янги вазифаларга мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг энг оптимал ва самарали тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ана шу тизим марказида нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истикболдаги муҳим вазифалар туриши керак.

Олдимизда марказий бошқарув органлари – Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, божхона тизими ва бошқа идоралар фаолиятини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси ҳам турибди.

Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда уларнинг фаолияти бугунги ҳаёт ва иқтисодий ислохотлар талабларидан анча ортда қолмоқда. Шунинг учун биз бугунги йиғилишимизга барча йирик тижорат банклари раҳбарларини ҳам таклиф этганмиз. Уларнинг бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат.

Шу боис давлат банклари олдига қуйидаги вазифалар қўйилмоқда. Улар ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиши керак.

Шу мақсадда тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад беришни зиммасига олади.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, **банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади.**

Шунда одамлар боғдорчилик, чорвачилик, хунармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан

шуғулланиб, кичкина бўлса ҳам ўзининг корхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топади, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб, маҳалламиз, туманимиз ва шаҳримиз, вилоятимиз ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиз керак.

Мана, 2016 йил якунига етишига ҳам 15 кун вақт қолди. Биз йилни муваффақиятли якунлаш, белгиланган мақсадларга эришиш, янги – 2017 йилда мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва жадал ўсиш суръатларини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида барча воситаларни сафарбар этишимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятидан бу вазифаларни ҳар томонлама пухта бажаришни ва келгуси йил январь ойида ўтказиладиган Ҳукумат мажлисида бу ҳақда батафсил ҳисобот беришни сўрайман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз Асосий Қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юкланган.

Бунинг учун ҳар вазифани амалга ошириш зарур.

Биринчи вазифа – 2016 йил 7 декабрдаги тантанали мажлисда белгилаб берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш керак.

Хабарингиз бор, мен Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган ўша йиғилишда депутатлар ва сенаторларга бир таклиф билан мурожаат қилган эдим. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни таклиф этган эдим.

Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10–12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда ҳурматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

Иккинчи вазифа – «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур.

Шунинг учун кеча Олий Мажлис Сенати йиғилишида муҳим бир масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назорати тизимини яратиш мақсадида Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва бундан буён Сенатнинг тегишли қўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштирилади.

Учинчи вазифанинг аҳамияти ва муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман – қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур. Шунинг учун Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Мавжуд муаммоларни амалда ҳал этиш, шунингдек, аҳоли учун эркин меҳнат қилиш, мазмунли дам олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш бўйича ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш лозим. Айнан ана шу мезонлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимиз Конституциясининг 100- ва 101-моддалари талабларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин ва зарур. Шунинг учун ҳам 2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни бажариш учун **кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга** доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимооти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халакит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди.

Бундай ногўғри иш таксимотиға мутлако чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

Бу – замон талаби. Олдимизга қўйган мақсад-муддаоларға етиш учун бу ишларни ўзимиз килмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурға эға, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белги-ланган мақсадларға эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашға алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирға, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор.

Шу ўринда айтиш керакки, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазифани мутлако уддаламаяпти, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва ваколатларини ҳам такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дасгурларни амалға ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш борасидаги ролини ҳисобға олиб, бугунги кунда маҳаллий ҳокимликларға қўшимча ваколатлар бериш борасида тегишли таклифлар тайёрланмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ёндашув ва позицияси Конституция кунига бағишланган маърузада атрофлича баён этилгани сизларға яхши маълум.

Ана шу фикрларға қўшимча қилиб айтмоқчиманки, биз жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган

кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, кўшни давлатлар, шу билан бирга, халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз.

Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатган ишбилармонлар билан ҳамкорлик муносабатлари албатта давом эттирилади.

Бу борада янгитдан ташкил этилган Сенат қўмитасидан зиммасига юкланган вазифаларни изчил амалга ошириш талаб этилади.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Ҳозирги вақтда олдимизда нақадар улкан вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Биз Ватанимизнинг буюк келажагини сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Шу борада барчамизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИ ЭРКИН БИЛДИРИШИНИ ТАЪМИНЛАДИ

2016 йил 4 декабрь куни муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди ва Ўзбекистон халқи танлаган йўлига содиқлигини яна бир қарра намоён этди. Мамлакатимиз фуқаролари овоз беришда фаол иштирок этиб, юксак даражада сиёсий фаоллиги билан амалга оширилаётган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлашини яна бир мартаба кўрсатди.

Сайлов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципларига риоя қилган ҳолда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Шубҳасиз, сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши ва сиёсий ҳаётда, давлат ва жамият бошқарувида, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишининг асосий шаклидир. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирокини, сайлов ҳуқуқлари тўла амалга оширилишининг ишончли кафолатларини таъминлайдиган, демократия талабларига ва изчил таракқиётимизнинг шартларига жавоб берадиган замонавий сайлов тизимини яратиш истиклол йилларида татбиқ этилаётган мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг асосий устуворликларидан бирига айланди.

2016 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси партиялараро рақобат, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги тобора ошиб борган шароитда ўтказилди. Ўзбекистон кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш борасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш ва эркинлаштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Биринчи навбатда, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувлик мустаҳкамланиб бораётгани, иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари, аҳолининг фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифати мунтазам равишда юксалиб бораётгани бизнинг асосий ютуқларимиздир.

Айни вақтда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар ўтказилгани принципиал

аҳамиятга эга. Кишиларнинг тафаккурида, фуқаролик позициясида юз берган чуқур ўзгаришлар, уларнинг ўз Ватани тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бургани ушбу ижобий ўзгаришларнинг муҳим омили ва манбаига айланди.

Буларнинг барчаси давлат раҳбари сайловида катнашишга қарор қилган сиёсий партиялардан ўз ишларини янада юқорироқ даражага кўтаришни, улар томонидан кўрсатиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурларини такомиллаштиришни талаб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Унда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бундан ташқари, истиклол йилларида давлат раҳбари сайловининг бутун жараёнини тартибга солувчи қонунлар мажмуаси яратилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек бошқа қатор қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муқаррарлиги, самарадорлиги, биринчи навбатда, «ўзбек модели»нинг эволюцион хусусияти билан изоҳланади. Улар босқичма-босқич, изчиллик билан демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасида ҳам амалга оширилиб, бу унинг мустаҳкамлигини, барқарорлигини таъминлади. Шу билан бирга, бу вақт талаби ва ислоҳотларни чуқурлаштиришдан келиб чиққан ҳолда уни янада такомиллаштириш имконини берди. Тегишли вазифалар Олий Мажлис томонидан 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилди. Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлашувини кучайтириш, кўппартиявийликни мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, сайлов ҳуқуқи эркинлиги тамойилини янада тўлиқроқ амалга ошириш, сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларга сайловолди ташвиқотини амалга ошириш чоғида тенг шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, сайловда шаффофликни таъминлаш, ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш учун сайлов қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин эгаллайдиган, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни бошқа ҳокимият орган-

ларининг ҳеч қандай аралашувисиз таъминлайдиган конституциявий орган мақоми берилди. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик Комиссия фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиланди. Буларнинг барчаси сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлов демократиклигининг қафолатларини кучайтирди.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчиликка киритилган тузатишлар билан «сайловолди ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилди, унинг ўтказилиши шарт-шароитлари, турлари, шакллари ва усуллари қонунан мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу тузатишлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга соғлом рақобатли кураш давомида ўз сайловолди дастурларининг мазмунини, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларини ҳал қилиш бўйича ўз нуқтаи назарларини сайловчиларга етказиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди. Сайловолди ташвиқотига нафақат сайлов куни, балки овоз беришга бир кун қолганда йўл қўйилмаслигига оид меъёрлар мустаҳкамланди. Бундан ташқари, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов участкаларини қамоқда сақлаш жойларида тузиш жараёнларини тартибга соладиган нормалар ҳам ўз аксини топди.

Ўзбекистонда мазкур соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари адолатлик, очиқлик ва транспарентлик асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилишга, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партияларга, улар томонидан кўрсатиладиган Президентликка номзодларга эса сайлов кампаниясида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилгандир.

Марказий сайлов комиссияси бошчилигида қонун талабларига мувофиқ сайловни ташкил қилиш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил сайлов комиссияларининг қонунан мустаҳкамлаб қўйилган тизим миллий сайлов тизимининг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, барча даражалардаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва ҳар бир босқичдаги ҳамма тадбирлар қонунда, шунингдек Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастурида аниқ кўрсатиб ўтилган. Дастурда сайлов қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда аниқ вақт жадвали асосида барча тегишли тадбирлар ҳамда масъул тузилмалар кўрсатилган. Бу сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали ишлаши ҳамда сайлов жараёни

иштирокчилари – сиёсий партиялар, улар томонидан кўрсатилган Президентликка номзодлар ва бевосита сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиясини тузди. Уларнинг рўйхати сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар жамоатчилиқнинг обрўли вакиллари орасидан дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинди.

Агар округ сайлов комиссияларининг таркибига эътибор берсак, кўриш мумкинки, уларнинг 152 нафар аъзосидан 54,6 фоизи – ижтимоий соҳа, 19,7 фоизи – нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, 15,7 фоизи – ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари дир. Эътиборли жиҳати шундаки, округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56,6 фоизи илгари ҳам сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этган.

Округ сайлов комиссиялари шахсий таркибининг таҳлили кўрсатганидек, улар аъзолари умумий сонининг 23,4 фоизини ННТ етакчилари ва фаоллари ташкил қилади. 14 та округ сайлов комиссиясининг 7 тасида, яъни 50 фоизида ННТ вакиллари раис, 4 тасида раис ўринбосари, 6 тасида котиб лавозимларида фаолият кўрсатди. Округ сайлов комиссияларининг таркибида оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам (8 киши) бор эди. Хотин-қизларнинг округ сайлов комиссияларидаги вакиллиги 36,8 фоизни ташкил қилди. Сайлов комиссиялари раҳбарларининг 12 нафари хотин-қизлар дир. 2015 йилги Президентлик сайловида уларнинг округ сайлов комиссияларидаги улуши 15 фоиз, 2014 йилги парламент сайловида эса 8 фоиз бўлган.

Қонунга мувофиқ 9383 та сайлов участкаси, шу жумладан 14 – Тошкент шаҳар сайлов округига бириктирилган 44 та сайлов участкаси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилди. Участка сайлов комиссиялари шакллантирилди. Уларнинг шахсий таркиби халқ депутатлари кенгашлари тавсия қилган номзодлар орасидан тасдиқланди. Участка сайлов комиссиялари фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинди.

Участка сайлов комиссиялари таркибининг сифат таҳлили шундан далолат бериб турибдики, уларнинг умумий таркибида хотин-қизлар 47 фоиздан ортиғини ташкил қилади. Айни вақтда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 65 фоизидан зиёди олий, 27 фоизи ўрта махсус маълумотга эга.

69 фоизи илгари сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этган. Умуман олганда, сайлов комиссиялари аъзоларининг тайёргарлиги яхши, улар саводли ва жамоатчиликнинг сайловда ишлаш тажрибасига эга бўлган обрўли вакиллари орасидан танланган.

ННТ вакилларининг участка сайлов комиссиялари таркибидаги улуши 10 фоиздан зиёд. Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 17932 нафари маҳалла институти, 4870 нафари Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, 3355 нафари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, 2323 нафари қасаба уюшмалари вакиллари дир.

Округ ва участка сайлов комиссиялари зарур шарт-шароитлар, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа воситалари, шу жумладан Интернет билан тўла таъминланган замонавий биноларга жойлаштирилди.

Жисмоний имкониятлари чекланган фуқароларнинг овоз беришлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ҳар бир сайлов участкаси ногиронлар аравачалари учун йўлакча билан жиҳозланди. Бундан ташқари, овоз бериш кабиналарининг бири ногиронлар учун мўлжалланган эди. Қўзи ожиз фуқаролар учун Брайль алифбосида махсус сайлов бюллетенлари илк бор тайёрланди. Буларнинг барчаси жисмоний имконияти чекланган шахслар жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари ҳисобланишини инobatга олган ҳолда амалга оширилди.

Маълумки, участка сайлов комиссиялари фаолиятининг самарали ташкил қилиниши сайлов кампанияси сифатли бўлишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз сайлов участкаларини тайёрлашга, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини оширишга янада катгарок масъулият билан ёндашдик. Участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил қилишга қаратилган бир неча босқичли семинар-тренинглар дастури ишлаб чиқилди. Республика, вилоят ва туман миқёсида ташкил этилган мазкур тадбирларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича экспертлар иштирок этдилар. Участка сайлов комиссиялари аъзолари участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузиш хусусиятлари, овоз беришни ташкил қилиш ва ўтказиш, муддатидан олдин овоз беришни, сайлов кунини овоз беришни ташкил қилиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари каби долзарб масалалар бўйича ўз билимлари ва малакаларини оширдилар.

Шунингдек, миллий сайлов амалиётимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастурда истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизимининг, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳиятини ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини фуқароларга кенг тушунтириш ишларини олиб бориш назарда тутилди.

Тушунтириш тадбирлари давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар, очик мулоқотлар, конференция ва тренинглар, шунингдек оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва кўрсатувлар, турли рисоалар, флаерлар ва бошқа тарқатма материаллар тайёрлаш йўли билан амалга оширилди.

Сайлов мавзуси бўйича 30 дан зиёд номдаги ҳуқуқий адабиётлар кўп мингли нусхада чоп этилди.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар мамлакатимиздаги аҳолининг барча қатламлари ва хориждаги ҳамюртларимизни қамраб олди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ва электорал фаоллигини янада ошириш мақсадида турли акциялар ўтказиб келди.

103 минг 698 та бундай тадбир ташкил этилди, шу жумладан 17 минг 997 таси ОАВ орқали, 81 904 та давра суҳбати, семинар, конференция ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг тузилмалари томонидан хотин-қизларнинг сайлов жараёнидаги иштирокига бағишланган 47 584 та тадбир ўтказилди. Уларнинг 4 473 таси оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Тадбирларнинг 1 039 таси телевидениеда, 1 039 таси радиода ва 2 395 таси босма ОАВ ва интернет нашрларида ёритилди. 43 111 та тадбир учрашув, давра суҳбати ва семинар шаклида ўтказилди.

Сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказилган тарғибот тадбирларида бир сайловчи бошқа бир неча сайловчилар учун овоз берадиган «оилавий овоз бериш», ўзгалар учун овоз бериш каби салбий ҳолатларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда шу йўналишда сайловчилар, округ ва участка сайлов комиссиялари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирокида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан шу мавзуда тарғибот материаллари 100 минг нусхада тайёрланиб, аҳоли гавжум масканларда ва транспортда жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг

мазмун-моҳиятига бағишланган 871 та тадбир, шу жумладан 365 та брифинг, 111 та давра суҳбати, 82 та семинар, 313 та тақдимот тадбири ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси элчихоналарининг веб-сайтларига 11 606 та ахборот материали ва хабар жойлаштирилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи барча тўртта сиёсий партия Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этди ва уларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди. Бу Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидир. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ўтказилган курултой ва съездларида амалга оширилди.

Номзодларни қўллаб-қувватловчи имзолар тўпланди. Қонун бўйича ҳар бир сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари мамлакатимиздаги камида саккизта маъмурий-худудий тузилма намояндаси бўлган сайловчилар умумий сонининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда имзоларини қамраб олиши зарур. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин эди. Имзо варақалари зарур ҳужжатлар билан бирга сиёсий партиялар томонидан номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси белгиланган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни текшириб, уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлиги бўйича хулоса берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилган ишчи гуруҳлари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини ўрганди.

28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва уларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

2016 йил 28 октябрь – 2 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ уларга сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот восита-

ларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратилди. Ҳар бир номзодга «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» республика телерадиоканалларида 638 дақиқадан эфир вақти, 12 та маҳаллий телерадиоканалда 206 дақиқадан ва «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан эфир вақти, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан ва «Овози тоҷик» ҳамда «Нурлы жол» газеталарида 5 саҳифадан босма майдони, 30 та минтақавий газетада 55,5 саҳифадан босма майдони бепул тақдим этилди. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари қарорлари билан яна қўшимча равишда ҳудудий газеталарнинг 30 саҳифасидан бепул тақдим этилди.

Сайловчиларни номзодларнинг сайловолди дастурлари, таржимаи ҳоли билан оммавий ахборот воситалари орқали ва номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларда бевосита таништириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Турли миллат вакилларига мансуб фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тожик тилидаги «Овози тоҷик», «Овози Самарқанд», қozoқ тилидаги «Нурлы жол» газеталаридан бепул нашр майдонидан фойдаланди. Умуман олганда, сайлов кампанияси жараёнлари ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларида 17 тилда чоп этилди. Бундан ташқари, корейс тилидаги «Корё Синмун», «Тхонил – Единство», арман тилидаги «Апага» каби нашрлар ҳам ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз муштарийларини ушбу жараёнлар тўғрисида бохабар қилди.

Барча сайлов округларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ва ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Тенглик ва адолат тамойилларига асосланиб, округ сайлов комиссиялари жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил қилиш учун тенг шарт-шароитлар ва имкониятлар яратди. Бунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилди, номзодларнинг учрашувлари видеоконференцалоқа режимида ўтказилди ва сайловчиларнинг кўп сонли аудиторияларини қамраб олди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларини бериш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари, номзодларнинг учрашувлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида трансляция қилинди. Бу ҳам сайловчилар доирасини анча кенгайтириш имконини берди. Умуман олганда, Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари 846 та ана шундай учрашув ўтказдилар, учрашувлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди.

Сайловолди мазмунидаги босма маҳсулот имкониятларидан ҳам фойдаланилди: номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари акс этган рисоалар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида умумий тиражи 392 минг нус-

хада, плакатлар умумий тиражи 492 минг нусхада чоп этилди. 2 668 та реклама воситасида ва 36 та электрон мониторда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди материаллари, ахборот роликлари жойлаштирилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу жараён мониторинг қилиб борилди. Номзодларнинг сайловолди кампаниясини ОАВда ёритиш мониторинги натижалари кўрсатганидек, берилган эфир вақти номзодларга ўз сайловолди дастурлари ҳақида сайловчиларга батафсил ҳикоя қилиш учун етарли эди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари 5 ҳафталик сайловолди ташвиқоти вақтида ОАВ имкониятларидан тўлиқ ҳажмда ва самарали равишда фойдаландилар. Номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари сайловолди дастурларидаги мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш масалаларига доир қарашларни сайловчиларга етказишга қаратилди. Оммавий ахборот воситалари номзодларга тақдим этилган эфир вақти ва босма майдонидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиб берди.

Бутун сайлов кампанияси мобайнида ОАВ барча номзодлар учун тенг имкониятлар яратиш принципига амал қилди. Хусусан, «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеканалларида номзодлар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод 10 соат 38 дақиқа, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан номзод – 7 соат 48 дақиқа 10 сония, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод – 10 соат 38 дақиқа, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод 10 соат 38 дақиқа текин эфир вақтидан фойдаланди.

13 та маҳаллий телеканалда ҳар бир номзодга жами 2 758 дақиқадан ёки 45 соату 58 дақиқадан эфир вақти ажратилган эди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод 45 соат 51 дақиқа, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан номзод – 39 соат 38 дақиқа, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод – 45 соат 50 дақиқа 30 сония, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод 45 соат 12 дақиқа текин эфир вақтидан фойдаланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти учун текин ажратилган босма майдони имкониятларидан ҳам самарали фойдаланди. Мисол учун, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар 6 саҳифадан,

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод 4 саҳифа босма майдонидан ҳар бир нашрда фойдаланди.

«Нурлы жол» ва «Овози точик» газеталарида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар 5 саҳифадан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод эса тегишинча 4 ва 3,5 саҳифа босма майдонидан ҳар бир нашрда фойдаланди.

30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзодга жами 85,5 саҳифадан босма майдони ажратилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод 73,4 саҳифа, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод 72,1 саҳифа, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод 73,7 саҳифа, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод 70,7 саҳифа босма майдонидан фойдаланди.

Шундай қилиб, сайловолди ташвиқотини ўтказиш вақтида барча номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш бўйича қонун ҳужжатларининг барча талабларига ОАВ томонидан риоя этилди. Бундай кенг қўламли ишлар натижасида сайловчилар номзодларнинг сайловолди дастурларида назарда тутилган қоидалар ва вазифалар билан чуқур танишиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчидан 17 миллион 951 минг 667 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Сарвар Садуллаевич Отамуратовни ёқлаб 421 минг 55 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи овоз берди, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевни ёқлаб 15 миллион 906 минг 724 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи овоз берди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни ёқлаб 669 минг 187 нафар сайловчи ёки 3,73 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Ма-

житович Умаровни ёқлаб 619 минг 972 нафар сайловчи ёки 3,46 фоиз сайловчилар овоз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг барча босқичлари ва тадбирларида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда 2016 йилги Президент сайлови бўйича сайлов кампаниясини ҳар томонлама ва ҳолисона ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Жаҳон» ва «UzReport» ахборот агентликлари билан икки томонлама битимлар тузилди.

Битимлар сайлов жараёнини тартибга соладиган миллий қонунчиликни аҳоли орасида кенг тушунтиришни ҳам назарда тутган эди. Ушбу битимлар доирасида босма ОАВ да «Сайлов – 2016» («Выборы – 2016»), «4 декабрь – сайлов куни» («4 декабря – день выборов») деб номланган махсус рукнлар, шунингдек «Ўзбекистон» телерадиоканалида «Сайлов – демократия кўзгуси» («Выборы – зеркало демократии»), «Марказий сайлов комиссияси хабарлари», «Новости Центральной избирательной комиссии», «The Central Election Commission's News» деб номланган кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилди. Улар орқали Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари ва мазмун-моҳияти тушунтирилди, жамоатчилик сайлов кампаниясининг барча босқичларидан ўз вақтида хабардор қилинди. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда малакали ҳуқуқшунослар, сайлов ҳуқуқи бўйича олимлар, экспертлар, парламентимиз, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий ва ҳудудий телеканалларида участка сайлов комиссиясининг иши, ваколатлари, сайлов кунидаги фаолияти, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафо-

латлари, Президент сайловининг ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамияти институтларининг сайловдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВнинг сайлов кампанияси очиклиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли, халқаро сайлов стандартлари, овоз бериш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартиби тўғрисида роликлар, ўқув фильмлари намойиш этилди.

Нодавлат оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кирувчи ОАВ ҳамда ахборот-таҳлилий интернет нашрлари сайлов жараёнини ёритишда фаоллик намоеън этди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланилди: округ сайлов комиссияларининг аъзолари иштирокида Марказий сайлов комиссиясининг онлайн мажлислари, онлайн брифинглар, шунингдек матбуот марказлари вакиллари ва маҳаллий журналистлар иштирокида онлайн семинарлар ўтказилди. Интернет, ташқи реклама, транспортдаги реклама, СМС хабарлари имкониятларидан жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш учун фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси эълон қилинган кундан эътиборан Марказий сайлов комиссияси ўзининг 14 та мажлисида 68 та қарор, шу жумладан округларни тузиш, комиссияларни шакллантириш, номзодларни рўйхатга олиш, халқаро кузатувчилар ва журналистларни аккредитация қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Сайлов тўғрисидаги қонунлар талабларига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтига (www.elections.uz) сайлов кампаниясига тааллуқли барча қарорлар, низом ва йўриқномалар, хабар ва янгиликлар тезкорлик билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштириб борилди. Сайлов кампанияси бошланганидан эътиборан сайтга 1 475 дан зиёд ахборот, фото- ва видеоматериаллар жойлаштирилди. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари веб-сайтларининг иши йўлга қўйилиб, уларда ҳам мунтазам равишда сайлов билан боғлиқ материаллар акс этди.

Матбуотда ва ахборот агентликларининг веб-сайтларида долзарб мавзуларда, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва хабардорлигини оширишга қаратилган мақола, интервью ва ахборот материаллари мунтазам равишда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари фаолият кўрсатиб, у ерда мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун барча зарур шароитлар яратилган эди. 2016 йил 30 ноябридан 5 декабргача

«Пресс-клуб: Сайлов – 2016» очилди. Лойиҳа фуқаролик жамоат ташаббуси ҳисобланади. Ушбу мультимедиа майдончаси Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан мамлакатнинг катор босма ва интернет нашрлари, теле- ва радиоканаллари билан бирга яратилди. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан онлайн алоқа ўрнатилди. Пресс-клуб ишлаши доирасида ўн бешта ҳудудий нодавлат телестудиялари билан уланишлар ташкил этилиб, бундан бутун мамлакат сайлов участкаларидан тўғридан-тўғри репортажлар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида ҳолисона ахборот мазмунини шакллантириш учун фойдаланилди.

Пресс-клуб фаолияти доирасида турли тадбирлар, шу жумладан Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, диний конфессиялар ва фуқаролик жамияти вакилларининг, халқаро кузатувчиларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси вакилларининг брифинглари ва чиқишлари бўлиб ўтди.

Президент сайловини 615 та миллий ва 272 та хорижий оммавий ахборот воситаси, шу жумладан 315 та хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналисти иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 та матбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материали эълон қилинди, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилди. Сайлов куни овоз бериш бориши ҳақидаги онлайн брифинглар давлат ва нодавлат телеканалларда, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри трансляция қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан ҳамда 5 та халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотидан 600 нафарга яқин кузатувчиси кузатиб боргани сайлов кампанияси демократия талаблари асосида очиқ ва ошқора ўтганлигининг ёрқин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партияларнинг 37 мингдан ортиқ кузатувчиси ҳам иштирок этди.

Умуман олганда, яқун ясаб шуни таъкидлаш жоизки, сайлов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг ка-

фолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ўтди ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига риоя қилган ҳолда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлади.

Халқаро ташкилотларнинг ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари, чет эл журналистлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан ўз фикрлари ва баҳоларини бевосита сайлов участкаларида, хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган кўплаб интервьюларида, кузатиш яқунлари бўйича брифинглар ва матбуот анжуманларида баён қилдилар.

Ушбу тўпламда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан ташриф буюрган айрим кузатувчиларнинг, хорижий журналистларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳусусидаги фикр-мулоҳазалари берилган.

*М. Абдусаломов,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси*

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ

I. ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН МУСТАҲҚАМ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛИШINI ТАЪМИНЛАДИ

**Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ кузатувчилари миссияси
раҳбари:**

– Мен шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, сайлов жунланди ва бу энг муҳимдир. Сайлов участкаларида биз гувоҳи бўлган манзара Ўзбекистоннинг сайлов учун масъул тузилмалари сайловга пухта тайёргарлик кўрганини яна бир бор исботлайди. Барча сайлов участкаларида байрамона кайфият ҳукм сурарди.

Энг асосийси, сайловчиларнинг кайфияти бизга манзур бўлди. Биз сайловни кузатиш чоғида улар билан, шунингдек сайлов комиссиялари аъзолари, маҳаллий кузатувчилар билан мулоқотда бўлдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан кўйилган йўл давом эттирилиши уларнинг барчаси учун муҳимдир. Тинчлик ва барқарорликни ўзида ифодаловчи бу йўл Ўзбекистоннинг янада ривожланиши ҳамда ютуқ ва муваффақиятга эришиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ишончим комилки, бугун бўлиб ўтган сайловни бемалол очик, демократик ва, энг аввало, Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига жавоб берадиган сайлов деб айтиш мумкин. Сайловнинг уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги, тинч ва осойишта ўтганлиги, сайловга кўрилган пухта тайёргарлик ҳозирнинг ўзида Ўзбекистон фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланди, деб таъкидлаш учун бизга замин яратиб беради.



*Сергей Лебедев: «Повсюду царила праздничная атмосфера»
//<http://www.ut.uz/ru/eshyo/vybory-2016/sergey-lebedev-povsyudu-tsarila-prazdnichnaya-atmosfera/>*



Экхард ПРИЛЛЕР, Фуқаролик жамияти институти директори (Германия):

– Юртингизда Президент сайлови Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўла мувофиқ равишда ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу давлат конституциявий тизимнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистонда фуқароларнинг муҳим сиёсий жараёнларда ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ахамияти ошиб бораётгани қувонарлидир. Мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти инсон манфаатларини ҳимоя қилишда, хусусан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, сайлов органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда ўз ўрнига эга экани демократик ислоҳотларнинг ҳаётийлигидан далолатдир.

*Сайловлар – демократик,
ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси // «Халқ сўзи»,
2016 йил 3 декабрь*



Ги Оливье ФОР, Париж V Сорбонна университети профессори (Франция):

– Сайлов – мамлакатингизнинг сўнгги йилларда бораётган демократик тараққиёт йўлининг ажралмас таркибий қисмидир. Сайлов кампаниясини юқори даражада, ошқоралик ва рақобатбардош кураш руҳида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг талабларига катъий мувофиқ равишда ташкил қилиш бўйича амалга оширилган улкан ишлар менда катта таассурот қолдирди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жиҳатлари жаҳоннинг ушбу соҳадаги демократик андозалари қоидаларига жавоб берадиган миллий қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилган.

*Слово – международным наблюдателям //
«Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь*

Валериус СИМУЛИК, Литва Сейми депутати:

– Мен Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Мамлакатингизда аҳолининг фуқаролик фаоллигини ошириш борасида ижобий ўсиш кузатилмоқда. Бу галги сайловда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш имконини бериш мақсадида аҳолининг кенгроқ қатламларини қамраб олишга катта эътибор берилмоқда. Сайлов участкаларида кўзи ожиз фуқаролар учун бюллетенлар мавжуд. Бу катта ютуқ. Масалан, Литвада овоз бериш жараёнида жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг яқинлари уларга ҳамроҳлик қилади ҳамда у ёки бу кишига овоз беришларига ёрдам кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам ўз мамлакатимга қайтгач, мен ушбу ижобий тажрибани қўллашни таклиф қилмоқчиман.



Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида, <http://jahonnews.uz/ru/aktualno/626/28839/>

Ли Жи ЁН, Хангук хорижий тиллар университетининг «Марказий Осиё» кафедраси мудири (Корея Республикаси):

– Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун ўнлаб давлат ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари келган. Улар ушбу сайлов қандай ўтганини ўз мамлакати ва бутун дунёга ёяди. Бу тадбир натижалари Ўзбекистон учун, халқингиз учун хайрли бўлишини, мамлакатингиз янада улкан муваффақиятларни қўлга киритишини тилайман.



*Сайловчилар фаоллиги – демократик
ислохотлар ифодаси // ЎЗА,
2016 йил 4 декабрь*



Анатолий САВЧУК, «Актам» туристик компанияси раҳбари (Беларусь):

– Бу галги сайлов кампанияси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилди, барча тадбирлар ва жараёнлар очик, ошкора бўлди ва юксак демократик даражада ташкил этилди. Улар холислик ҳамда халқаро нормалар ва қоидаларга амал қилиш тамойилларига жавоб берди. Сайлов участкалари барча зарур ашёлар билан таъминланди, округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари маҳсус тайёргарликдан ўтди ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратди.

*Мнения международных наблюдателей//
«Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь*



Ким Ёи ХИ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси бош қотиби:

– Биз участка сайлов комиссиялари аъзоларининг оилавий овоз бериш амалиётига йўл қўймаслик катта нияти борлигини кўрдик. «Бир киши – бир овоз» – бу демократиянинг асосий тамойили.

Сайлов куни биз Тошкентда битта участкага ва Бухорода учта участкага бордик. У ерда ишлар лозим даражада ташкил этилган, ҳам овоз берувчилар, ҳам участка сайлов комиссиялари аъзолари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мен эътибор бердим, участкаларда сайловчиларнинг шундай юқори фаоллигида узоқ навбатда туриш ҳолатлари бўлмади. Яъни участка сайлов комиссияларининг аъзолари ўз ишларини профессионал ва тез бажардилар.

Шундай қилиб, мен сайлов жараёни самарали ташкил қилинди, деган хулоса қилдим.

*Миссия ВАИО: «Избирательный процесс организован эффективно»//
http://news.uzreport.uz/news_2_r_146598.html*

◆

Дэн БАРТОН, АҚШ Конгрессининг собиқ аъзоси, Европа ва Евросиё масалалари бўйича ташқи муносабатлар қўмитаси қошидаги шўъба раиси:

– Мен Тошкент шаҳрининг учта сайлов участкасида бўлдим. Уларнинг барчасида тайёргарлик юксак даражада амалга оширилган: улар барча зарур техник ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган, сайловчиларга қулайликлар яратилган, жисмоний имконияти чекланган кишиларга алоҳида эътибор қаратилган, «Она ва бола» хоналари, тиббий пунктлар ишлаб турибди. Соғлиғи ҳолати бўйича сайлов участкасига келолмаган фуқароларга сайлов комиссияси ходимлари овоз беришни уйда ташкил қилиши менда катта таассурот қолдирди. Бундай ёндашув ҳурматга лойиқдир, чунки у барча фуқароларга ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш имконини таъминлайди.

Умуман олганда, Президентлик сайлови ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтмоқда. Ишончим комилки, унинг яқунлари Ўзбекистоннинг демократия йўлида илгарилаб боришига хизмат қилади.

Халқаро экспертлар: «Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланган»// «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



◆

Магди ЗАЪБАЛ, Заказик университетининг илмий тадқиқотлар маркази директори (Миср):

– Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни кадрлаيمиз. Бугун мамлакат сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа барча соҳаларда тараққиёт йўлидан бормоқда. Адолатли ва эркин сайлов мамлакатнинг демократик жиҳатдан ривожланганлигининг аксидир. Биринчи Президент Ислам Каримов ҳуқуқий давлат ҳамда билимли ва тараққий-парвар жамият барпо этилишини қўллаб-қувватлади. Танланган номзод ортида мамлакатнинг келажаги, фуқароларнинг фаровонлиги ётибди. Давлатнинг энг юксак лавозимига кўрсатилган барча номзодлар учун даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио орқали чиқишлар қилиш учун тенг шарт-шароитлар ва имконият-



лар яратиб берилди. Бу Ўзбекистоннинг демократик кадриятлар ва стандартларга содиқлигидан далолат беради.

*Мнения международных наблюдателей//
«Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь*



Хейла Хамад АЛЬ-МЕКЕИМИ, Кувайт Ахборот вазирлиги Давлат котибининг юридик масалалар бўйича ёрдамчиси:

– Президент сайлови мамлакатнинг келажагини белгилаб олишда, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий ривожланишини изчил давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Сайлов жараёнида 46 мамлакатнинг ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари иштирок этганлиги Ўзбекистонга билдирилган катта эътибор ва қизиқишнинг амалдаги исботидир. Биз пресс-клубга ташриф буюрдик, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдик. Сайловолди кампаниясининг юксак даражада ташкил этилганлиги энг муносиб номзодни сайлашга кўмаклашиб, Президент сайлови эркин, очиқ ва ошқора ўтишидан дарак беради.

Высокий уровень подготовки и проведения выборов// «Uzbekistan today» АА, 2016 йил 2 декабрь



Фумихико КАТО, «Petroleum commercial» миллий ассоциацияси президенти маслаҳатчиси (Япония):

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида сайловларни миллий ва халқаро андозаларга мос тарзда ташкил этиш бўйича катта тажриба орттирди. Сайловларни кўппартиявийлик асосида, очиқлик, ошқоралик, демократия руҳида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тадбирларининг давлат томонидан молиялаштирилиши бу жараёнда қонунбузилишларининг олдини олиш, ҳар бир сайловчининг ўз ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, адолат устуворлигига эришишга хизмат қилади.

*Сайлов юқори савияда ўтади // ЎЗА,
2016 йил 3 декабрь*

—◆—

Давид ГЕЕРТС, Бельгия парламенти Вакиллар палатаси аъзоси:

– Ўзбекистон давлатчилиги мустаҳкам пойдеворга эга. Ижтимоий-иқтисодий йўналиш мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг энг асосий мақсади сифатида белгилаб олинган, бу эса мамлакатнинг ривожланишида, халқнинг равнақ топишида муҳим роль ўйнайди.

Самарқанд ва Бухорода бўлиб, биз Ўзбекистон тарихи билан ҳам танишдик, мамлакат бугун қандай ҳаёт кечириётганини кўрдик. Амир Темури, Мирзо Улуғбек каби буюк олимлар ва давлат арбобларининг мероси билан танишдик. Бугунги тараққиёт шонли тарихингизнинг давоми эканлигига амин бўлдик. Бунда, албатта, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хизматлари буюқдир.

Сайлов тизими ва сайлаш жараёни барча талабларга жавоб беришини кузатдик. Ушбу муҳим сиёсий воқеадан сўнг Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига кўтарилишига ишончимиз комил.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига кўтарилмоқда // «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



—◆—

Ежи ШУКАЛЬСКИ, Люблин университети профессори (Польша):


– Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг барқарор ҳамда тинч тараққий этиши Европа учун катта қизиқиш уйғотади, чунки биз мамлакатингиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт модернизация қилинаётганлигини диққат билан кузатаяпмиз. Бугунги сайлов республика учун муҳим воқеага айланди, ахир сайлов яқунлари давлатнинг кейинги бир неча йилдаги янгиланиш истиқболларини белгилаб беради.

Бизни Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, Президентликка номзодлар учун яратилган шарт-шароитлар ва сайлов жараёнининг бошқа жиҳатлари билан батафсил таништирдилар. Ўз вақтида мен Ўзбекистон Конституцияси ҳақида илмий асар ёзгандим ва сайловлар Асосий Қомусингизда баён этилган нормаларга жавоб беришига ишонч ҳосил қилгандим.

Сайлов участкаларида биз гувоҳи бўлган манзара овоз бериш белгиланган тартибда ўтганини тасдиқлайди, шу туфайли сайлов натижалари шубҳа туғдирмайди.

Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь





**Ирфан Улла ХОН, Исломобод шаҳар ҳокими ўрин-
босари (Покистон):**

– Ўзбекистон қисқа вақтда улкан тараққиётга эришди. Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик мухити тобора мустаҳкамланмоқда. Бунини Президент сайловига кўрилган тайёргарлик жараёнидан ҳам сезиш мумкин.

Сайловга катта тайёргарлик кўрилган. Участкаларда ходимлар, сайловчилар ва кузатувчилар учун барча шароит яратилган. Президент сайловига оид қонунларнинг халқаро меъёрларга тўла мослиги, халқингизнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги сайловнинг юқори савияда ўтишига ишонч туғдиради.

*Буюк инсон бошлаган улуг ишлар изчил
давом этишига ишонамиз// ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*



**Абдурахмон АЛЬ-ХАМИСИ, Миср Араб Республи-
каси ёзувчилари уюшмаси аъзоси:**

– Мен бундай муҳим ва масъулиятли даврда ўзбек халқи билан бирга бўлишдан бахтиёрман. Президент сайлови халқаро ҳуқуқий нормаларга, очиклик, кўппартиявийлик ва тенглик тамойилларига мувофиқ ўтаётганлигини қайд этиш қувонарлидир. Бунда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда сайловларда фуқароларнинг эркин ва шахсан иштирок этишини ҳамда яширин овоз беришда уларнинг ўз хоҳиш-иродалари ифода этилишини таъминлайдиган нормалар муҳим роль ўйнайди.

Сайлов участкаларида фуқаролар, айниқса аёллар ва имкониятлари чекланган одамлар учун яратилган шарт-шароитлар менда катта таассурот уйғотди. Жаҳоннинг ҳар бир мамлакатада ҳам сайловчиларга бўлган бундай эътиборни кўравермайсиз. Ўзбекистоннинг ҳар ерида тинч ҳолат ва тартиб ҳукм сурмоқда. Овоз бериш жараёни очик-ошкора мухитда бўлиб ўтмоқда.

Фикримча, сайлов якунлари мамлакатнинг жаҳонда «ўзбек модели» деб тан олинган сиёсий йўлдан боришига кўмаклашади. Республикада ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик мамлакат изчил ривожланишининг муҳим омилларидир.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА,
2016 йил 2 декабрь*

Ширин АКИНЕР, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми катта илмий ходими (Буюк Британия):

– Фукарлар нафақат ОАВ орқали, балки плакатлар ва баннерлар осилган жамоат жойларида ҳам ахборот олдилар, маълумотлар инфографикалар орқали ҳам бериб борилмоқда. Менга хабар беришларича, маҳаллий қозоқ халқи сайлов кампаниясининг бориши ҳақида ўз она тилида хабардор этилди.

Сайловнинг боришини Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида жойлашган 15-сонли сайлов участкасида кузатдим. Бу ерда имкониятлари чекланган инсонларнинг овоз бериши учун шарт-шароитлар яратилган эди, тиббиёт ҳамда «Она ва бола» хоналари иш юритаётган эди.

*Транспарентно и организованно//
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*



Майкл БРОДИ, АҚШ университети профессори:

– Сайлов ҳаққоний ўтганига ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлдик. Фукарлар юқори даражада шарт-шароит билан таъминлангани, уларнинг эркинлиги ва ўзига ишончи ҳар қандай одамни қувонтиради. Бу – ҳақиқий демократик жараён. Сайлов Ўзбекистоннинг келгусида янада тараққий этишига йўл очишига ишонамиз.

*Ўзбекистондаги тинчлик ва оқошталик
бардавом бўлсин//ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Мина Сингх РОЙ, Мудофаа ва стратегик тадқиқот институти илмий ходими (Ҳиндистон):

– Мени тўртта ҳолат хайрон қолдирди, аниқроғи лол қолдирди. Биринчиси – «Она ва бола» хоналари. Иккинчиси – тиббиёт хонаси. Учинчиси – бу кекса, имкониятлари чекланган ва касаллиги туфайли сайлов участкасига кела олмаган инсонларга бўлган муносабат. Бундай вазиятда участка сайлов комиссиялари аъзолари уларнинг уйларига бориб келганини кузатдик. Ва мени лол қолдирган тўртинчи ҳолат – бу муддатидан олдин овоз бериш имконияти-



дир. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, сайловчиларнинг юксак даражада фаоллигини таъминлайди.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Борис КАНДОВ, АҚШ ва Канада Бухоро яхудийлари конгресси президенти:

– Бугун Ўзбекистон кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи мамлакатдир. Мамлакатда ҳуқуқий давлат барпо этиш юзасидан кенг қўламли демократик ислохотлар ўтказилмоқда, кучли фуқаролик жамияти шаклланмоқда. Марказий сайлов комиссияси Президент сайловига тайёргарлик кўриш борасида катта ва сифатли ишларни бажарди. Кўп сонли экспертлар ва кузатувчилар, журналистлар таклиф этилди, очик ҳамда адолатли демократик сайлов ўтказилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда яратилган барқарор сиёсий тизим сайловнинг муваффақиятли ташкил этилишига кўмаклашади. Сайлов ўз вақтида, қонун ҳужжатларига катъий мувофиқ ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда ўтаётганлиги муҳимдир.

Президент сайлови халқнинг ва мамлакат раҳбариятининг умумий тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ҳокимиятнинг изчиллигини таъминлашга интилишидан дарак бермоқда. Бугун мамлакатда тинчлик ҳукм сурмоқда, Ўзбекистон нафақат мамлакат ичида, балки Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаб туради. Халқ Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти белгилаб берган ислохотларнинг босқичма-босқич моделини давом эттирадиган йўлбошчини сайлашига аминман.

Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей// «Народное слово», 2016 йил 5 декабрь



Лиза УИЛЬЯМС, «Williams & Carden» компанияси раҳбари (АҚШ):

– Мен учун айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш, ушбу буюк воқеанинг гувоҳи бўлиш катта шарафдир.

Мамлакатингиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун катта ишларни

амалга оширди. Бугунги кунда республикада мустахкам норматив-ҳуқуқий база шаклланган, жумладан Асосий Қонун – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган. Унда демократиянинг асосий тамойиллари мустахкамлаб қўйилган.

Бунда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари буюқдир. Ислом Каримов ўзидан кейин мустахкам сайлов қонунчилигини қолдирган буюқ йўлбошчи эди. Президент сайлови давомида мазкур сайлов қонунчилигига амал қилинади. Республикада 25 йил давомида ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик демократиядан дарак беради.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 2 декабрь



Герхард Гюнтер БИРКЛ, «Silk Road Company» компанияси директори (Германия):

– Мамлакатингизнинг сайлов қонунчилиги бугун халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Президентликка номзодларга ташвиқот учун тенг шарт-шароитлар яратиб берилган. Президент сайлови очик ва ошкора ўтказилмоқда. Ўзбекистондаги сайлов кампанияси ҳақида хорижда кўплаб ахборотлар тарқатилмоқда. Мен бўлган Қарши шаҳридаги барча сайлов участкалари қонун билан белгиланган тартибга мувофиқ иш олиб бормоқда. «Она ва бола» хоналарини ўзим учун ижобий амалиёт сифатида кашф этдим. Бундай тажриба Германияда ҳам қўлланса, ёмон бўлмасди. Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда янги ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Мамлакатнинг ғайрат билан ривожланиши учун муҳим бўлган тинчлик ва барқарорлик энг катта ютуқдир.




Халқаро кузатувчилар: «Сайлов юксак демократик тамойилларга жавоб беради» // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 декабрь



Андре РИШАР, Қуйи Рейн департаментидан сенатор, Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси аъзоси (Франция):

– Ўзбекистонда Президент сайловига юксак даражада тайёргарлик кўрилган. Бу мамлакатингизда сайлов қонунчилиги халқаро стандартларга мувофиқ келишидан ва сайлов тажрибаси тўпланганидан дарак беради. Агар бошқа мамлакатларнинг сайлов тизими, сайловолди ташвиқоти



билан таққосласак, Ўзбекистонда икки жиҳат эътиборимни тортди. Биринчиси – ногиронлар ва сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун яратилган қулайлик. Иккинчиси – участкаларда фаолият юритаётган «Она ва бола» тиббиёт хоналари.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» инфор­мацион дастурига интервьюдан*



Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгиянинг фахрий сенатори:

– Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз ва мамлакатингизда яна бўлишдан жуда мамнунмиз. Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни кузатиб бораёпмиз. Тадрижий ривожланишнинг «ўзбек модели» асосида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва иқтисодиётда ислохотлар қадамма-қадам амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамияти салоҳияти Сайловдан сайловгача мустаҳкамланмоқда, сайлов тизими такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон демократик ривожланишининг ўзига хослиги шундаки, ислохотлар миллий ўзига хос хусусиятларни ва тўпланган миллий тажрибани инobatга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Айни вақтда Европада эса кўпчилик мамлакатлар миллий ўзига хослигини аста-секин йўқотиб бормоқда. Ишончим комилки, сайлов муваффақиятли ўтади ва Ўзбекистон халқи ислохотларни давом эттириш йўлини танлайди.

*Важное направление сотрудничества
//«Народное слово», 2016 йил 3 декабрь*



Мордехай КИМЯГАРОВ, «Мерказ Асия – Исраэль» жамоат ташкилоти раиси (Исроил):

– Бизнинг мамлакатимиздан Ўзбекистон Президенти сайловига етти нафар кузатувчи ва икки нафар журналист ташриф буюрди. Бу мамлакатингизда бўлиб ўтаётган тадбирга ва ўзгаришларга катта қизиқиш борлиги билан изоҳланади. Боз устига, бу галги сайлов тарихий нуқтаи назардан жуда муҳим сайловдир. Сайлов юсак даражада ўтказилишида ҳам бу сезилиб турди. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сайлов соҳасида катта тажриба тўплади ва долзарб янги жиҳатларни



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI
BO'YICHA RESPUBLIKA MATBUOT MARKAZI

REPUBLICAN PRESS CENTRE
ELECTIONS OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN





муваффақиятли ўзлаштириб олди. Бундай ишончли амалиёт ўз самарасини берди. Сайлов ривожланган демократик мамлакатлар нормаларига мувофиқ ҳолда тўғри ва шаффоф тарзда ўтказилди. Бўлиб ўтган сайловда барча нозик тафсилотларга эътибор қаратилди. Сайловни ташкил этиш борасидаги тажрибангиздан кўплаб давлатлар фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

*Слово – международным наблюдателям//
«Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь*

◆

Хан ДАЧУАН, Хитой ижтимоий фанлар академияси бош котиби ўринбосари:

– Бухоро ва Тошкентдаги сайлов участкаларида яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди. Президент сайловининг кўтаринки руҳда ўтгани эътиборимни тортди. Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари тенг, адолатли олиб борилган. Сайловчилар ва номзодларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ таъминланган. Сайловнинг муваффақиятли яқунланиб, мамлакат ўзи танлаган йўл – «ўзбек модели» асосида бундан ҳам улкан марраларга эришишига ишонамиз.



*Ўзбекистон сайловларга доим юқори даражада
тайёргарлик кўрган//ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*

◆

Джасим Иса АЛЬ-МУТАБА, Шаржа амирлиги Савдо-саноат палатасининг МДХ давлатлари билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси (БАА):

– Мен халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассисман. Ўзбекистонга келишдан аввал мамлакатнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқдим. Унда демократик тараққиётнинг асосий негизлари акс этган. Ўзбекистон жуда қисқа даврда Президент сайловини ташкил этишга муваффақ бўлди, чунки мамлакатдаги сиёсий вазият барқарор, халқ барча соҳаларда ислохотлар давом эттирилишига ишончи қомил. Ўзбекистонда



халқаро кузатувчиларнинг аввалги сайловлар якунлари бўйича тавсияларига ижобий ва самарали муносабат билдирилди ҳамда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилди. Кузатиш чоғида биз янги қоидаларнинг амалиётда рўёбга чиқарилишини кўраимиз.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ёшлар» телерадиоканалига интервьюдан*



Эко Шри МАРГИАНТЕ, Гунадарма университети ректори (Индонезия):

– Президент сайлови – кучли демократик давлат барпо этишни давом эттириш йўлидаги муҳим босқичдир. Яхши йўлбошчининг ҳокимиятга келиши Ўзбекистон учун ҳам, бошқа мамлакатлар, шу жумладан Индонезия учун ҳам муҳимдир. Мамлакатларимиз ва халқларимиз доим яхши муносабатда бўлиб келган, самарали халқаро ҳамкорлик олиб борган. Ўзбекистонда мен биринчи бўлишим эмас. Республиканинг деярли барча шаҳарларида бўлдим. Бу галги сайлов юксак савияда ташкил этилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Бундай манзарани нафақат катта шаҳарларда, балки олис туманларда ҳам кўриш мумкин. Сайлов участкаларидаги тайёргарлик жараёнини кўрдим, барчаси яхши ўйланган, пухта ташкил этилган. Сайловчилар, журналистлар ва биз кузатувчиларга имкон қадар катта қулайлик яратиб бериш учун улкан ишлар амалга оширилган. Энг асосийси эса, бу сайловда иштирок этишга бўлган интилиш. Барча сайлов участкаларида ижобий ҳолат кузатилмоқда.

Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей // «Народное слово», 2016 йил 5 декабрь



Санжай Кумар ПАНДЕЙ, Россия ва Марказий Осиё бўйича тадқиқотлар маркази профессори (Ҳиндистон):

– Биринчи Президент Ислам Каримов раҳбарлиги остидаги мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Энг асосийси, Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни сақлаб қола олди.

Сайловлар – Ўзбекистон сиёсий етукликка эришганини кўрсатиш учун яхши имкониятдир. Шу сабабли бу галги сайлов ўзгача қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда ўзига хос сайлов амалиёти юзага келди. Мисол учун, сайлов кунин сайлов участкаларида «Она ва бола» хоналарининг ташкил этилганлиги ноёб ташаббус бўлиб, бундай амалиёт Ҳиндистон учун фойдали бўлиши мумкин. Кузатув чоғида мен Ўзбекистон сиёсий партияларининг мамлакат ҳаётидаги роли ва фаолиятини ўрганишни истардим. Парламентаризмни ривожлантириш тажрибаси қизиқиш уйғотади. Сафарим якунига етгач, бу ҳақда Ҳиндистон ОАВ учун бир қанча нашрлар тайёрлашни режалаштирдиман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида // «Халқ сўзи», 2016 йил 2 декабрь



Антонио Алонсо МАРКОС, Сан Пабло университети профессори (Испания):

– Бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови – мамлакатингиз сиёсий ҳаётидаги ўта муҳим воқеадир. Сайловнинг барча демократик талаблар ва нормаларга мувофиқ ҳолда ўтказилганлиги – кенг миқёсли ислохотларни олиб бораётган, охириги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини намойиш этаётган ва ўзини жаҳон майдонида тобора фаолроқ танитаётган республикани янада ривожлантириш йўлидаги навбатдаги жиддий қадамдир.

Хоразм вилоятининг сайлов участкаларида биз кузатган манзара сайлов юқори даражада ташкил этилганлигидан далолат беради. «Бир сайловчи – бир овоз» – ҳар кимнинг сайлов ҳуқуқлари тенглиги тамойилига мувофиқ барча фуқаролар овозларининг тенглиги таъминланди. Кўп марта сайлашнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Сайловчилар бюллетенларни яширин овоз беришга мўлжалланган кабиналарда бегона кўзлардан холи тўлдирдилар.



Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



—◆—

Евгений СЛОБОДА, МДХ кузатувчилари миссияси штаби бошлиғи:

– МДХ миссияси Ўзбекистонда ўтказилган сайловларни кузатишда бир неча маротаба иштирок этган. Марказий сайлов комиссияси томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида эътироф этишни истардим.

Жорий қилинган янгиликлар орасида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Унга мувофиқ жойларда кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Бу сайловни юксак савияда ташкил этиш учун шароит яратишга хизмат қилади.

МДХ кузатувчилар миссияси ўз фаолиятини бошлади // «Халқ сўзи», 2016 йил 19 ноябрь



—◆—

Рафаэль БУЭНО, «Casa Asia» институтининг сиёсий, ижтимоий ва таълим дастурлари бўйича директори (Испания):

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган модель асосида тараққиётнинг қисқа даврида улкан ижобий ютуқларга эриша олди. Улар орасида мамлакатда сақланиб қолган барқарорликни қайд этишни хоҳлардим. Бу минтақанинг ўзига хослиги инobatга олинса, улкан аҳамиятга эга. Шунингдек, иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланаётганлигини ҳам қайд этган бўлардим. Босиб ўтилган йилларда демократияни мустаҳкамлаш учун улкан пойдевор қўйилди. Эркин сайловлар институти, шаффоф сайлов тизими, кўппартиявийлик, парламентаризм шулар жумласидандир. Бўлажак Президент сайлови демократик тамойилларига мувофиқ барқарор ва ғайрат билан ривожланаётган давлат сифатида Ўзбекистоннинг кейинги ривожланишида навбатдаги муҳим босқич бўлади.

*Ўзбекистон Президенти сайловига бағишланган
Барселона конференцияси // «Жаҳон» АА,
2016 йил 15 ноябрь*

Бу ТИНГ, Шанхайнинг «The Paper» матбуот бюроси бош муҳаррири:

– Мен Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман. Мамлакатда юз бераётган демократик жараёнлардан, айниқса сайлов тизимидан хабардорман. Ушбу сиёсий жараёнда кузатувчи сифатида иштирок этдим. Бу ҳақда Хитой аҳолисини таништираётганиман. Бугун Самарқанддаги бир қанча сайлов участкаларига ташриф буюриб, тадбирга юксак даражада тайёргарлик кўрилганига, сайловчилар ва кузатувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганига амин бўлдим.

Сайловни очик-ошкоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтказиш учун жаҳон стандартларига мувофиқ келадиган усуллар қўлланилаётгани эътиборга лойик. Буюк ва беқиёс давлат арбоби, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ғоялари ва оқилона сиёсати асосида шаклланди демократик давлатда бундай юксак даражада сайлов ўтказилиши жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

*Международные наблюдатели о выборах Президента Узбекистана
http://news.uzreport.uz/news_2_r_146583.html, 2016 йил 4 декабрь*



Мария Людовика БОТТАРЕЛЛИ ТРАНКУИЛИ-ЛЕАЛЕ, «Европа хотин-қизлари лоббиси» ташкилоти италян бўлинмаси бош котиби:

— Ўзбекистонда аввалги сайловларда кузатувчи сифатида қатнашиб, Биринчи Президент Ислом Каримов бошчилигида замонавий демократик институтларнинг ҳуқуқий механизмларини шакллантириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар билан танишиш имконига эга бўлганман. Ўзбекистон фуқаролари сайлов қонунчилиги доирасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишиб бориши учун барча зарур чоралар кўрилган.

Европа фуқаролик жамияти ташкилотлари вакили, қолаверса, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш йўлида иш олиб бораётган киши сифатида шуни айтишим керакки, ўзбек аёлларининг сайлов комиссиялари ишида фаол қатнашишидан ҳар доим ҳайратланаман. Бундан ташқари, сайлов участкаларида ёш болали оналарга, умуман, ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун келган-



ларга биринчи тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Сайловда иштирок этаётган халқаро кузатувчилар орасида фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг кўплиги ҳам мамлакатингизда замонавий демократик давлатни барпо қилишга нечоғли катта аҳамият берилаётганидан далолатдир.

*Халқаро кузатув: амалиёт ва демократик андозалар//
«Халқ сўзи», 2016 йил 16 ноябрь*



Пьер-Эммануэль ТОМАНН, Халқаро алоқалар Европа институтининг геосийёсий тадқиқотлар бўйича директори (Бельгия):

– Бу галги сайлов кампаниясининг муҳимлиги шундаки, мазкур сайлов ҳокимиятнинг бошқа раҳбарга ўтказилиши билан боғлиқ. Ўзбекистонда Биринчи Президент Ислам Каримовнинг бевақт ўлиmidан кейин ўтиш даври бошланди. Бу даврда республикада барқарор вазият ҳукм сурди. Бу Ўзбекистон юз берган ўзгаришларга қарамай, сайловни ташкил этишга қодир қучли давлат эканлигини англатади. Мамлакатингиздаги вазият бевосита минтақадаги барқарорликка таъсир кўрсатади, сайлов ҳам бунда ўз аксини топади.

Ўзбекистонда энг яхши миллий тажрибани ҳамда халқаро кўникмаларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос сайлов кампанияси шаклланди. Мамлакат ўз тарихи ва тараққиёт устуворликларини ҳисобга олган ҳолда ўз моделига эга бўлишида бу муҳимдир. Ҳар бир давлат ўз йўлини танлаш ҳуқуқига эга. Асосийси, бутун сайлов кампанияси мамлакатингиз Конституциясининг низомларига, қонун ҳужжатлари талабларига ва халқаро стандартларга жавоб беради. Бу фуқаролар фаоллиги ошиб боришида кўринмоқда. Сайловчилар ўз мамлакатига, сайлов жараёнига, унинг қонунийлигига ишончлари қониқ ва Ўзбекистоннинг келажагини белгилашда иштирок этишни хоҳлашмоқда. Сайловчилар ўз овозлари ҳисобга олинишини биладилар.

*В атмосфере открытости, гласности и возросшей конкуренции// «Правда Востока»,
2016 йил 3 декабрь*

— ◆ —

Бернадет МИЛЛ, Лондоннинг Уолтхэм-Форест райони муниципалитети депутати (Буюк Британия):

– Бу менинг Ўзбекистонга иккинчи ташрифим. Халқаро кузатувчи сифатида мен 2014 йилги парламент сайловида иштирок этганман. Мамлакатингиз эришгани кўплаб ўзгаришларни ва ютуқларни қайд этишни хоҳлардим. Халқингиз тарихий маданий кадриятлар ва инъаналарни кадрлаши ҳамда ҳурмат қилиши жуда ажойиб. Европада бу йўқотилган. Ахир маънавият даражаси – бу ютуқ ва тараққиётнинг муҳим қисмидир.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» информацион дастурига интервьюдан*

— ◆ —

Дитер БРАНДЕНБУРГЕР, Бонн шаҳридаги Германия – Ўзбек дўстлик жамияти вице-президенти (Германия):

– Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриши борасида катта ишларни амалга оширди. Бухородаги сайлов участкаларида зарур шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, имкониятлари чекланган фуқаролар ҳам ортиборга олинган. Йўлкалар ўрнатилган, жойларда Брайль алифбосига асосланган бюллетенлар мавжуд. Сайловчилар сайловга кимга овоз беришини билган ҳолда келдилар. Улар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларини ўргандилар, уларнинг миссаллари ва вазифалари билан танишдилар.

Сайлов Ўзбекистонда самарали демократик институтлар, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳамда ривожланган фуқаролик жамияти шаклланишининг яққол исботи бўлди. Сайлов Ўзбекистон Биринчи президенти Ислам Каримовнинг бевақт ўлиmidан кейин юзага келган шароитда ҳам ҳақиқий ва адолатли сайлов ўтказилишини таъминлай олганини кўрсатди.



*Слово – международным наблюдателям//
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*



◆

Инна СТЕЦЕНКО, Болтиқ халқаро академияси проректори (Латвия):

– Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида, Ховос туманида ўнга яқин сайлов участкасида бўлдим. Барча сайлов участкаларида юксак даражада тайёргарлик ишлари амалга оширилган. Уларни бемалол инновацион участкалар, деб аташ мумкин. Чунки сайлов участкалари барча зарур техника ва ахборот-коммуникация воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Энг муҳими, сайловчиларга барча қулайлик яратилган. «Она ва бола», тиббиёт хоналари эътиборимни тортди. Ногиронлар учун махсус шарт-шароит яратилган. Бу оддий қулайлик эмас, балки мамлакатингизда шаклланган юқори ижтимоий ҳимоянинг ажралмас бўлагидир.

Сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш қонун талабларига мувофиқ ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим.

Сайлов куни участкага овоз бериш учун кела олмайдиган фуқаролар, яъни кексалар, беморларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилгани диққатга сазовор. Демак, шу куни сайлов участкаси ходимлари уларнинг ҳузурига сайлов қутисини олиб бориб, овоз беришига имкон яратади. Бу барча фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланишини таъминловчи муҳим чора-тадбирдир.

*Инна Стеценко: катта ирода кучига эга халқ юксакликка эришадил!
ЎЗА, 2016 йил 1 декабр.*



◆

Раманатан ТЕЙВЕНДРАН, Сингапур менежментни ривожлантириш институти бош котиби (MDIS):

– Сайловга, айниқса бу сайлов участкасида овоз беришга келаётган одамлар оқимининг катталигига қарамай, кўриниб турибдики, сайлов жараёни жуда батартиб, беғалва ва очиқ ташкил этилган. Тўлиқ махфийлик асосида ташкил этилган сайлов жараёни гувоҳи бўлишдан мамнунман. Бундай шароит сайловчи учун жуда муҳимдир. Аввалги сайловдан кейин қисқа вақт ўтган бўлишига қарамай, сайлов жараёни яна ҳам яхшироқ ташкил этилганлиги кўриниб турибди. Шубҳасиз, бугун Ўзбекистон сайлов жараёни

лий даражада очик, ошкора ва демократик бўлиши лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

Александр ЦИНКЕР, Сайлов тизимларини ўрганиш бўйича халқаро марказ президенти (ICES), МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари институти директори (Исроил):

— Умуман олганда, участкаларга ташриф буюрганимизда ва бошқа учрашувларни кўздан кечирганимизда биз сизнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларингиз самарали ишлаётганига, мамлакатда бу соҳада катта тажриба тўпланганига ишонч ҳосил қилдик. Асосийси, Ўзбекистонда ҳокимият янги раҳбарга ўтказилаётган шароитда ўзининг мустақамлигини кўрсатиб берган барқарор сиёсий тизим шаклланган. Барчаси ҳеч бир ларзаларсиз ва парокандаликсиз ўтмоқда, мамлакатнинг ривожланишида ғайрат-шижоат кузатилмоқда. Сайловолди кампанияси ва овоз бериш жараёни эркин ҳамда соф ҳолатда ўтди, биз сайлов участкаларида қонунга хилоф ҳеч бир ҳаракатни кузатмадик.



*Слово – международным наблюдателям//
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*

Жозе Клаудио Маркес Барбоза ЖУНИОР, «Барбоза» хусусий адвокатлик ассоциацияси юристи (Бразилия):

— Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан ўз олинган демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб кўйди. Ўтган вақтда бу йўналишда улкан ютуқларга эришилди. Мамлакатингизда фуқароларнинг барча, хусусан, сайлов ҳуқуқлари кафолатлари яратилган. Бу борадаги Ўзбекистон тажрибасини бошқа давлатларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.



Ўзбекистон сайлов тизимининг мустақиллиги, хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг давлат органларидан мустақил равишда фаолият олиб бориши ижобий ҳолат. Бу сайловни энг юқори демократик талаблар асосида ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

*Сайлов юқори савияда ўтади // ЎЗА,
2016 йил 3 декабрь*



Тофик АББАСОВ, Озарбайжон Президенти Маъмурияти ҳузуридаги Боку халқаро мультимаданият Марказининг медиадепартаменти директори (Озарбайжон):

– Тегишли сиёсий институтлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва бошқа тузилмалар биргаликда фуқароларнинг хоҳиш-истагини билдириш жараёнини барча нормаларга мувофиқ таъминлаш стратегиясини ишлаб чиққанига ва рўёбга чиқарганига гувоҳ бўлдик.

Сизнинг сайлов қонунчилигингиз республика Конституциясига ва халқаро стандартларга мувофиқ тузилган. Биз ташриф буюрган барча сайлов участкаларида сайлов пухта ташкил этилиб, муносиб даражада ўтказилди, халқнинг ўз хоҳиш-истагини эркин ва демократик билдириши учун барча шароитлар яратиб берилди. Сайловчилар ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаландилар, ўзларининг фикрича энг муносиб бўлган номзод, тинчлик ва барқарорлик учун онгли равишда овоз бердилар.

*Мнения международных наблюдателей//
«Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь.*



Дэн ПЕТЕРСОН, Профессинал ўқитувчиларни сертификатлаш бўйича мустақил маслаҳатчи (АҚШ):

– Бу галги сайлов янада юксак савияда ўтди, деб айтган оламан. Бизга сайлов билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида барча зарур материаллар, шунингдек Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар хақида, номзодлар ва уларнинг дастурлари, ташвиқот олиб бориш қоидалари ва уларга риоя этилаётганлиги устидан ўтказилган мониторинг тўғрисида барча зарур материаллар тақдим этилди. Шундай қилиб, бизда вазиятни ўрганиш ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги илғор халқаро стандартларга мос келишига ҳамда ҳар бир номзодга тенг шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлашига ишонч ҳосил қилиш имконияти бўлди.

*Ўзбекистон янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда//
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь.*

◆

Хуан Рамон Дюран ПУЭБЛА, «SERCOBE» саноат уёқуналарини ишлаб чиқариш испан ассоциацияси директори:

— Бу қадар муҳим сиёсий тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф ва ифтихордир. Сайлов натижалари Ўзбекистонга ҳар томонлама ривожланиш йўлидан боришни давом эттириш имконини беради. Биз бир қатор сайлов участкаларида бўлдик, шу жумладан М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалига ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университетига ташриф буюрдик. У ерда Президент сайлови юксак даражада ташкил этилганига, бутун овоз бериш жараёни шаффоф ва очиқ-ошқора тарзда ўтганига ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик. Сайлов нафақат Ўзбекистон қонун ҳужжатлари нормаларига, балки халқаро нормалар талабларига ҳам жавоб беради.

Бу галги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида янгилик бўлган жиҳатлар орасида имкониятлари чекланган одамларга кўрсатилган ўзига хос ғамхўрликни алоҳида қайд этмоқчи эдим. Улар учун махсус овоз бериш кабиналари ўрнатилган, Брайль алифбоси асосида сайлов бюллетенлари тайёрланган. Бу сайлов демократик тамойилларга мувофиқ ўтганлигининг яна бир исботидир.

*Мнения международных наблюдателей//
«Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь*

◆

Евгений КОЗЯК, МДХ кузатувчилари миссияси аъзоси:

— 11-Фарғона округ сайлов комиссиясида, Фарғона шаҳридаги 673-, 693-, 699-, 729-сайлов участкаларида бўлдим. Сайлов участкалари қандай ташкил этилгани, уларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ҳолати, мазкур жараёнда илк бор қатнашаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқдим. Сайловчилар рўйхати кўча кўринадиган жойга илиб қўйилган.

Мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини тинчтинлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам тизим яратилган. Барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида миллий сайлов қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда. Жамиятни эркинлаш-



тириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар одамлар дунёқарашини, турмуш даражасини юксалтирмоқда, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Пухта тайёргарлик – ҳар қандай сиёсий тадбир, айниқса, демократия кўзгуси бўлган сайловларнинг муваффақиятли ўтишида асосий омил ҳисобланади. Бу жараёнда участка сайлов комиссиялари зиммасидаги масъулият катта. Уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунчиликдаги ўзгаришлар билан таништириш борасида ташкил этилаётган семинар-тренинглар ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этиш керак.

Қисқача айтганда, сайловга тайёргарлик ишлари барча норма ва стандартларга мувофиқ ташкил этилган, сайлов участкалари зарур техника воситалари билан жиҳозланган, Марказий сайлов комиссияси ходимлари, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари фаолияти самарали йўлга қўйилган.

*Сайлов кампанияси ошкоралик ва тенглик муҳитида ўтмоқда // ЎЗА,
2016 йил 22 ноябрь*



Андреас АНДРИАНОПУЛОС, Дипломатия ва халқаро муносабатлар институти директори (Греция):

– Эрталабнинг ўзида мен 6 та сайлов участкасига ташриф буюрдим. Барча сайлов участкалари яхши жиҳозланган ва у ерда иш пухта ташкил этилган. Сайлов участкаларида «Она ва бола», тиббиёт хоналари ташкил этилганлиги эътиборга лойиқ. Саломатлиги туфайли сайлов участкасига кела олмаганларнинг уйда овоз бериши учун имконият яратилган. Ва яна бир жиҳат: сайлов участкалари маҳаллаларда жойлашган. Бу ана шу ерда яшовчи аҳолини бирлаштиради. Шундай қилиб, сиз нечта сайловчи борлигини ва уларнинг тахминан қанчаси ўзи овоз бермоқчи эканлигини аниқ биласиз. Буларнинг барчаси жуда ҳайратланарли ҳамда сайловга муносиб даражада тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча ҳуқуқий асослари таъминланганлигидан дарак беради.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Менинг юртим»
телеканалига интервьюдан*

◆

Марко МАРСИЛИ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) кузатувчилари миссияси аъзоси:

– Халқаро кузатувчи сифатида Қозоғистон, Арманистон ва Афғонистонда бўлганман. Ўзбекистонга биринчи марта келишим.

Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу сиёсий воқеа Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилган ҳолда ташкил этилмоқда. Сайлов участкалари сайловчилар сонига қараб 20 нафардан кам бўлмаган ва 3000 нафардан кўп бўлмаган сайловчига мўлжалланиб ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикасида округ сайлов комиссияси аъзолари бизни Президент сайловига тайёргарлик кўриш хусусиятлари, олис сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитлар билан батафсил таништирдилар, сайловни кузатишга оид ўз ишимизни бажаришда бизга зарур кўмак бердилар.



*Слово – международным наблюдателям//
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*

◆

Мохаммед Илтаф ШАЙХ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси:

– Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентингиз Ислоҳ Каримовнинг тарихингизни асл ҳолича ўрганиш, буюк аждодларингизнинг инсоният цивилизацияси тараққиётига қўшган бекиёс улушини жаҳонга кенг тарғиб этишга қаратган улкан эътибори туфайли Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётир.



Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатингизда кечаётган мазкур сиёсий жараёнга бутун дунёнинг нигоҳи қаратилган. Ушбу тадбирни кузатиш мақсадида кўплаб давлатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, экспертлар келмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатингизда мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида муҳим ютуқларга

эришилди. Демократия талаблари, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимига асос солинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнини кузатсак, ушбу тизимнинг муҳим самаралари яққол намоён бўлади.

Барча ҳудудларда сайлов участкалари ташкил этилган, бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, сайловни миллий ва халқаро қонунчилик асосида очик, ошкоралик руҳида ўтказиш борасида барча шароит яратилган.

*Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида//
ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь*



Владимир ЧУРОВ, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси:

– Қонунбузарликлар йўқ, чунки барчаси диққат-эътибор билан ташкил этилган.

Бутун Фарғона водийсини кезиб чикдик. Ҳозиргина қайтиб келдик. Овоз бериш муваффақиятли яқунланди. Сайловда қатнашиш суръати юқори. Қишлоқларда жуда эрта, шаҳарларда эса бироз кечроқ овоз бердилар. Россияликлар нафақат АҚШда ўтказилган сайловни, балки Молдова, Болгария ҳамда Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларни диққат билан кузатишлари лозим.

Чуров похвалил организацию президентских выборов в Узбекистане// <http://podrobno.uz/cat/politic/churov-pokhvalil-organizatsiyu-prezidentskikh-vyborov-v-uzbekistane/>, 2016 йил 5 декабрь



Юй СИНХУЭ, Шанхай ижтимоий фанлар академияси раҳбари:

– Ўзбекистонга келишимиз билан сайлов руҳини ҳис этдик. Сайлов участкаларида юқори даражада тайёргарлик олиб борилгани, сайловчилар бу сиёсий тадбирга масъулият билан ёндашаётгани сезилиб турибди.

Ўзбекистоннинг йил сайин тараккий этаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биринчи Президентингиз асос солган мустаҳкам пойдевор бунда муҳим ўрин тутаётир. Ўйлайманки, бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар бундан буён ҳам изчил давом этади.

Буюк инсон бошлаган улуг ишлар изчил давом этишига ишонамиз// ЎзА, 2016 йил 2 декабрь

Анатолий САВЧУК, «Актам» туристик компанияси бошлиғи (Беларусь):

– Сайловни кузатиш учун келган халқаро экспертларга зарур шароитлар яратилган. Барча кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссияларида сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари билан танишмоқда. Мазкур муҳим сиёсий тadbирга пухта ҳозирлик кўрилганига, фуқароларнинг эркин овоз бериши учун шароит ва имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Ким билан суҳбатлашманг, мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва таракқиёт бардавом бўлиши учун овоз беражагини билдирмоқда.



Сайловга пухта тайёргарлик Ўзбекистон халқининг ўз келажагига юксак ишончини англатади // ЎзА, 2016 йил 2 декабрь


Аккан СУВЕР, «Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар фонди бош директори (Туркия):

– 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловини барча туркийзабон мамлакатлар учун намуна деб ҳисоблаш мумкин. Мамлакатимиз делегацияси вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Фарғона ва Самарқанддаги сайлов участкаларида бўлдилар. Ўзбек халқи Президент сайловини демократик нормаларга, халқаро сайлов ҳуқуқининг ҳозирги замон талабларига мувофиқ ўтказди. Сайловни очиқ, муваффақиятли ва шаффоф деб айтиш мумкин. Ўзбекистонда муҳим сиёсий тadbирни ўтказиш тажрибаси бошқа мамлакатлар учун намуна бўлади. Биринчи Президент Исло



Каримов раҳбарлиги остида барча соҳаларда бошланган ислохотлар давом эттирилиши муҳимдир.

Аккан Сувер: «Выборы Президента Узбекистана являются примером»
<https://www.gazeta.uz/ru/2016/12/05/turkey/>,
2016 йил 5 декабрь



Сейдахмед КУТТИҚАДАМ, «Мысль» ижтимоий-сиёсий журнали бош муҳаррири (Қозоғистон):

– Ўзбекистон дунёга цивилизациянинг бешиги сифатида маълум. Халқларимиз азалдан яқин қўшни сифатида ахил-иноқ яшаб келган. Ўзбекистон бугун улкан тарихий воқелик олдида турибди. Сайловнинг юқори савияда, демократик асосда ўтиши пировардида нафақат мамлакатингиз, балки минтақамиз барқарорлиги таъминланиши, хавфсизлиги сақланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу йўналишда катта тажриба тўплаган давлатингиз сайловни ёруғ юз билан ўтказишига ишонаман. Сайлов натижаси минтақамизда ўзаро дўстлик-биродарлик, савдо-иқтисодий муносабатлар янада самарали бўлиши, мустақамланишига хизмат қилишидан манфаатдормиз.

Сайлов юқори савияда ўтади // ЎЗА,
2016 йил 3 декабрь



Чон Чжон СОП, Миллий Ассамблея депутати (Корея Республикаси):

– Энг аввало, бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланаётган халқ фаровонлигининг ошганлиги, фуқаролик фаоллигининг ўсганлиги, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада эришилган ютуқлар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги ислохотларнинг натижаси бўлди.

Қисқа давр ичида Ўзбекистонда сайловга доир конун ҳужжатларини такомиллаштириш соҳасида ишончли тажриба тўпланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва янгиликлар конун ижодкорлиги нуқтаи назаридан қизиқарлидир.

Мен бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. «Она ва бола» хоналарини, жисмоний имкониятлари чекланган фуқаролар учун яратилган шарт-

шароитларни кўрдим. Сайлов участкаларида фуқаролар ўз хоҳиш-истагини эркин билдириши учун барча шарт-шароит яратилган. Ўзбекистоннинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги тажрибасини ўрганса арзийди.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

Рашид АЛИМОВ, ШХТ кузатувчилари миссияси раҳбари:

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг кузатувчилар миссияси 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловини очик, эркин ва демократик деб тан олади. Бизнинг миссиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонун ҳужжатлари талабларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мос келди, деб таъкидлайди. Сайловнинг қонуний эканлигини шубҳа остига оладиган миллий қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилиши миссия томонидан қайд этилмади. Миссия бўлиб ўтган сайловни очик, эркин ва демократик деб тан олади.



*Миссия ШОС признала президентские выборы в Узбекистане свободными и демократичными//
<http://kabar.kg/rus/world-news/full/114708>,
2016 йил 5 декабрь*

Элдар ИБРАГИМОВ, Милли Межлисининг Аграр сиёсат бўйича доимий комиссияси раиси (Озарбайжон):

– Ўзбекистонда демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилган. Бу Президент сайловини ана шундай асосда, юқори даражада ўтказишга имкон берди.



*Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин//
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Джури АРДИАНТАРО, Индонезия Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Ўзбекистон сайловни демократиянинг умумэтироф этилган стандартлари ва тамойилларига мувофиқ ўтказиш борасида катта тажрибага эга. Фикримча, қонун ҳужжатларида Марказий сайлов комиссиясининг мустақил мақоми мустаҳкамлаб қўйилганлиги мамлакат сайлов тизимининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бирidir. Бу сайловни очиқлик ва шаффофлик тамойилларига мувофиқ ўтказиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўришнинг боришини кенг ёритиш бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар энг юқори баҳога лойиқ. Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайтида инглиз тилида тўлиқ ва холис ахборот олиш имкониятининг борлиги шундан дарак бермоқда.

Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Марказий сайлов комиссиясининг энг муҳим сиёсий тадбирни ўтказишга жиддий ва масъулиятли ёндашаётганидан дарак беради. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, сайловчилар манфаатларига жавоб беради, мамлакатда уларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдириши кафолатланган.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Navro'z FM»
радиостанциясига интервьюдан*



Александр ЗАВАРЗИН, МДХ Ижроия қўмитаси департаменти директори (Россия):

– Андижон шаҳридаги 73-, 92-, 38-сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни умумэтироф этилган халқаро талаб ва нормалар асосида ўтаётганини кузатдим. Шаҳардаги бир кагор участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишдим, одамлар билан суҳбатлашдим.

*Ўзбекистондаги тинчлик ва
осойишталик бардавом бўлсин //ЎЗА,
2016 йил 4 декабрь*

—◆—

Муҳаммад БАЙДА, «Mena Herald» ахборот агентлиги бош муҳаррири (БАА):

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлат. Бугун мамлакатдаги сайловга тайёргарлик жараёнларини кузатиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Сайлов участкаларида сайловчилар учун барча шароит яратилган. Аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти юқори. «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловдаги фаоллиги ҳам эътиборга молик. Дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида муқобили бўлмаган маҳалла институти аҳолининг чинакам сиёсий, маданий марказига айланган.



Юксак даражада тайёргарлик кўрилган // ЎЗА, 2016 йил 2 декабр

—◆—

Виктория МАРТЫНОВА, «Новости недели» газетаси халқаро бўлими мудирини (Исроил):

— Тайёргарлик кетмоқда. Одамлар хушмуомала. Коллеж биносида жойлашган сайлов участкасида бўлдик. Барчаси халқаро нормаларга мувофиқ келади.

Тўртта номзоднинг бўлиши яхши. Мен мамлакат ичидаги вазиятни билиш, одамларни нима қизиқтиришини ўрганиш учун улар билан мулоқот қилдим. Мени ҳозир фейсбукда очиқ мулоқот кетаётгани ҳайрон қолдирди. Номзодлар ўртасида рақобат бор. Албатта, Президент вазифасини бажарувчи номзод кўп ишларни бажаришга муваффақ бўлди. Хайриятки, у бу ишларни амалга оширди. Эришилган муваффақиятни сақлаб қолиш ўта муҳимдир. Мамлакат тинч, барқарор, одамлар эртанги кундан ташвишга тушмайди. Президент Ислон Каримов вафот этганида хавотир бор эди. Сурияда ҳозир нималар бўлаётганини ҳамма билади. Бу ерда эса одамлар тинч мулоқот қилмоқда, кўчаларда бемалол юрибди.



Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Roynax FM» радиостанциясига интервьюдан



Мохд Юсуф бин Ҳожи ОСМАН, Ислом тараққиёти институти директори (Малайзия):

– Ўзбекистонда фуқароларнинг яширин, тўғридан-тўғри овоз бериши менга жуда маъқул бўлди. Бу ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришига, давлат ва жамият ишларини бошқаришда шахсан иштирок этишига имкон беради. Буларни амалда кўриб, сайловга оид тажрибангизнинг кўплаб ижобий жиҳатларини ўрганишга муяссар бўлдим.

Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь



Валерий СЕРДЦЕ, «Мир путешествий» журнали ва «Окна» газетаси бош муҳаррири (Исроил):

– Ўзбекистондаги сайловда мен иккинчи марта иштирок этаяпман. 2014 йилда ўтказилган парламент сайловида ҳам қатнашганман. У вақтдаги сайловни ҳозирги сайлов билан таққослаётиб, мен муайян ўзгаришларни кўраяпман. Совет давридан қолган унсурларга, масалан, бутун оила учун бир кишининг овоз беришига йўл қўймаслик чоралари кўрилган. «Бир сайловчи – бир овоз» принципига риоя қилинмоқда.

Биз кеча 5 та сайлов участкасида ва Бухородаги округ сайлов комиссиясида бўлдик. Мен у ерда ишлар қандай ташкил этилганлигини кўрдим. Кузатувчилар учун жойлар, «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Ҳаммаси тинч ўтади. Чунки мамлакатингизда келажак учун зарур бўлган тинчлик Биринчи Президентингиз томонидан ўрнатилган. Ва бундай тинчлик мамлакат равнақи, унда яшаётган барча миллатлар камолоти учун давом эттирилиши керак.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Grand FM» радиостанциясига интервьюдан



Рохан ГУНАРАТНА, С. Раджаратнама номидаги халқаро тадқиқотлар мактабининг профессори (Сингапур):

– Ўзбекистондаги каби миллий ва халқаро умумэтироф этилган тамойилларни тўла мужассам этган сайлов тизими кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Мазкур сайлов мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттиришга хизмат қилишига ишонаман.



*Ўзбекистон – барқарор ривожланаётган мамлакат //ЎЗА,
2016 йил 2 декабрь*



Дмитрий МЕЗЕНЦЕВ, Федерация Кенгаши Иқтисодий сиёсат қўмитасининг аъзоси (Россия):

– Бу галги сайлов чинакам демократия шароитида ўтказилди. Сайлов кампаниясини очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик каби демократик тамойиллар асосида ёриштишда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада кучайтирилганини таъкидлаш зарур. Мен Ўзбекистон халқининг танловига катта ҳурмат билан қарайман ҳамда Шавкат Мирзиёевга ислохотларни давом эттиришда саломатлик ва муваффақиятлар тилайман.



*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси
«Менинг юртим» телеканалига интервьюдан*

II. САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ВА САЙЛОВ АМАЛИЁТИ САЙЛОВНИНГ ЯНГИ СИФАТ ДАРАЖАСИДА ЎТКАЗИЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ



Йохан Петер Трауготт ТЕЙЛЕР, ЕХХТ ДИИХБнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари:

– Сайловга тайёргарлик кўриш анча яхши ташкил этилган ва биз бир қанча яхшиланган жиҳатларни кузатдик.

Бир ярим йил олдин Президентлик сайлови бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳокимият ўтиши шароитида қисқа давр ичида ўз кучлари ва салоҳиятини мужассам этган ҳолда ва шаклланган қонунчилик асосида Давлат раҳбари сайловини тинчлик ва барқарорлик шароитида юксак маданият даражасида ва уюшқоқлик билан яна бир бор ўтказа олди.

Бу истиқлол йилларида шаклланган сайлов тизими, демократик институтлар мустаҳкамлиги, шунингдек давлат ва жамият бирлиги юксак даражасининг ёрқин далилидир. Энг муҳими, бу сайлов очиқлиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилигини таъминлашга қаратилиб, киритилган қатор янгиликлар сингари сайловни кузатишда мустақил кузатувчилар, бошқа халқаро ташкилотлар миссиялари, шунингдек экспертларнинг юқори баҳосини олди.

Подготовка и проведение выборов были прозрачными
<https://telegraf.uz/ru/vibori/podgotovka-i-provedenie-viborov-bili-prozrachnimi>,
2016 йил 5 декабрь

◆

**Али Аболхассаний ШАХРЕЗА, Ислом ҳамкорлик
тишкилоғи кузатувчилари миссияси раҳбари:**

– Президент сайловига оид қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб, Ўзбекистоннинг қонунчилик соҳасида катта ютуқларга эришаётганига амин бўлдик. Президентликка кўрсатилган номинини қўллаб-қувватловчи имзо варакалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилгани, Марказий сайлов комиссияси томонидан фуқаролар сиёсий маданиятини оширишга эътибор қаратилаётгани, ногиронлар ва кўзи ожизлар учун яратилган имкониятларни алоҳида таъкидламоқчиман.




*Қисқа вақт ичида сайловга юксак даражада тайёргарлик
кўрилгани таҳсинга лойиқ //ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*

◆

**Хуан Рамон Дюран ПУЭБЛА, «SERCUBE» саноат
укуналарини ишлаб чиқариш испан ассоциацияси
директори:**

– Бу қадар муҳим сиёсий тадбирда иштирок этиш мен учун катта шараф ва ифтихордир. Сайлов натижалари Ўзбекистонга ҳар томонлама ривожланиш йўлидан боришни давом эттириш имконини беради. Биз бир қатор сайлов участкаларида бўлдик, шу жумладан М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалига ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университетига ташриф буюрдик. У ерда Президент сайлови юксак даражада ташкил этилганига, бутун овоз бериш жараёни шаффоф ва очиқ-ошкора тарзда ўтганига ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлдик. Сайлов нафақат Ўзбекистон қонун ҳужжатлари нормаларига, балки халқаро нормалар талабларига ҳам жавоб беради.

Бу галги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида янгилик бўлган жиҳатлар орасида имкониятлари чекланган одамларга кўрсатилган ўзига хос ғамхўрликни алоҳида қайд этмоқчи эдим. Улар учун махсус овоз бериш кабиналари ўрнатилган, Брайль алифбоси асосида сайлов бюллетенлари тайёрланган. Бу сайлов демократик тамойилларга мувофиқ ўтганлигининг яна бир исботидир.



*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь*



Лидия ЕРМОШИНА, Беларусь Республикаси Сайлов ва референдумларни ўтказиш бўйича Марказий комиссияси раиси:

– Мустақиллик йилларида мамлакатингиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида катта муваффақиятларга эришди. Замонавий сайлов тизими яратилди. У демократия тамойилларини, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади. Босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли сайлов тизими такомиллаштирилмоқда, сайлов комиссиялари аъзолари ўқитилмоқда. Мен Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ва Қонунчилик палатасида бўлдим ҳамда сайлов жараёни кенг ташкил этилганини кўрдим. Сайлов участкаларига одамлар оилалари билан келганликлари, жипслик ва юксак даражада фаоллик кўрсатганликлари айниқса мени лол қолдирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамиятдаги ислохотларни босқичма-босқич давом эттиришга, Ўзбекистонни янада ривожлантиришга, тинчлик, фаровонлик, фуқаролараро тотувликни таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Давр»
информацион дастурига интервьюдан*



Александр ЦИНКОВ, Сайлов тизимини ўрганиш бўйича халқаро марказ президенти, Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директори (Исроил):

– Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Мамлакат ривожига монанд қонунчилик ҳам такомиллашиб бораётгани эътиборли. Ўтган сайловлардаги кузатувчиларнинг таклифлари инobatга олинди, қисқа муддатда сайлов қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, бу сафарги сайловда ана шу меъёрлар тўлиқ ишлаётганини кузатдик.

Сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани, сайловчиларнинг дунёқараши ўзгаргани эътиборга лойик.

*Ўзбекистон янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда//
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*

Елена ПАСКАЛЕВА, Лейден университети профессори (Нидерландия):

– Сайлов участкасига борганимда мен Ўзбекистондаги сиёсий партиялар йўналиши кенглигига эътибор бердим, чунки Европанинг кўпчилик мамлакатларида партиялар тор доирада фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, мамлакатингизда хотин-қизлар сиёсий жараёнларга фаол жалб этилаётганлиги кузатилмоқда. Сайловчилар умумий сонинда хотин-қизлар улуши 46 фоизни ташкил этиши мамлакатнинг сиёсий ҳаётида аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам ҳуқуқлари тенглиги юқори даражада эканлигидан дарак беради.



*Ўзбекистон Электрон оммавий
ахборот воситалари миллий ассоциацияси
«Poytaxt FM» радиостанциясига интервьюдан*

Осама СРУР, «Ас-сияса» газетаси бўлими бошлиғи (Кувайт):

– Мамлакатингиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига юксак даражада тайёргарлик кўрганини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш учун Ўзбекистонга келиб, мамлакатингиз демократик йўлдан ривожланишда давом этаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳар бир сайловчи сайловга шахсан таклиф этилди. Барча сайлов участкаларида ногиронлар аравачасида келадиганлар учун кабиналар ташкил этилган. Сайлов комиссияси вакиллари соғлиғи ҳолатига кўра кела олмаган ва овоз бера олмаганларнинг уйларига бюллетенлар ва кутилар билан бордилар.

Сайловни ёритиб боровчи журналистлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилди. Хусусан, «Elections.uz – 2016» пресс-клуби ташкил этилди. Унда яратилган шарт-шароитлар кутилганидан ҳам аъло бўлди. Журналистлар замонавий техника, тезкор Интернет ва бошқа шарт-шароитлар туфайли сермахсул ишлай олдидлар. Ҳар куни пресс-клубда турли учрашувлар, дебатлар, маданий тадбирлар ўтказилиши муҳимдир. Мен ўзим ҳам кўплаб учрашувларда қатнашдим. Пресс-клуб журналистлар бир-бирлари билан танишадиган, ижодий алоқалар ўрнатадиган жойга айланди.



Жюри аъзоси сифатида мен иштирок этган ижтимоий роликлар танловини алоҳида қайд этиб ўтишни хоҳлардим. Ушбу танловда асосан ёш журналистлар қатнашгани қувонарли.

Осама Срур: «Избирательные участки в Узбекистане готовились за 40 дней до выборов» // http://ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/osama-srur-izbiratelnye-uchastki-v-uzbekistane-gotovilis-za-40-dney-do-vyborov/?sphrase_id=2003



Изратуллоҳ ҲАШМИ, «Urdu News» ва «Arab News» газеталари муҳаррири (Саудия Арабистони):

– Ўзбекистоннинг сайлов жараёнларида биринчи бор кузатувчи сифатида иштирок этмоқдаман.

Бошқа давлатлар сайлов тизими, сайловолди ташвиқотлари билан таққослайдиган бўлсам, Ўзбекистондаги икки жиҳат эътиборимни тортди. Биринчи – ногиронлар ва сайлов участкаларига кела олмайдиган фуқароларга яратилган енгилликлар. Иккинчиси – сайлов участкаларида «Она ва бола», тиббиёт хоналарининг мавжудлигидир. Булар инсонпарварлик, сайловчиларга қулайлик яратишга қаратилган эзгу ишлардир. Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик юқори баҳога лойиқ.

Международные наблюдатели о выборах Президента Узбекистана// http://news.uzreport.uz/news_2_r_146583.htm. 2016 йил 4 декабрь



Роберт ФРАНЦЕВ, Умумроссия давлат телерадиокомпанияси муҳбири (Россия):

– Биз брифингда иштирок этдик, бу жуда ахборотга бой тадбир бўлди. Унда бизга Ўзбекистон сайлов кампаниясининг янги жиҳатлари ҳақида сўзлаб бердилар, бу эса бу галги сайловни аввалги йиллардаги сайлов кампанияларидан ажратиб туради. Биз барча тўрт номзоднинг тўртта сайловолди штабига ташриф буюрдик ва у ердан кўп ахборот олдик.

Амалга оширилган кўплаб ўзгаришлар дарҳол кўзга ташланади. МСК вакилларининг хабаридан бизга маълум бўлишича, номзодни рўйхатга олиш учун зарур бўлган имзолар сонининг 1 фоизгача камайтирилиши ҳар бир хоҳловчининг сайловда иштирок эта олишини таъминлади. Бу энг асосий ва муҳим ўзгартишдир.

Сайловолди кампаниясига тайёргарлик кўришда имкониятлари чекланган одамларнинг сайлов участкасида овоз бериши учун қулай шарт-шароитларни ташкил этишга, жумладан йўлчаларнинг борлигига катта эътибор берилди. Бу мавзу билан биз турли мамлакатларда таниш бўлганмиз. Умуман олганда, бу жуда муҳим ва янгиликдир. Йўлканинг қиялиги 30 градусдан ошмайди.

Оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласига келсак, кўплаб хорижлик журналистлар иштирок этишининг ўзи бу масалага оидинлик киритади. Бу сайловолди жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигидан дарак беради.

Значимые изменения// http://ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/znachimye-izmeneniya/?sphrase_id=2005

Фальк ПОРШЕ, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори (Германия):

– Ҳуқуқшунос сифатида шунини айтишим мумкинки, мамлакатингиз қонунчилиги билан яхши танишман, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказилишини диққат билан кузатмоқдаман. Эътиборлиси шундаки, сайловга тайёргарлик Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бу тадбирларни сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган кетма-кетликда ва муддатларда ўтказиш имконини беради. Ўзбекистон қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган кенг кўламли тайёргарлик ишлари фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини тўлиқ таъминлайди.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» информацион дастурига интервьюдан*

Магди ЗАЪБАЛ, Закавик университетининг илмий тадқиқотлар маркази директори (Миср):

– Биринчи Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида Ўзбекистонда улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Сиёсий барқарорлик, мустақил ташқи сиёсат йўли ва хавфсизлик таъминланди, бу эса мамлакатни кенг кўламли модернизация қилишга, барқарор ва фаол иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашди.



Шу билан бир қаторда, республикада сайловларнинг адолатлилигини, имкон қадар очиқ-ошқоралигини, фуқароларнинг ўз хошиш-истагини эркин билдиришини кафолатлайдиган сайлов тизими яратилди. Мамлакатингизда миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган изчил ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш қувонарли. Бунда сайлов тизими миллий тажрибага ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор амалиётига суянади.

Ўзбекистон очиқ демократик давлат сифатида ўз мажбуриятларини изчиллик билан бажармоқда, сайлов соҳасида, халқаро ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хорижлик кузатувчиларни, тажрибали мутахассисларни мунтазам равишда мамлакатга таклиф этиб келмоқда.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик ҳақида//«Жаҳон» АА, 2016 йил 19 ноябрь



Тамара ГУЗЕНКОВА, Россия стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари, МДХ муаммоларини ўрганиш маркази раҳбари:

– Бугунги конференцияда спикерлар Ўзбекистон сайлов тизимидаги янги жиҳатлар ҳақида сўзлаб бердилар ҳамда бу ислоҳотлар сайлов жараёнини демократлаштириш ва эркинлаштириш мақсадида олиб борилаётганлигини қайд этдилар. Бундай ўзгаришлар туфайли электорал база кенгаймоқда. Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши – ҳозирги исталган давлат учун қоидадир.

Ташкилотчиларнинг мамлакатингиз сайлов жараёнига халқаро тажрибани жорий этаётганлиги мени хурсанд қилди. Бу ерда Осиё мамлакатларидан келган кузатувчилар кўп. Ўзбекистонлик қонун чиқарувчилар корейлик ҳамкасблари билан яқин ҳамкорлик қилишини сездим. Корея сайлов тажрибаси ҳамда очиқ электрон ҳукумат ва ҳужжат айирбошлаш тизимини яратиш масаласи Ўзбекистонда фаол ўрганилмоқда ва қўлланилмоқда.

Пресс-клубнинг яратилиши – бу халқаро стандартдир. Ўзбекистондаги бундай клубнинг очилишида илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилганлиги кўриниб турибди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Navro'z FM» радиостанциясига интервьюдан

Инна СТЕЦЕНКО, Болтик халқаро академияси проректори (Латвия):

– Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳокимият тармоқларини ва ваколатларни ҳокимиятнинг асосий субъектлари бўлмиш Президент, парламент, мамлакат ҳукумати ва суд органлари ўртасида таксимлашни назарда тутувчи конституциявий принципнинг ривожлантирилиши ва рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда. Давлат ҳокимияти тизимида миллий парламент роли ва аҳамиятининг ошганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Бу демократик тизимнинг ўзига хосликларидан бири ҳисобланади.

Республиканинг сайлов қонунчилиги илғор жаҳон амалиётини ҳисобга олиб мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Аёл сифатида мен учун хотин-қизларнинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётганлиги жуда муҳимдир. Сайлов участкаларида фуқаролар учун яратилган шарт-шароитларни алоҳида қайд этиб ўтишни хоҳлардим. Масалан, имкониятлари чекланган одамларга катта эътибор қаратилмоқда. Сайлов участкаларида «Она ва бола» хоналарининг, тиббиёт пунктларининг фаолият олиб бораётганлиги Ўзбекистондаги давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигидан дарак беради.

Халқаро экспертлар Ўзбекистондаги демократик сайлов тизими ҳақида// «Жаҳон» АА, 2016 йил 4 декабрь



Ильяс УМАХАНОВ, Россия Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари:

– Биз Ўзбекистонга шунчаки кузатувчи сифатида эмас, балки мамлакатингизни янада ривожлантиришдан манфаатдор томонлар сифатида ташриф буюрдик. Бўлиб ўтган сайлов – сайлов жараёнини аниқ ташкил этилганлигига ёрқин мисолдир. Президент сайлови тинч ҳолда ва муносиб равишда ҳамда жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда ўтди. Сайлов давлат самарали фаолият олиб бораётганини, Конституция, қонунлар устуворлигини, халқнинг жипслигини кўрсатди.

Укрепляется межпарламентский диалог// «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь





Бенедек ПЕРИ, Э. Лоран номидаги Будапешт университетининг туркий таълимотлар департаменти раҳбари (Венгрия):

– Бир қанча сайлов участкаларига ташриф буюриб, мен уларнинг фаолиятида бирор-бир қонунбузарликларни сезмадим. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг фуқароларга хушмуомала муносабати ва уларнинг фикрларига бир зумда эътибор қаратишга шайлиги эътиборни тортди. Шунингдек, биоларнинг белгиланган нормаларга тўлиқ мувофиқ ҳолда безатилганлигини қайд этишим зарур. Сайловчиларнинг тўлиқ рўйхатлари, номзодларнинг плакатлари ва уларнинг сайловолди дастурлари осиб қўйилган.

Рақобат бўлса-да, қонун ҳужжатларининг сукунат кунига доир янги нормасига тўлиқ риоя этилди. Номзодларнинг шаҳардаги ташвиқот плакатлари олиб ташланди, телевидениеда сиёсий партияларнинг промо-роликларини намойиш этиш тўхтатилди, босма нашрлар номзодларнинг сайловолди дастурларини чоп этишни тўхтатди. Бундай фаол ва кенг кўламли сиёсий ташвиқотдан сўнг Марказий сайлов комиссияси фуқаролар ҳар бир номзод бўйича ўз фикрига эга бўлиши ва мустақил танловни амалга ошириши учун барча чораларни кўрди.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси
«Oriyat FM» радиостанциясига интервьюдан*



Экхард ПРИЛЛЕР, Фуқаролик жамияти институти директори (Германия):

– Мамлакатингизда ўтказилаётган сайловларда кузатувчи сифатида иккинчи марта иштирок этаяпман. Бу галги сайлов республикани ривожлантириш истиқболлари учун улкан сиёсий аҳамиятга эга. Халқ ҳақиқатдан ҳам муҳим танловни амалга ошириши лозим.

Мамлакатингиздаги ислохотларни, демократик жамият қурилишини қизиқиш билан кузатаяпман. Қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш доирасида республика халқаро стандартларга мос келадиган сайлов қонунчилиги доирасида ҳам ишончли норматив-ҳуқуқий базани шакллантирди. Президент сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар – жиддий чоралардир.

Сайлов жараёни юксак даражада ташкил этилган, кузатувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Биз сайлов, Президентликка номзодлар ва бошқа масалалар хақида ахборот материалларини олдик.

В атмосфере открытости, гласности и возросшей конкуренции // «Правда Востока», 2016 йил 3 декабрь

Валентин ГОРБУНОВ, Москва шаҳар сайлов комиссияси раиси (Россия):


– Барча даражалардаги сайлов комиссиялари аъзолари сиёсий партияларнинг номзодлари бўлишлари мумкин эмас. Афсуски, бизда бу масалага бошқача ёндашилади. Комиссиялар аъзоларининг 50 фоизини партия аъзолари ташкил этади. Сизларда комиссияларнинг аъзолари партияларнинг вакиллари бўла олмайди ва улар ижро этувчи ҳокимиятдан ҳам, партиялардан ҳам мустақил фаолият юритади. Сайлов комиссияларининг ишида ҳурмат қозонган кишилар қатнашади. Мен округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхатида олий ўқув юрти ректори борлигини кўрдим.

Шунингдек, номзодни кўрсатиш учун сайловчилар имзоларининг сони 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилди. Буларнинг барчаси кўплаб номзодларга сайловда ўз номини қўйиш имконини беради. Брайль алифбосига асосланган бюллетенларнинг чоп этилиши жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар учун янги имкониятлар яратиб берди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Roynax FM» радиостанциясига интервьюдан

Моҳаммед Ҳусейн АЛ-ФИЛИ, Қувайт университети ҳуқуқ факультети профессори:

– Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини кизиқиш билан кузатдим. Мамлакатингизда муҳим сиёсий воқеани ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганига ишонч ҳосил қилдим. Жумладан, яратилган қонунчилик базасини, шунингдек Асосий Қомусингизнинг барча фуқароларнинг тенг сайлаш ҳуқуқини қафолатловчи нормаларини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Конституцияда демократия тамойиллари, жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаси ва конституциявий давлат барпо этишнинг замонавий ғоялари ҳисобга олинган. Конституция Ўзбекистон жами-



ятининг камолотга эришишининг демократик йўлини белгилаб берди. Бу йўл конун устуворлигига ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Ивета ГРИГУЛЕ, Европа парламенти депутати, «Ўзбекистон – ЕИ» парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси ҳамраиси:

– Сайлов жараёнини такомиллаштириш, Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақоми ва мустақиллигини кучайтириш ҳамда унинг ваколатларини кенгайтириш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳимлигини таъкидлаш лозим.

Охирги йилларда республикада сайлов қонунчилиги соҳасида рўёбга чиқарилган туб ислохотлар сайловни тенглик, шаффофлик муҳитида ўтказиш, сайлов ҳамда халқаро ҳуқуқнинг асосий нормалари ва тамойилларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бугун кўчаларда плакатларни кўрганим йўқ. Аэропортда телевизор орқали реклама берилгани йўқ. Бу сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига тўлиқ мувофиқ келади, чунки бугун жимжитлик куни. Ҳеч қандай ташвиқот олиб бориш мумкин эмас. Эртага мен овоз беришнинг боришини сайлов участкаларида кузатмоқчиман, барчаси техник жиҳатдан қандай ташкил этилганини кўрмоқчиман.


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурига интервьюдан



Ким Ён ГУ, «Shindong Resources» компанияси президенти (Корея Республикаси):

– Ўзбекистон ва Корея иқтисодиётнинг турли соҳаларида, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик қилиш борасида кўп йиллик тарихга эга. Бизнинг сайлов тизимларимиз, айниқса сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ўхшаш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Корея Конституциясида бўлганидек умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш каби сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Бу тамойиллар умумэтироф этилган халқаро демократик стандартларга мувофиқ келади. Демократия





тамойилларига ўзининг содиқлигини намойиш қилган мамлакатингиз сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, фуқаролар ўз уйида кузатувчилар иштирокида овоз бериш имкониятига эга. Сайлов куни Навоий вилоятидаги бир нечта сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Масалан, Кармана туманидаги 64-сайлов участкаси қонун ҳужжатларига катъий риоя қилган ҳолда ташкил этилган. Сайлов жараёнини тўрта партия вакиллари кузатиб бордилар. Умуман олганда, сайлов жараёни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаган ҳолда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади.

*Мнения международных наблюдателей//
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь*

**Владимир ГАРКУН, МДХ Ижроия қўмитаси раиси
– Ижроия қотибининг биринчи ўринбосари:**

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тартибли фаолиятини алоҳида қайд этишни хоҳлардим. МСК сайловга тайёргарлик кўришни малакали ва тўғри ташкил этди. Унинг фаолиятида расмийлик кузатилмаяпти. Ташкил этилаётган, шу жумладан онлайн тартибида ташкил этилаётган семинарлар, тренинглар ва конференциялар амалий натижага эга. Шунингдек, участка сайлов комиссияларига кадрлар танлашга қаттиқ аҳамият берилгани ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу кадрлар зиммаларига юклатилган вазифаларни масъулият ва профессионаллик билан бажармоқда. Мамлакатингизда демократия жуда ривожланган. Ўзбекистон кўпчилик мамлакатлардан фарқли равишда демократия ўйинини ўйнамайди, балки уни бошқариб туради. Буларнинг барчаси халқ, ёшлар, мамлакат келажаги учун амалга оширилмоқда.



*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси
«Oriyat FM» радиостанциясига интервьюдан*

**Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгия Қироллигининг
фахрий сенатори:**

– Ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда қойил қолдирадиган катта ислохотларнинг гувоҳи бўляпман. Ўзбекистоннинг сайлов тизими такомиллаштирилмоқда. Очқиклик, тенглик, холислиқдан иборат демократия талаблари таъминланмоқда. Мен сайловнинг боришини бевосита кузатдим, бунга тўғри ва холис баҳо бера оламан. Турли миллат вакиллари, жисмоний имкониятлари



чекланган фуқаролар учун тенг шарт-шароитларнинг яратиб берилганлиги — демократиянинг ёрқин намоён этилишидир. Мен сиёсат соҳасида 27 йиллик тажрибага эгаман. Сайлов тизимини яхши биламан ва шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак даражада ташкил этилган, деб ҳисоблайман.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Сиябшах ШАПИЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

– Ўзбекистонда бўлиш вақтида мен кўпчилик халқаро кузатувчилар билан, шу жумладан Европа мамлакатларидан келган кузатувчилар билан мулоқотда бўлдим. Улар бугун сиздан ўрганса бўладиган жиҳатлар борлигини қайд этмоқдалар. Сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларида қабул қилинган ва халқаро стандартларга мос келадиган ўзгартишлар, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш, электорат билан ишлаш шулар жумласидандир. Участка сайлов комиссиялари аъзолари билан шахсан ўзим суҳбатлашганман ва улар мустаҳкам ҳуқуқий билимга эгаллигини қайд эта оламан.

Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей// «Народное слово», 2016 йил 5 декабрь



Юн Санг ДЖИК, Миллий Ассамблея депутати (Корея Республикаси):

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этаёпман ва сайловга пухта тайёргарлик кўриш бўйича улкан ишлар амалга оширилган, деб айта оламан. Барча тадбирлар янги таҳрирдаги сайловга доир қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда ўтказилди. Бу галги Президент сайлови ҳақиқатдан ҳам барча параметрлар бўйича демократик сайловдир. Шуни қайд этиш муҳимки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳақида жуда кўплаб ахборотларни мутахассислардан онлайн режимида олиш мумкин. Буларнинг барчаси Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганидан дарак беради, бу эса бугун сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаши шубҳасиз.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Давр»
информацион дастурига интервьюдан*



Андреас ЯН, Бундестагнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича қўмитаси етакчи мутахассиси (Германия):

– Ўзбекистонда тўлақонли сайлов тизими шаклланган, халқаро нормаларга мувофиқ келадиган зарур қонунлар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда ҳамда замон талабларини инобатга олган ҳолда доим такомиллаштириб борилмоқда. Сайловчиларнинг эркин ва яширин овоз бериши учун барча имкониятлар яратилган. Бу халқингизнинг катта ютуғидир.

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан очик, тўғри ва адолатли сайловни таъминлаш учун малакали ёндашувни талаб қиладиган катта тайёргарлик ишлари бажарилди. Сайловга доир барча ахборот очик эди, хоҳловчилар олдиндан тайёрланган ва текширилган сайловчилар рўйхатлари билан танишишлари мумкин эди. Оммавий ахборот воситалари маҳаллий аҳоли ва кузатувчилар учун фойдали бўлган сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатларига доир маълумотларни мунтазам эълон қилиб борди.



*Транспарентно и организовано //
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*



Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти профессори (Исроил):

– Мамлакатингизда ўтаётган Президент сайловининг аввалгилардан фарқи сайловчилар ва номзодларга яратилган кенг имкониятларда кўринмоқда. Намангандаги бир неча сайлов участкаларида бўлдик. Тиббиёт, «Она ва бола» хоналари ташкил этилгани, кўзи ожизларга Брайль шрифтли бюллетенлар тарқатилгани эътиборимизни тортди.

Сайловолди ташвиқоти ҳам жуда юқори савияда ўтказилган. Ўзбекистон халқи сайловда порлоқ келажаги, истиқболи учун муносиб етакчини танлайди. Бу муҳим тарихий воқеанинг муваффақиятли ўтишини тилаймиз.



*Қисқа вақт ичида сайловга юксак даражада
тайёргарлик кўрилгани таҳсинга лойиқ //ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*



— ◆ —

Лиза УИЛЬЯМС, «Williams & Carden» компанияси раҳбари (АҚШ):

– Мен Самарқанд ва Бухородаги сайлов участкаларига ташриф буюрдим, комиссиялар иши, сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитлар, шу жумладан «Она ва бола» хоналари билан танишдим. Бизда бундай хоналар йўқ. Аёлларнинг фаоллиги таассурот қолдирди. Яна бир жиҳат – сизларда ногиронлар ва кекса инсонларнинг келиб овоз бериши учун имкониятлар яратилган. Бизда Америкада эса, тўғриси айтсам, бундай имкониятлар назарда тутилмаган. Журналистларнинг иш юритиши ҳақида сўз борса, матбуотдаги материалларга қараганда ОАВ жуда тезкор ва ҳолис ишлаётганини айтишим мумкин. Сайлов жараёнида кўплаб халқаро кузатувчилар иштирок этмоқда. Умуман олганда, барчаси жуда яхши ўйланган ва пухта ташкил этилган.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» информацион дастурига интервьюдан*



— ◆ —

Син ГУАНЧЭН, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси Чегараолди ҳудудлар тарихи ва географиясини ўрганиш маркази директори:

– Ўзбекистон миллий сайлов тизими сайловчиларга ўз конституциявий ҳуқуқини тўла амалга ошириш имконини беради. Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг барча босқичларини самарали ташкил этган. Мамлакатингиз сайлов қонунчилиги ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Айниқса, сайлов қонунчилигига қиритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистонда ижтимоий ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.

*Ўзбекистон – жадал ривожланаётган мамлакат//
ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*



Дэн ПЕТЕРСОН, Мустақил маслаҳатчи, Сиэтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси раиси (АҚШ):

– Бу галги сайлов янада юксак савияда ўтди, деб айта оламан. Бизга сайлов билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида барча зарур материаллар, шунингдек Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида, номзодлар ва уларнинг дастурлари, ташвиқот олиб бориш қоидалари ва уларга риоя этилаётганлиги устидан ўтказилган мониторинг тўғрисида барча зарур материаллар тақдим этилди. Шундай қилиб, бизда вазиятни ўрганиш ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги илғор халқаро стандартларга мос келишига ҳамда ҳар бир номзодга тенг шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлашига ишонч ҳосил қилиш имконияти бўлди.



Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Канг Мюнг ГУ, Сеул Миллий университетининг Осиё мамлакатларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот маркази директори (Корея Республикаси):

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Сайлов яхши ўтмоқда, сайлов участкаларида сайловга қўрилган тайёр-гарлик даражасига баҳо беришга муваффақ бўлдик. Барчаси демократик нормалар доирасида.



Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурига интервьюдан



Джасим Иса АЛЬ-МУТАВА, Шаржа амирлиги Савдо-саноат палатасининг МДХ давлатлари билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси (БАА):

– Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хослиги шундаки, мамлакатингиз энг илғор жаҳон тажрибасини ўзлаштириб, миллий ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда сайлов тизимининг ҳар жиҳатдан



муваффақиятли моделини шакллантиришга муваффақ бўлди. Бу сайлов барча боскичларининг очиклигини ва шаффофлигини таъминлашда ёрқин кўзга ташланмоқда. Президентликка номзодларга ташвиқот тадбирларини ўтказишда тенг имкониятлар берилиши сайловчилар учун қулайлик яратди. Бунда сайловчилар энг олий давлат лавозимига кўрсатилган номзодлар ҳақида тўлиқ ахборот оладилар. Мен Республика матбуот марказининг фаолияти билан танишиб, журналистлар фаолияти учун энг замонавий техник шарт-шароитлар яратилгани, ОАВ вакиллари исталган ахборотдан бемалол фойдалана олишига ишонч ҳосил қилдим.

*Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей// «Народное слово»,
2016 йил 5 декабрь*



Шамиль АЙРИМ, «Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар фонди раисининг ўринбосари (Туркия):

– Ўзбекистоннинг сайловга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганини қайд этиш жоиз. Бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга доир барча зарур жиҳатларни ақс эттиради. Амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар ва демократия, очиклик, муқобиллик тамойилларига мувофиқ келади. Соф сиёсий плюрализм ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган ҳурмат турли сиёсий йўналишларни илгари сурувчи рақиблар ўртасида очик ва адолатли мусобакани таъминлади ҳамда сайловчиларга чинакам сайлаш имконини берди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида ўз миссиясини тўлиқ даражада амалга оширган халқаро кузатувчилар учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилганини алоҳида қайд этишни хоҳлардим.

*Мнения международных наблюдателей//
«Правда Востока», 2016 йил 3 декабрь*

Иосиф СИДОРОВИЧ, МДХ Ижроия кўмитаси Ишлар бошқарувчиси:

– Марказий сайлов комиссияси томонидан яхши тажриба тўпланган. Бу тажриба кўпчилик мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳар галги сайлов кампаниясидан сўнг сайлов ташкилотчиларининг тайёргарлик даражаси ортиб бормокда, сайловчиларнинг манфаатлари ва хоҳиш-иродалари, кузатувчиларнинг тавсиялари ҳисобга олинмокда. Охириги йилда Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган барча ўзгартишлар, энг аввало, демократия тамойилларини мустақкамлашга, овоз бериш учун ҳақиқатда ҳам тенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган.



*Мнения международных наблюдателей//
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь*

Марит ФОСС, «Diva International» журнали ношири ва бош муҳаррири (Швейцария):

– Сайлов куни Навоий вилоятида эдим. Кармана туманидаги 2-сонли мактабда жойлашган 49-сайлов участкасининг фаолиятини кузатдим. Сайлов қонун ҳужжатлари нормаларига сўзсиз риоя этилган ҳолда ўтганига ишонч ҳосил қилдим. Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ овоз бериш яқунланганига қадар сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни кўрсатган тўртта партиянинг кузатувчилари қолдилар. Уларнинг иштирокида турғун ва кўчма сайлов кутилари пломбаланди. Шунингдек, бу жараёни хорижлик кузатувчилар ва журналистлар назорат қилиб турдилар.



Бу галги сайлов аввалги сайлов кампанияларидан фақатгина қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар билан эмас, балки сайловчиларнинг кўплиги, сайловнинг очиклиги, тўғрилиги ва холислиги каби бошқа кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Сайловни кузатувчи миссияси биринчи марта тўлиқ таркибда Ўзбекистонга келди. Бу жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатингизда ўтказиладиган сайловга бўлган ишончи ошганлигидан, сайловнинг ҳақиқий, демократик ва халқаро стандартларга мос, деб эътироф этилганидан дарак беради.

*Слово – международным наблюдателям //
«Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь*



— ◆ —

Татьяна СИНИЦИНА, «ИнфоШОС» ахборот-таҳлил портали бош муҳаррири (Россия):

– Албатта, мен журналист-кузатувчи миссиясини ўзиммамга олишдан аввал қонун ҳужжатларини жиддий ўрганиб чиқдим. Қонун ҳужжатлари оқил ва тажрибали инсонлар томонидан яратилган. Улар миллий манфаатларни, анъаналарни ҳисобга олганлар, шу билан бир вақтда қонун ҳужжатлари жаҳон талабларига тўлиқ мос келади. Талаб қилинаётган нарса эса – шаффофлик, рақобатдир ва буларнинг барчаси таъминланди. Овоз беришда муайян тартиб мавжуд. Бунга тўлиқ риоя этилди. Мен бир қанча участкада бўлдим. Ўйлашимча, янги Президент мамлакатнинг ўз тарихий йўлидан боришини давом эттиради ва Ўзбекистон жаҳон майдонида ўзини юксак маданият даражасида кўрсатиш учун барча имкониятларга эга.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» инфорацион дастурига интервьюдан*



— ◆ —

Мухаммад АББАСХАН, «The Daily Ittehad» газетаси мухбири (Покистон):

– Марказий сайлов комиссияси уюшқоқ ва Ўзбекистон Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Масалан, сайлов участкаларида сайловчилар, шу жумладан имкониятлари чекланган сайловчилар учун шарт-шароитлар яратилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурида сайловчиларнинг ҳукукий билимини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Мен Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ташкил этилган тушунтириш ишларида қатнашдим. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларидан яхши хабардор қилинган. Покистонда Ўзбекистондаги сайлов мавзуси кенг муҳокама этилмоқда. Мисол учун, бизнинг газетамиз мамлакатингизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида ҳар ҳафта материаллар чоп этмоқда.

*Избирательный процесс: взгляд
наблюдателя// «Народное слово», 2016 йил 3 декабрь*

Чой СУНДЖА, Инха университети президенти (Корея Республикаси) :

Ўзбекистон Жанубий Кореяда бўлганидек ҳамма сайловда фаол иштирок этиши билан ажралиб туради. Мамлакатингиздаги ҳар бир сайлов участкасида «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Мен учун бу янгилик бўлиб, менда ўзгача таассурот қолдирди. Буни Жанубий Кореяда ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Шу билан бирга, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар учун махсус йўлқалар, йўллар ва хоналар ташкил этилганлиги эътиборга лойиқ. Бу мамлакатингиздаги ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга эканлигидан, муҳим сиёсий тadbирда иштирок этишга доир ўзининг конституциявий ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқара олишидан далолат беради. Айниқса, Брайль алифбосида бюллетенларнинг тарқатилиши ҳар кимнинг ўзи танлаган муносиб номзодга овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бу сафарги ташрифимда яна кўп нарсани эътиборимни тортди. Тошкентдаги Инха университетида ёшлар билан учрашув кичикқарли ўтди. Айниқса, у ерда ташкил этилган сайлов участкасида ёш ўғил ва қизларнинг фаоллигини қайд этмоқчиман. Бир сўз билан айтганда, халқингизнинг бирлиги ва жипслиги, ёшларнинг фаоллиги мамлакатингизда сайлов умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ қолди ўтганлигини кўрсатди.



Халқаро кузатувчилар: «Сайлов юксак демократик тамойилларга жавоб беради»// «Халқ сўзи», 2016 йил 6 декабрь

Ага Икрат ХАРУН, «Dispatch News Desk» интернет нашри бош муҳаррири, «E Turbo News» ахборот агентлиги муҳбири (Покистон):

Самарқанддаги учта сайлов участкасида бўлиб улгурдим. Бу ерда сайловни ташкил этиш борасида катта ва самарали ишлар амалга оширилган. Сайлов участкаларида Президентликка номзодлар ҳақида барча зарур ахборот





Татьяна СИНИЦИНА, «ИнфоШОС» ахборот-таҳлил портали бош муҳаррири (Россия):

– Албатта, мен журналист-кузатувчи миссиясини ўз зиммамга олишдан аввал қонун ҳужжатларини жиддий ўрганиб чиқдим. Қонун ҳужжатлари оқил ва тажрибали инсонлар томонидан яратилган. Улар миллий манфаатларни, анъаналарни ҳисобга олганлар, шу билан бир вақтда қонун ҳужжатлари жаҳон талабларига тўлиқ мос келади. Талаб қилинаётган нарса эса – шаффофлик, рақобатдир ва буларнинг барчаси таъминланди. Овоз беришда муайян тартиб мавжуд. Бунга тўлиқ риоя этилди. Мен бир қанча участкада бўлдим. Ўйлашимча, янги Президент мамлакатнинг ўз тарихий йўлидан боришини давом эттиради ва Ўзбекистон жаҳон майдонида ўзини юксак маданият даражасида кўрсатиш учун барча имкониятларга эга.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ахборот» информацион дастурига интервьюдан*



Мухаммад АББАСХАН, «The Daily Ittehad» газетаси муҳбири (Покистон):

– Марказий сайлов комиссияси уюшқоқ ва Ўзбекистон Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Масалан, сайлов участкаларида сайловчилар, шу жумладан имкониятлари чекланган сайловчилар учун шарт-шароитлар яратилган. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурида сайловчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Мен Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ташкил этилган тушунтириш ишларида қатнашдим. Сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларидан яхши хабардор қилинган. Покистонда Ўзбекистондаги сайлов мавзуси кенг муҳокама этилмоқда. Мисол учун, бизнинг газетамиз мамлакатингизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида ҳар ҳафта материаллар чоп этмоқда.

*Избирательный процесс: взгляд
наблюдателя// «Народное слово», 2016 йил 3 декабрь*

Чой СУНДЖА, Инха университети президенти (Корея Республикаси) :

– Ўзбекистон Жанубий Кореяда бўлганидек ҳамма сайловда фаол иштирок этиши билан ажралиб туради. Мамлакатингиздаги ҳар бир сайлов участкасида «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Мен учун бу янгилик бўлиб, менда ўзгача таассурот қолдирди. Буни Жанубий Кореяда ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Шу билан бирга, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар учун махсус йўлқалар, йўллар ва хоналар ташкил этилганлиги эътиборга лойиқ. Бу мамлакатингиздаги ҳар бир фуқаро сайлов ҳуқуқига эга эканлигидан, муҳим сиёсий тadbирда иштирок этишга доир ўзининг конституциявий ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқара олишидан далолат беради. Айниқса, Брайль алифбосида бюллетенларнинг тарқатилиши ҳар кимнинг ўзи танлаган муносиб номзодга овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бу сафарги ташрифимда яна кўп нарса эътиборимни тортди. Тошкентдаги Инха университетида ёшлар билан учрашув қизиқарли ўтди. Айниқса, у ерда ташкил этилган сайлов участкасида ёш ўғил ва қизларнинг фаоллигини қайд этмоқчиман. Бир сўз билан айтганда, халқингизнинг бирлиги ва жипслиги, ёшларнинг фаоллиги мамлакатингизда сайлов умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтганлигини кўрсатди.



Халқаро кузатувчилар: «Сайлов юксак демократик тамойилларга жавоб беради»// «Халқ сўзи», 2016 йил 6 декабрь

Ага Икпар ХАРУН, «Dispatch News Desk» интернет нашри бош муҳаррири, «E Turbo News» ахборот агентлиги муҳбири (Покистон):

– Самарқанддаги учта сайлов участкасида бўлиб улгурдим. Бу ерда сайловни ташкил этиш борасида катта ва самарали ишлар амалга оширилган. Сайлов участкаларида Президентликка номзодлар ҳақида барча зарур ахборот



мавжуд. Сайловчилар рўйхатлари билан ҳамма танишиши мумкин, жисмоний имкониятлари чекланган одамларнинг овоз бериши учун йўлқалар ва махсус кабиналар ўрнатилган. «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари очилган. Бу эса сайловчиларга кўрсатилган ғамхўрликдан дарак беради.

Ўзбекистондаги сайлов жараёни амалдаги Конституцияга ва миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ўтаётганини, умумэътироф этилган демократия тамойилларига мос келишини таъкидлайман.

Президентликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда қонунчилик даражасида тенг ҳуқуқлар берилган.

Самарқанддаги 7-округ сайлов комиссияси фаолияти ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлдим.

Проявление открытости и гласности // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



Евгений СЛОБОДА, МДХ Ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи:

– Ўзбекистонда Президент сайловига доир қонунчилик асослари такомиллаштирилиб, фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида маълум ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан хабардормиз. 2015 йил декабрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари янада аниқлаштирилган. Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши, ўз номзодини қўллаб-қувватлаши учун қўшимча имкониятлар белгиланди. Президентликка кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилди.


Евгений Слобода: Ўзбекистонда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқаро стандартлар бўйича очиқ ва ошқора ўтмоқда // ЎЗА, 2016 йил 28 ноябрь

—◆—

Владимир ЧУРОВ, Россия Ташки ишлар вазирлигининг алоҳида ишлар бўйича элчиси:

– Ўзбекистонда Президент сайловига жуда қисқа муддатда юкори даражада тайёргарлик кўрилди. Бу мамлакатингизда халқаро стандартларга мувофиқ сайлов қонунчилиги ва сайлов тизими мавжудлиги, ўзига хос сайлов тажрибаси тўплангани самарасидир.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида кенг кўламда ишлар амалга оширилган. Бу сайловнинг халқаро стандартларга мувофиқ ўтишига хизмат қилмоқда.



Сайлов жараёнлари ҳолис ва ҳаққоний ўтмоқда // ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь

—◆—

Бахтиёр ХУДОЁРЗОДА, Тожикистон Республикаси Сайлов ва референдумлар бўйича Марказий комиссияси раиси:

– Ўзбекистон биз учун энг яқин қўшни. Бизнинг сайлов тизимларимиз ўхшаш. Улар умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос келади. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловни ташкил этиш ва унга тайёргарлик кўриш борасида катта ишлар амалга оширилган. Жуда кўп халқаро кузатувчилар таклиф этилган, бу эса сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигидан дарак беради. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун тенг шароитлар яратилган.

Учрашув давомида томонлар икки давлат сайлов органлари ҳамкорлигининг истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар.



В Узбекистан прибывают международные наблюдатели // «Народное слово», 2016 йил 1 декабрь

—◆—

Олег СМИРНОВ, МДХ кузатувчилари миссияси аъзоси:

– 4 декабрь куни эрта тонгдан Наманган шаҳридаги 114-сонли сайлов участкасида бўлдим. Сайлов участкасининг жиҳозланиши сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мос келар эди. Шундай намунавий ҳолат бошқа сайлов участкаларида ҳам кузатилди. Шу туфайли сайлов



уюшган ҳолда бетартиб ҳаракатларсиз ва қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ тарзда ўтди. Ўзбекистонликларнинг фаол фуқаролик тутган ўрни лол қолдирди. Қуннинг биринчи ярмидаёқ сайлов участкалари рўйхатларида келтирилган сайловчиларнинг катта қисми ўзлари танлаган номзодларга овоз бердилар. Бундай манзара олис жойлардаги сайлов участкаларида ҳам кузатилди. Бу галги сайлов кампанияси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида Ўзбекистон эришган ютуқларни намоён этди.

Барча даражалардаги сайлов комиссиялари профессионал ва самарали фаолият кўрсатди. Овоз бериш, овозларни ва натижаларни ҳисоблаш тартиб-таомиллари сохталаштириш каби хийла-найранглардан холи бўлди. Шу туйғайли сайлов натижасида сайловчилар хоҳиш-иродасининг аниқ акс этиши таъминланди.

Транспарентно и организованно //
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь

III. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР – СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВНИНГ АСОСИЙ СУБЪЕКТЛАРИ

Рашид АЛИМОВ, ШХТ кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Биз оммавий ахборот воситаларининг анча фаол нуқтаи назарини қайд этаяпмиз. Оммавий ахборот воситалари барча номзодлар учун очикдир. Номзодларга нафақат марказий оммавий ахборот воситаларида, балки вилоят ва хатто туман оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш, ўз дастурини баён этиш имконияти берилган.

Жорий таҳлилнинг далолат беришича, сайлов кампанияси жуда тинч, ларзаларсиз ўтмоқда, сиёсий рақобат кўзга ташланмоқда. Бундай рақобат ижобий хусусиятга эга, бу эса жуда муҳимдир. Чунки ҳар қандай сайлов – ҳокимиятни эгаллаш учун эмас, балки жамиятни янада камол топтириш ва тараққий эттириш томон қўйилган кадамдир.

Ҳозирнинг ўзида биз қайд этмоқчи бўлган кейинги жихат – бу номзодларнинг ўта фаоллиги ва сайлов комиссияларининг юксак профессионал фаолияти. Инсонлар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши айнан уларга боғлиқ. Биз номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақидаги ахборот сайловчилар учун очиклигини кўраяпмиз. Шунингдек сайловчилар номзодлар билан учрашувларда қатнашишлари ҳам мумкин. Сайловда одамларга бирор-бир тарзда босим ўтказиш мумкин эмас ва биз бу принципга риоя этилаётганини кўраяпмиз.

Генсек ШОС: «Мы вместе с узбекским народом в этот очень важный исторический период» // «Жаҳон» АА, 2016 йил 1 декабрь



Гао ЮЙШЭН, Хитой Халқ Республикаси кузатувчилари делегацияси раҳбари:

– Сайлов куни делегациямиз вакиллари мамлакатнинг 8 минтақасидаги, шу жумладан Тошкент, Самарқанддаги 71 та сайлов участкасига ташриф буюрди. Биз бюллетенлар тайёрланишидан ва овоз бериш кутилари пломбланишидан бошлаб, то сайловчиларнинг овозлари ҳисоблаб чиқилгунга қадар сайлов жараёнини тўлалигича кузатдик.



Мамлакатингизда фукарлар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурларидан яхши хабардор эканлигини, ОАВ эса, ўз навбатида, сайловнинг боришини очик ёритиб борганини ҳам қайд этмоқчиман. Шу муносабат билан биз Президент сайлови «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг барча талабларига, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мувофиқ келди, деб ишонч билан айта оламиз.

Миссия КНР: Выборы соответствовали всем нормам международного права// http://news.uzreport.uz/news_2_r_146602.html, 2016 йил 5 декабрь



Инна СТЕЦЕНКО, Болтиқ халқаро академияси проректори (Латвия):

– Ўзбекистонда Президент сайловида сиёсий партияларнинг роли оширилгани демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган принципиал қадамлардан биридир. Ушбу сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашиши учун қонун асосида енгиллик берилган.

Мавжуд тўртта сиёсий партия ҳам ўз йўналиши ва мақсадларига эга. Сайлов кампанияси жараёнида уларнинг барчасига қонунга мувофиқ тенг ва кенг шарт-шароит яратилган. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятининг бир неча ҳудудларида бўлганимда бунинг амалий ифодасини кўрдим.

Сайлов жараёнида соғлом рақобат энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Сайлов кампанияси давомида барча партиялардан кўрсатилган номзодларга бир хил шарт-шароит таъминлаб берилгани, бу жараённинг мониторинг қилиб борилаётгани, бунга нафақат миллий, балки хорижий кузатувчи ва экспертлар ҳам жалб этилгани энг юқори демократик талабларга мувофиқ келади.

Қаерда сайловга оид реклама воситалари, баннерлар бўлса, барчасида тўртта номзоднинг бир хил даражада тарғиб этилаётганини кузатиш мумкин. Уларнинг ҳеч бирига алоҳида ёндашув ёки қандайдир чеклашлар мавжудлигини учратмадим.

Инна Стеценко: «Катта ирода кучига эга халқ юксакликка эришади» // ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь


—◆—

Джо ДАНИЭЛЬ, «Cloud-Fi Inc» компаниясининг бош ижрочи директори (Канада):

– Ўзбекистон сиёсий партияларининг сайлов жараёнидаги ролини қайд этмоқчи эдим. Партиялар жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ифодалайди. Мамлакат салоҳияти унинг сиёсий кучларининг ўзига хослигига асосланади, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг кенг катламига давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради.

Демократик сайловларни ўтказишда халқаро кузатувчилар муҳим вазифани бажарадилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасидаги сайлов жараёнини бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари билан бирга ЕХХТ ДИИХБ тўлиқ миссияси кузатиб боришини эшитиш қувонарлидир. Бу қарор ишончли қадам бўлиб, ўз навбатида, сайлов жараёнини ўтказиш борасида мамлакатда белгиланган нормаларнинг ҳолислиги даражасини ва уларга бўлган ишончни оширади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Oryat dono» радиостанциясига интервьюдан




—◆—

Павел ДУЛЬМАН, «Российская газета» нашри маҳсус мухбири:

– Мен нафақат Россияда, балки МДХнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган сайловларни ёритиб борганман. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Мамлакатингизда бўлган тўрт кун давомида республикадаги иқтисодий ва сиёсий ҳолат билан танишишга, партияларнинг сайлов штабларида бўлишга муваффақ бўлдик. Бу ерда сайлов тинч, тенг рақобат муҳитида ўтаётгани, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда халқнинг бўлинишига сабаб бўлмагани қувонарли.

«Здесь, я думаю, мы проведем много времени» // http://ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/zdes-ya-dumayu-my-provedem-mnogo-vremeni/?sphrase_id=2024, 2016 йил 30 ноябрь





Мохаммед Хусайн АЛЬ-ФИЛИ, Кувайт университети ҳуқуқ факультети профессори:

– Биз кўплаб сайлов участкаларида бўлдик ва барчаси сифатли ташкил этилган, деб айта оламиз. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзод ўз сайловолди дастурини тақдим этиш, сайловчилар эса улар билан танишиб чиқиш имкониятига эга. Шунингдек, номзодлар ўз сайловчилари олдида эркин ташвиқот олиб бормоқда, сайловолди ташвиқотининг ҳар хил шакллари, турлари ва усулларидан фойдаланмоқда.

Иккинчидан, сайлов комиссиялари томонидан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган кенг тушунтириш ишлари туфайли одамлар сайлов участкалари жойлашган жойни, овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартибини аниқ биладилар. Учинчидан, ҳар бир сайловчи ўзи белгилаган номзодни бемалол танлаш ва унга овоз бериш ҳуқуқига эга. Тўртинчи муҳим жиҳатни биз сайлов якунида кўраяпмиз. Бу Президент сайлови натижаларини эълон қилишнинг шаффофлигидир. ОАВ сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда асосий роль ўйнамоқда. Ўзбекистонда бу соҳа ривожланган ҳамда журналистлар учун ахборотни тезкорлик билан етказиш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ёшлар» телерадиоканалига интервьюдан*



Хайнц БЮЛЕР, Бонн шаҳри Кенгаши депутати (Германия):

– Қонун ҳужжатлари доирасида уюштирилган партиялараро рақобат ва сайловолди ташвиқоти юксак даражада эканлигини қайд этиш зарур. Сайлов кампаниясининг бориши нафақат мамлакат ичкарисида, балки бутун дунёда кенг ёритилди. Сайлов юксак демократик талабларга мувофиқ ўтказилди. Мен бўлган барча сайлов участкаларида юксак савиядаги тайёргарлик кузатилди. Сайлов комиссиялари аъзолари қонун ҳужжатларини яхши билишини намойиш этдилар.

Мнения международных наблюдателей // «Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Ўзбекистонда қисқа даврда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Миллий сайлов қонунчилиги умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб беради, энг муҳими, у изчил такомиллаштириб борилмоқда. Сайлов жараёни қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда ўтказилди. Ушбу мақсадда жуда катта ҳажмда ташкилий-тайёргарлик ишлари бажарилган. Кўппартиявийлик тизими самарали иш бераётгани сайлов муқобиллик асосида ўтганида намоён бўлди. Бу республиканинг энг катта ютуқларидан биридир. Сайловда тўртта партиянинг фаол иштирок этгани, улар ўртасидаги соғлом рақобатни алоҳида таъкидлашни истардим. Буларнинг барчаси сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигидан, демократик принципларга тўла мослигидан далолатдир.



Халқаро кузатувчилар: Президент сайлови Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб беради // «Халқ сўзи», 2016 йил 5 декабрь

Валериус СИМУЛИК, Литва Сейми депутати:

– Президент лавозимига кўрсатилган тўртта партия номзодлари ўртасида юзага келган кучли рақобат – Ўзбекистондаги бу галги Президент сайловининг яна бир хусусиятидир.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақида// «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь





Ральф ВИННИ, «The Eurasia Center» ташкилотининг глобал бизнесни ривожлантириш бўйича директори (АҚШ):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови энг юксак даражада ўтди, рақобатга асосланган, чин ва адолатли сайлов бўлди. Барча сайловчилар тенг сайлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Мамлакатдаги ҳолат сиёсий плюрализм ўсганлиги, электоратнинг сайлов жараёнига бўлган юксак ишончи, сайлов органларининг шаффофлиги ва жамоатчилик олдида ҳисоб бериши билан изоҳланади, бу эса сайловчиларга турли сиёсий платформалар орасидан онгли танловни амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат. Бу ерда турли миллат ва халқ вакиллари тинч ва тотув ҳаёт кечиради. Комиссиялар аъзолари сайловчилар билан турли тилларда суҳбат олиб боргани катта таассурот қолдирди. Ташвиқот бир нечта тилда олиб борилди, илк маротаба сайлов материаллари тожик ва қozoқ тилларида чоп этилган газеталарда эълон қилинди. Бу халқингиз бағрикенглигининг кўрсаткичидир.

Бу галги сайлов кампанияси партиялараро рақобатнинг юксак савияси билан ажралиб турди, бу Президентликка номзодларнинг сайловолди платформаларида намоён бўлмоқда.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Канг Мюнг ГУ, Сеул Миллий университетининг Осиё мамлакатларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот маркази директори (Корея Республикаси):

– Мен қуни кеча Тошкент шаҳридаги бир қанча сайлов участкаларига ташриф буюрдим ва кўплаб фуқаролар сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, ўз номзодига овоз бериш учун сайлов участкаларига келаётганини кўрдим. Партиядан кўрсатилган ҳар бир номзод ўз сайловолди дастурида жиддий масалаларни ва сайловчиларнинг орзу-умидларини акс эттиришга уринди.

Сайлов очик ва тинч муҳитда ўтди. Умуман олганда, сайлов жараёни юксак даражада ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди.

Шубҳасиз, ушбу Президент сайлови якунлари мамлакатингизда демократиянинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва фуқаролик жамиятини мустақкамлаш йўлида навбатдаги қадам бўлади.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида// «Жаҳон» АА,
2016 йил 5 декабрь*

Жим МОРАН, АҚШ конгресси собиқ аъзоси:

– Тўртгала номзоднинг ҳам дастури билан танишдим. Ҳар бир дастурда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигига эътибор қаратилган. Сайлов жараёниларида ёшлар жуда фаол. Мен кўзлари чакнаб турган Ўзбекистон ёшларини кўриб, мамлакат келажаги ҳам шундай порлоқ бўлишига ишондим.



*Ўзбекистон сайловларга доим юқори даражада
тайёргарлик кўрган// ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*

Ву ТИНГ, Шанхайнинг «The Paper» матбуот бюроси бош муҳаррири (Хитой):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар сайловолди дастурларининг ранг-баранглиги билан, кўплаб сайловолди ташвиқотида доир материаллар борлиги билан ажралиб туради. Сайловчиларга номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда, учрашувлар эса телевидение орқали узатиб борилмоқда.



Мазкур сайлов жараёнининг ўзига хослиги – очиқ-ошкоралиқдир. Марказий сайлов комиссиясининг онлайн брифинглари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юксак даражада ўтказилаётганини қайд этиш жоиз.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
«Ёшлар» телерадиоканалининг
«Давр» информацион дастурига интервьюдан*



Виолет де ВИЛЬМОР, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва Мухтор элчиси:

– Ўзбекистон аҳолисининг Президент сайлови бўйича ижтимоий фикрини турли ижтимоий тармоқлар орқали ўрганиб бормоқдамиз. Номзодларнинг вилоятлардаги учрашувлари, нутқларини матбуот ҳамда телевидение орқали кузатдик. Халқингизнинг сайловга муносабати, масъулияти юқори. Фукаралар сайлов жараёнига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

*Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида//
ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь*



Владимир ЛАФИТСКИЙ, Россия Федерацияси Хукумати хузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти директори ўринбосари

– Биз партиялар ўртасидаги курашнинг юксак савиясини, Президентликка номзодларнинг чин рақобатини кузатдик. Тенглик ва адолат тамойилларига риоя этилган ҳолда ташкил этилган сайловолди ташвиқоти вақтида рақобат тўлиқ намоён бўлди. Сайловнинг ўзи эса, шак-шубҳасиз, ҳақиқий, шаффоф ва адолатли бўлди. Сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида халқаро кузатувчилар, журналистлар, партиялар вакиллари фаол иштирок этдилар. Овоз бериш куни улар ҳар бир участкада бўлдилар, тўғри ва очиқ тарзда ўтказилган овозларни ҳисоблаш жараёнини кузатдилар.

*Слово – международным наблюдателям //
«Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь*



Хитоки НАКАГАВА, «Asahi Shimbun» газетасининг махсус мухбири (Япония):

– Ўзбекистон тарихан қисқа даврда улкан ютуқларга эришгани таҳсинга сазовор. Мамлакатингиз минтақада, умуман, халқаро ҳаётда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўплаб хорижий кузатувчилар келган. Чет эллик журналистлар учун ҳам бар-

ча шароит яратилгани сайлов жараёнини тезкор ёритишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Президент сайловида иштирок этаётган партияларнинг ҳар бири ўзига хос ўринга эга эканига гувоҳ бўлдик. Сайлов барча халқаро нормалар – очиклик, ошкоралик, тенглик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида ўтиши учун барча ишлар амалга оширилган.

*Буюк инсон бошлаган улуг ишлар
изчил давом этишига ишонамиз // ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*

◆

Евгений СЛОБОДА, МДХ Ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи:

– Сайловолди ташвиқотлари, умуман, сайлов билан боғлиқ жараёнларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ролини жуда юқори баҳолаймиз. Яқинда Марказий сайлов комиссиясида барча сайлов комиссияси аъзолари иштирокини таъминловчи видеоконференция ташкил этилди. Бу ҳам очиклик ва ошкораликни қарор топтиришдаги энг самарали усуллардан бири. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашди. Бошқа томондан, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, етакчи ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолани бую йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда миллий оммавий ахборот воситалари орқали 10 мингдан ортиқ материаллар эълон қилингани эътиборга молик. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқотида барча номзодлар учун тенг шароит яратиб, ҳаққонийлик ва холисликни таъминламоқда.

Бир неча вилоятларда, кўплаб сайлов участкаларида бўлдик. Кузатувларимга асосланиб ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатингизда сайлов кампанияси қонун доирасида, халқаро стандартлар бўйича очик ва ошкора ўтмоқда. Сайловчиларнинг Президентликка номзодларнинг дастури билан танишиши, ўзлари хоҳлаган номзодга овоз бериши, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.



*Евгений Слобода: Ўзбекистонда сайлов кампанияси қонун доирасида,
халқаро стандартлар бўйича очик ва ошкора ўтмоқда // ЎЗА, 2016 йил 28 ноябрь*



Фахри ХАМЗА, Индонезия Республикаси парламенти Халқ вакиллари палатаси спикерининг ўринбосари:

– Сайлов жараёнлари холис ва ҳаққоний ўтаётганини барча халқаро кузатувчилар таъкидлашмоқда. Номзодларнинг ҳаммасига тенг, адолатли шароит таъминланган.

Қисқа вақт ичида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани таҳсинга лойиқ // ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь



Ги Оливье ФОР, Париж V Сорбонна университети профессори (Франция):

– Ҳар ерда барча номзодларнинг сайловолди ташвиқотини кўрдим. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятига алоҳида эътибор қарагдим. Мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари бутун сайлов кампаниясининг фаол қатнашчисига айланди, Президентликка номзодларга бир хил шароитлар тақдим этиб, юз бераётган барча воқеа-ходисани батафсил ёритиб берди.

Турли сайлов участкаларида бўлдим ва ҳар ерда сайлов комиссиялари аъзолари ўз ишига содиқлик билан қараётганига гувоҳ бўлдим. Улар фуқаролар ўз хоҳиш-истагини эркин билдириши ва овозлар очик ҳисоб-китоб қилиниши учун барча шароитларни яратиб бердилар. Бир сўз билан айтганда, танкидий фикрлар йўқ.

Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь



Эдуард ЯКУБОВ, Холон технологиялар институти президенти (Исроил):

– Ўзбекистонда сиёсий институтлар фаол ривожланмоқда. Рўйхатга олинган барча тўртга партия сайлов жараёнида иштирок этиш учун ўз номзодларини кўрсатди. Сайловда ким ютишидан қатъи назар, ғолиб ўз халқининг фаровонлигини янада ошириш ва мамлакатни раванқ топтириш учун ўз ваколатлари доирасида қўлидан келган барча имкониятларни ишга солишига ишонаман.

Президент сайлови очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик руҳида ўтмоқда // «Жаҳон» АА, 2016 йил 4 декабрь

◆

Фредерик СТАРР, Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси (АҚШ):

– Сайлов Марказий Осиёнинг етакчи мамлакати бўлган Ўзбекистон учун ва қолган давлатлар учун муҳим воқеадир. Маҳаллий тажриба бир нечта нуктаи назардан қизиқдир. Ахир собиқ Иттифокнинг ҳамма республикалари ҳам демократияга ларзаларсиз ўтишни таъминлай олгани йўқ. Охириги йигирма йилда бу ерда катта ўзгаришлар юз берди, ислохотлар ўтказилди, улар амалиётда ўз аксини топмоқда.

Яқинда пайдо бўлган сиёсий партияларнинг ривожланиши бошқа мураккаб мавзудир. Ўтган давр мобайнида барча партиялар реал амалий ишлар билан шуғулланадиган ва бутун республика аҳолиси билан ишлайдиган жонли организмларга айланди. Партиялар мамлакатни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим масалалари юзасидан ўзининг аниқ нуктаи назарларига эга бўлди. Президент лавозимига кўрсатилган номзодларнинг дастурлари шундан далолат бермоқда. Айниқса, сиёсий ҳаётнинг модернизация қилиниши доирасида Ўзбекистондаги кўппартиявийлик тизимининг янада ривожлантирилишини кузатиш ҳам қизиқ бўлади.

Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей // «Народное слово», 2016 йил 5 декабрь



◆

Николай ЛЕВИЧЕВ, ШХТ кузатувчилари миссияси аъзоси:

– Дунёнинг кўплаб давлатларида сайлов жараёнларини кузатганман. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар орасидаги соғлом рақобат муҳити, ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик, сайловда овоз бериш тартиби, улардан фаркли равишда, муайян афзалликларга эга.



Замонавий сайлов тизими: Ўзбекистон тажрибаси // ЎЗА, 2016 йил 30 ноябрь



Мишель АЛЬ-ХАДЖИ, «All Direction Gulf» адвокатлик компанияси бош менежери (Кувайт):

– 4 декабрь – Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим сана.

Шу куни мамлакат фуқаролари турли сиёсий партиялардан кўрсатилган тўрт нафар номзод орасидан янги Президентни сайлайди. Таъкидлаш лозимки, номзодларнинг дастурлари долзарб муаммолар ва масалаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳал этилиши Ўзбекистонни янада ривожлантиришга ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга,

шунингдек чет эл инвестициялари учун кенгрок ва қулайрок шарт-шароитлар яратиб беришга кўмаклашади.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг янги раҳбари, шубҳасиз, Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ривожлантириш ва модернизация қилиш моделини такомиллаштириш йўлини давом эттиради.

*Итоги президентских выборов в Узбекистане укрепят его имидж на международной арене//
«Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь*



Гунарс КУТРИС, Латвия Сейми Президиуми котиби ўринбосари «Латвия юраги» фракцияси раисининг ўринбосари:

– Сайлов якуни халқаро кузатувчиларга боғлиқ эмас, бироқ улар лакмус қоғози сифатида бу муҳим сиёсий воқеа амалиётда қандай рўёбга чиқарилишини, сайлов қонунчилигида ёзилган нормаларга риоя қилинишини кўрсатиб беришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий қонунчиликнинг демократия тамойиллари асосида ўтди. Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларида тенг имкониятлар ва эфир вақти берилди. Бу адолатли ва очиқ сайлов ўтказиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Минтақаларда ўтказилган учрашувларда номзодлар фуқароларни ўз сайловолди дастурларидаги мақсадлар ва вазифалар ҳақида олдиндан хабардор қилдилар. Аҳоли билан мулоқот қилишнинг бундай интерактив шакли фуқароларга бир тўхтамга келиш ва ўз овозини кимга беришини олдиндан ҳал қилиб қўйиш имконини берди.

*Транспарентно и организовано //
«Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь*

Шин Хюн ДУ, «The Seoul City» журнали президенти (Корея Республикаси):

– Ўзбекистонда одамлар эрта тонгдан овоз бериш учун келишларини айтгандилар, шу сабабли мен соат 6:00 да 591, 596, 597-сонли сайлов участкаларига отландим ва одамларнинг кўплигидан лол қолдим. Сайлов участкаларига келсак, у ерда ташкил этилган болалар хоналари ва мусиқа менда таассурот қолдирди. Одамлар байрамо-на кайфиятда, худди фестивалга бораётгандек. Президентликка номзодларнинг сайловолди кампанияси ҳам қизик. Эфир вақти ва маблағлар партиялар вакиллари ўртасида адолатли тақсимланган. Бу номзодларнинг имкониятларини белгилаб берадиган жуда фойдали нормадир.



*Наблюдатели – об особенностях выборов, привлекавших внимание
<https://www.gazeta.uz/ru/2016/12/04/mandats/>,
2016 йил 5 декабрь*

Сеичиро МУРАКАМИ, Япония парламенти куйи палатаси депутати:

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларнинг сайловолди кампанияси кўппартиявийлик асосида ўтмоқда, бу эса Ўзбекистонда изчил олиб борилаётган демократик ислохотларнинг натижасидир.

Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари нафақат пойтахтда, балки республиканинг барча вилоятларида ўтказилаётганига эътибор қаратиш зарур. Учрашувлар давомида сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Номзодлар ўз дастурларида ижтимоий ислохотларни давом эттиришни, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни, спортни ривожлантиришни ва бошқа вазифаларни назарда тутувчи давлат сиёсатининг муҳим масалаларини илгари сурмоқдалар. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган барча номзодларнинг кун тартибида аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада ошириш вазифаси турибди.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент»
телерадиоканалига интервьюдан*



Аҳмед Нуби МУСА, Миср Араб Республикаси ахборотлаштириш ишлари вазири ўринбосари:

– Сайловда тўртта партиядан номзод тенг шароитларда рақобатлашгани Ўзбекистонда демократик андозалар даражасидаги профессионал сайлов тизими яратилганидан далолатдир.

*Сайловчилар фаоллиги – демократик
ислохотлар ифодаси // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Вели ЮКСЕЛ, Бельгия Қироллиги парламенти депутати:

– Мен Болгария, Испания, Польшада сайловларни кузатганман. Бу турли хусусиятларни ўз ичига олган ҳар хил сайлов тизимларидир. Жумладан, Бельгияда овоз бериш эрталаб соат 8:00 дан кундузги 13:00 га қадар электрон шаклда ўтказилади. Ўзбекистондаги барча сайлов участкаларида Президентликка ўз номзодларини кўрсатган тўртта сиёсий партиянинг кузатувчилари ҳозир бўлди. Овоз бериш хоналари тегишли равишда жиҳозланган ва яширин овоз бериш принципини таъминлайди. ОАВ вакиллари қулай шароитларда фаолият кўрсатиб, сайловнинг боришини кенг ёритиб борганлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Очқиклик – сайловнинг бош мезонидир.

Мнения международных наблюдателей // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



Йохан Петер Трауготт ТЕЙЛЕР, ЕХХТ ДИИХБнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари:

– Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилиниши муҳимлигини, унинг самарадорлигини ва бу соҳадаги ишларни давом эттириш зарурлигини қайд этдим. МСК сайлов билан боғлиқ материалларнинг катта қисмини, шу жумладан бюллетенларни ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этди. Маҳаллий аҳолига мўлжалланган давлат гезеталарида номзодларга ташвиқот мурожаатларини амалга оширишлари учун ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида бепул нашр майдони тақдим этилди.

4 декабрь куни сайлов байрамона муҳитда ўтди, сайлов участкалари ўз вақтида очилди ва барча зарур ресурслар билан тегишли равишда таъминланди. Сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар сайлов жараёнининг барча босқичларини кўздан кечириш имконига эга бўлдилар. Овоз бериш яқунланиб, овозлар ҳисоблаб чиқиш тамом бўлгач, ЕХХТ ДИИХБ миссияси кузатувчилари барча сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари баёноتلарининг нусхаларини олдилар, бу эса сайлов жараёнининг тўлиқ очиқ-ошкоралигидан дарак беради.

БДИПЧ ОБСЕ: «Подготовка и проведение выборов были прозрачными»
http://news.uzreport.uz/news_2_r_146601.html,
2016 йил 5 декабрь


◆

Корнелиус ЛАДАЖ, «Intertwine Consultancy» ноҳукумат ташкилоти раҳбари (Нидерландия):

– Ўзбекистонда Президент сайловига жуда пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдик. Барча жараёнлар миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар асосида амалга оширилаётгани Президент сайловининг юксак демократик талаблар асосида ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этган.

Сайлов ташвиқоти ҳар бир номзоднинг аниқ позициясини кўрсатадиган тарзда, кенг сайловчилар оммасини камраган ҳолда ўтди. Жойлардаги учрашувларда савол-жавоблар бўлгани, фуқароларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани сайловчиларнинг фаоллиги ошганидан, сайловга пухта тайёргарлик кўрганидан далолат беради. Бу халқингизнинг мамлакат келажагига ишончи юксаклигини намоён этади.

Сайловга пухта тайёргарлик Ўзбекистон халқининг ўз келажагига юксак ишончини англатади //
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь



◆

Ривен Д'СУЗА, «Times Kuwait» газетаси ижрочи директори (Қувайт):

– Ўзбекистонда 2014 ва 2015 йилларда ўтказилган парламент ва Президент сайловини ёритиб борган журналист сифатида республикада мустақиллик йилларида давлат бошқарувининг барқарор тизими ва демократик институтлар шаклланишини қайд этмоқчиман. Замонавий демократиянинг пойдевори бўлган очиқ ва эркин сайловни



ташқил этиш ҳамда мунтазам ўтказиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши бунда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизими миллий қонун ҳужжатларига ҳамда умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ тақомиллаштирилди. Президент сайлови, парламент депутатлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайловлари фақат кўппартиявийлик асосида амалга оширилмоқда.

Итоги президентских выборов в Узбекистане укрепят его имидж на международной арене// «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



Алексей ЛАЗУРЕНКО, «Рен-ТВ» телеканали шарҳловчиси:

– Биз Ўзбекистонга Россия ОАВ делегацияси таркибида келдик. Ўзбекистон Президенти лавозимига номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар штабларида бўлдик, сайлов комиссияси вакиллари билан суҳбатлашдик. Биз одамлар билан мулоқотда бўлдик, улар мамлакатда тинчлик ҳукм сураётганини ва бу ҳозирги замонда жуда муҳим эканлигини айтдилар. Биз сайловолди кампанияси доирасида гувоҳ бўлган манзара Ўзбекистон аҳолисининг фикрини тасдиқлайди. Сиёсий партиялар ахлоқ қоидаларига риоя қилмоқда.

Номзодлар сайловолди кампанияларини ўтказаётиб, мамлакатнинг турли минтақаларида сайловчилар билан учрашибгина қолмай, балки видеоконференция ёрдамида боғландилар, бу эса янги технологиялар орқали кўпроқ сайловчилар билан мулоқот қилиш имконини берди. Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар туфайли сукунат қуни жорий этилди, бу эса сайлов кампаниясининг муҳим омилidir. Чунки одамларда эшитганларини ва кўрганларини англаб этиш учун вақт пайдо бўлади. Шунингдек, бюллетенлар биринчи маротаба Брайль шрифтида чоп этилаётгани ва имкониятлари чекланган одамларнинг овоз бериши учун мўлжалланган махсус кабиналар пайдо бўлгани ҳам муҳимдир.

Политическими партиями соблюдаются законы этики// http://ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/politicheskimi-partiyami-soblyudayutsya-zakony-etiki/?sphrase_id=1996, 2016 йил 30 ноябрь

—◆—

Тофик АББАСОВ, Озарбайжон Президенти Маъмурияти хузуридаги Боку халқаро мультимаданият Марказининг медиадепартаменти директори (Озарбайжон):

– Ўзбекистондаги 4 та сиёсий партия ҳам Президентлик лавозимига ўз номзодини илгари сургани алоҳида эътиборга сазовордир. Сайлов жараёни очиқлик, адолатли рақобат муҳитида ўтмоқда.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида республикада тинчлик ва барқарорлик таъминланди, интеллектуал салоҳият сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишим ва бутун сайлов жараёни бўйича ҳолис баҳо беришим мумкинлигидан жуда мамнунман.

Ўзбекистонда сайлов жараёни соғлом рақобатга асосланган кураш муҳитида ўтмоқда // «Халқ сўзи», 2016 йил 30 ноябрь



—◆—

Марк БОННЕЛЬ, «Авиценна – Франция» ассоциацияси президенти:

– Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман ва бу ерда олиб борилаётган ислохотларни кўриб турибман. Мамлакатингиз тинчлик ва тараққиёт йўлидан бораётганлигини, сайлов кампанияси эса буни тасдиқлаётганини айтишим мумкин. Сайлов жараёни халқаро стандартларга жавоб беради, барча тадбирлар эса муносиб даражада.

Номзодлар ва уларнинг ортидан турган партиялар томонидан барча йўналишлар бўйича ўз ташаббусларини ишлаб чиқиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Ва бутун кампаниянинг муҳим иштирокчисига айланган оммавий ахборот воситалари уларга ўз таклифларини етказишда катта ёрдам бермоқда. Оммавий ахборот воситаларида Президентлик лавозимида кўрсатилган барча номзодларга ўз материалларини жойлаштириш учун тенг шарт-шароитлар ва майдонлар берилди, сайловчилар билан бўлиб ўтаётган барча учрашувлар ҳамда бошқа воқеалар батафсил ёритиб борилмоқда, бу эса аҳолига номзодларнинг дастурлари ўртасидаги фарқ ва умуман сайлов жараёни ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бермоқда.

В атмосфере открытости, гласности и возросшей конкуренции // «Правда Востока», 2016 йил 3 декабрь





Марлен МИЦЦИ, Европарламент депутати:

– Мен республикада ўтказилаётган сайловда бирор-бир миссия таркибида эмас, балки ўз ташаббусим билан иштирок этаяпман. Мен саккизта сайлов участкасида бўлдим, барчасини яхшилаб кўздан кечирдим ҳамда комиссиялар аъзоларига ва кузатувчиларга кўплаб саволлар бердим. Бирор-бир нотўғри ҳаракатни кўрмадим, деб бемалол айта оламан. Барчаси жуда яхши ташкил этилган, сайлов комиссиялари аъзолари мамнуният билан ҳамкорлик қилдилар. Танқид қилиш учун бирорта мисол келтира олмайман. Сайлов участкаларида ташкил этилган «Она ва бола» хоналари мени ҳайрон қолдирди. У ерда ёши катта сайловчилар ўз фарзандларини қолдиришлари мумкин эди. Шунингдек, шифокорлар хоналари ҳам менда таассурот қолдирди. Барчаси олдиндан пухта ўйланган.

Сайлов участкаларида қонунга риоя этилаётганлигини кузатиб борган партия кузатувчилари ҳам мени лол қолдирди. Гап шундаки, бизда, яъни Мальтада кузатувчилар сайлов участкасининг ташқарисиди, камида 50 метр масофада туришлари мумкин. Лекин улар ҳатто сайлов куни ҳам ўз номзодини қўллаб ташвиқот олиб боришлари мумкин. Шу билан бирга, барча мамлакатларда, ҳатто ЕИ мамлакатларида ҳам сайлов қонунчилиги ҳар хил эканлигини биламиз. Қонунларга риоя этилиши – энг асосийсидир.

*Депутата ЕП удивили наблюдатели на участках
на выборах Президента*

*Узбекистана// <http://www.vz.ru/news/2016/12/5/847522.html>,
2016 йил 5 декабрь*



Йоэль РАЗВОЗОВ, Исроил Кнессети депутати:

– Сайловларни эркин ва ҳалол ўтказиш фуқаролик жамиятининг мамлакат сиёсий тизимида ишончини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Республикада номзодларни кўрсатиш ҳамда рўйхатга олиш Конституция доирасида Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилди. Давлат бошлиғи лавозимида номзодларга ўз дастурини оммавий ахборот воситаларида, сайловчилар билан учрашувларда илгари суриш учун тенг имкониятлар яратиб берилган. Уларнинг сайлов штаблари аҳоли ўртасида фаол сайловолди ташвиқотини олиб бормоқда. Сайловчилар

сайлов кампаниясининг барча тадбиридан хабардор эканлиги, улар ўз конституциявий ҳуқуқларини чуқур билишини алоҳида айтиб ўтишни истардим.

Халқаро кузатув: амалиёт ва демократик андозалар // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 ноябрь

◆

Чон Чжон СОП, Корея Республикаси Миллий асамблеяси депутати:

– Ўзбекистон сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясига мустақил мақом берилган. Бизнингча, бундай ҳолат муҳим аҳамиятга эга, чунки у Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш, уни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўз фаолиятини эркинлик асосида амалга ошириш имконини берди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон аҳолиси Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари ҳақидаги барча ахборотларни нафақат ўзбек тилида, балки бошқа тилларда ҳам олиш имкониятига эга бўлди. Бу мамлакатингизда давлат учун ҳар бир овоз муҳим эканлигидан ва барча фуқароларга сайлов кампаниясининг бориши ҳақида зарур маълумотлар тақдим этилганлигидан дарак беради.

Транспарентно и организовано // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



◆

Син ГУАНЧЭН, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси Чегараолди ҳудудлар тарихи ва географиясини ўрганиш маркази директори:

– Президент сайловига миллий қонунчилик ва халқаро демократик тамойиллар асосида пухта тайёргарлик кўрилган. Сайловолди кампаниясини олиб бориш учун барча номзодларга тенг шароит ва имкониятлар яратилган. Уларнинг дастурлари, учрашувлари оммавий ахборот воситаларида изчил ёритилган.

Ўзбекистон – жадал ривожланаётган мамлакат // ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь





Хилел НЬЮМАН, Исроил Ташқи ишлар вазирлиги стратегик тадқиқотлар департаменти сектори бошлиғи:

– Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятнинг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясига қаратилган. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳоли сони кўплиги бўйича энг йирик мамлакат сифатида минтақа ижтимоий-сиёсий ҳамда иктисодий ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Айнан шу омиллар сабаб ҳам дунё жамоатчилиги томонидан Ўзбекистондаги сайловларга алоҳида қизиқиш билан қаралмоқда. Сайловолди кампаниясида барча сиёсий партиялар иштирок этаяпти. Бу эса сиёсий рақобат мавжудлиги ҳақида сўз юритиш учун асос бўлади. Сайлов қонунчилиги эркинлаштирилгани, партияларга ҳокимият учун кураш ҳуқуқи берилгани, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнига фаол жалб қилингани, кўп сонли халқаро кузатувчилар аккредитациядан ўтказилгани ҳам Ўзбекистоннинг демократия ва очиқликни таъминлаш борасида дадил бораётганидан далолатдир.


Халқаро кузатув: амалиёт ва демократик андозалар // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 ноябрь




Чжань ХУНЦЗЯНЬ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси аъзоси:

– Ўзбекистонда олдин ҳам бўлганман. Мамлакатда юз берган ижобий ўзгаришларни қайд этиб ўтишни хоҳлардим. Халқаро кузатувчилар миссиясининг вакили сифатида сайловни кузатиш жараёнида бетарафлик, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик, холислик таъминланишига амал қилдим ва талабларга мувофиқ мониторинг олиб бордим. Сайлов участкалари юксак даражада тайёргарлик кўрилганлиги билан ажралиб турди, сайлов жараёнининг барча тафсилотлари ҳақида пухта ўйланган.

Президентликка кўрсатилган барча номзодларга тенг рақобатлашиш имконини берадиган бир хил шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар бирор-бир камситилишсиз оммавий ахборот воситаларидан бемалол фойдаландилар. Давлат ва бошқа оммавий ахборот воситалари анча мувозанатлашган







ва беғараз ахборотни тақдим этди. Бундай ахборот асосида сайловчи онгли танловни амалга ошириш имконига эга бўлди. Сайлов кампаниясини молиялаштириш қоидалари бирор-бир муайян партияга ёки номзодга устунлик бермади.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь




Кудайберген ЕРЖАН, Қозоғистон Республикаси парламенти депутати:

– Оммавий ахборот воситаларида биз мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва унга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида батафсил маълумотларни олдик. Партиялар томонидан Президентликка кўрсатилган номзодларнинг чиқишларини кузатиб, мен улар ўртасида кечган соғлом рақобатга, уларнинг сайловчиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига гувоҳ бўлдим. Ҳамюртларингиз бу сайловга жуда масъулият билан, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан қарайди.



Сал аввалроқ биз Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси томонидан Алмати шаҳрида ташкил этилган сайлов участкасида бўлдик. Бу ерда ҳам сайловга тайёргарлик юксак даражада ташкил этилган. Хорижда яшовчи фуқароларнинг бу галги сайловда ва овоз беришда эркин иштирок этиши учун барча имкониятлар яратилгани эътиборга лойиқ. Бу, ўз навбатида, уларнинг фуқаролик бурчини, конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга.

В духе конструктивного диалога // «Народное слово», 2016 йил 3 декабрь




Хайниқ ВИССЛИНГ, Ўзбекистон – Швейцария Савдо-саноат палатаси вице-президенти (Швейцария):

– Президент сайлови Ўзбекистон учун улкан аҳамиятга эга, чунки сайлов жараёнида мамлакатнинг келажаги белгилаб олинади. Сайлов хорижда, шу жумладан мамлакатингиз фаол жалб этишни хоҳлаган инвесторлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг учун эса барқарор сиёсий тизим ва давлат раҳбарининг сиёсий иродаси бўлиши муҳимдир. Ўзбекистонда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг зарур тизими яратилди, сайлов жараёнида партиялар фаол роль ўйнамоқда, улар ўртасида ҳақиқий рақобат юзага келди.

Ҳар бир партия номзоди ўз дастурига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида устуворликларга, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг ўз йўлига, кўплаб масалалар юзасидан ўз қарашига эга бўлди ва ўз қарашларини номзодлар фаол ҳимоя қилдилар. Буларнинг барчаси – демократик ислохотлар натижасидир.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Мосуд МАННАН, Бангладешнинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор элчиси:

– Ўзбекистонда парламент сайловида ҳам иштирок этганман. Бу йил Президент сайлови жараёнларини кузатмоқдаман. Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари билан танишиб чиқдик. Уларнинг ҳар бири халқингизнинг маълум йўналишдаги фаровонлигини кўзда тутгани, мамлакатингизнинг нуфузини янада орттиришга бел боғлаганини кўрсатиб турибди.

Мамлакатингиз журналистлари ишини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий маданияти оммавий ахборот воситаларида узлуксиз ёришиб борилаётган материаллар самарасида юксалиб бормоқда. Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги мазкур сайлов порлоқ истикболингизга хизмат қилишига тилакдошимиз.

Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида // ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь

Ширин АКИНЕР, Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг катта илмий ходими (Буюк Британия):

– Ўзбекистонда ва хусусан Қорақалпоғистонда кўп бўлганман. Бироқ бу ўлка анча ўзгаргани мени ҳайрон қолдирди. Нукус шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюришга улгурдим. Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясида ва матбуот марказида бўлдим. Сайловга уюшган ҳолда тайёргарлик кўрилаётганига, сайлов жараёнининг барча масалалари юзасидан фуқароларнинг пухта хабардорлигига гувоҳ бўлдим. Марказий, партиявий ва минтақавий газеталарни кўздан кечиришга муваффақ бўлдим. Ушбу газеталарда барча зарур маълумотлар бор, бу йўналишдаги тадбирлар ёритиб берилган. Номзодларнинг сайловолди дастурларида иктисодиётни янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш, халкнинг маданий анъаналарини сақлаш масалалари акс этган.



Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь

Александр БАЛИЦКИЙ, «Россия» телекомпанияси мухбири:

– Сиёсий жараёнлар шунчаки ўтказилиши керак эмас, балки оддий одамлар ҳаётига таъсир қилиши лозим. Одамлар нима учун сиёсат билан шуғулланадилар? Юзага келган бирор-бир қолипни ўзгартириш ва мамлакатни яхши томонга йўналтириш учун. Барча сиёсатчилар хато қилади, шу сабабли журналистларнинг сайловдаги иши нафақат номзодлар билан учрашишдан ва уларнинг сайловолди ваъдаларини изоҳлашдан, балки биринчи навбатда оддий одамлар қандай яшаётганлигини, ўз ижтимоий ҳолатига қандай баҳо бераётганини, уларнинг маошларини, давлат механизmidан қониқиш ҳосил қилаётганини ўрганишдан иборат бўлиши лозим.



Пресс-клуб «Выборы – 2016»: Экспертные мнения и интервью // http://news.uzreport.uz/news_2_r_146481.html, 2016 йил 2 декабрь



Сафа Маҳмуд АЛВАН, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (БАА):

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни доимо кузатиб бораман. Мамлакатингизда иккинчи бор сайловда кузатувчи сифатида иштирок этмоқдаман. Пойтахтингиздаги 14-сайлов округида бўлдик. Сайлов участкалари қай тартибда ташкил этилгани, уларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ҳолати ва номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказгани ҳамда мазкур жараёнда илк бор қатнашаётган ёшлар билан нечоғли иш олиб борилганини ўрганиб чиқдик. Мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустаҳкам тизим яратилган.

Кўчалар ва биноларда номзодларнинг плакатлари, сайловчиларни овоз беришга чорловчи шиорлар осилган. Оммавий ахборот воситалари орқали юртингиздаги сиёсий партиялар вакиллари ва номзодларнинг чиқишларини, уларнинг сайловолди ташвиқоти ва баҳс-мунозараларини кузатдик. Бу жараён ғоят кизғин ва фаол ўтаётгани сайловчиларга муносиб номзодни танлаш имконини бериши шубҳасиз.

Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида // ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь



Владимир ФИЛИПОВИЧ, МДХ Ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи, МДХ кузатувчилари миссияси аъзоси:

– Ўзбекистонда Президентликка номзодлар учун тенг имкониятлар яратилгани, сайловолди ташвиқоти давлат томонидан тўла молиялаштирилгани сайлов кампаниясининг халқаро демократик талаблар даражасида, соғлом рақобат муҳитида ўтишига замин яратган. Бундай амалиёт жаҳонда камдан-кам учрайди. Ҳар бир партиянинг ўз электорати билан ишлаётгани жуда муҳим. Номзодлар дастурларида Ўзбекистон халқининг фаровон келажаги, мамлакатнинг янада юксак марраларни эгаллашига қаратилган эзгу мақсадлар илгари сурилган.

Сайловга пухта тайёргарлик Ўзбекистон халқининг ўз келажагига юксак ишончини англатади // ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь

Джасим Иса АЛЬ-МУТАВА, Шаржа амирлиги Савдо-саноат палатасининг МДХ давлатлари билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси (БАА):

– Мамлакатингизга ташриф буюришдан аввал сайлов кампаниясига тайёргарлик кўришга доир барча зарур материаллар билан танишиб чиқдим. Масалан, аввалги сайлов якунлари бўйича халқаро кузатувчилар фикр-мулоҳазалари асосида Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларни ўргандим. Бу мамлакатингиз демократик тараққиёт йўлидан бораётганлигидан дарак беради. Қонун ҳужжатларида сайловларни демократия тамойилларига мувофиқ ҳолда очик-ошкора ўтказиш учун зарур бўлган нормалар ёзилган. Ушбу муҳим сиёсий воқеа бундай қисқа муддатларда ташкил этилганлиги мамлакатдаги ҳолат барқарорлигидан дарак беради.



Мнения международных наблюдателей // «Правда Востока», 2016 йил 6 декабрь

Владимир КОБЯКОВ, НТВ телекомпаниясининг мухбири (Россия):

– Ярим йил ичида сайлов қонунчилиги жуда сезиларли даражада ўзгарганлиги мени лол қолдирди. Яъни сайловда иштирок этмоқчи бўлган одамларга сайловолди кампанияси ташкилотчилари томонидан кўплаб имкониятлар берилди. Ва бу жуда яхшидир.

Ўзбекистонда юзага келган сиёсий маданият ва анъана учун бу галги сайлов ўзгачадир. Биз барча номзодларнинг дастурлари билан танишдик. Улар бу сайловда фаол кампания олиб бормоқдалар, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очдилар, кўплаб сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар ҳамда телеканалларда ва Интернет тармоғида турли-туман роликлар тақдим этдилар. Биз тунда ЎзЛиДеП партиясининг штабига бордик. Барча сайлов участкалари ёпилган бўлса-да, у ерда одам гавжум эди. Умуман олганда, ўз номзоди ғалаба қозонишини билган сайловчилар яхши кайфиятда эканлиги кўриниб турганди.



Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Roynext FM» радиостанциясига интервьюдан



◆

Чжен Ци, «China Daily» газетаси мухбири (Хитой):

– Сайлов кампанияси тадбирларида оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда. Президентликка номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун телевидение, радио, газеталарда, интернет нашрларида тенг имкониятлар яратилгани эътиборга сазовор. Биз бу тадбирларнинг нафақат кузатувчиси, балки кўрганларимиз, олган таассуротларимиз асосида Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тажрибаларини дунё аҳлига кўрсатиб бермоғимиз керак.

Юксак даражада тайёргарлик кўрилган//

ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь

IV. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ ОШКОРАЛИГИ, ОЧИҚЛИГИ ВА ТРАНСПАРЕНТЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ САЙЛОВГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШНИ ОРТТИРАДИ

Ким Ён ХИ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси Бош котиби:

– Сайловни юксак демократия тамойиллари асосида ўтказиш учун очиклик, ошкоралик, адолатлилик талаб этилади. Шуни ҳисобга олганда Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш жараёни юксак савияда амалга оширилган.

Биз буни сайловолди ташвиқоти давомида ва сайлов куни кўрдик, сайлов участкалари халқаро стандартлар даражасида ишлашига гувоҳ бўлдик.

Аҳолининг барча қатламларига, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож кекса авлод вакилларига, ёшларга, ёш болали аёлларга, ногиронларга қаратилаётган алоҳида эътибор бизни жуда қувонтирди.

«Она ва бола» хоналарида турли ёшдаги болалар учун шарт-шароитлар яратилганлиги, ўйинчоқлар, китоблар билан таъминланганлиги эътиборга лойиқ. Шунингдек, тиббиёт хоналарида ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Ногиронлар овоз бериши учун мўлжалланган алоҳида кабиналар уларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдира олишини таъминлайди.

Овоз бериш қонун доирасида ўтди ва фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини бемалол билдирдилар.

Сайлов якунлари мамлакатингизни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Глава ВАИО: «Итоги выборов послужат дальнейшему развитию Узбекистана» // http://news.uzreport.uz/news_2_r_146571.html, 2016 йил 4 декабрь



Гао ЮЙШЭН, Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси, ХХР кузатувчилари делегацияси раҳбари:

– Бизнинг миссиямиз таркибида дипломатик корпус вакиллари билан бирга кенг жамоатчилик вакиллари – тижорат корхоналари, ташкилотлар раҳбарлари, олимлар ташриф буюрган. Жами – қарийб йигирма киши.



Президент сайлови ўтказилишига келажакда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган воқеа сифатида қараймиз. Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлар муносиб даражада бажарилганлигини қайд этамиз. Тайёргарлик миллий қонунчиликка, шунингдек жаҳон амалиётидаги умумэътироф этилган стандартларга мос келади. ОАВ муҳим сиёсий воқеанинг боришини холис ва батафсил ёритиб борди ҳамда Президентликка номзодлар ҳақида зарур ахборотни тақдим этди.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг фаоллиги ва уларнинг сайлов участкаларига келиши Президент сайлови муваффақиятли ўтказилганлигидан дарак беради.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Фредерик ПОНСОНБИ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг аъзоси:

– Қамокда саклаш жойларида тузилган сайлов участкасида суд ҳукми чиқарилмаган шахсларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдириши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Яширин овоз бериш тамойили таъминланаётгани қувонарли. Тергов қилинаётган шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятининг берилиши бу галги сайлов жараёнининг муҳим ижобий жиҳатларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Сайловни бундай жойларда ташкил этиш учун пухта тайёргарлик талаб этилади. Марказий сайлов комиссияси бу мураккаб вазифани яхши уйдалаганини кўриб турибман.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканалига интервьюдан



Пьер ШАБАЛЬ, Гавр университети профессори, халқаро муносабатлар эксперти (Франция):

– Мамлакатингиздаги сиёсий тизим ҳақида тақдим этилган ахборот демократия ва қонунчилик базаси юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Президент сайлови Конституцияга ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда ташкил этилган ҳамда давлатнинг конституциявий тизими сама-

рали ва барқарор фаолият кўрсатаётганини исботлайди. Кўп сонли чет эллик ва халқаро кузатувчилар қатнашганлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу сайлов жараёнининг очиқ ва шаффоф эканлигидан яна бир бор дарак беради. Сайлов жараёнининг бориши устидан мониторинг самарали халқаро ҳамкорлик руҳида ўтказилишига ишонаман.

Парламентдаги барча тўртта партия номзодларининг иштирок этганлиги, шунингдек фуқаролар иштирокининг юқори фоизи – бу галги сайловнинг бошқа ижобий белгисидир. Бу одамларни мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажаги хавотирга солаётганидан, улар давлат қурилишини давом эттиришда фаол бўлишга интилаётганидан далолатдир.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь

Хиронобу КУРОСАКИ, «НЭК Корпорейшн»нинг АҚШ, Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақалари бўйича бўлими бош менежери (Япония):

– ОАВ томонидан Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ёритиб бериш жараёни жуда юқори савияда ташкил этилган. Барча зарур ахборот технологиялари билан таъминланган пресс-клубнинг очилиши ушбу муҳим воқеага катта эътибор қаратилаётганидан дарак беради.



*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА,
2016 йил 5 декабрь*

Валериус СИМУЛИК, Литва Сейми депутати:

– Биз тахминан 15 та участкага бордик. У ердаги тартиб жуда маъқул келди. Ҳамма жойда ким нима учун жавоб бериши аниқ ва равшан. Барча ахборот яққол баён этилган. Одамларга ҳаммаси аён, ҳеч ким адашиб юрмайди. Маслаҳат берадиган жавобгар шахслар бор. Сайлов комиссияси сайловчиларнинг овозини ҳисоблаб чиқади ва сайлов натижаларини аниқлайди.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Роберт ФРАНЦЕВ, «Россия 24» телеканали мухбири:

– Биз Ўзбекистондаги сайлов мамлакатнинг, бутун минтақанинг келажигини белгилаб беришини тушунамиз. Овоз бериш куни бизнинг каналимиз чет эл оммавий ахборот воситалари орасида биринчи бўлиб Москва вақти бўйича эрталабки соат 8 да «жонли эфир»га чиқди. Тайёргарлик кўриш, ускуналарни созлаб олиш учун сайлов участкасига 5:30 да келдик. Ва эшик олдида сайлов участкаси очилишидан олдин бу ерга ташриф буюрган одамларни кўрдик. Халқ сайловда иштирок этишга – ўзининг фуқаролик бурчига – катта масъулият билан муносабатда бўлганига ишонч ҳосил қилдик. Журналистларга берилган эътиборни алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман. Бизнинг иш олиб боришимиз учун жойларда ва бу ерда барча шароитлар яратилган. Бунинг учун ташкилотчиларга катта раҳмат. Мана шу туфайли томошабинларимиз Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар.

*Внимание журналистам под стать событию//
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь*



Аккан СУВЕР, «Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар фонди Бош директори (Туркия):

– Сайловолди тайёргарлиги ва сайлов ҳар ерда юқори профессионал даражада ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтишни хоҳлайман. Бу дўстона Ўзбекистонда демократлаштириш жараёни жиддий равишда кучайганидан дарак беради. Биз Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Қорақалпоғистон Республикасининг бир қанча сайлов участкаларида бўлдик. Овоз бериш жараёни қандай ўтаётганини бевосита жойларнинг ўзида кузатиб бордик. Мамлакатингиз фуқаролари бундай муҳим тарихий воқеага қандай масъулият билан муносабатда бўлганини кўрдик. Номзодлардан бирини сайлаш учун бутун оилалари билан ташриф буюрдилар. Менга бу каттиқ таъсир қилди. Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловини кузатиб, биз қуйидагича хулосага келдик: сайлов жараёни очик ва шаффоф ўтди. Бу фақатгина Ўзбекистоннинг муваффақияти эмас. Бизнинг мамлакатимиз учун ҳам бундай тажриба яхши мисол бўлади.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

— ◆ —

Хайнц ВИССЛИНГ, Ўзбек–Швейцария Савдо-саноат палатаси вице-президенти (Швейцария):

– Янги Президентни сайлаш тартиб-таомили ошкоралик, шаффофлик ва адолатлилик тамойилларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтмоқда. Мен Ўзбекистонга, бу меҳмондўст мамлакатга яна қайтганимдан мамнунман. Бу сайловда пресс-клуб маъқул келмоқда. У ерда овоз бериш жараёнини онлайн тартибда кузатиш ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари билан мулоқот қилиш мумкин. Бу майдон нафақат сайловни кузатиш учун, балки бизнес соҳада музокаралар олиб бориш, тажриба алмашиш учун мўлжалланган. Бундай имконият учун ташаккур.

Наблюдатели – об особенностях выборов, привлёкших внимание
<https://www.gazeta.uz/ru/2016/12/04/mandats/>, 2016 йил 5 декабрь



— ◆ —

Джо ДАНИЭЛЬ, «Cloud-Fi Inc» компаниясининг бош ижрочи директори (Канада):

– Президент сайловида халқаро кузатувчи бўлиш – бошқа мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш учун жуда яхши имкониятдир.

Ўзбекистонда бўлган вақтимда республикадаги овоз беришни ташкил этиш жараёни мени ҳайрон қолдирди. Бу жараёнга яхши тайёргарлик кўрган экспертлар жалб этилган, очиклик, ошкоралик ва шаффофликка катта эътибор берилмоқда.

Сайлов – 2016: халқаро кузатувчиларнинг шарҳлари // «Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь



— ◆ —

Осама СРУР, «Arab Times» газетаси мухбири (Қувайт):

– Биз Бухоро вилоятидаги бир нечта сайлов участкаларида бўлдик.

Тошкентда ташкил этилган пресс-клуб журналистлар учун катта қулайликлар яратиб берди. Мен кўплаб мамлакатларда сайловни кузатганман. Ўзбекистонда сайловчилар, кузатувчилар ва журналистлар учун яратилган имко-



ниятлар катта таассурот қолдирмоқда. Мен Кувайт оммавий ахборот воситалари учун Ўзбекистондаги Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир қанча материаллар тайёрлайман.

*Международные наблюдатели о выборах Президента Узбекистана
http://news.uzreport.uz/news_2_r_146583.html, 2016 йил 4 декабрь*



Пьер-Эммануэль ТОМАНН, Европа Халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори (Бельгия):

– Ўзбекистон сайлов тизими халқаро стандартларнинг асосий тамойилларини ўзлаштирган ва эркин демократик сайловлар ўтказилишини таъминлайди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари халқнинг миллий маданияти ва тарихидан келиб чиқиб, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови шаффофлик ва очиқлик руҳида ўтмоқда. Одамлар завқ-шавқ билан сайлов участкаларига ташриф буюрмоқда. Сайловчилар эрта тонгдан ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш учун шошиб келаётганликларини кузатиш ёқимли. Сайловчиларнинг юқори даражада фаоллигини қайд этмоқчиман, бу эса уларнинг ўз Ватани тақдирига дахлдорлик, мамлакати келажаги учун жавобгарлик туйғусини ҳис этаёганидан дарак беради.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент»
телерадиоканалига интервьюдан*



Нуржан ШАЙЛДАБЕКОВА, Қирғизистон Республикаси Сайловлар ва референдумларни ўтказиш бўйича Марказий комиссияси раиси:

– Самарқанддаги бир қатор сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик жараёни билан танишиб, комиссия аъзолари ва сайловчилар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистонда мазкур сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганига амин бўлдик. Аҳоли Президентликка номзодлар ва уларнинг дастури ҳақида етарли маълумотга эга. Ҳар бир фуқаронинг ўз қарашини, сайлов ҳақида етарлича тасавури бор. Участкаларда сайловчилар учун яратилган шароитлар, хусусан, тиббиёт, «Она ва бола» хоналари эътиборга лойиқ. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш керак.

*Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш керак//
ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*

**Хан ДАЧУАН, Хитой ижтимоий фанлар академияси
бош котиби ўринбосари:**

– Мен Тошкентдаги бешта сайлов участкасига ташриф буюрдим. Таассуротлар жуда катта. Мамлакатингиз ҳаётидаги бундай муҳим сиёсий тадбир юксак даражада ташкил этилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мени барча сайлов участкаларидаги тартиб ва иш муҳити лол қолдирди.



Сайловчилар учун яратилган шарт-шароитлар кўпчилик мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин. Участкаларда болалар учун махсус хоналар, тиббиёт пунктлари, ногиронлар учун махсус кабиналар ташкил этилган, шунингдек сайлов участкаларига ўзлари мустақил равишда кела олмайдиган ва уйда овоз берадиган касаллар учун махсус қутилар ажратилган. Буларнинг барчаси сайловни муваффақиятли ўтказиш учун зарур пойдевор яратади, очиклик, шаффофлик ва адолат тамойиллари амалда эканлигини кўрсатиб беради.

Ҳар бир участкада халқаро кузатувчилар, ҳар бир партиядан кузатувчилар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, бу галги Президент сайловига МСК аввалги сайловлардагидан икки марта кўпроқ кузатувчиларни таклиф қилди. Бу жаҳон ҳамжамиятининг республикангизда ўтказилаётган сайловга катта эътибор беришидан яққол дарак беради.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида //«Жаҳон» АА,
2016 йил 5 декабрь*

**Сергей БУРУТИН, МДХ кузатувчилари миссияси
аъзоси:**

– Сайлов очик-ошқора, миллий қонунчилик доира-сида ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтмоқда. Сайловчилар овоз бериш учун эрта тонгдан келмоқдалар. Сайловчиларни рўйхатга олишнинг аниқ ташкил этилганлиги эътиборни тортди. Ногиронлар ва сайлов участкаларига келиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун овоз беришни уларнинг уйига бориб ташкил этилганлиги таҳсинга лойиқ. Буларнинг барчаси инсонпарварликнинг амалда намоён бўлиши ва ҳар бир фуқаронинг



сайлов ҳукуки таъминланиши демакдир. Сайловга сифатли тайёргарлик кўрилганлиги фуқаролар учун анча қулайлик яратди.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Navro'z FM»
радиостанциясига интервьюдан*



Саманта ПЭКСТОН, Сизтл – Тошкент биродарлашган шаҳарлар уюшмаси раиси (АҚШ):

– Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриб, фуқаролик жамиятини ривожлантирмоқда. Парламент ва Президент сайловларининг очик-ошқора ўтиши бу йўлда муҳим омил саналади.

Мамлакатингизда навбатдаги Президент сайлови юқори даражада ташкил этилган. Сайловнинг асосий сифати бўлган тенглик ва очиклик оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Юртингизга келишдан олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар билан мунтазам танишиб турдим. Кузатишларим натижасида ишонч билан айта оламанки, сайлов жараёнлари ҳолис ва ҳаққоний ўтмоқда.

*Сайлов жараёнлари ҳолис ва ҳаққоний ўтмоқда//
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*



Вели ЮКСЕЛ, Бельгия парламенти Вакиллар палатаси аъзоси:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови каби муҳим сиёсий тадбирга хорижлик кузатувчиларнинг таклиф этилиши мамлакатдаги сайлов жараёнининг очик-ошқора ва шаффофлигидан дарак беради. Шунингдек, бу сайловни халқаро нормалар ва демократия тартиб-таомилларига мувофиқ ўтказишга жиддий ёндашилаётганидан далолатдир.

Сайлов жараёнини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, умуман ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек сайлов комиссияларининг фаолияти, Президент лавозимида номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун яратилган шарт-

шароитлар ҳамда бошқа масалалар ҳақида бизга айтиб бердилар. Менга ва менинг кузатувчи ҳамкасбларимга Ўзбекистонда ўз миссиямизни бажариш, сайлов кампанияси доирасида турли тадбирларда иштирок этиш, давлат тузилмалари ва сайлов комиссиялари вакиллари билан мулоқот қилиш учун барча шарт-шароитлар берилди. Биз кўрган тадбирлар уюшган ҳолда кўп сонли мутахассислар ва экспертларни жалб қилган ҳолда ўтказилмоқда.

В атмосфере открытости, гласности и возросшей конкуренции // «Правда Востока», 2016 йил 3 декабрь

Александр ЦИНКЕР, Сайлов тизимларини ўрганиш бўйича халқаро марказ президенти (Исроил):

– Бу галги сайловнинг менга ёқаётган жиҳати – бу ОАВ фаолияти. ОАВ жараёни кенгрок ёритмоқда. ОАВ фаолияти менга Исроилдан туриб, сайловолди кампаниясининг боришини кузатиб бориш, номзодларнинг ҳар бири, уларнинг сайловолди платформалари, сайловчилар билан олиб борган учрашувлари ҳақида билиб олиш имконини берди. Яъни ОАВ сайлов жараёнининг иштирокчисига айланди.

Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик назорати функциясидан иборат яна бир муҳим вазифаси бор деб ҳисоблайман, чунки оммавий ахборот воситаларида МСК билан тўғридан-тўғри ишлаш имконияти бор. Бу ҳамкорлик қанчалик фаол бўлса, халқнинг сайлов якунига бўлган ишончи шунча юқори бўлади. Бу борадаги ишлар давом эттирилиши лозим, деб ҳисоблайман.

Халқаро экспертлар: «Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланган» // «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



Ли ЧЖУНЦИН, Хитой халқаро радиоси муҳбири:

– Биз сайловга тайёргарлик кўришнинг барча босқичларини ёритиб бордик. Интернет-сайт учун бир қанча материаллар тайёрладим. Бизнинг аудиториямизни смартфонларда янгилик иловаларидан фойдаланувчилар ташкил этади. Оммавий ахборот воситалари учун зарур шарт-шароитлар яратилганидан хурсандмиз. Бу сайлов очик-ошкоралик руҳида ташкил этилганлигининг ёрқин исботидир.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



◆

Дмитрий ПОВАРОВ, «Россия сегодня» агентлиги мухбири:

– Бизни пресс-клуб, бу ердаги ишларнинг кўлами ва техникалар лол қолдирди. Бу ердаги мониторлар ва Интернет алоқаси ажойиб, каналлар жуда яхши ишламоқда. Бу журналистлар ахборотни тезда етказиши учун жуда муҳимдир, чунки рақобат жуда кучли ва ахборотни етказиш тезлигига кўп нарса боғлиқ. Ташкилотчилар жуда пухта тайёргарлик кўрганликлари кўриниб турибди, матбуот марказининг очилишида хабар берилишича, бу тижорат радиостанциялари ва ОАВ миллий ассоциацияси маблағлари эвазига таъминланган. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бундай пресс-клубларни ташкил этишда иштирок этмоқда, бу мамлакатингиз учун муҳим бўлган бундай тадбирларни ёритиб боришда муҳим роль ўйнайди.

*Пресс-клуб «Выборы – 2016»: Экспертные мнения и интервью
// http://news.uzreport.uz/news_2_r_146481.html,
2016 йил 2 декабрь*



◆

Махмуд Саад Камил ДИАБ, «Аль-Ахрам-ат-таавуни» газетаси Халқаро янгиликлар бўлими муҳарири (Миср):

– Барча ташкилий масалалар юқори савияда ҳал этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиб борувчи матбуот маркази томонидан ташкил этилган матбуот анжуманлари ва «Сайлов – 2016» пресс-клубининг фаолияти ижобий баҳоларга муносиб. Мамлакатимиз ва хорижлик журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар, сайлов кампаниясини ёритиб бориш бўйича улар фаолият олиб боришларига яратилган имкониятлар мени лол қолдирди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқлиги-ошкоралигидан дарак беради, бу эса мамлакат келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Roxtax FM»
радиостанциясига интервьюдан*

Лейла ОРУЖОВА, Озарбайжоннинг Ўзбекистон-даги элчихонаси маслаҳатчиси:

– Ўзбекистон сайлов қонунчилигига кўра Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатингиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мустақамлангани юксак эътиборга лойиқ.



*Сайлов юксак савияда ўтишига ишонамиз//
ЎЗА, 2016 йил 30 ноябрь*

Вей ЦИНГ, «Pear Video» онлайн-видеоканали бош муҳаррири ўринбосари (ХХР):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар сайловолди дастурларининг ранг-баранглиги билан, кўплаб сайловолди ташвиқотига доир материаллар борлиги билан ажралиб туради. Сайловчиларга номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда, учрашувлар эса телевидение орқали узатиб борилмоқда.



Мазкур сайлов жараёнининг ўзига хослиги – очиқ-ошкоралиқдир. Марказий сайлов комиссиясининг онлайн брифинглари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юксак даражада ўтказилаётганини қайд этиш жоиз.


*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг
«Ёшлар» телерадиоканали «Давр»
информацион дастурига интервьюдан*



Фредерик СТАРР, Жон Хопкинс университети хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси (АҚШ):

– Мен пресс-клубда ҳукм сураётган ижодий муҳитга киришиб кетдим, фикр алмашдим. ОАВ янгича иш олиб бормоқда, оммавий ахборот воситалари ривожланишнинг янги босқичига ўтди, бу эса, шубҳасиз, кишини хурсанд қилади. Бу йўлдан боришни давом эттириш, бундай ташаббусларни эса қўллаб-қувватлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Внимание журналистам под статью событию // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



Владимир ЧУРОВ, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси:

– Шунга айтишим мумкинки, Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайлов тизимини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад – сайловчиларнинг овоз бериши учун шарт-шароитларни яхшилашдан ҳамда яна ҳам кўпроқ шаффофликни таъминлашдан иборат. Айнан шунинг учун ЕХХТ ДИИХБ мамлакатингизга тўлиқ таркибда ташриф буюрди, шунингдек МДХ, ШХТ каби мониторинг олиб борувчи миссиялар ва кўп сонли хорижлик кузатувчилар иштирок этмоқда.

Халқаро экспертлар: «Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланди» // «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этишдан мамнунман. Сайловга тайёргарлик кўриш учун қисқа вақт белгиланган бўлишига қарамай Марказий сайлов комиссияси бошчилигида барча даражалардаги сайлов комиссиялари томонидан катта ишлар амалга оширилган. Сайлов участкалариди

сайлов комиссиясининг иш олиб бориши учун ҳам, овоз бериш жараёнининг ўтказилиши учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Бунда жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга алоҳида эътибор қаратилган, яширин овоз бериш учун ногиронларга мўлжалланган алоҳида кабина мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим. Сайловчиларнинг улар билан танишиб чиқишлари учун барча шароитлар яратилган. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Номзодлар сайловчиларнинг овози учун кураш олиб бориш мақсадида бутун эфир вақтидан ва нашр майдонидан самарали фойдаланмоқдалар.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Мохаммед Илтаф ШЕЙХ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг Консервативлар партияси аъзоси:

— Ўзбекистон Президенти сайлови очиклик ва ошкоралик шароитида демократик савияда ўтказилди. Халқ юклик электорал фаолликни кўрсатди. Фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистондаги муҳим сиёсий воқеанинг боришини бутун дунёда кузатиб бордилар. Мамлакат халқаро кутувчиларни таклиф этгани сайлов кампаниясини очик-ошкора ўтказишга интиштиганидан дарак беради. Сайлов участкаларини танлашда халқаро кутувчиларга чеклов бўлмади, улар исталган сайлов участкасига бориб, овоз бериш жараёни билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Барча номзодларга танишқот олиб бориш учун тенг имкониятлар берилди. Халқ муқобиллик воситида ўз танловини амалга оширди, фуқароларнинг орзу-истакларига ҳаммаҳал бўлган дастурлардан бирини танладилар. Мамлакат янги йўлбошчи раҳбарлиги остида ривожланиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан боради.



Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь



Фредерик СТАРР, Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси (АҚШ):

– Мен пресс-клубда ҳукм сураётган ижодий муҳитга киришиб кетдим, фикр алмашдим. ОАВ янгича иш олиб бормоқда, оммавий ахборот воситалари ривожланишининг янги босқичига ўтди, бу эса, шубҳасиз, кишини хурсанд қилади. Бу йўлдан боришни давом эттириш, бундай ташаббусларни эса қўллаб-қувватлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Внимание журналистам под статью событию // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



Владимир ЧУРОВ, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси:

– Шуни айтишим мумкинки, Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайлов тизимини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад – сайловчиларнинг овоз бериши учун шарт-шароитларни яхшилашдан ҳамда яна ҳам кўпроқ шаффофликни таъминлашдан иборат. Айнан шунинг учун ЕХХТ ДИИХБ мамлакатингизга тўлиқ таркибда ташриф буюрди, шунингдек МДХ, ШХТ каби мониторинг олиб борувчи миссиялар ва кўп сонли хорижлик кузатувчилар иштирок этмоқда.

Халқаро экспертлар: «Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланган» // «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этишдан мамнунман. Сайловга тайёргарлик кўриш учун қисқа вақт белгиланган бўлишига қарамай Марказий сайлов комиссияси бошчилигида барча даражалардаги сайлов комиссиялари томонидан катта ишлар амалга оширилган. Сайлов участкаларида

сайлов комиссиясининг иш олиб бориши учун ҳам, овоз бериш жараёнининг ўтказилиши учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Бунда жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга алоҳида эътибор қаратилган, яширин овоз бериш учун ногиронларга мўлжалланган алоҳида кабина мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим. Сайловчиларнинг улар билан танишиб чиқишлари учун барча шароитлар яратилган. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Номзодлар сайловчиларнинг овози учун кураш олиб бориш мақсадида бутун эфир вақтидан ва нашр майдонидан самарали фойдаланмоқдалар.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Мохаммед Илтаф ШЕЙХ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг Консервативлар партияси аъзоси:

Ўзбекистон Президенти сайлови очиклик ва ошкоралик шароитида демократик савияда ўтказилди. Халқ юклик секторал фаолликни кўрсатди. Фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистондаги муҳим сиёсий воқеанинг боришини бутун дунёда кузатиб бордилар. Мамлакат халқаро кунгачувчиларни таклиф этгани сайлов кампаниясини очик-ошкора ўтказишга йўналиётганидан дарак беради. Сайлов участкаларини танлашда халқаро кунгачувчиларга чеклов бўлмади, улар исталган сайлов участкасига бориб, овоз бериш жараёни билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Барча номзодларга танишқот олиб бориш учун тенг имкониятлар берилди. Халқ муқобиллик вақтида ўз танловини амалга оширди, фуқароларнинг орзу-истакларига ахлоқанг бўлган дастурлардан бирини танладилар. Мамлакат янги йўлбошчи раҳбарнинг остида ривожланиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан боради.




Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь



Фредерик СТАРР, Жон Хопкинс университети хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси (АҚШ):

– Мен пресс-клубда ҳукм сураётган ижодий муҳитга киришиб кетдим, фикр алмашдим. ОАВ янги олиб бормоқда, оммавий ахборот воситалари ривожланишнинг янги босқичига ўтди, бу эса, шубҳасиз, кишини хурсанд қилади. Бу йўлдан боришни давом эттириш, бундай ташаббусларни эса қўллаб-қувватлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Внимание журналистам под статью событию // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



Владимир ЧУРОВ, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси:

– Шунини айтишим мумкинки, Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайлов тизимини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад – сайловчиларнинг овоз бериши учун шарт-шароитларни яхшилашдан ҳамда яна ҳам кўпроқ шаффофликни таъминлашдан иборат. Айнан шунинг учун ЕХХТ ДИИХБ мамлакатингизга тўлиқ таркибда ташриф буюрди, шунингдек МДХ, ШХТ каби мониторинг олиб боровчи миссиялар ва кўп сонли хорижлик кузатувчилар иштирок этмоқда.

Халқаро экспертлар: «Ўзбекистонда демократик сайлов тизими шаклланди» // «Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь



Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этишдан мамнунман. Сайловга тайёргарлик кўриш учун қисқа вақт белгиланган бўлишига қарамай Марказий сайлов комиссияси бошчилигида барча даражалардаги сайлов комиссиялари томонидан катта ишлар амалга оширилган. Сайлов участкаларидан

сайлов комиссиясининг иш олиб бориши учун ҳам, овоз бериш жараёнининг ўтказилиши учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Бунда жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга алоҳида эътибор қаратилган, яширин овоз бериш учун ногиронларга мўлжалланган алоҳида кабина мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдим. Сайловчиларнинг улар билан танишиб чиқишлари учун барча шароитлар яратилган. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Номзодлар сайловчиларнинг овози учун кураш олиб бориш мақсадида бутун эфир вақтидан ва нашр майдонидан самарали фойдаланмоқдалар.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

Мохаммед Илтаф ШЕЙХ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг Консервативлар партияси аъзоси:

— Ўзбекистон Президенти сайлови очиқлик ва ошқораниш шароитида демократик савияда ўтказилди. Халқ юк-юк электорал фаолликни кўрсатди. Фуқароларга уларнинг ўт хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Ўзбекистондаги муҳим сиёсий воқеанинг боришини бутун дунёда кузатиб бордилар. Мамлакат халқаро кўзатувчиларни таклиф этгани сайлов кампаниясини очиқ-ошқора ўтказишга имтилофтангидан дарак беради. Сайлов участкаларини танлашда халқаро кўзатувчиларга чеклов бўлмади, улар исталган сайлов участкасига бориб, овоз бериш жараёни билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Барча номзодларга танишқот олиб бориш учун тенг имкониятлар берилди. Халқ муқобиллик доирасида ўз танловини амалга оширди, фуқароларнинг орзу-истакларига ҳамроҳанг бўлган дастурлардан бирини танладилар. Мамлакат янги йўлбошчи раҳбарлиги остида ривожланиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан боради.



Слово – международным наблюдателям // «Правда Востока», 2016 йил 7 декабрь



—◆—

Андреас ЯН, Бундестагнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича кўмитаси етакчи мутахассиси (Германия):

– Эркин демократик сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси хайратланарли. Бу оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнини ёритиш масаласига ҳам тааллуқли. Биз бугун Бухородаги бешта сайлов участкасига ташриф буюрдик. Улар менда жуда яхши таассурот қолдирди. Мен одамлар эрта тонгдан овоз беришда иштирок этаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда сайлов миллий қонунчиликка ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилмоқда. Сайлов участкаларида барча тоифадаги сайловчилар учун, жумладан болали аёллар, ёши катта фуқаролар учун қулай шароитлар яратилгани эътиборга лойиқ. Мен бир қанча мамлакатда кузатувчи бўлиб иштирок этганман, бироқ мен учун «Она ва бола» ва тиббиёт хоналари янгилик бўлди. Мен бошқа мамлакатларга ҳам бундай ижобий тажрибани қўллашни тавсия қилган бўлардим.

*Бухоро телерадиокомпанияси
«Диёр янгиликлари» инфор­мацион
дастурига интервьюдан*



—◆—

Осман ГУКМЕН, TRT телеканалнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари (Туркия):

– Мен Ўзбекистонда 2005 йилдан бери ишлайман. Аввал ҳам мамлакатдаги сайловларни кузатганман. Сайловни ёритиб борувчи «Press Club: Elections.uz – 2016» прессклубининг очилиши хорижлик журналистлар, халқаро кузатувчилар ва экспертларнинг ишини осонлаштиради. Пресс-клубда бир нечта телеканалнинг эфирини бир вақтда кузатиш мумкин. Бу жой муҳим медиа-майдонга айланди.

Ҳар куни Туркия телеканалларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида, бу ердаги жонли муҳит, сайлов участкаларида яратилган замонавий шарт-шароитлар тўғрисида репортажлар берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқлари ва умумэтироф этилган демократия тамойиллари амалда рўёбга чиқарилганининг навбатдаги тимсолидир.

Янги сайлов тизими: Ўзбекистон мисолида // ЎЗА, 2016 йил 30 ноябрь

Муҳаммад Хусайн АЛ-ФИЛИ, Кувайт университети профессори:


– Президент сайловининг юксак демократик талаблар асосида ўтиши учун барча шарт-шароит яратилган. Очиқлик, ошкоралик мезонларига таяниладигани ҳам Ўзбекистонда ўзига хос мустақкам давлат тизими борлигини кўрсатиб турибди. Халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шароит таъминлаб берилдигани ҳам эътиборга сазовор.



Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида// ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь

Фахриддин КАРАТАЕВ, Қозоғистон Республикаси парламенти депутати:

– Ўзбекистонга келишим билан одамларнинг кўзида сайлов халқ учун, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун муҳим воқеа эканлигини кўрдик. 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги ахборотни биз Интернет сайтларидан олаяпмиз. Бундан ташқари, Ўзбекистонга қўшни давлат бўлганимиз боис биз, албатта, халқларимиз бир-бирига яна ҳам яқинроқ бўлишига умид қилиб яшаймиз. Ўзбекистондаги сайлов демократик, жуда уюшган ҳолда ўтмоқда. Биз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган барча тўрт номзодга сайловолди ташвиқотини ўтказиш, ўз карашларини электоратга етказиш учун тенг шароитлар яратилганига ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



—◆—

Сафир Хусайн ШОХ , «Election Times» газетаси бош муҳаррири (Покистон):

– Илгари ҳам Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этганман. Бу жараён ҳар сафар юртингизда очиқ ва ошкора, замон талаблари асосида ташкил этилади. Бу йилги Президент сайловига кўрилаётган тайёргарлик ва сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари юксак баҳога лойиқ. Янги ташкил этилган пресс-клубда журналистлар учун барча шарт-шароит етарли. Нашримизга Ўзбекистондаги Президент сайловига тайёргарлик бўйича иккита мақола беришга улгурдим.

Президент сайловининг юртингиз равнақи, халқингиз фаровонлигини кафолатлашдаги аҳамияти ниҳоятда улкан. Сайлов тизимининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши учун ҳуқуқий асослар янада мустақамланишига имкон яратилган. Бу сайлов билан боғлиқ барча тадбирларнинг демократик талабларга мос равишда ўтишига хизмат қилмоқда.

*Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида//
ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь*



—◆—

Андрэа МЕНАКЕР, «White! & Case LLP» компанияси ҳамкори (АҚШ):

– Мен эрта тонгдан бир нечта сайлов участкасига ташриф буюришга муваффақ бўлдим. Барчаси очиқ-ошкора ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтмоқда. Бу демократиянинг муҳим хусусиятларидан биридир. Фуқаролар фаол овоз бермоқдалар, сайлов участкаларида кекса инсонлар, ногиронлар учун шарт-шароитлар яратилган. «Она ва бола» хоналари бор. Мен бунақасини ҳеч қаерда кўрмаганман.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

Николай ЛЕВИЧЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

– Журналистлар Ўзбекистондаги сайлов жараёнини мамлакатнинг миллий-маданий, диний ва ижтимоий-сиёсий анъаналарни ҳисобга олиб, халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда ёритишлари лозим.

Биз Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти учун Россия билан муносабатлар устуворлигича қолишига умид қиламиз. Ўзбекистон демократия йўлидан бормоқда ва демократик жараёнларни такомиллаштириш босқичида турибди. Бу борада мазкур ўзига хос хусусиятларни тўғри тушунириб беришда ва халқаро ҳамжамият эътиборига етказишда ОАВ роли муҳимдир.

Биз, албатта, Ўзбекистонда сайловни ўтказиш тажрибасини ўрганамиз ҳамда Россиядаги сайлов жараёнида энг фойдали ва энг яхши жиҳатларни қўллашимиз мумкин.

Пресс-клубнинг очилиши жуда яхши ғоя. Бу сайловнинг бориши ҳақида ахборот олиш имконини берибгина қолмай, балки турли мамлакатлардан келган журналистларнинг бир-бирлари билан профессионал мулоқот қилишлари учун мутлақо янги платформа яратади. Биз матбуот маркази нафақат ахборот олиш, балки уни англаш мумкин бўлган жой бўлиши учун бу амалиётни Россияда ҳам қўллаймиз.

Николай Левичев: «Биз, албатта, Ўзбекистонда сайловни ўтказиш тажрибасини ўрганамиз ҳамда Россиядаги сайлов жараёнида энг фойдали ва энг яхши жиҳатларни қўллашимиз мумкин» // http://www.ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/nikolay-levichev-my-budem-izuchat-opyt-provedeniya-vyborov-v-uzbekistane-i-vse-poleznoe-i-khoroshee-/?sphrase_id=2027, 2016 йил 1 декабрь



Чжен Ци, «China daily» газетаси мухбири (Хитой):

– Мен илгари ҳам юртингизда ўтган сайловларда иштирок этганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда жамиятда демократик ислохотларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки тобора кенгайиб бораётир. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда ҳам ОАВ имкониятидан оқилона фойдаланилади. Президентликка номзодларга ОАВдан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиб берилади.

Сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари қошида матбуот марказлари ташкил этилган. Улар замонавий ахборот



технологиялари билан жиҳозланган. Пресс-клубнинг очилиши Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолияти тобора ривожланиб, демократик ислохотлар жараёнида журналистларнинг ўрни ортиб бораётганини намоён этади.

*Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида//
ЎЗА, 2016 йил 1 декабрь*



Крис ЖОРЖ, «IdeaWaveLabs» компанияси директори (Хиндистон):

– Компаниямиз ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон билан бу соҳада яқин ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юкори савияда ташкил этиш, учрашувлар ўтказиш ва номзодларни тарғиб этишда ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилганига гувоҳ бўлдик. Сайловга оид янгиликлар, тарғибот-ташвиқот материаллари онлайн тизимида бутун дунёга тарқатилмоқда.

Буюк инсон бошлаган улуг ишлар изчил давом этишига ишонамиз// ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь



Нитипум НИВАРАТНА, «Balance (Tutor Moo) Co. Ltd.» компанияси асосчиси (Таиланд қироллиги) :

– Мен Ўзбекистондаги сайлов жараёнини кузатишдан мамнунман. Сайлов жараёни юксак даражада ўтмоқда, мен бугун ташриф буюрган сайлов участкаларида кўплаб инсонларни кўраяпман. Ўзбекистон халқи ўзининг фуқаролик онгини фаол намоён этаётганлигини, ўз овозини у ёки бу кимсага бериш учун келаётганини қайд этмоқчиман. Сизнинг ўзига хос хусусиятларингиз бор. Фуқароларингиз фаол овоз бераётганини, улар учун барча шароитлар яратиб берилганини таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Барчаси очиқ-ошкора, демократик тарзда кечмоқда. Овоз бериш вақтида кимдир халақит бераётганини кўраётганим йўқ. Бундай фаол электорат ва мамлакатда олиб борилган ишлар Ўзбекистонга ҳар томонлама ривожланишда яна ҳам баландроқ чўққиларни забт этиш имконини беради.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

—◆—

**Дитер БРАНДЕНБУРГЕР, Германия–Ўзбекистон
дўстлик жамияти вице-президенти:**

– Асли касбим қурувчи бўлганидан Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидаги йирик қурилиш объектларида хорижий ташкилот вакили сифатида иштирок этганман. Халқаро қузувчи мақомида юртингизга иккинчи бор келишим. Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келадиган миллий сайлов қонунчилиги шаклланган.



Унинг Германия сайлов тизими билан умумий ўхшаш жиҳатлари кўп. Масалан, сайловчи сиёсий партиялар дастури билан танишган ҳолда, ўзи танлаган номзод учун эмин-эркин овоз беради. Ўзбекистон сайлов қонунчилигидаги овоз бериш жараёнида сиёсий партиялар қузувчилари иштирок этиши жуда маъқул иш. Бу ҳам ошқоралик ва адолат тамойилларига мос.

Қадимий ва бой тарихга эга халқ Биринчи Президент Ислоҳ Каримов ишини муносиб давом эттирадиган давлат раҳбарини сайлашига қатъий ишонман.

*Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собит бормоқда//
ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*

—◆—

Аҳмед Нуби МУСА, Миср Араб Республикаси ахборотлаштириш ишлари вазири ўринбосари:

– Сайловни биз билан келган бир гуруҳ журналистлар ҳам қузувди. Матбуот анжуманларидан, жойлардан тезкор репортажлар бериб борди. Бу ҳам сайловнинг адолатлилиги, очиқ-ошқоралигининг исботи.



*Сайловчилар фаоллиги – демократик
ислоҳотлар ифодаси // ЎЗА,
2016 йил 4 декабрь*



Сергей ТОЛСТОВ, Сиёсий тахрир ва халқаро тадқиқотлар институти директори (Украина):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови номзодлар ўртасида кураш ва соғлом рақобатнинг замонавий механизмлари ҳамда мамлакатингиз фуқаролари ҳуқуқий онги тобора ортиб бораётган шароитида, энг юксак даражада уюшқоқлик билан ўтказилди.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Тошкент»
телерадиоканалига интервьюдан*



Валентин ГОРБУНОВ, Москва шаҳар сайлов комиссияси раиси (Россия):

– Биз оммавий ахборот воситаларидан тез-тез фойдаланилаётганлигини кўраяпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари уларга ўз сайловолди дастурлари билан таништириш имконини берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан катта тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Марказий сайлов комиссияси раиси шахсан ўзи телеканалларда сайловга келишга даъват қилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида сайловнинг пухта ёритиб борилаётганлиги аҳоли орасида ўзига хос кайфият юзага келишига ҳисса қўшмоқда.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Oriyat dono»
радиостанциясига интервьюдан*



Рашид АЛИМОВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган материаллар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик тилларида тарқатилди, оммавий ахборот воситалари орқали 15 тилда чоп этилди.

*Халқаро кузатувчилар миссиялари ўз хулосаларини
баён қилди// ЎЗА, 2016 йил 5 декабрь*

— ◆ —

Хиронобу КУРОСАКИ, «НЭК Корпорейшн»нинг АҚШ, Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақалари бўйича бўлими бош менежери (Япония):

– Президент сайлови учун ошкоралик ва шаффофлик тамойили жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. Барчаси талабларга катъий риоя этилган ҳолда кечаётганини қайд этмоқчиман. Кеча ҳам бир нечта округ сайлов участкаларида бўлдим. Сўнгги тайёргарлик жараёнини кузатдим, иш муҳити менга жуда ёқди. Барчаси майда тафсилотларгача пухта ўйлангани мени лол қолдирди. «Она ва бола» хоналари ташкил этилган, тиббиёт пунктлари жиҳозланган. У ерда исталган вақт тез тиббий ёрдам кўрсатилади.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

— ◆ —

Мургазо САФФОРИ, Эрон парламенти депутати:

– Очиклик, транспарентлик – бу сайлов ўтказишнинг энг муҳим тамойилларидан. Ўнга яқин сайлов участкасида бўлиб, уларнинг барчасида бу омиллар мавжудлигини кўрдик.

*Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик
бардавом бўлсин // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



— ◆ —

Ги Оливье ФОР, Париж V Сорбонна университети профессори (Франция):

– Мен бир неча кундан бери мамлакатингиздаман. Айрим сайлов участкаларига бориб улгурдим ҳамда бўлажак сайловга юқори даражадаги тайёргарликни ва фуқароларнинг юксак электорал фаоллигини таъкидламоқчиман. Алоҳида қайд этиш жоизки, сайловга тайёргарлик халқаро стандартларга тўла мувофиқдир. Барча



тадбирлар очик ва ошкора ташкил этилган. Кўп сонли маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши бунинг тасдиғидир.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Виктория МАРТЫНОВА, «Новости недели» газетасининг халқаро бўлими мудири (Исроил):

– Пресс-клуб ўта профессионал ва ажойиб фаолият кўрсатмоқда. У сайловга ғайрат-шижоат бахш этиши, Ўзбекистон ҳақида янгиликлар тарқатиши зарур. Ва халқаро журналистларнинг фаолияти буни таъминламоқда. Медиа соҳаси доимо ўзгариб боради. Сизларда ҳаммаси ўта замонавий. Бу мамлакатдаги очик-ошкораликни кучайтиришда жуда катта силжишдир. Журналистларнинг мамлакатга бемалол ташриф буюриши жуда муҳимдир. Бир йил олдин журналистлар камроқ эди. Бу йили уларнинг доираси кенгайтирилган. Бу жуда ажойибдир.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Navro 'z FM»
радиостанциясига интервьюдан*



Алихейдар РЗАЕВ, «Авиамост» журнали муҳаррири (БАА):

– Журналистлар учун яхши имкониятлар яратилган. Ўзбекистон матбуотида эркин фаолият юритилишининг гувоҳи бўлдим. Пресс-клубда ҳамкасбларимиз билан мулоқот килдик. Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган сайлов участкасида фаолият юритаётган ходимлар билан ҳам боғланиб турибман. Улар сайлов очик ва ошкора ўтганини маълум қилди.

*Сайлов демократик руҳда ўтди //
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*

Владимир КОБЯКОВ, НТВ телекомпаниясининг мухбири (Россия):

– Сайловнинг боришини ахборотлар билан ёритишда ҳам Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари аввалги сайлов кампанияларига нисбатан сезиларли ютуқларни намоиш этмоқда. Жуда кизик ва очик ахборот майдони яратилган.

Матбуот маркази жуда қулай. Тошкентда ҳозир икки-та матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Бир Марказий сайлов комиссиясида, иккинчиси бу ерда. Журналистлар доим Марказий сайлов комиссиясида бўлсалар, ахборот улашишда уларга ноқулайлик туғилар эди. Агар бундай матбуот марказлари шаҳарда бир нечта бўлса, журналистларнинг ишлаши анча осон бўлади. Шу сабабли ахборот тезроқ узатилади. Материалларни ахборотлар билан тўлдириш учун кўпроқ вақт қолади.



*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Oriyat dono»
радиостанциясига интервьюдан*

Исмини КРИАРИ, «Пантеон» ижтимоий-сиёсий фанлар университети ректори (Греция):

– Сайловнинг очик-ошкора, демократия тамойилларига мос ўтаётганини кўрсатувчи мезонлар ичида кузатувчилар институтининг роли юқори бўлмоқда. Ўзбекистонда бу жараёнда халқаро кузатувчилар билан бир қаторда сиёсий партия, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этаётгани ҳаққонийликни таъминлайди.



*Буюк инсон бошлаган улуг ишлар изчил давом этишига ишонамиз//
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*

V. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЛЕКТОРАЛ ФАОЛЛИГИ – САЙЛОВ ТИЗИМИГА НИСБАТАН ИШОНЧ ВА МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ХИССИ КЎРСАТКИЧИДИР



Али Аболхассаний ШАҲРЕЗА, Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси раҳбари:

– Мен Тошкент шаҳридаги қарийб 10 та сайлов участкасига ташриф буюрдим. Сайлов комиссияларининг юксак савиядаги фаолиятини қайд этиш қувонарли. Шу туфайли овоз бериш жараёни уюшқоқлик билан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтмоқда. Фуқаролар бу воқеанинг муҳимлигини ҳис этиб, овоз беришда фаол иштирок этаётганлигини кўрдим. Биз сайловчиларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданияти

ва сиёсий онги юқориликка ишонч ҳосил қилдик.

Аҳолининг барча қатламларига, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож катта ёшли инсонларга, ёшларга, ёш болали аёлларга ва ногиронларга кўрсатилаётган эътибор бизни жуда қувонтирди. Умумхалқ сайлови натижалари Ўзбекистонни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь*



Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ижроия кўмитасининг раиси – Ижрочи котиби:

– Миссия давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, барча даражалардаги сайлов комиссиялари сайлов жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини билдириш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилишини таъминлади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон фуқаролари сиёсий етуқлиги, овоз бериш вақтида фаоллиги билан ажралиб турди, бу эса мамлакатдаги демократик ислохотлар йўлида салмоқли қадам бўлди.

*МДХ миссияси: «Ўзбекистондаги сайлов очиқ ва демократик ўтказилди»
<https://regnum.ru/news/polit/2213556.html>, 2016 йил 5 декабрь*

— ◆ —

Рашид АЛИМОВ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссиясининг раҳбари:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги талабларига ва республика қабул қилган халқаро мажбуриятларга мувофиқ келди.

Сайловнинг қонуний эканлигини шубҳа остига қўядиган миллий қонун ҳужжатлари нормаларининг бузилиши миссия томонидан қайд этилмади.

Миссия бўлиб ўтган сайловни очиқ, эркин ва демократик деб тан олади. Бўлиб ўтган Президент сайлови Ўзбекистон Республикасидаги демократик жараёнларни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим кадам бўлганлигини қайд этамиз.

ШХТ миссияси сайловни очиқ ва демократик деб эътироф этди
<https://www.gazeta.uz/ru/2016/12/05/sco/>,
2016 йил 5 декабрь



— ◆ —

Ша ДАТИ, «Синьхуа» ахборот агентлиги муҳбири (Хитой):

– Ўзбекистонда турли оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритишда катта тажриба тўпланган. Бу галги сайлов кампанияси шундан далолат бермоқда. Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан матбуот анжуманлари ва брифингларнинг онлайн тартибида ўтказилиши барча минтақалардаги сайловчиларнинг фаоллигини оширишга, ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўрилишининг кенг қўламда ёритилишини таъминлашга кўмаклашади. «Press Club: Elections.uz – 2016» пресс-клубининг очилиши журналистларнинг ахборотдан кенгроқ фойдаланишини таъминлаш ва сайлов кампаниясини самарали ёритиб бориш имконини беради.



http://www.ut.uz/ru/eshyo/Elections-2016/oni-osveshchayut-vybory/?sphrase_id=1984



Леонид СЛУЦКИЙ, Россия Федерал Кенгаши Давлат Думаси Халқаро ишлар бўйича қўмитасининг раиси:

– Ўзбекистон Президенти сайлови юқори савияда ташкил этилган. Овоз бериш жараёни сайловчиларнинг кўплигидан дарак бермоқда. Айрим сайлов участкаларида сайловчиларнинг 30 фоизи, бошқаларида 40 фоизи овоз берди. Ўзбекистондаги сайлов сайловчилар учун жуда қулай ташкил этилган, юқори савияда тайёрланган ва сайлов қонунчилигини бузмаган ҳолда ўтказилмоқда.

Выборы Президента Узбекистана организованы на высоком уровне // РИА Новости, 2016 йил 4 декабрь



Хайнц ВИССЛИНГ, Ўзбек–Швейцария Савдо-саноат палатаси вице-президенти (Швейцария):

– Мен мамлакатда фуқаролик жамияти фаол шаклланаётганига ва демократик жараёнлар изчил ривожланаётганига гувоҳ бўлдим. Афсуски, бу галги сайловни аввалгилари билан таққослай олмайман, чунки кузатувчи сифатида биринчи марта иштирок этаёпман. Лекин сайлов менда катта таассурот қолдирди, деб айта оламан. Мен Бухоро ва Тошкентдаги тахминан йигирмата сайлов участкасида бўлдим.

Ташкилотчиликнинг юқори даражаси ва халқаро стандартларга мос эканлиги хайрон қолдирди. Ҳеч бир қоидабузарликни кўрганим йўқ. Сайловга ўн баллик шкала бўйича энг юқори баҳо бериш мумкин. Бир сўз билан айтганда, менинг кўрганларим юксалиш давом эттирилишига шубҳа қолдирмайди.

Сайлов жараёнига баҳо беришнинг асосий омилларидан бири – бу халқнинг кайфияти эканлигини қўшимча қилмоқчиман. Бу ерда мен сайловчиларнинг кўп сонлилигини ва фаол иштирокини кўрдим. Бу халқнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдиришини таъминлай оладиган жиддий ишлар амалга оширилганлиги ҳақида бир фикрга келишимга туртки бўлди.

*Глазами наблюдателя ... // «Uzbekistan Today» АА,
2016 йил 15 декабрь*



—◆—

**Скотт ХЕРШМАН, «White&Case LLP» компанияси
хамкор бошқарувчиси (АҚШ):**

– Овоз берган фуқаролар билан мулоқот чоғида мен уларнинг ижобий муносабатини ва байрамона кайфиятини кайд этдим. Уларнинг аксарияти оилалари билан, ёш фарзандлари билан келмоқдалар. Улар «Она ва бола» хоналарида вақтни чоғ ўтказишлари мумкин. Болалар учун турли ўйинчоқлар ва кўнгилочар дастурлар мавжуд.

Ҳар бир сайлов участкасида сиёсий партияларнинг кузатувчилари бор, Президентликка номзодларнинг ишонган шахслари билан учрашдим. Ҳамма майда коидабузарликларга ҳам эътибор қаратишга шай. Шу билан бирга, улар участка сайлов комиссияларининг ишида бундай ҳодисалар кузатилмади, деб қайд этдилар.

Буларнинг барчаси ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтаётган сайловга пухта тайёргарлик кўрилганидан дарак беради.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Oriyat dono»
радиостанциясига интервьюдан*



—◆—

**Михаэль БОРХМАН, Германия – Осиё иқтисодий
форуми бошқаруви аъзоси, Гессен федерал ери юрист-
ларнинг давлат имтиҳонлари комиссияси аъзоси (Гер-
мания):**

– Менда сайлов участкаларида фуқаролар учун яратилган шарт-шароитлар чуқур из қолдирди. Олтига сайлов участкасида бўлдим ва ҳар ерда овоз берувчиларнинг фаоллиги ҳамда ғайратини кузатдим. Кўзи ожиз фуқаролар учун рисоалар ва Брайль шрифти билан ёзилган махсус бюллетенлар чоп этилгани, ногиронлар учун овоз бериш кабиналари тайёрлангани эътиборга лойиқ. Одамлар сайловга худди байрамда бўлганидек бутун оилалари билан келдилар. Улар ўз фарзандларининг келажагини сайлаётганини яхши тушунаётган эдилар.

*Сайлов – 2016: халқаро кузатувчилар шарҳлари //
«Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь*





Кен МАЦУДЗАВА, Халқаро дўстлик Кенгаши президенти (Япония):

– Ўзбекистон халқи энг кўп овозни Ш. Мирзиёевга бериб, муносиб номзодни танлади, деб ўйлайман. Бугун сайлов якунлари ҳақидаги менинг тахминларим ҳақиқатга айланди. Янги Давлат раҳбари раҳбарлиги остида Ўзбекистон барча соҳаларда, шу жумладан яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ривожлантиришда энг юкори марраларни забт этади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Oriyat dono» радиостанциясига интервьюдан



Виктор ГРИШИН, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети ректори:

– Мен эркин ва очик сайлов ўтказишнинг бу ва бошқа қонунчилик кафолатлари амалда рўёбга чиқарилганига, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари уларга риоя этилишидан манфаатдор эканлигига ўзим гувоҳ бўлдим. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш йўлида юкорида ташланган қадамлардан ташқари аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ошганлигини, ўзбекистонликларнинг сиёсий фаоллигини қайд этиб ўтишим лозим. Сайловда овоз берувчиларнинг 88 фоизи иштирок этгани бундан дарак бермоқда. Мамлакат фуқаролари уларга Ватан келажаги бефарқ эмаслигини кўрсатдилар, улар ўзларини Ватан тақдирига дахлдор деб ҳис қилмоқдалар.

Бу Ўзбекистоннинг энг муҳим ютуғидир. Одамлар чорак аср давомида тинч-тотув яшамоқдалар, мамлакатда барқарорлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Ахир барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотлар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, аҳолининг барча қатламли фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

*Трудолюбивый народ способен на великие свершения//
«Народное слово», 2016 йил 3 декабрь*

**Хан ДАЧУАН, Хитой ижтимоий фанлар академияси
бош котиби ўринбосари:**

– Бухоро ва Тошкентдаги сайлов участкаларида яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди. Президент сайловининг кўтаринки руҳда ўтгани эътиборимни тортди. Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари тенг, адолатли олиб борилган. Сайловчилар ва номзодларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ таъминланган. Сайловнинг муваффақиятли яқунланиб, мамлакат ўзи танлаган йўл – «Ўзбек модели» асосида бундан ҳам улкан марраларга эришишига ишонамиз.



*Ўзбекистон сайловларга доим юқори даражада
тайёргарлик кўрган//ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*

**Марит ФОСС, «Diva International» журнали ношири
ва бош муҳаррири (Швейцария):**

– Ўзбекистонда ўтказилаётган сайловда учинчи марта кузатувчи сифатида иштирок этаяпман. Навоий вилоятининг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги кўплаб сайлов участкаларини бориб кўрдим. Бундай муҳим сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрилганлигини, одамлар эрта тонгдан сайловга келаётганликларини қайд этмокчиман. Боз устига ҳамма кўтаринки кайфиятда эди. Жисмоний имкониятлари чекланган одамлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш амалиёти менда энг катта таассурот қолдирди. Бундай амалиёт Европанинг барча мамлакатларида ҳам мавжуд эмас. Кўзи ожизлар учун Брайль алифбоси асосида тайёрланган махсус бюллетенларнинг борлиги юқори баҳоларга лойик. Барча сайловчилар учун тенг имкониятларнинг яратилиши – бу халқаро демократик нормалар ва тамойилларга тўлиқ жавоб берадиган янги демократик технологиядир. Бу кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг пойдеворидир.



*Выборы в Узбекистане глазами международных наблюдателей //
«Народное слово», 2016 йил 5 декабрь*



Пьер Эммануэль ТОМАНН, Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори (Бельгия):

– Президент сайловига тайёргарлик ишлари юқори савияда ташкил этилгани, овоз беришда фуқаролар фаоллигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонда бугунги сайлов демократик тамойиллар, умумэтироф этилган халқаро нормалар асосида ўтмоқда. Андижон шаҳридаги 38-сайлов участкасида бўлдим, бу ерда сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган.

*Ўз кучи ва қудратига ишонган халқ буюқдир//
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Син ГУАНЧЭН, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси Чегараолди ҳудудлар тарихи ва географиясини ўрганиш маркази директори:

– Мен Гулистон шаҳрининг учта сайлов участкасида бўлдим. Сайлов жуда юқори савияда ташкил этилганлиги кўзни қувонтиради. Халқ сайловда фаол қатнашмоқда, одамлар ўзлари танлаган номзодга овоз бермоқдалар. Эксперт сифатида мазкур сайлов халқаро талабларга тўлиқ мувофиқ келади деб айта оламан.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Аккан СУВЕР, «Мармара Групп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар фонди Бош директори (Туркия):

– Мен Ўзбекистондаги парламент ва Президент сайловларини кузатишда аввал ҳам иштирок этганман. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни юқори даражага мос келади. Сайлов холис, шаффоф ва халқаро сайлов ҳуқуқи талабларига ҳамда демократия нормаларига мувофиқ ўтказилди. 4 декабрь куни биз

Самарқанд шаҳридаги сайлов участкаларига ташриф буюрдик. У ерда овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов участкаларида сиёсий партияларнинг кузатувчилари ҳозир бўлгандилар, сайлов участкалари барча қонунчилик нормаларига мувофиқ келар эди. Жисмоний имкониятлари чекланган одамлар учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Фуқаролар сайлов участкаларига кўтаринки кайфиятда келдилар. Фонд делегацияси сайлов жараёнининг боришини кузатиш мақсадида Қорақалпоғистон, Тошкент, Фарғонадаги сайлов участкаларида ҳам бўлди. Овоз беришда сайловчиларнинг қарийб 88 фоизи иштирок этгани ўзбекистонликлар мамлакатни янада демократлаштириш тарафдори эканликларидан дарак беради. Сайлов бўлиб ўтди ва у очик, ошқора ҳамда шаффоф тарзда ўтказилди.

*Мнения международных наблюдателей//
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь*



Виктор МАРТЫНОВ, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ректори:

– Соат 6 да мен Тошкент шаҳридаги 591-сонли сайлов участкасининг очилиш маросимида қатнашдим. Мен эрта тонгдан сайловчиларнинг овоз беришда фаол иштирокини кузатдим. Бу Ўзбекистон халқининг Ватан тақдирига, ўз фарзандларининг келажагига бефарқ эмаслигидан далолатдир. Овоз бериш жараёнининг ўзи мамлакат қонунчилигига мувофиқ ташқаридан аралашувсиз ўтмоқда. Сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдиришига ҳеч ким тўсқинлик қилмаяпти ва бирор-бир босим ўтказмаяпти. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг эркин ва демократик ўтказилаётганини намоён этиш муҳим омилдир.



*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «O'zbekim taronasi»
радиостанциясига интервьюдан*



◆

Роберт БЛУМ, Женева дипломатик доираси президенти (Швейцария):

– Овоз бериш фукаролик нуктаи назарини ифодалашнинг муҳим усулидир. 8 та сайлов участкасига ташриф буюриш вақтида мен у ердаги ишлар юксак савияда ташкил этилганига ишонч ҳосил қилдим, мен ҳеч бир камчиликка дуч келмадим. Эрталабки 11 гача овоз берувчиларнинг 38 фоизи сайловда иштирок этди, бу эса халқ ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлашидан дарак беради.

Биз Ўзбекистоннинг фуқароларнинг овоз беришини ўтказиш ва ташкил этиш борасидаги тажрибасини ўрганишимиз лозим, деб ўйлайман. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари сайловларни бундай юқори савияда ташкил эта олмайди. Ватанимга қайтгач, мен ушбу муҳим воқеа ҳақида кенг материал ёзмоқчиман.

*Сайлов – 2016: халқаро кузатувчилар шарҳлари//
«Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь*



◆

Андреас ЯН, Бундестагнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича кўмитаси етакчи мутахассиси (Германия):

– Сайловга тайёргарлик кўриш чоғида аҳолининг кенг қатлами, айниқса хотин-қизлар, биринчи марта овоз бераётган ёшлар томонидан намоёиш этилаётган фаоллик эътиборга лойиқ. Сайловда кузатувчилар сифатида иштирок этаётган давлатларнинг рўйхати билан танишиб чиққач, бу муҳим сиёсий тадбирда кўплаб чет мамлакатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари иштирок этаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бу сайлов очик-ошкоралик шароитида ўтказилаётганидан далолатдир.

*В духе конструктивного диалога //
«Народное слово», 2016 йил 3 декабрь*



◆

Кэролин ЛЭММ, Америка–Ўзбекистон савдо палатаси рэнси, «White&Case LLP», компаниясининг ҳамкор бошқарувчиси (АҚШ):

– Барча жалб этилган шахсларнинг уюшқоқлиги ва уйғунлиги менда катта таассурот қолдирди. Мен фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этганини кўрдим, бу эса Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар муваффақиятли рўёбга

чиқарилганлигининг яна бир исботидир. Тиббиёт ҳамда «Она ва бола» хоналарининг борлиги инсонийлик ва мурувват руҳини кўрсатиб беради. Ўйлайманки, бундай амалиётни АҚШда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси «Roxy FM»
радиостанциясига интервьюдан*



Гоус Бах Хон МАҲЕР, Покистон Миллий Ассамблеяси депутати:

– Маълумки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим қисми, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришининг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистондаги сайлов тизими ва қонунчилиги адолатли, мукамал тарзда, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Ўзбекистон фуқаролари, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданияти юксаклиги, уларнинг фуқаролик позицияси мустаҳкамлигини сайлов жараёнидаги фаол иштирокида ҳам кўриш мумкин.

Президент сайловида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги яна бир бор намоён бўлмоқда. Сайлаш нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки бурч, юксак фуқаролик масъулияти ҳамдир. Буни теран ҳис этган Ўзбекистон халқи муҳим сиёсий-ижтимоий жараёнга алоҳида тайёргарлик кўрганига гувоҳ бўлиб турибмиз.



Очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида //
ЎзА, 2016 йил 1 декабрь



Ичиро МАЦУОКА, Хоккайдо префектурасининг Хигашикава шаҳри мэри (Япония):

– Мен Ўзбекистонда шу кунларда ўтказилаётган бундай улкан сиёсий тадбирда илк мартаба иштирок эта-япман. Мамлакат аҳолиси ўз номзодига овоз бериш учун кўтаринки кайфиятда ва ғайрат билан сайлов участкаларига ташриф буюргани менга ёқди. Биз бўлган сайлов



участкаларида сайловчиларнинг кўплиги кўзга ташланди. Сайловда участка сайлов комиссиялари билан бирга ҳар бир партия вакиллари ҳозир бўлгани ҳам кувонарлидир.

Сайлов – 2016: халқаро кузатувчилар шарҳлари // «Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь



Оярс СПАРИТИС, Латвия Фанлар академияси президенти:

– Сайлов кампанияси аниқ мақсадни кўзлаб, юқори даражада ташкил этилганлигини кўраяпман. Сайловчилар сайлов куни кимга овоз беришини биладилар.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Эдуард КИНСБРУНЕР, Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси худудий директори (Германия):

– Сайлов куни соат 6 да овоз бериш жараёнини кузатиш учун Самарқанд шаҳридаги 59-сонли сайлов участкасига келдим. Эрта тонг бўлишига қарамай, одамлар кўплиги ҳайрон қолдирди. Аҳоли ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш учун сайловда иштирок этишга шошилдилар. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоллари, сайловчилар рўйхати, «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари билан танишдим. Комиссия аъзолари барча маълумотларни тақдим этиб, саволларга мамнуният билан жавоб бердилар, овоз берувчилар сонини айтдилар, участкада яратилган шарт-шароитларни кўрсатдилар. Бутун сайлов жараёни уюшган ҳолда сайловга доир қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий мувофиқ ҳолда ўтди.

Мнения международных наблюдателей // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Мария Людовика Боттарелли ТРАНКУИЛИ-ЛЕА-ЛЕ, «Европа хотин-қизлари лоббиси» ташкилоти ита-льян бўлинмаси бош қотиби:

– Мен Ўзбекистондаги сайловларда кузатувчи сифа-тида биринчи марта иштирок этаётганим йўқ. Сайлов-ларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши менда яхши таассурот қолдирган. Сайлов жараёнининг ижтимоий йўналтирилганлиги унинг муҳим жиҳатидир. Барча сай-лов участкаларида махсус «Она ва бола» хоналари ҳамда тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Шундай қилиб, овоз беришни хоҳлаган аёллар фарзандларини ким билан қолдириш ҳақида бош қотириб ўтирмай, ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Республикада хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилаётган эътибор таҳсинга лойик.



Сайлов – 2016: халқаро кузатувчилар шарҳлари // «Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь



Пунчок СТОБДАН, Мудофаа ва стратегик таҳлил институтининг Ғарбий Осиё маркази мувофиқлашти-рувчиси (Ҳиндистон):

– Ўзбекистон Президенти сайловини ташкил этиш жараёнини кузатиш ва мамлакатингиз ҳақида кўплаб ян-гиликларни билиб олиш мен учун кизик бўлди. Мамла-катингиз ижтимоий-сиёсий тизимни модернизация қилишда катта тажриба тўплади ва бу галги сайлов бунга кўрсатиб берди. Сайлов мамлакатингиз қонун ҳужжатларига ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилди. Сайлов ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги ишончнинг юқори савиясини намоиш этди. Мамлакат аҳолиси давлат тақдирига дахл-дорлигини ҳис қилмоқда.



Транспарентно и организовано // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Ирина РОДНИНА, Федерал Кенгаш Давлат Думаси депутати (Россия):

– Ўзбекистон учун бу муҳим даврдир. Лекин мен ўйлайманки, ўзбекистонликлар бу нақадар муҳим лаҳза эканлигини, сайловдан нималарни кутаётганликларини, уларда қандай орзу ва режалар борлигини ўзлари англаб етишлари лозим. Одамлар барқарорликни ва тараққиётни хоҳлайдилар. Шу сабабли сайловчилар сони шу даражада кўп. Чунки агар сайловга бефарқ бўлсанг, сайловда иштирок этмаслигинг мумкин. Бугун Тошкент шаҳрида бўлдим. Кеча Тошкент вилоятини кўздан кечириб, 10–11 та сайлов участкасида бўлдик. Бугун эса 14 та сайлов участкасига ташриф буюрдик.

У людей есть желание к стабильности, процветанию // http://news.uzreport.uz/news_2_r_146558.html, 2016 йил 4 декабрь



Мохаммед Илгаф ШЕЙХ, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасининг Консерватив партиясидан аъзоси:

– Сайлов халқаро стандартларга мувофиқ очик-ошкора демократик ўтказилганлиги менга жуда ёқди. Ҳар бир фуқаро ўз танловини амалга ошириш имконига эга бўлди. Ўзбекистонда сайловчиларнинг қарийб 90 фоизи овоз бергани мени лол қолдирди, чунки бу бошқа мамлакатлардаги сайловчилар сонидан анча кўп. Одамлар учун ўз фуқаролик ижтимоий қарашларини намойиш этиш муҳим эканлиги кўриниб турди. Мен кўплаб сайловчилар билан мулоқотда бўлдим. Сайловга нима учун келдингиз, деган саволга ўз номзодини қўллаб-қувватлаш учун, Ватан келажаги муҳим деб жавоб бердилар. Махсус «Она ва бола» хоналарини, тиббиёт пунктларини қайд этиб ўтмоқчиман. Бошқа мамлакатларда бундай амалиёт қўлланмайди. Мен буни кўрмаганман. Одамлар сайловга ихтиёрий равишда келиб, ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаландилар. Сайлов участкаларида барчаси уюшқоқлик, маданий тарзда, ҳеч бир муаммосиз, сайлов қонунчилиги бузилмаган ҳолда ўтди.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

**Тойым ЖУНУСОВ, Жамоатчилик кенгаши раиси
(Қозоғистон Республикаси):**

– Ўзбекистонга келишимдан аввал мен Ўзбекистонда сайловчиларнинг фаоллиги бизнинг юртимиздаги каби жуда юқори эканлиги ҳақида ўқиган эдим. Сайлов участкаларида бўлиб, бу ҳақиқатдан ҳам шундайлигига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса эрталаб сайлов участкаларида одам кўп эди. Сайлов комиссиялари аъзоларининг тайёргарлиги юқори даражада эканлиги мақтовга лойиқ.

«Камолот» ёшлар ижодиёт саройида бизга миллий маданият марказлари жамоаларининг фаолияти ҳақида бадиий дастур намойиш этилди. Шунингдек биз Ҳазрати Имом ва Зангиота мажмуаларига ҳамда Тошкент Ислом университетига ташриф буюрдик.

Маҳалла қўмиталари фаолияти ташкил этилишига катта қизиқиш билдирдик. «Ҳазрати Имом» маҳалласи фуқаролар йиғини биносидан олиб бораётган 307-сонли участка сайлов комиссиясига ташриф буюрганимизда маҳалла институти эътиборимизни жалб қилди.

Делегация Казахстана знакомится с Узбекистаном // <http://www.ut.uz/ru/eshyo/vybory-2016/delegatsiya-kazahstana-znakomitsya-s-uzbekistanom/>, 2016 йил 4 декабрь




**Стивен НАДЕРНИ, «СNH Industrial» компанияси
вице-президенти (АҚШ):**

– Биринчи навбатда одамларнинг ўз сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришга бўлган интилиши мени лол қолдирганини айтишим лозим. Сайлов участкаларида овоз беришни хоҳловчи шу қадар кўп эдики, баъзан сайловчиларни рўйхатга олиш столларида навбат юзага келди. Шунга қарамай, сайлов участкалари фаолиятининг амалий жиҳатлари юзасидан шикоятлар қайд этилмади. Айни вақтда сайлов кампанияси самарали ва уюшган ҳолда ташкил этилганлигини қайд этишим лозим. Унда ҳақиқий рақобат кузатилди, ёлғондакам номзодлар қатнашгани йўқ. Ўз номзодини қўйган ҳар бир сиёсатчи ўз ғалабасига ишонди ва электоратнинг қўллаб-қувватлашини сезиб турди. Шу билан бирга, айрим мамлакатларда кузатиладиган ва давлатнинг нуфузига зарар етказадиган сиёсий курашнинг қўпол усуллари йўқлигини қайд этиш қувончли.



*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари
миллий ассоциацияси «Oriyat dono» радиостанциясига интервьюдан*



Джо ДАНИЭЛЬ, «Cloud-Fi Inc» компаниясининг бош ижрочи директори (Канада):

– Менинг кузатишларим бўйича сайловчиларнинг фаоллиги юқори даражада бўлди. Масалан, Канадада электратнинг 60 фоизи сайловларда иштирок этса, бу юқори кўрсаткич ҳисобланади. Бирок Ўзбекистонда бу ракам анча юқори. Бу мамлакатингизда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга, аҳоли орасида фуқаролик масъулиятини оширишга ҳамда юксак ҳукукий маданиятни сингдиришга катта эътибор берилаётганлиги билан изоҳланади.

Сайлов – 2016: халқаро кузатувчилар шарҳлари // «Жаҳон» АА, 2016 йил 6 декабрь



Жамшед ЖАМШЕДОВ, Тожикистон Республикаси Сайлов ва референдумлар бўйича Марказий комиссияси аъзоси:

– Жиззах шаҳридаги 5-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатдим. Сайлов миллий қонунчилик ва халқаро демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтмоқда. Сайловчилар ўзлари танлаган номзодга эмин-эркин овоз бермоқда. Баъзи сайловчилар билан суҳбатлашдим. Ҳар бир сайловчи ўз фикрига эга. Сайловчиларнинг фаоллиги Ўзбекистон халқининг ўз Ватани тақдирига, келажагига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтмоқда // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь



Искандер МАТРАИМОВ, Қирғизистон Республикаси Жокоргу Кенеші депутаты:

– Сайлов ҳар томонлама муваффақиятли ўтишига ишончим комил. Умумэътироф этилган халқаро талаб ва меъёрлар асосида ўтаётган сайловлар Ўзбекистонда наинки демократик давлат қуриш йўлидаги ижобий ўзгаришлар, балки одамларнинг мамлакатда кечаётган жараёнларга нисбатан фаол муносабатини ҳам намойиш этмоқда.

Ўзбекистон – жадал ривожланаётган мамлакат // ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь



Чон Дэ ВАН, Кемён университети Сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар факультети профессори (Корея Республикаси):



– Мен 14-сонли Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига, шунингдек Тошкент шаҳридаги 72 ва 83-сонли сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Овоз бериш жараёнини кузатиш чоғида мамлакат фуқаролари сайловда қандай ғайрат ва масъулият билан иштирок этганликларига гувоҳ бўлдим. Учта жиҳатни алоҳида қайд этмоқчиман.

Ногиронларнинг яширин овоз бериши учун кабиналар, «Она ва бола», биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари назарда тутилган. Кореяга қайтгач, мен, албатта, Ўзбекистон тажрибасини бизнинг сайлов тизимимизга жорий этиш ташаббусини кўтараман. Бундан ташқари, менга «Биз овоз бердик! Сизчи?» деб икки тилда ёзилган стикерлар ғояси жуда ёқди. Бу сайловга ҳали келмаганлар учун ажойиб рекламадир.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Grand FM» радиостанциясига интервьюдан



Тамара ГУЗЕНКОВА, Россия стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари:



– «Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибаси» мавзuidaги конференцияда халқаро кузатувчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилигидаги очиқлик ва оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишди. Бир неча сайлов участкаларидаги жараёни кузатиб, Ўзбекистон фуқароларининг сайловга ихтиёрий, аيني чоғда масъулият билан муносабатда бўлганидан қувондим.

Ўзбекистон сайловларга доим юқори даражада тайёргарлик кўрган // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь



—◆—

**Дитер БРАНДЕНБУРГЕР, Германия–Ўзбекистон
дўстлик жамияти вице-президенти:**

– Аҳолининг аксарияти сайловнинг муҳимлигини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини теран ҳис этаётгани уларнинг эрта тонгдан бу жараёнда фаол иштирок этишидан маълум бўлди. Ҳар бир фуқаро миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани жуда эътиборлидир. Бу мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари таъминланганидан, ижтимоий тенглик қарор топганидан далолат беради.

Сайлов демократик руҳда ўтди // ЎзА, 2016 йил 4 декабрь



—◆—

Пьер-Эммануэль ДЮПОН, «Public International Law Advising Group» ташкилоти раиси (Франция):

– 4 декабрь куни Бухоро шаҳридаги сайлов участкаларида бўлдим. Ушбу муҳим сиёсий воқеага миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар асосида катта тайёргарлик кўрилди. Сайлов бошлангунга қадар сайловчилар Президентликка номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида ахборот олдилар. Сайлов участкаларида фуқаролар бемалол овоз беришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Сайловчилар ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиш учун эрта тонгдан бошлаб сайлов участкаларига келиб фаоллик кўрсатдилар. Ёши катта авлод билан бирга ёш ўғил-қизлар, шу жумладан биринчи марта овоз бераётган ўсмирлар ҳам иштирок этди.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь

Алихейдар РЗАЕВ, «Авиамост» журнали муҳаррири (БАА):

– Кўзи ожиз фуқароларга Брайль алифбосида сайлов мавзуида рисоалар ва махсус бюллетенлар чоп этилгани, ногиронларга овоз бериш учун кабиналар тайёрлангани таҳсинга лойиқ. Инсонлар оиласи билан байрамона кайфиятда сайловга келди. Улар ўзи ва фарзандлари келажакини танлаётганини жуда яхши билади.

Сайлов демократик руҳда ўтди // ЎзА, 2016 йил 4 декабрь



Сергей БУКРЕЕВ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси аъзоси:

– Қашқадарё вилоятида жойлашган бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ва жавобгарлигини қайд этдим. Бутун мамлакат бўйлаб сайловда иштирок этиш бўйича юқори кўрсаткичлар – МСК ва сайлов комиссиялари аъзолари томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўтказилган кенг кўламли ишлар натижасидир. Бу каби ишлар сайловчилар ва МСК аъзолари учун семинар-тренингларни, ёшлар, аёллар, фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашувларни ўз ичига олди. Шунингдек, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилигини пухта билишини, сайлов участкаларининг юксак даражада жиҳозланганлигини, масалан, уларда тиббий хоналар ҳамда «Она ва бола» хоналарининг борлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Транспарентно и организованно // «Правда Востока», 2016 йил 5 декабрь



Син ГУАНЧЭН, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академияси Чегараолди ҳудудлар тарихи ва географиясини ўрганиш маркази директори:

– Гулистон шаҳридаги 5-, 11-, 18-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатдим. Тиббиёт, «Она ва бола» хоналарининг жиҳозланиши менга жуда манзур бўлди. Сайловчилар ниҳоятда фаол. Барча сайлов участкаси сай-



ловчилар билан гавжум. Бундай ҳолатни бошқа мамлакатда учратиш қийин. Халқингизнинг сиёсий маданияти юксаклиги менда катта таассурот қолдирди.

*Ўзбекистон тараққиёт йўлидан изчил бормоқда//
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Арнис ЦИМДАРС, Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Кеча мен овоз бериш жараёнини кузатиш учун сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Эрта тонг бўлишига қарамай, одамлар Президент сайловида ўз хохиш-иродаларини билдириш учун овоз беришга келдилар. Бу аҳолининг юқори савиядаги фаоллигининг исботидир. Сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитлар юқори баҳоларга лойиқ. Сайловга доир қонунларнинг бузилиши кузатилмади.

Ҳар бир давлатнинг сайловни ўтказиш тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у Президент лавозимида ўз номзодларини танлаётган жамият талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бироқ агар халқаро стандартлар ва талаблар нуктаи назаридан қаралса, сайловни ўтказишнинг айрим тизимларини таққослаш ва баҳолаш мумкин бўлади. Бу борада Ўзбекистонда умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган демократик сайловларни ўтказишнинг самарали тизими шаклланган, деб айтиш мумкин.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь*



Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш институти президенти (Германия):

– Пойтахтингиздаги 409, 213, 348-сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим. Сайловчилар эрта тонгдан сайлов участкаларига келиб, ўз номзодига овоз берди. Уларнинг кайфияти баланд, сайлаётган номзодига ишончи мустаҳкам.

Мазкур сайлов Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз. Одамларда мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси ортгани яққол кўзга ташланди. Бу мамлакатингизда демократик ислохотлар амалий натижалар бераётганининг ифодасидир.

Сайловчилар фаоллиги – демократик ислохотлар ифодаси // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь

Бернадет МИЛЛ, Лондоннинг Уолтхэм-Форест райони муниципалитети депутати:

– 2014 йилги парламент сайловида иштирок этганимда сайлов халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартларга мувофиқ ўтганига гувоҳ бўлгандим. Бу галги сайловга ҳам жуда пухта тайёргарлик кўрилган. Мамлакатингиз ва хорижлик оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро кузатувчилар учун брифинглар бўлиб ўтмоқда. Шу билан бирга, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганлиги, сайловчиларнинг кўтаринки кайфиятда эканлиги ва айниқса, ёш сайловчиларнинг бу жараёнга бўлган қизиқиши менда яхши таассурот қолдирди. Сайлов очик-ошкора ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Ҳар бир сайловчи ўзи муносиб деб ҳисоблаган номзодга овоз берди.



Встречи членов парламента с международными наблюдателями // «Народное слово», 2016 йил 6 декабрь

Райнер РИЕНМЮЛЛЕР, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Австрия):

– Европанинг кўпгина давлатларида аҳолининг 40–50 фоизи сайлов жараёнларида иштирок этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 90 фоиздан кам бўлмаслигига ишонаман. Халқингизнинг бирдамлиги, сиёсий фаоллиги эътиборга моликдир.



Қисқа вақт ичида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани таҳсинга лойиқ // ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь



—◆—

**Саманта ПЭКСТОН, Сиэтл – Тошкент биродар ша-
харлар уюшмаси раиси (АҚШ):**

– Мен Самарқанд ва Тошкентдаги сайлов участка-
ларида бўлдим. Сайловчилар, айникса аёллар ва ёшлар
етарлича ҳуқуқий билимга эга. Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитасининг фаолияти, қўмита томонидан мамлакат
минтақаларида Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада
юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури-
га мувофиқ қандай тадбирлар ўтказилаётганлиги билан
танишдим. Бу Ўзбекистон хотин-қизларининг фаол фуқаролик нуктаи наза-
ридан далолатдир. Улар бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида
фаоллик кўрсатмоқдалар.

Мнения международных наблюдателей //
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь



—◆—

**Хиронобу КУРОСАКИ, «НЭК Корпорейшн»нинг
АҚШ, Европа, Яқин Шарқ ва Африка минтақалари
бўйича бўлими бош менежери (Япония):**

– Кеча эрта тонгдан мен бир нечта сайлов участкаларига
ташриф буюрдим ва фуқароларнинг юқори даражада фаол-
лигига шахсан ишонч ҳосил қилдим. Улар бугунги воқеанинг
муҳимлиги ва жиддийлигини англаб етиб, мамлакатнинг ке-
лажаги, тинчлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланиши
учун ўз сайлов ҳуқуқидан ғайрат-шижоат билан фойдалан-
дилар. Сайловнинг юксак даражада ташкил этилганини, эркин овоз бериш учун
барча шарт-шароитлар яратилганини кайд этиб ўтишни хоҳлайман.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА,
2016 йил 5 декабрь

Рафаэль НЕКТАЛ, «The Bukharian Times» ҳафталик газетаси бош муҳаррири (АҚШ):

– Ўзбекистон ҳавоси бизга доимо ҳузур бағишлайди. Бу меҳмондўст мамлакатга қачон келсак, ўзбек халқининг меҳрини, олижаноблигини ҳис этамиз.

Мамлакатингиз фуқаролари, айниқса, ёшларнинг сайловолди жараёнидаги фаоллиги эътиборга молик. Биринчи марта овоз берадиган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида уларда сайлов маданияти шаклланган, ўз келажагига дахлдорлик туйғуси ортган. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор таҳсинга лойик. Ёшларни давлат ва жамият ҳаётига кенг жалб қилиш барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсати бошқалар учун намуна бўла олади.



Сайловга пухта тайёргарлик Ўзбекистон халқининг ўз келажагига юксак ишончини англатади // ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь

Сафа Маҳмуд АЛВАН, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (БАА):

– Сайловгача биз кўплаб сайлов участкаларидаги тайёргарлик жараёни билан танишдик. Барчаси белгиланган талаблар асосида бажарилди. Асосийси, одамларнинг кайфияти жуда яхши, улар ўз мамлакатига ишонадилар. Сайлов очик-ошкора уюшган ҳолда ўтмоқда. Одамлар номзодларнинг дастурлари билан батафсил танишдилар ва онгли равишда овоз бермоқдалар.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Сиябшах ШАПИЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

– Мени ватанпарварлик даражаси лол қолдирди. Овоз бериш жараёни очилишида сайлов участкаларида Ўзбекистон мадҳияси янграганлиги бундан далолатдир. Бу барча сайловчилар учун катта тарбиявий ролга эга. Биз кузатиб турганимиздек, сайловга кўп сонли сайловчиларнинг ташриф буюраётганлиги халқнинг ҳокимиятга бўлган ишончини ва мамлакат келажаги учун ўз ҳиссасини қўшишга интилишини кўрсатиб бермоқда.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь*



Елена ПАСКАЛЕВА, Лейден университети профессори (Нидерландия):

– Сайлов жараёнларида аҳоли, айниқса хотин-қизларнинг фаоллиги эътиборга лойиқ. Мамлакатингизда 10 миллион хотин-қиз сайловда қатнашиш учун рўйхатга олинган. Бу жуда муҳим ва катта кўрсаткичдир. Аҳолининг сиёсий онги ва сайловдаги фаоллигининг асосий омили таълим тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги, деб ўйлайман. Ўзбекистонда ўқувчилар мактабданок Конституциянинг мазмун-моҳияти билан танишмоқда, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширмоқда.

*Сайлов жараёнлари ҳолис ва ҳаққоний ўтмоқда //
ЎЗА, 2016 йил 2 декабрь*



Жим МОРАН, «McDermont Will and Emery LLP» компаниясининг етакчи ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси (АҚШ):

– Бугун юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа Ўзбекистон учун ҳам, умуман минтақа учун ҳам муҳимдир. Ўзбекистон ёш республика ҳам Шарқ билан, ҳам Ғарб билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатлар-

ни кура олишига намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мамлакатингизда ўтказилаётган бу галги сайлов очик бўлиб, унда ёшлар ҳам фаол қатнашмоқда.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА, 2016 йил 4 декабрь*

◆

Валериус СИМУЛИК, Литва Сейми депутати:

– Овоз бериш куни сайловчилар фаоллигининг муҳим омили Марказий сайлов комиссиясининг Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури бўлди, деб ҳисоблайман. Бу дастур Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий жараёнларда, давлатни ва ўз келажагини барпо этишда фаол иштирок этиш зарурлигини тушуниб етишида катта роль ўйнади. Мамлакатингиз Марказий Осиё минтақасида ўзига хос ўрин эгаллайди, шу сабабли тинчлик ва фаол тараққиётни таъминлашда Ўзбекистон зиммасига катта масъулият юклатилган. Аҳолининг 60 фоизи ёшлардир, исталган Европа давлати бунга ҳавас қилиши мумкин. Ва сиз ёшларни тарбиялашга катта эътибор қаратаёсиз.




*Мнения международных наблюдателей//
«Народное слово», 2016 йил 6 декабрь*

◆

**Ривен Д'СУЗА, «Times Kuwait» газетасининг ижро
этувчи директори (Қувайт):**

– Ўзбекистонда ўтказилган социологик сўровлар мамлакат фуқаролари мустақиллик йилларида олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва ислохотларни юксак даражада қўллаб-қувватлашини кўрсатмоқда. Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги Президент сайлови мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим воқеа деб ҳисоблайди, овоз беришда иштирок этиш зарурлигини англаб етади, шунингдек бўлажак Президент сайлови ҳақида юқори даражада хабардорлигини кўрсатмоқда. Бу борада фуқароларнинг юқори электорал фаоллиги ижобий баҳога лойик, бу эса уларнинг ўз мамлакати келажаги учун жавобгарлик ҳисси ошганлигидан далолатдир.



*Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайлови
мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлайди //
«Жаҳон» АА, 2016 йил 3 декабрь*



◆

Кёко НАКАЯМА, Япония парламенти юкори палатаси депутати:

– Биз бир қанча сайлов участкаларида бўлдик ва сайловга кўп сонли сайловчилар келаётганини кўрдим. Боз устига улар хурсанд ва мамнун ҳолда овоз бераптилар. Сайлов жараёни очик тарзда ўтказилди, барча оммавий ахборот воситалари сайловни тазйиксиз ва чекловларсиз бемалол ёритиб борди, сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар сайлов куни ва ундан олдин сайлов жараёнининг бутун босқичини бемалол кузатиб

турдилар.

Ўзбекистон – бой тарихга, маданий меросга ва юксак маънавиятга эга давлатдир. Биз Ўзбекистондан кўп нарсани ўзлаштиришимиз мумкин. Биринчи Президент Ислом Каримов ўзининг бевақт ўлимига қадар мамлакатингизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кучли давлатга айлантириш, халқингизнинг тинч ҳаётини таъминлаш учун кўп ишларни бажарди. Ишончим комилки, янги раҳбарнинг сайланиши бу улуғвор ишларнинг давом эттирилишига, барча соҳаларнинг янада ривожлантирилишига ва одамлар турмуш шароитларининг яхшиланишига хизмат қилади.

*Транспарентно и организованно // «Правда Востока»,
2016 йил 5 декабрь*



◆

Берик ИМАШЕВ, Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида катнашаётганимиздан хурсандмиз. Мазкур сайлов қардош ўзбек халқи ҳаёти, мамлакат таракқиётида муҳим аҳамиятга эга. Буни халқингиз теран ҳис қилиб турибди. Муҳими, Ўзбекистонда сайловни юкори савияда, аҳолининг фаол иштирокида ўтказиш учун барча имконият яратилган.

*Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш керак //
ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь*

Магди ЗАЪБАЛ, Заказик университетининг илмий тадқиқотлар маркази директори (Миср):

– Сайлов – нафақат бугун, балки келажак учун ҳам муҳим сиёсий жараён. Ўзбекистон ёшлари, биринчи марта сайловда иштирок этаётганларнинг ўз келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этаётганидан қувондик. Кўплаб давлатларда ҳануз ечимини қутаётган аёлларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилаётган сайлов жараёнлари аҳолининг биринчи манбадан тўла ва холис ахборот олишини таъминламоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти сайловининг юксак савияда ўтишига хизмат қилади.



Қисқа вақт ичида сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани таҳсинга лойиқ // ЎЗА, 2016 йил 3 декабрь

Эльман НАСИРОВ, Озарбайжон Милли Межлиси депутати:

– Менимча, халқ биринчи навбатда мамлакатда барқарорлик бўлиши, инсон ҳуқуқлари барча даражаларда таъминланиши учун овоз беради. Ўзбек давлатчилиги раванк топишда давом этиши энг асосий максаддир. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозир ўзбек халқи олдида жуда катта масъулият турибди, деб айтиш мумкин. Сайлов жараёнини қузатаётиб, ҳар ким Ўзбекистон келажаги, ўз фарзандлари ва умуман, давлат тақдирини учун овоз бераётганини кўраяпман.



*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



**Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университетининг
Осиё ва Африка мамлакатлари институти профессори
(Исроил):**

– Жиззах шаҳридаги 22-сайлов участкасида бўлдим. Сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган. Овоз бериш жараёни халқаро меъёрлар асосида ташкил этилган. Сайловчилар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ислохотлар самарасидан баҳраманд экани туфайли эртанги кунга ишонч билан сайловда фаол иштирок этди. Демократик тамойиллар асосидаги сайловда фуқаролар мамлакат изчил ривожланиш йўлидан боришига ишонмоқда. Бу жуда муҳим.

*Эртанги кунга қатъий ишонч билан //
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



**Экхард ПРИЛЛЕР, Фуқаролик жамияти институти
директори (Германия):**

– Ўзбекистондаги сайлов жараёни юксак ташкилий-техник савияда бўлиб ўтмоқда. Марказий сайлов комиссияси ва бошқа тузилмалар томонидан уюшқоқлик билан олиб борилган ишлар туфайли бундай имконият яратилди.

Сайловда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этганлиги Ўзбекистонга билдирилган катта эътибор ва қизиқишнинг амалда намоён бўлишидир. Республикада бўлган вақтимизда биз бир нечта сайлов участкасига ва пресс-клубга ташриф буюрдик, номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдик. Ўзбекистон халқи Президент лавозимига энг муносиб номзодни сайлашига ишончим комил.

*Халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида // «Жаҳон» АА,
2016 йил 4 декабрь*

Ли ЧЖУНЦИН, Хитой халқаро радиоси мухбири:

– Кўплаб участкаларда бўлиб, аҳолининг юқори даражада фаоллигини кузатдик. Ота-оналарга ҳамроҳлик қилиб келган болакайларнинг хурсандчилиги, биринчи марта овоз берган ёшлар кўзидаги қувонч сайловга байрамона рух бағишлади. Сайлов участкаларидаги юқори даражадаги тайёргарлик ва яратилган шарт-шароит таҳсинга сазовор.



Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик бардавом бўлсин //
ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь

Кенъичи МАЦУМОТО, Тиббий асбоб-ускуналар соҳасида ташқи техник ёрдам кўрсатилиши бўйича япон ташкилоти президенти, «Мацумото» фонди раиси (Япония):

– Мен сайловда кузатувчи бўлиб учинчи марта иштирок этаяпман. Сайлов участкаларидаги ташкилотчилик эътиборни тортади. Оналарга ёрдам берувчи «Она ва бола» хоналари ташкил этилган. Ўйлашимча, бундай амалиётни бизнинг сайлов тизимимизга ҳам жорий этиш зарур. Яна бир жиҳатни қайд этмоқчиман. Бизнинг сайловларимизда аҳолининг тахминан 50–60 фоизи иштирок этади. Сизнинг мамлакатингиз фуқароларининг фаоллиги таҳсинга лойиқ.



Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан

Вента КОЦЕРЕ, Латвия университети Академик кутубхонаси директори:

– Бугун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидаги 90- ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидаги 105-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, Ўзбекистон халқи наинки ўтмишга хурмат, балки келажакка ҳам юксак ишонч билан қарашига амин бўлдим. Юқори ташкилий тайёргарлик, сайловчилар фа-



оллиги ҳамда мазкур жараён иштирокчиларининг ҳамжихатлиги сайловнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлайди, деб ўйлайман.

*Вента Коцере, Латвия университети Академик
кутубхонаси директори: Ўзбекистондаги ўзгаришлар
бизда ҳавас уйғотади // ЎЗА, 2016 йил 4 декабрь*



Удо ФЁЛЬКЕР, «CLAAS» компаниясининг мустақил маслаҳатчиси (Германия):

– Мен Тошкент шаҳридаги 508, 509 ва 510-сонли сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Мен сайлов участкаларининг жиҳозланишини ижобий баҳолайман ва сайлов комиссияси аъзоларининг тезкорлигини қайд этмоқчиман. Фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланишга жуда жиддий муносабатда бўлмоқдалар, ҳар ерда уларнинг фаоллигини кузатдим. Бу келажакка умид билан қараётган ва сайлов натижаларидан турмуш даражаси яна ҳам яхшиланишини кутаётган фуқароларнинг сиёсий савияси ошганлигини кўрсатади.

*Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот
воситалари миллий ассоциацияси «Poytaxt FM»
радиостанциясига интервьюдан*



Мухарбек ДИДИГОВ, Россия Федерацияси Федерация Кенгашининг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари:

– Ўзбекистон халқи Президент сайловига нафақат мамлакат ҳаёти, балки ўзи ва оиласининг эртанги тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга катта сиёсий жараён сифатида ёндашаётгани, аввало, қафолатли ва барқарор ҳаёт учун овоз бераётгани таҳсинга лойик. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёни билан бевосита танишиб, бунда аҳолининг барча қатлами учун тенг ва кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Сайлов мамлакатингиз қонунлари, халқаро демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди.

Сайлов демократик руҳда ўтди //
ЎзА, 2016 йил 4 декабрь

Иззатуллох ҲАШМИ, «Arab News» газетаси мухбири (Саудия Арабистони):

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро қузатувчи сифатида иштирок этишдан хурсандман. Ўзбекистонда Президент сайловига юқори савияда тайёргарлик кўрилган. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан хорижий журналистлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар сайловнинг очиклик, ошқоралик ва демократия руҳида ўтказилишига кўмаклашмоқда.

Биз кеча иккита сайлов участкасида бўлдик. Овоз бериш бугун эрталаб 6.00 да бошланди. Эрта тонгдан ёши кекса инсонлар, зиёлилар ҳамда сайловда биринчи марта иштирок этаётган ўғил-қизлар сайлов участкасига келдилар. Соат 13.00 га келиб сайловда иштирок этган сайловчиларнинг сони 60 фоиздан ошиб кетди ва бу жуда яхши натижадир.

*Халқаро қузатувчилар Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови ҳақида //* «Жаҳон» АА, 2016 йил 5 декабрь



Амзулиан РИФАИ, Индонезия Республикаси Омбудсмани:

– Ўзбекистонда Президент сайловига пухта тайёргарлик кўрилган. Мен бунга бугун пойтахтдаги бир нечта сайлов участкасига ташриф буюриб амин бўлдим. Қузатишларим натижасида сайловчилар учун барча шарт-шароитлар энг юқори даражада яратилган, деб ишонч билан айта оламан. Ҳар ерда «Она ва бола» хоналари, тиббиёт пунктлари бор. Улар зарур ускуналар билан жиҳозланган ва керакли буюмлар билан таъминланган. Жисмоний имкониятлари чекланган одамлар учун ҳам барча зарур шароитлар яратилган. Кўзи ожизлар Брайль алифбосида



тайёрланган бюллетенларни олиб, овоз беришлари мумкин. Бундай имкони-
ятлар ҳатто халқро амалиётда ҳам камдан-кам учрайди.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*



Йоэль РАЗВОЗОВ, Исроил Кнессети депутати:

– Барча бирдек сайловга катта қизиқиш ва иштиёқ билан қараётганига гувоҳ бўлдим. Сайлов участкалари-да сайловчиларга барча шарт-шароит, ёш болали аёллар, ногиронларга қулайликлар яратилган. Сайловда биринчи марта иштирок этадиган ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда.

*Сайлов юқори савияда ўтади // ЎЗА,
2016 йил 3 декабрь*



Боян ЧУКОВ, «Халқаро алоқалар миллий ассоциацияси» ИИЧБ ходими, «Халқаро муносабатлар» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси (Болгария):

– Сайлов жуда аниқ ва уюшқоқ ўтказилмоқда. Сизларда ҳамма нарсага яхши тайёргарлик кўрилган, одамлар эрта тонгдан хурсанд ҳолда келаётганини кўраяпман. Овоз берувчилар фоизи ҳам юқори. Тошкентдаги юридик факультетининг ёш талабаси бугун менга ҳамроҳлик қилмоқда. У ажойиб йигит, унда мен Ўзбекистон келажагини кўраяпман, шу сабабли сиз хотиржам бўлишингиз мумкин. Кун якунида ҳаммаси ойдин бўлади ва биз ўзбек халқини сайлов билан қутлашимиз мумкин бўлади. Халқ эса ҳар доимгидек доно.

*Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот»
информацион дастурига интервьюдан*

—◆—

Чжен Ци, Хитойнинг «China Daily» газетаси муҳбири:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро сайлов округи ҳудудидаги бир неча сайлов участкасида бўлдим. Уларда ушбу муҳим сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилган. Ошкоралик ва адолат – демократик сайловларнинг энг муҳим жиҳатидир. Бу борада сайлов участкаларида жараённинг боришини бевосита кузатиб борадиган сиёсий партиялар ва хорижий кузатувчилар учун ҳам зарур шароит яратилган.



*Ўзбекистон – барқарор ривожланаётган мамлакат // ЎЗА,
2016 йил 4 декабрь*

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРДАН КУЗАТУВЧИЛАР
МИССИЯЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА
УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАЛАР
ВА БОШҚА МАТЕРИАЛЛАР**



**Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) кузатувчилари
миссиясининг 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтган
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш натижалари бўйича
БАЁНОТИДАН**

Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг (бундан кейин – Марказий сайлов комиссияси, МСК) таклифига биноан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси (бундан кейин – Миссия) 2016 йил 17 ноябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига (бундан кейин – сайлов) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини мониторинг қилиб борди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96 ва 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилади.

Миссия таркибида 73 нафар кузатувчи аккредитация қилинган бўлиб, улар Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Рес-

публикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон Республикаси, шунингдек МДХ Ижроия қўмитаси вакиллари эди.

Сайлов мониторинги доирасида Миссия раҳбари, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижроия котиби С. Лебедев Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов, ЕХХТ ДИИХБ миссияси раҳбари П. Тейлер, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Р. Алимов, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси Бош котиби Ён Хи Ким билан учрашди, шунингдек Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳридаги округ ва участка сайлов комиссиялари иши билан танишди.

Миссия Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилиб, сайлов жараёни боришига ва давлат ички ишларига аралашмасдан, ўз вазифаларини эркин ва мустақил равишда бажарди.

Миссия штаби томонидан сайловга тайёргарликни кузатиш жараёни ҳақида матбуот хабарлари ва оралик ҳисоботи эълон қилинди. Миссия фаолияти ҳақида ОАВ вакиллари хабардор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун қонунчилик негизи

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун, қатор бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек МСҚ қарорлари сайлов ўтказиш ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш мақсадида 2015 йил декабрида Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, турлари, шакллари ва усуллари батафсил очиқ берилди, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари ва тартиби белгиланди. Сиёсий партия ўз номзодини қўллаб-қувватлаб, сайловда иштирок этиш учун тақдим этиши лозим бўлган имзолар миқдори сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизигача қисқартирилди.

Миссия экспертлари таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги фуқаролар сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш қоидаларидан иборат очиқ, эркин ва демократик сайлов ўтказиш учун мустақам ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилади.

Сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш куйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилди:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари (бундан кейин – округ комиссиялари, ОСК);

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари (бундан кейин – участка комиссиялари, УСК).

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 17 кишидан иборат таркибда тузилган.

Округ комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6–8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилди.

Участка комиссиялари округ комиссиялари томонидан 5–19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда шакллантирилди.

Қонунда белгиланган муддатларда 14 та округ ва 9383 та участка комиссиялари, шу жумладан 44 таси хорижда тузилди.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини уюшқоқлик ва изчиллик билан амалга оширди.

МСК қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастури» қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан округ комиссияларининг аъзолари учун республика онлайн семинар-тренинг ўтказилиб, у уларнинг сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш бўйича билимларини ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида МСК 2016 йил 13 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказиш тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

Қарорга мувофиқ ўқув МСК аъзолари, сайлов қонунчилиги соҳаси бўйича экспертлар иштирокида уч босқичда ўтказилди.

Тренингларда УСК аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчиларнинг рўйхатлари билан ишлаш, муддатидан олдин овоз беришни ва сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиқлиги ва ош-

коралигини таъминлашдаги роли каби масалалар муҳокама қилинди. Айрим тренингларда Миссия вакиллари ҳозир бўлди.

Сайлов ташкилотчилари томонидан сайлов қонунчилиги бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида МСК 20 номда эслатма, қўлланма, тўпламлар ва бошқа босма маҳсулотлар тайёрлади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда иккита ўқув фильмини тайёрлади: бири – УСКнинг ишини овоз бериш кунигача, иккинчиси – сайлов куни ташкил қилиш тўғрисида.

МСК мажлислари, қоида тарикасида, округ комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида видеоконференцалоқа тарзида ўтди.

Сайлов мониторинги доирасида МДХ узоқ муддатли кузатувчилари Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида округ ва участка комиссиялари фаолияти билан танишди.

Миссия аъзолари таъкидлашича, ОСК ва УСК ишлаш учун зарур шароитларга эга бўлди, транспорт, алоқа воситалари, ҳуқуқий ва услубий адабиётлар билан таъминланган эди. УСК хоналарида танишиш учун сайловчилар рўйхатлари осиб қўйилган, овоз бериш тартиби тўғрисидаги, сайловчилар рўйхатларини тузиш тартиби тўғрисидаги, муддатидан олдин овоз бериш жараёни тўғрисидаги, «оилавий» овоз беришга йўл қўймаслик ҳақидаги инфограммалар жойлаштирилган эди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз вақтида мурожаат қилишлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида қонунбузилиш ҳолларини олдини олиш учун 2016 йил 1 ноябридан Марказий сайлов комиссиясида кечаю кундуз «Ишонч телефони» ишлаб турди.

Миссиянинг фикрича, Марказий ва қўйи комиссияларнинг фаолияти электорал кампанияси бошланганидан эътиборан у тугагунга қадар мамлакат сайлов қонунчилиги нормаларига сўзсиз риоя қилишни таъминлашга қаратилган эди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш ва рўйхатга олиш

Қонунга мувофиқ Президентликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қаида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партияларга тегишлидир.

Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 23 сентябрида сиёсий партияларнинг тақдим этган аризалари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб,

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Президентликка номзодларни кўрсатиш 2016 йил 30 сентябридан 20 октябригача амалга оширилди.

Сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўз съездларини ўтказиб, уларда Президентликка номзодлар кўрсатилди, шунингдек сайловчиларнинг номзодларни қўллаб-қувватлаган имзоларини тўплади.

Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун экспертлар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоатчилик вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари жалб этилди. Экспертлар гуруҳи имзолар қонунчилик талабларига мувофиқ тўпланди, деган хулосага келди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, 2016 йил 28 октябрь куни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан С. Отамуратовни, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ш. Мирзиёевни, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Х. Кетмоновни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Н. Умаровни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олди.

Миссия таъкидлашича, Президентликка номзодлар кўрсатиш ва рўйхатга олиш жараёнлари очик тусга эга бўлиб, қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтди.

Сайловолди ташвиқоти ва сайлов кампаниясининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши

Президентликка номзодларнинг ташвиқот кампанияси улар рўйхатга олинган пайтдан бошланиб, 2016 йил 2 декабрига қадар амалга оширилди.

Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 3 октябрида «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлади. Низомга биноан сайловолди ташвиқоти ОАВ, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилди.

2016 йил 28 октябрда қабул қилинган МСКнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарорига биноан Президентликка номзодларга бепул ва тенг шартларда:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» ва «Yoshlar» республика телерадиоканалларида 638 дақиқадан эфир вақти;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 13 та маҳаллий телерадиоканалида 206 (286) дақиқадан эфир вақти;

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида нашр майдонининг 6 саҳифасидан, шунингдек «Овози тоқик» ва «Нурлы жол» газеталарида нашр майдонининг 5 саҳифасидан иборат нашр майдони;

30 та маҳаллий газетада нашр майдонининг 55,5 саҳифасидан иборат нашр майдони;

республика минтақаларида 642 тадан ташқи реклама воситаси;

республика минтақаларининг 36 та электрон мониторида ташвиқот роликларини ягона блок билан жойлаштириш учун берилди. МСК ушбу қарори билан Президентликка номзодларнинг ОАВда чиқиш тартибини белгилади.

Оммавий ахборот воситалари номзодларнинг сайловолди фаолияти янгилик кўрсатувларида ва бошқа ахборот материалларида ёритилиши давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шароитларни таъминлади.

Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловолди дастурларини тунштириш мақсадида сайловчилар билан учрашувлар, йиғилишлар, шу жумладан илк маротаба видеоконференцалоқа шаклида ўтказиб, улар марказий ва ҳудудий ОАВ да кенг ёритиб борилди.

Президентликка номзодларнинг учрашувлари барча 14 та сайлов округида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, уларнинг ишончли вакиллари қарийб 800 та бундай учрашувлар ўтказдилар.

Сайловчиларнинг овозлари учун курашда сиёсий партияларнинг веб-сайтлари, партиянинг босма нашрлари, ташқи реклама воситалари, электрон мониторлардан фойдаланилди, сайлов варақалари ва бошқа ташвиқот материаллари тарқатилди.

Сайлов куни ва овоз бериш бошлангунга қадар бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмади. Ташқи реклама воситаларида илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари олиб ташланди.

Миссия ҳисоблаганидек, сайлов ташкилотчилари сайловолди ташвиқотини эркин муҳитда ўтказишга қаратилган зарур чоралар кўрди, бу Президентликка номзодларга ўз нуктаи назарларини очиқ баён қилиш, сайловчиларни сайловолди дастурлари билан таништириш имконини берди.

Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари салоҳиятидан сайлов жараёни ошқоралиги ва очиклигини таъминлаш учун самарали фойдаланди.

Жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ҳақида кенг хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «UzReport» ахборот агентлиги билан сайлов кампаниясини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди. МСК маълумотларига кўра, сайлов кампанияси бошланганидан ОАВда бўлажак сайлов мавзусига доир 15000 га яқин материаллар эълон қилинди.

Марказий ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари босма нашрларнинг саҳифаларида, теле- ва радиоканалларнинг эфирида фуқароларни сайловга тайёргарлик ҳақида хабардор этиб келди.

МСК интернет-сайтида сайлов кампанияси билан боғлиқ қабул қилинган қарорлари, низом ва йўриқномалари, янгилик ва ахборотлар тезкорлик билан жойлаштириб турилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов мамлакат сайловчиларига сайловда фаол иштирок этиш чақириғи билан сўзга чиқди. Унинг мурожаати кўп маротаба телевидение орқали намойиш этилди.

МСК Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини очди. Шунга ўхшаш марказлар ОСК хузурида ҳам фаолият кўрсатди.

2016 йил 30 ноябрдан Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси томонидан қатор босма ва интернет нашрлари, теле- ва радиоканаллар билан биргаликда ташкил этилган «Сайлов – 2016» пресс-клуби фаолият кўрсатди. Унинг фаолияти доирасида МСК, сиёсий партиялар, диний конфессиялар ва фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро кузатувчилар, республика миллий парламенти депутатлари иштирокида тадбирлар ўтказилди.

Телевидение ва радио каналларида бўлажак сайлов ҳақида ахборот хабарлари мунтазам равишда бериб турилди. Телевидениедан овоз бериш, муддатидан олдин овоз бериш жараёнини, сайлов бюллетенларини тўлдириш тартибини тушунтирадиган видеороликлар ҳам трансляция қилинди. Овоз беришга чақириқлар ташқи реклама воситаларига жойлаштирилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда «Мен шахсан ўзим овоз берман», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз», «Менинг

овозим Ватаним келажига дахлдордир», «Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?» номли акциялар ўтказди.

Участка комиссиялари сайловчиларга овоз бериш санаси, жойи ва вақти, шунингдек Президентликка номзодлар ҳақидаги ахборот кўрсатилган ҳолда сайловга таклифномалар юборди.

Миссия таъкидлаганидек, мамлакат сайлов амалиётида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилиниб, изчил амалга оширилди.

Марказий сайлов комиссияси фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказди. Улар доирасида республика сайлов тизими ривожланиши, унинг демократик сайлов ўтказиш умумэтироф этилган нормаларига мувофиқлиги, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, электорал жараёнда хотин-қизларнинг, шунингдек биринчи маротаба овоз берувчи сайловчиларнинг иштироки масалалари муҳокама этилди.

Жами 70 000 га яқин бундай тадбирлар ўтказилди, кўп мингли тиражда ўзбек ва рус тилларида 2 номда тегишли рисоалар чоп этилди.

«Оилавий» овоз бериш ҳолларига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мавзуда 100 минг плакатлар тайёрланиб, жамоат жойларида ва транспортда жойлаштирилди.

Сайловчилар рўйхатлари

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истикомат қилиб келадиган республика фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилди.

Рўйхатлар участка комиссиялари томонидан маҳаллий ижроия ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилди.

УСК жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда хонадонма-хонадон ва уйма-уй юриш йўли билан сайловчилар рўйхатларига аниқлик киритишни ташкил қилдилар. Бунда фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш имконияти ва бошқа ҳуқуқлар тушунтирилди.

Сайловчилар сайловга 15 кун олдин УСК хонасида рўйхатлар билан танишиши ва улар тўғри тўлдирилганлигини текшириши мумкин эди. Ҳар бир фуқаро участка комиссиясига рўйхатга киритилмаслик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқариб ташлаганлик, шунингдек унда сайловчи ҳақидаги

маълумотларда йўл қўйилган ноаниқликлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эди. Комиссия қарори устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин эди.

МСК ахборотиغا кўра, сайловда иштирок этиш учун рўйхатга 20 миллион 400 мингдан зиёд фуқаролар киритилганди.

Миссия фикрича, сайловчилар рўйхатларини тузиш ва уларга аниқлик киритиш жараёни умумий сайлов ҳуқуқи тамойилининг татбиқ этилишини кафолатлади.

Шикоят ва аризалар

2016 йил 3 декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Бош прокуратураси, Олий суди сайлов жараёнига тааллуқли муножаат ва аризаларни олгани йўқ. ИИВ ахборотиغا кўра, сайлов кампанияси билан боғлиқ қоидабузарликлар қайд этилмади.

Сайловчиларнинг овоз бериши ва овозлари санаб чиқилишини кузатиш

Қонунга биноан сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар 2016 йил 24 ноябридан 2016 йил 2 декабрга қадар соат 09.00 дан 18.00 гача участка комиссияси хонасида муддатидан олдин овоз беришлари мумкин эди. Миссия вакиллари муддатидан олдин овоз бериш жараёнини кузатиб борди.

МДХ кузатувчилари сайлов куни барча 14 та сайлов округида кузатувни амалга ошириб, 719 та сайлов участкасига бордилар, уларнинг очилишида ҳозир бўлдилар, овоз бериш жараёнини ва участка комиссиялари томонидан унинг натижалари чиқарилишини кузатдилар.

Кузатувчилар борган сайлов участкалари сайловчиларнинг овоз беришлари ва УСК ишлаши учун барча зарур ашёлар билан таъминланган эди. Ҳамма ерда тиббиёт хоналари, «Она ва бола» хоналари бор эди. Ҳар бир сайлов участкасида Президентликка номзодлар ҳақида ахборот жойлаштирилган эди.

МДХ кузатувчилари ахборотиغا кўра, овоз бериш осойишта ва уюшқоқлик билан, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтди.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатида фамилияси кирмай қолган сайловчи шахси ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилди.

МСК жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз бериши учун қўшимча шароитларни таъминлаб берди. Аксарият сайлов участкалари ноғи-

ронларнинг аравачалари учун пандуслар ва овоз бериш махсус кабинаси билан жиҳозланган эди. Кўзи ожиз сайловчилар учун Брайль шрифтида сайлов бюллетенлари тайёрланди.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, УСК овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этди.

Ҳамдўстлик кузатувчиларининг фикрича, қайд этилган айрим қоидабузарликлар тизимли ва оммавий тусга эга бўлмади ва сайлов натижаларига таъсир кўрсатмади.

Миссия аъзолари овозларни санаб чиқишни кузатиб бордилар ва мазкур жараён шаффоф бўлиб, Қонунга мувофиқ ўтказилди, деб таъкидлайдилар.

37 000 га яқин маҳаллий кузатувчилар овоз бериш мониторингини амалга оширди, бу эса жамоат назорати таъминланишига шароит яратди.

Миссия давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, барча даражадаги сайлов комиссиялари сайлов мобайнида мамлакат фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлади, деб ҳисоблайди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари ўз кузатуви, сайловнинг узок муддатли ва қисқа муддатли мониторинги жараёнида тўпланган фактик материал ва маълумотларнинг таҳлили асосида ўз баҳолари ва хулосаларини чиқаради.

Хулосалар

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси қуйидаги хулосаларга келди:

2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юксак ташкилий асосда, давлатда амал қилаётган сайлов қонунчилиги ва сайлов ўтказиш бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ ўтказилди;

бўлиб ўтган сайлов эркин, шаффоф ва рақобатли бўлди;

сайлов фуқаролик жамияти сиёсий етуқлиги даражасини намоён этди, Ўзбекистоннинг тараққиёт ва бунёдкорлик йўлидан илгарилаб боришида, янги демократик ўзгаришларни амалга оширишда салмоқли қадам бўлди.

2016 йил 16 декабрь

<http://e-cis.info/page.php?id=25787>



**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) кузатувчилари миссиясининг
2016 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини
кузатиш натижалари бўйича
БАЁНОТИДАН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси (бундан буён – Миссия) 2016 йил 29 ноябридан 4 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борди.

Халқаро кузатувчиларни таклиф қилиш Миссия томонидан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг Президентлик сайловининг максимал даражада очиқлиги, шаффофлиги ва демократлилигини таъминлашга интилиши сифатида баҳоланади.

1. Миссия таркиби

Миссия таркиби ШХТга аъзо давлатларнинг конунчилик, ижроия ва сайлов органларининг вакиллари, ШХТ Котибиятининг мансабдор шахсларидан иборатдир.

Қозоғистон Республикасидан – Марказий сайлов комиссияси аъзоси М.А. Сарсембаев; Хитой Халқ Республикасидан – Ташқи ишлар вазирлиги Европа ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси Лю Баоизюнь; Қирғизистон Республикасидан – Жокоргу Кенеш Ҳуқуқ-тартибот, жиноятчиликка ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси раисининг ўринбосари И.И. Матраимов, Жокоргу Кенеш Аграр ривожланиш, сув ресурслари ва экология қўмитаси раиси А.К. Назаров, Жокоргу Кенеш Аграр ривожланиш,

сув ресурслари ва экология кўмитаси раисининг ўринбосари А.Ж. Акматов, Қирғизистон Республикаси Сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий комиссияси аъзолари А.Ж. Эшимов ва Н.Т. Арипов; Россия Федерациясидан – Федерал Мажлис Федерация Кенгаши Конституциявий қонунчилик ва давлат қурилиши кўмитаси аъзоси А.Д. Башкин, Федерал Мажлис Давлат Думаси Халқаро ишлар бўйича кўмитаси раисининг ўринбосари И.К. Роднина, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Н.В. Левичев, Тожикистон Республикасидан – Сайлов ва референдумлар бўйича Марказий комиссияси аъзоси Дж.Н. Джамshedов; ШХТ Котибиятидан – маслаҳатчилар Чжан Хунцзянь, М.С. Раханова, катта экспертлар – М.М. Асейинов, С.М. Рустамбаев, 1-тоифали экспертлар – С.Н. Сметанников, Ш.Ж. Закирова.

Миссияга ШХТ Бош котиби Р. Алимов раҳбарлик қилди.

2. Миссия фаолиятининг ҳуқуқий негизи

Миссия ўз вазифаларини Президент ва/ёки парламент сайловлари, шунингдек референдумлардаги ШХТ кузатувчиларининг миссияси тўғрисидаги Низомга амал қилиб, сиёсий бетарафлик ва давлат ички ишларига аралашмаслик тамойилига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига катъий мувофиқ равишда бажарди.

Миссиянинг барча хулосалари Миссия аъзолари томонидан ўтказилган шахсий кузатувлари ва сайловга тайёргарлик кўриш борасида ва бевосита сайлов куни тўпланган фактик материалга асосланади.

3. Миссия фаолияти

Миссия ўз фаолиятини ишлаб чиққан иш режасига мувофиқ амалга оширди.

Миссия аъзолари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шу жумладан Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида сайловни ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан батафсил таништирилди.

Миссияга сайлов иштирокчилари томонидан сайлов кампанияси доирасида амалга оширилаётган ташвиқот ишлари, шунингдек аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Миссияга сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мониторинги учун барча зарур шароитлар яратилди.

Миссия ўз фаолияти вақтида «пойтахт», «автоном республика», «вилоят», «шаҳар», «кишлоқ» ҳудудий бўлинишни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон

Республикаси 13 та сайлов округидаги 235 та сайлов участкасига ташриф буюрди.

Миссия томонидан Ташки ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, шаҳар, туман ва участка сайлов комиссиялари раислари, котиблари ва аъзолари, оддий сайловчилар, маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари раҳбарлари ва аъзолари билан қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳуқуқий негизи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун, 2015 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси МСКнинг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳуқуқий негизини ташкил қилади.

Миссия ҳуқуқий негизнинг чуқур таҳлилини ўтказди. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик даражасида сайлов жараёни субъектлари учун барча зарур шароитлар яратилган, эркин овоз бериш ёки овоз бермаслик, адолатли асосда умумий, тенг ҳуқуқли хоҳиш-иродасини эркин билдириш воситасида яширин овоз бериш тартибидан фойдаланган ҳолда сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи ва имконияти кафолатланади. Қонунчиликда озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ҳуқуқлари таъминланади, хусусан Ўзбекистон МСК қарори билан бюллетенларни уч тилда: ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чиқариш назарда тутилган.

Миссия сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш борасида қуйидагиларни салмоқли қадам деб ҳисоблайди:

биринчидан, сайлов жараёни асосий субъекти – сиёсий партия учун имзолар тўплаш фоиз кўрсаткичининг 5 фоиздан 1 фоизгача пасайганлиги;

иккинчидан, қамоқда сақланаётган ва суд ҳукми билан ҳали судланмаган шахслар учун овоз бериш ташкил этилиши;

учинчидан, бирон-бир сабабга кўра сайлов куни овоз бериш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари учун шароитлар яратилгани, муддатидан олдин овоз бериш механизми;

тўртинчидан, фуқароларга фактик (вақтинча) яшаш жойида овоз бериш имконияти.

Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни бошқа давлат органларининг аралашувисиз таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатидаги мақоми конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши демократик сайловнинг энг муҳим кафолатидир.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қуйидаги номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилди:

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – Сарвар Садуллаевич Отамуратовни;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – Шавкат Миромонович Мирзиёевни;

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновни;

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан – Наримон Мажитович Умаровни.

6. Сайловолди ташвиқоти

Миссия таъкидлайдики, сайлов кампанияси доирасидаги тадбирлар очик, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига катъий мувофиқ равишда ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида батафсил ва ҳар томонлама ёритилди.

Партияга мансублигидан ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, сайлов жараёнининг иштирокчиларига адолатли рақобат учун тенг шароитлар таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга бепул тенг эфир вақти ва тенг босма майдони ажратилди.

Оммавий ахборот воситалари сайлов қонунчилигига мувофиқ номзодлар дастурлари бир хил ёритилишини таъминлади.

Сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқоти давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Адолатли рақобат учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг барчасига маблағлар тенг суммада тақсимланади. Партиялар томонидан бошқа манбалардан маблағлар ишлатиш тақиқланади. Бунда қўшимча молиялаштириш манбаси пайдо бўлган тақдирда Ўзбекистон МСК ушбу маблағларни ҳам номзодлар ўртасида тенг қисмларда тақсимлашга ҳақли.

Юксак давлат лавозимига номзодларга сайловчилар билан учрашув ва йиғилишлар ўтказиш учун тенг имкониятлар яратилиб, у ерда Ўзбекистон

Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари, мақсадлари ва режалари хақида ташвиқот материаллари ва батафсил ахборотлар тарқатилди. Бунда давлат органлари, жамоат уюшмалари ва корхоналарига сайловчилар билан учрашувлар учун жиҳозланган хоналарни бепул тақдим қилиш кўрсатмаси берилди.

Миссия алоҳида таъкидлайдики, марказий ва ҳудудий теле- ва радиоканаллар номзодлар ва ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувларини трансляция қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари тўғрисидаги роликлар намоиш этилди.

Миссия мамнуният билан таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган материаллар мамлакатда истиқомат қилувчи халқларнинг бешта тилида – ўзбек, қорақалпоқ, козоқ, рус ва тожик тилларида тарқатилди, шунингдек оммавий ахборот воситалари томонидан яна 15 та тилда, шу жумладан озарбайжон, арман, инглиз, араб, дари, ҳинд, испан, хитой, қирғиз, корейс, немис, форс, туркман, француз, япон тилларида эълон қилинди.

Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши алоҳида эътиборга муносибдир. Онлайн конференциялар туфайли номзодлар бир вақтнинг ўзида бир неча аҳоли пунктлари вакиллари билан суҳбат ўтказиши мумкин эди, узоқ туманда истиқомат қилувчиларга эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга долзарб масалалар юзасидан савол бериш ва унга жавоб олиш имконияти яратилди.

Сиёсий партияларнинг веб-сайтлари, партия босма нашрларидан, шунингдек ҳудудий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилди, уларда номзодларнинг сайловолди материаллари эълон қилинди.

Миссияга оммавий ахборот воситаларининг сайловолди ташвиқотини ёритиш бўйича ишлаши юзасидан шикоят ва эътирозлар келиб тушмади.

Миссия сайловолди ташвиқоти барча жиҳатларининг таҳлили мамлакатда сиёсий плюрализм, рақобат, сайлов кампанияси очиклиги ва шаффофлиги, фуқароларнинг мустақил ва онгли равишда ўз танловини амалга ошириш учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат бериб турганлигини таъкидлади.

7. Тайёргарлик ишлари

Миссия «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастури»ни татбиқ этиш борасида Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга

қаратилган кенг миқёсли комплекс ишлар амалга оширилганлигини таъкидлайди.

Ушбу ишлар доирасида 14 та сайлов округида 9382 та сайлов участкаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ҳузурида 44 та участка ташкил этилди.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг таркиблари шакллантирилди, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд кишилар жалб қилинди. Улардан 69 фоизи сайлов комиссиялари ишида илгари бевосита иштирок этган ва шу маънода муайян амалий тажрибага эга инсонлардир.

Айни вақтда сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш мақсадида бу галги сайлов кампанияси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда «каскад» деб аталмиш услубда махсус семинарлар ўтказилди.

Миссия таъкидлаганидек, сайлов амалиётида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди.

Мазкур дастур доирасида 22 номда рисолалар ва услубий қўлланмалар чоп этилди, участка сайлов комиссияларининг тайёргарлик ишлари барча босқичларини ва сайловчиларнинг овоз бериш куни участкадаги кетмакет ҳаракатларини кўрсатувчи махсус видеороликлар тайёрланди. Бундан ташқари, маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, фахрийлар кенгашлари каби жамоат ташкилотлари ва тузилмалари фаол иштирок этди. Улар сайловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириб бериш, шу жумладан оила бошлиғи барча оила аъзолари учун овоз бериши, яъни «оилавий овоз бериш» деб аталмиш ҳолатларга йўл қўймаслик ҳақида тушунтириш ишларини амалга оширди.

Аҳоли сайлов ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ишонч телефонлари» очилиб, улар доимий равишда сайловчиларнинг сайловга алоқадор шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш учун қабул қилди.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ишларини ёритган ва расмий маълумотларни мунтазам равишда бериб турган МСК матбуот маркази билан бирга сайлов амалиётида биринчи маротаба 2016 йил 30 ноябридан 5 декабргача «Пресс-клуб: Сайлов – 2016» очилди. Лойиҳа фуқаролик жамоат ташаббуси ҳисобланади. Ушбу мультимедиа майдончаси Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан мамлакатнинг қатор босма ва интернет нашрлари, теле- ва радиоканаллари билан бирга яратилди. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан онлайн алоқа ўрнатилди. Пресс-клуб ишлаши доирасида ўн та ҳудудий нодавлат телестудиялари билан уланишлар ташкил этилиб, бундан бутун мамлакат сайлов

участкаларидан тўғридан-тўғри репортажлар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида ҳолисона ахборот мазмунини шакллантириш учун фойдаланилди.

Пресс-клуб фаолияти доирасида турли тадбирлар, шу жумладан Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, диний конфессиялар ва фуқаролик жамияти вакилларининг, халқаро кузатувчиларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати вакилларининг брифинглари ва чиқишлари бўлиб ўтди.

Миллий ва хорижий ОАВ вакиллари, клуб доирасидаги тадбирлар иштирокчилари билан бўлиб ўтган суҳбатлар натижасида Миссия ушбу янгиликка мамлакат аҳолисига тезкор ва ҳолис ахборот етказиш, сайлов амалиёти бўйича эркин фикр ва тажриба алмашишнинг жуда самарали усули деб қарайди.

8. Овоз бериш куни

2016 йил 4 декабрь – овоз бериш куни Миссия аъзолари сайлов участкаларига улар очилгунга қадар келдилар, бюллетенлар ва овоз бериш қутилари тайёрлашда ҳозир бўлдилар.

Миссия аъзолари кузатувни 10 та сайлов округида амалга оширди: Тошкент шаҳрида, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона, Жиззах вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларидаги 181 та сайлов участкасига ташриф буюрди.

Миссия кузатувчилари сайлов участкаларига олдиндан ишлаб чиқилган режасиз, ижроия ва сайлов органлари билан келишмаган ҳолда ташриф буюрди. Сайлов участкасини танлаш Миссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан мустақил равишда амалга оширилди. Миссия аъзоларига у ёки бу участкага, шу жумладан ёпиқ ташкилотлар ҳудудларидаги (Чирчиқ шаҳридаги рухий неврологик вилоят диспансери) участкага ташриф буюриш юзасидан ҳеч қандай тўсиқлар бўлмади.

Аксарият сайлов участкалари очилиши туман оқсоқоллари дуолари билан бошлангани Миссия аъзоларида катта таассурот қолдирди. Миссия фикрича, бу маънавий поклик руҳи ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга, шунингдек сайлов жараёни иштирокчиларига янада катта масъулият бахш этди.

Миссия фуқароларнинг овоз беришдаги юксак фаоллигини ва участка сайлов комиссиялари аъзолари профессионал тайёргарлик даражасини таъкидлайди.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари овоз бериш жараёнини амалга ошириш учун зарур шароитларни таъминладилар, овоз бериш мобайни-

да холисликни сакладилар, сайловчилар мурожаат килганида юзага келган масалалар бўйича батафсил тушунтиришлар бердилар, сайловчилар, ишончли вакиллар, маҳаллий ва халқаро кузатувчиларга диққат ва эътибор билан карадилар.

Сайлов комиссияларининг фаолияти малакали, ошкора, шаффоф ва муस्ताқил хусусиятга эга бўлди.

Участка сайлов комиссияларида ҳужжатлар ҳамда ахборот ва маълумот тусидаги адабиётлар, кузатувчиларни рўйхатга олиш журналлари, услубий тўпламлар, навбатчилик жадваллари, эвакуация чизмалари ва бошқа ҳужжатлар тўла ҳажмда мавжуд эди.

Миссия аъзолари ташриф буюрган сайлов участкалари алоқа воситалари, компьютер ва бошқа техника, сайловчилар овоз бериши ва УСК аъзолари ишлаши учун барча зарур ашёлар билан таъминланган эди. Ҳамма участкаларда тиббий пунктлар, «Она ва бола» хоналари жиҳозланганди. Соғлиғи имконияти чекланган шахслар овоз бериши учун жойлар назарда тутилиб, сайлов участкалари пандуслар билан жиҳозланган эди. Кўриш муаммолари бўлган шахслар учун илк маротаба бюллетенлар Брайль шрифтида ҳам чоп этилди.

Овоз бериш жараёни шаффофлигини таъминлаш мақсадида сайлов участкаларида ягона компьютер тизимига уланган видеокамералар ўрнатилган бўлиб, улар МСКга овоз бериш жараёнини онлайн тарзда кузатиш ва мамлакат ҳудудлари билан барқарор видеоалоқада бўлиш имконини берди.

Миссия овоз бериш куни ёшларнинг юксак фаоллигини, шунингдек участка сайлов комиссияларининг биринчи маротаба иштирок этган ёшларга алоҳида эътиборини мамнуният билан таъкидлайди. Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, бундай фуқароларнинг жами сони 555 497 кишини ташкил қилади. Уларга гуллар ва эсдалик совғалар топширилди. Бу, бир томондан, воқеанинг тантанаворлигидан, бошқа томондан эса, давлатнинг ўсиб келаётган авлодга нисбатан ғамхўрлигидан дарак беради.

Сайлов участкаларида овоз бериш осойишта, белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ҳамда сиёсий партияларнинг кузатувчилари, номзодларнинг ишончли вакиллари, шунингдек қатор халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида бўлиб ўтди.

Миссия вакилларига овоз бериш бориши ҳақида шикоят ва эътирозлар келиб тушмади.

9. Асосий хулосалар

Миссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига ва Ўзбекистон Республикаси қабул қилган мажбуриятларига мувофиқ бўлди, деб баён қилади.

Сайлов қонунчилигини шубҳа остига оладиган сайлов қонунчилигини бузиш ҳолатлари Миссия томонидан кузатилмади.

Миссия ўтган сайлов очик, эркин ва демократик бўлганини эътироф этади.

Миссия бўлиб ўтган Президентлик сайлови Ўзбекистон Республикаси демократик жараёнларини янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам ҳисобланишини таъкидлайди.

Миссия Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлангани билан табриклайди, унга мустақилликни, суверенитетни ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мустаҳкамлаш йўлида муваффақиятлар, жамият ҳаёти барча соҳаларида янги ютуқлар ва фаровонлик тилайди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси ишлаган вақтида кўрсатилган ҳар томонлама кўмак ва ёрдам учун Марказий сайлов комиссиясига, Ташқи ишлар вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотлари ва муассасаларига чуқур миннатдорлик билдиради.

Р. АЛИМОВ,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби,
ШХТ кузатувчилари миссияси раҳбари
Ташкент шаҳри, 2016 йил 5 декабрь
//http://elections.uz/ru/events/current_topics/45290/



Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) Сайловларни кузатиш миссиясининг дастлабки натижа ва хулосалари
БАЁНОТИДАН

Дастлабки хулосалар

Сайлов раҳбарияти сайловларда ошкораликни оширишда тегишли чора-лар кўрди ва сайловга самарали тайёрланишди.

Президент сайлови Марказий сайлов комиссияси (МСК) қарорлари ва қонунлар орқали тартибга солинади. ЕХХТ ДИИХБнинг асосан техник ху-сусиятга эга бўлган тавсиялари қонунга киритилган сўнгги ўзгаришларида ўз аксини топган.

Сайлов комиссиялари МСК томонидан бошқарилиб, сайловолди жа-раёни моҳирона ташкиллаштирилди ва қонунда белгиланган муддатлар-га амал қилди. МСК мажлисларни очик тарзда ўтказиб, қарорларини тез-корлик билан нашр этди. Бу, ўз навбатида, сайлов жараёни ошкоралигига ҳисса қўшди.

МСК сайловчиларни сайловлар ҳақида хабардор қилишда ҳамда бошқалар ўрнига овоз бериш мумкин эмаслиги тўғрисида самарали ахборот кампания-сини давлат ва нодавлат телевидениеларида олиб борди.

Президент вазифасини бажараётган Бош вазирни ҳам ҳисобга олганда тўртта партия ўз номзодлари билан қатнашдилар.

Ижобий ўзгаришлардан бири, номзодни рўйхатга олиш учун керак бўладиган жами сайловчиларнинг йиғиладиган умумий имзолар сони 5 фоиз-дан 1 фоизга камайтирилди. Бу билан номзодлик учун қўйиладиган чекловлар енгиллаштирилди.

Тахминан 20,5 миллион овоз берувчилар рўйхатга олинган, шулардан 12 000 нафар овоз берувчилар чет элда рўйхатга олинган. Қонун ташвиқот фаолиятларини қатъиян ўз ичига олиб, Оммавий ахборот воситаларида ҳар бир номзодга мамлакат ва вилоят миқёсида меъёридан ортиқ бепул эфир вақти ва матбуот майдони берилди, натижада матбуот материаллари белги-ланган ҳажмига нисбатан ошиб кетган.

Сайлов йилида партиялар сайловолди ташвиқот харажатлари учун тенг миқдорда давлат фондидан маблағ ажратилган.

ЕХХТ/ДИИХБ СКМга сайлов комиссияси ёки судга расмий мурожа-ат қилинганлиги ҳақида хабар берилмади. Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституцияга биноан тўлиқ сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиша-ди. Ташвиқот материаллари учта миллий камчиликни ташкил қилувчи тиллар-да мавжуд бўлган. МСК сайловга тегишли кўпгина материалларни чоп этган, бунга ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги бюллетенлар киради. Мамлакат миқёсидаги давлат газеталарида номзодларга тегишли ташвиқот ахборотлари учун ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида бепул босма майдонлари ажратилган.

Сайлов округларида аёллар сони 36 фоизи, сайлов участкаларида эса 47 фоизи ташкил этади. МСКнинг 16 нафар аъзосидан 2 нафари аёллардир.

Давлат органлари 548 халқаро ва 37000 дан кўпроқ партия кузатувчила-рини аккредитациядан ўтказди.

Дастлабки хулосалар.

Сиёсий вазият

9 сентябрь куни, Ислом Каримов, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти лавозимида бўла туриб, оламдан кўз юмганидан бир ҳафтадан сўнг, МСК 4 декабрни муддатдан олдин Президент сайлови куни деб эълон қилди.

Ушбу сайлов ЕХХТ/ДИИХБ кузатаётган еттинчи сайлови бўлиб, овоз бе-риш кундаги жараёнларни узлуксиз кузатиш бўйича биринчи тўлиқ миссия-сидир.

Сайлов тизими ва норматив-ҳуқуқий асослар

Президент умумхалқ, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга сайланади. Агар бирорта номзод ҳам 50 фоиз овоз олмаса, бир ой мобайнида, икки етакчи номзод орасида иккинчи давра ўтказилади. Бирин-чи давра сайлови ҳақиқий деб ҳисобланиши учун сайловчиларнинг 33 фои-зи сайловда қатнашган бўлиши шарт, аммо эҳтимолий иккинчи давра учун бундай талаб қўйилмаган. Конституцияга биноан Президентлик икки кетма-кет муддат билан чекланган. Президент сайлови асосан Конституция, «Пре-зидент сайлови тўғрисида»ги Қонун (ПСК), «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун ва «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

тўғрисида»ги Қонун (Сайлов қонуни) ва бошқа қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2015 йил декабрь ойида, охири Президент сайловидан сўнг ПСҚ, «МСК тўғрисида»ги ва бошқа сайловга алоқадор қонунларга баъзи ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, номзод учун талаб қилинадиган қўллаб-қувватловчи имзолар сони мамлакатдаги сайловчилар сонининг 5 фоизидан 1 фоизига-ча камайтирилди ва ЕХХТ/ДИИХБ аввалги тавсияларига мувофиқ равишда МСКга қарорларни ўз веб-сайтида эълон қилиш мажбурияти юкланди. Қолаверса, сайлов ташвиқоти ва муддатидан олдин овоз беришга тегишли қонуний-ҳуқуқий меъёрларга аниқлик киритилди. Қолаверса, 2014 йилда МСК қарори билан жорий этилган суддан аввалги ҳибсда сақлаш муассасаларида сайлов участкалари ПСҚга киритилган.

Сайловни ташкил қилиш

Президент сайлови МСК, 14 та округ сайлов комиссияси (ОСК) ва 9383 та участка сайлов комиссияси (УСК) томонидан бошқарилди. Жумладан, мамлакатдан ташқарида 36 давлатдаги дипломатик ваколатхоналарда ташкил этилган 44 та, ҳарбий мажмуаларда ташкил этилган 226 та ва суддан аввал ҳибсда сақлаш муассасаларида ташкил этилган 11 та сайлов участкаларида. ОСК сони 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган сайлов округлар сонига мос.

МСК доимий мавжуд орган, ОСК ва УСК эса ҳар бир сайлов мобайнида ташкил этиладиган тузилмалардир. Сайлов комиссиялари тегишли равишда таъминланиб, сайловнинг умумий техник тайёргарлиги моҳирона ташкил этилди ва белгилаб қўйилган қонуний муддатларда амал қилинди.

МСКнинг 16 та аъзодан иккитаси аёллар бўлиб, МСК аъзолари чекланмаган муддатга вилоят кенгашлари таклифи асосида парламент томонидан тайинланади. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКМ даврида тўртта йиғилиш қилиб, йиғилиш халқаро кузатувчилар, партия кузатувчилари ва ахборот агентликлари учун очиқ эди. Сайлов бошқарувида ошкораликни янада таъминлаш мақсадида, МСК уч маротаба барча 14 та ОСК билан биргаликда жонли видеоконференцияларни ташкиллаштирди.

Муддатдан олдин Президент сайлови эълон қилингандан сўнг, МСК сайлов жараёнига тааллуқли бўлган 60 та қарор қабул қилиб, уларни веб-сайтида эълон қилди.

МСК ногирон сайловчиларнинг мустақил иштирокини таъминлаш мақсадида янги қарорнинг қабул қилиниши ижобий кўрсаткичларидан бири бўлди. МСКнинг 8 ноябрдаги 773-сонли низомига кўра, барча СУ аравачалардан фойдаланадиган сайловчиларнинг бинога киришини осонлаштириш мақсадида эстакадалар билан жиҳозланиши лозим; шунингдек, бундай сай-

ловчиларнинг эҳтиёжларида мослаштирилган алоҳида овоз бериш будкалари ҳам ўрнатилади. Жумладан, сайловда биринчи бор сайлов бюллетенларининг бир қисми Брайль алифбосида чоп этилди.

Сайлов куни сайлов участкаларига кела олмаган овоз берувчилар 24 ноябрдан 2 декабргача муддатидан олдин овоз бера олдилар. Улар кела олмаслик сабабини ҳеч қандай исботсиз ёзма равишда кўрсатиб беришлари керак эди.

МСК ОСКларни шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари тавсия қилган ва танлаган номзодлар асосида ташкил қилади. ОСК УСК аъзоларини маҳаллалардан кўрсатилган номзодлар асосида кенгашлар тавсияларига мувофиқ тузади.

Аёллар сони ОСКнинг 36,8 фоизини ва УСКнинг 47 фоизини ташкил қилади. Қонунга кўра, сиёсий партиялар аъзолари, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияси таркибига кира олмайди; қуйи даражадаги комиссия аъзоси бўлиши учун ягона мезон «обру» ҳисобланади.

1 ноябрь куни МСК барча УСК аъзолари учун ўқув дастурларини бошлаб юборди. Овоз бериш куни жараёнларига бағишланган ўқитишнинг иккинчи давраси 20–30 ноябрь кунлари бўлиб ўтди. МСК, медиа ва бир нечта давлат жамоат бирлашмалари билан бирга сайлов жараёнининг турли жиҳатлари, жумладан, сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш ва бошқалар ўрнига овоз беришга қарши жадал кампания бошлаб юборди. Баъзи телероликлар имо-ишора тилида бўлди.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

18 ёшга тўлган фуқароларнинг барчаси сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ақлий лаёқатсиз деб топилган ёки содир этган жиноятларининг оғиренгиллигидан қатъи назар, қамоқ жазосини ўтаётганлар овоз беришга йўл қўйилмайди, ваҳоланки суддан аввал ҳибсга олиш муассасаларидаги фуқаролар овоз бериши мумкин. Сайловчилар маҳаллий даражада рўйхатга олинади. Марказлаштирилган сайловчиларни рўйхатга киритиш тизими йўқ. Сайловчилар доимий ёки вақтинчалик турар жойига қараб рўйхатга олинади. Қонунга кўра, сайловчи фақат битта сайлов рўйхатига киритилиши мумкин. Қонунга мувофиқ, УСКлар маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) тақдим этган маълумотларга асосланиб сайловчилар рўйхатини тузадилар.

Сайловчилар рўйхатлари оддий сайлов участкаларида чоп этилиб, жамоатчилик томонидан ўрганиш учун 19 ноябрь кунига қадар, махсус сайлов участкаларида эса 2 декабрь куни осиб қўйилган. Сайловчилар ўзларига оид маълумотларни текшириб тасдиқлаши ва ўз УСКларидан уларга ўзгартириш киритишни, жумладан сайлов куни ҳам талаб қилишлари мумкин. УСК қарорлари ва уларга қарши апелляция тааллуқли туман судига 24 соат ичида

топширилиши керак, агар сайловга бир кун қолганда ёки сайлов куни судлар мурожаатни зудлик билан кўриб чиқадиладар.

Овоз бериш кунида рўйхатдан ўтишга йўл қўяди, бунда сайловчилар асосий сайловчилар рўйхатига иловага шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва яшаш жойларининг исботи асосида киритиладилар. МСКнинг 739-қарорига биноан, сайлов куни сайловчини рўйхатга олган УСК сайловчининг доимий яшаш жойидаги УСКни хабардор қилиши мажбурийдир, бу бир маротабадан кўп рўйхатга киритилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадини кўзлайди.

Бундан ташқари, УСК уйма-уй текширишларни ташкиллаштириб, мамлакат бўйлаб 20 428 891 нафар, мамлакат ташқарисида эса, 12 000 нафар сайловчилар мавжудлигини эълон қилдилар.

Номзодларни рўйхатга олиш

Камида 35 ёшга кирган, овоз бериш кунига қадар мамлакатда камида 10 йил давомида доимий яшаган ва ўзбек тилини мукамал биладиган Ўзбекистон фуқароси Президентликка номзод бўлиши мумкин. Қасддан содир этилган жиноятлари учун илгари судланган фуқаролар (фуқаро)га жинойий иш кўзғатилиб, конун таъкиб этилаётган фуқаролар, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари ўзини номзодлигини қўйиш ҳуқуқига эга эмас. Ўз-ўзини номзодини мустақил равишда кўрсатишга йўл қўйилмайди.

МСК тўрт сиёсий партия вакили бўлмиш тўрт Президентликка номзодни рўйхатга олди: Шавкат Мирзиёев – Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеП)дан, Хатамжон Кетмонов – Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП)дан, Наримон Умаров – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Сарвар Отамуратов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан. Номзодлар қўллаб-қувватловчи имзолар йиғиши керак эди.

Сайловолди ташвиқоти

Расмий сайловолди ташвиқоти 30 октябрь куни бошланди ва 2 декабрь куни тугади. Сайлов раҳбарияти мамлакат узра жойлаштирилган 642 билборд ва ҳар бир номзодга тенг номзодлар ҳақида маълумот берувчи постерлар ажратди. Барча тўртта партия шу каби ҳажми кичикрок бўлган ташвиқот материалларини ишлаб чиқди.

Ҳар бир даъвогар мамлакат узра ташвиқот хабарларини намойиш этиш учун 36 электрон экрандан тенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар бир номзодга яна 25 тадан билборд беришга қарор қилди.

МСК ёрдами билан тўрт номзоднинг овоз берувчилар билан мамлакат бўйлаб учрашувлари ташкил этилган. Бу учрашувларда тез-тез вилоят партия аъзолари томонидан таклиф этилган маҳаллий раҳбарлар иштирок этдилар ва биринчи мартаба ҳар бир вилоятдаги ҳудудларда кўпроқ овоз берувчилар сонига эга

бўлиш учун видеоконференциялар ташкил этилди. ЕХХТ/ ДИИХБ СКМ томонидан Жиззах, Қорақалпоғистон, Навоий ва Самарқандларда кузатилди.

Янада кўпроқ кичик кўламдаги учрашувларни номзодларнинг ишончли вакиллари ўтказди: ҳар бир номзод ташвиқот учун 15 нафар ишонган вакил танлаши мумкин, кўпинча 14 нафар ёки бир вилоятга бир вакил сайланади. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ кузатув давомида дидсиз уюштирилган тадбирларни қайд қилишди ва тадбир давомида сиёсий партиялар фаолиятини тақдим этишди.

Ташвиқотни молиялаштириш

Ташвиқотни молиялаштириш МСК қарори ва ПСҚ томонидан тартибга солинади. Сайлов йили давомида партиялар ташвиқот билан боғлиқ бўлган харажатлар учун қўшимча давлат маблағини оладилар. Ушбу сайлов учун ҳар бир партия 1 миллиард сўм (тахминан 294 000 евро) миқдорида маблағ олди ва бепул ташвиқот тадбирларини ўтказиш учун жойлар ва текин ахборот вақти берилди. Партия ёки номзодлар ташвиқотларини шахсий маблағлар ҳисобидан молиялаштириш тақиқланади. Бунинг ўрнига шахсий маблағлар МСКга берилиши мумкин ва МСК уларни номзодлар ўртасида тенг тақсимлайди.

Сиёсий партиялардан сайлов натижалари эълон қилинишидан 20 кун ўтгач, ташвиқот даври тўғрисидаги молиявий ҳисоботни МСК ва Ҳисоб палатасига топшириш талаб қилинади. Бунинг устига, улардан партия газетаси ва партиянинг расмий веб-сайтида даромад тўғрисидаги ҳисоботни сайлов натижалари эълон қилингандан кейин бир ой давомида эълон қилиш талаб этилади. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига партия ва ташвиқот молиявий талабларига риоя этилишини кузатиш ваколати берилган. Партиялар ўзларининг харажатларини, МСК ва Ҳисоб палатаси ўзларининг хулосаларини чоп этмайди, чунки бу қонунда талаб қилинмаган.

Оммавий ахборот воситалари

Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган ахборотининг «ишончлилиги» учун ОАВ нинг ўзига масъулият юклатилган.

Давлатга тегишли Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) бутун мамлакат миқёсида, сиёсий хабарларни узатувчи асосий манбадир. Хусусий республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларининг мазмуни ўша агентликлардан олиб шакллантиради.

ПСҚ ва МСК қарорлари ташвиқот мазмунини ва шаклини белгилаб беради, барча Президентликка номзодларни нашрий манбалар билан давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларига тенг равишда тақсимлаб беришни ўрнатади. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар билан номзодни шаънига путур етказиш 3 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланиши мумкин. МСК қарори оммавий ахборот воситаларида мамлакат ва вилоят миқёсида, ҳар бир номзодга етарли миқдорда текин эфир ва матбуот текин май-

дони белгилаб берган. Номзодлар эфир вақтини ёки матбуот майдонини тенг асосда сотиб олишлари мумкин эди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКМ миллий радиоконпания каналлари ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилдилар. Тижорат каналларни назорат қилганда тўрт сиёсий партиянинг ҳар бирига текин эфир вақти ва матбуот текин майдони сотилган, масалан «UzReport TV»да ҳар бир партия учун 37 дақиқа ва «Даракчи» газетасида айнан тўрт саҳифадан «Миллий тикланиш», ЎзЛиДеП, «Адолат» партияларига жой ажратилган. МСК қарорида ёзилганидек, назорат вақтида шунингдек ҳар бир номзод учун текин эфир вақтини тақсимлаганлиги, яъни «O‘zbekiston» ва «Yoshlar» каналларида беш соат ўн беш дақиқа ажратилганлиги тенглик принципи билан характерланади. Бепул ва пулли ташвиқот рекламаларига ажратилган вақт барча назорат қилинган ахборот воситаларида, таҳририй контентдан ҳаддан ташқари ошиб кетди.

МСКнинг 2016 йил 28 октябрдаги 764-сонли қарорида номзодларга давлат оммавий ахборот воситалари дастурларида текин эфир вақти/майдон ажратилиши белгиланди. Ҳар бир номзодга икки миллий ТВ каналида кунига тахминан бир соат, 13 вилоят оммавий ахборот воситаларида жами 8 соат текин узатиш вақти берилган; кундалик текин босма ташвиқот майдони 5 миллий ва 30 вилоят газетаси бўйича тенг тақсимланган.

ЕХХТ ДИИХБ СКМ оммавий ахборот воситалари мониторингини кундалик асосда прайм-тайм вақтида «O‘zbekiston», «Yoshlar», «Toshkent» давлат телеканаллари ва «UzReport TV» хусусий каналида; «O‘zbekiston» давлат радиоканалида; «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» давлат газеталари ва «Даракчи» тижорат нашрида амалга оширди.

«O‘zbekiston» каналида текин эфир вақти 44 фоиз, янгиликлар 23 фоиз, «Yoshlar» каналида 60 фоизга 24 фоиз, «Toshkent» каналида 51 фоизга 6 фоиз, «O‘zbekiston» давлат радиоси 78 фоизга 18 фоиз, «UzReport TV» хусусий каналида пуллик эфир вақти 20 фоиз ва янгиликлар 18 фоиз ни ташкил этди.

Таҳлил қилинган барча каналлардаги янгиликларда ҳар бир номзод учун умумий вақтнинг 18–22 фоизи сиёсий фаолиятга бағишланган. Ҳар бир номзоднинг жонли нутқи янги дастурлар доирасида сўзлаган сиёсий фаолиятининг жонли нутқига умумий вақтнинг 18–25 фоизи орасида ташкил этилганлиги номзоднинг ташвиқотига қатъий чегараланган.

Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар

Охири расмий аҳолининг рўйхатга олинishi 1989 йилда бўлган. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат бўлиб, тожик, рус, қорақалпоқлар миллий озчиликнинг катта қисмини ташкил қилади. Қорақалпоқлар асосан Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилади, у ҳудудда туркман, ўзбек, қозок элатлари зич жойлашган ҳудудлар ҳам бор.

Конституция жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мақоми бўйича ажратмай тенг ҳуқуқ ва эркинликларни, тил, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат асосида муносабатни белгилайди.

МСК сайловга тааллуқли бўлган ахборот, материал ва бюллетенларни ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида нашр этганлиги ижобий баҳоланди. Бутун Республика камраб оладиган газеталарда номзодларнинг ташвиқоти учун бепул жой ўзбек, рус, тожик ва қozoқ тилларида ажратилган.

ЕХХТ ДИИХБ СКМ томонидан кузатилганда сайлов жараёнида ҳеч қандай ирқий камситиш ҳақида ахборот берилмади ва кузатилмади.

Шикоят ва судга мурожаатлар

Сайловга доир низоларни ҳал қилиш тизимида бир нечта қонун ва МСК қарорлари билан тартибга солинади. Умуман олганда, агар сайлов комиссиясининг қарори, фаолияти ва фаолиятсизлигига нисбатан бирор-бир шикоят бўлса, иерархик тизим мавжуд бўлганлиги туфайли, юқорироқ сайлов комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. МСКнинг қарорларига қарши апелляция Олий суд томонидан кўриб чиқилса, УСК ва ОСК қарорлари туман судлари томонидан кўриб чиқилади.

Қонунда ҳар бир киши судга мурожаат қилишга ҳаққи борлиги белгиланган ва МСК сайлов комиссияларининг, сиёсий партияларнинг, давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг, ННТларнинг ҳисоботини тинглайди.

Шунингдек, МСК ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсмен) сайлов билан боғлиқ бўлган шикоятлардан хабардор бўлиш учун ишонч телефонларини ишлатиб қўйдилар.

Қонунда шикоят ва апелляцияларни тақдим қилиш охириги муддати ёзилмаган. Қоида тариқасида, сайлов комиссиялари, судлар уч кун ичида қарор чиқариши шарт. Сайлов кунига олти кун қолганда тақдим этилган шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши шарт. Сайлов комиссияларига берилган шикоятлардан фарқли ўларoқ, судларга тақдим этилганлари алоқадор тарафлар иштирокида очик жараёнда кўриб чиқилиши лозим. МСК сайловни бутунлай ёки қисман бекор қилиши мумкин. МСКнинг сайловни бекор қилиши устидан апелляцияни фақат номзодлар бериши мумкин, апелляция сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин ўн кун давомида Олий судга берилади.

ЕХХТ/ДИИХБ СКМга суд ва сайлов комиссияларига келган расмий шикоятлар ҳақида маълумот берилмади. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКМга 129 та ёзма мурожаат ва 347 та телефон қўнғироқлари, шулардан 60 таси ёзма мурожаат ва 102 таси телефон қўнғироқлари умуман сайловга боғлиқ бўлмаган.

Омбудсмен ЕХХТ/ДИИХБ СКМга 304 та сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган телефон қўнғироқлари қабул қилганликлари тўғрисида маълум қилдилар.

Маҳаллий ва халқаро кузатувчилар

Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар сайлов жараёнининг барча босқичларини кузатишлари ва натижалар баённомаларининг нусхаларини олишлари мумкин. Ҳар бир сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасида бир кузатувчи тайинлаш ҳуқуқига эга.

МСК, ОСКга қўра 37 352 партия вакиллари аккредитациядан ўтган, шулардан ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» партиясида 9 339 тадан, «Адолат» ва ХДП да 9 337 тадан вакил тайинланди. 548 нафарга яқин халқаро кузатувчилар аккредитациядан ўтган.

Миссия ҳақида маълумот ва миннатдорлик

11–13 октябрда Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси тавсиясига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифи ва мандати асосида, ЕХХТ/ДИИХБнинг Сайловларни кузатиш миссияси 2016 йил 4 декабрни кузатиш учун ўз фаолиятини бошлади. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ 15 нафар эксперти пойтахтда ва 20 нафар узоқ муддатли кузатувчилар мамлакат бўйлаб ўз фаолиятини 2 ноябрь куни Тошкентда бошлади.

Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХБ 32 мамлакатдан ташриф буюрган 193 нафар кузатувчилар билан ўз ишини бошлади. Мамлакат бўйлаб Президентлик сайловининг очилиш маросими 84 сайлов участкаларида, овоз бериш 833 сайлов участкаларида кузатилди. Овозларни санаш 81 сайлов участкасида кузатилди. Натижаларни ҳисоблаш 14 ОСКнинг барча 14 та ҳудудида кузатилди.

Сайлов маҳаллий қонун, демократик сайлов стандартлари ЕХХТ ва халқаро мажбуриятларига риоя қилган ҳолда ўтганлигини баҳолади. Бу Дастлабки натижа ва хулосалар Баёноти сайлов жараёни тугатилмасидан тақдим этилади. Сайловни яқуний баҳолаш бошқа сайлов жараёнларини яқунланиши, санаш ва натижаларни ҳисоблаш, уларни эълон қилиш сайловдан кейинги шикоят ва апелляцияларни урдасидан чиқишига боғлиқ. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёни саккиз ҳафта ўтганидан сўнг, тўлиқ такомиллаштириш учун тавсияларни ўз ичига олган батафсил яқуний ҳисобот тақдим қилади.

Кузатувчилар сайловларни кузатиш учун юборган таклифлари учун ҳукуматга, шунингдек кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун МСК, Ташқи ишлар вазирлигига ҳам миннатдорлигини изҳор этадилар. Бундан ташқари, кузатувчилар ҳамкорлик учун давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва халқаро ҳамжамиятга ўз ташаккурларини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси, 2016 йил 5 декабрь //
<http://www.osce.org/ru/odhr/elections/uzbekistan/286146?download=true>

Конституция жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий макоми бўйича ажратмай тенг ҳуқуқ ва эркинликларни, тил, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат асосида муносабатни белгилайди.

МСК сайловга тааллуқли бўлган ахборот, материал ва бюллетенларни ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида нашр этганлиги ижобий баҳоланди. Бутун Республика қамраб оладиган газеталарда номзодларнинг ташвиқоти учун бепул жой ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида ажратилган.

ЕХХТ ДИИХБ СКМ томонидан кузатилганда сайлов жараёнида ҳеч қандай ирқий камситиш ҳақида ахборот берилмади ва кузатилмади.

Шикоят ва судга мурожаатлар

Сайловга доир низоларни ҳал қилиш тизимида бир нечта қонун ва МСК қарорлари билан тартибга солинади. Умуман олганда, агар сайлов комиссиясининг қарори, фаолияти ва фаолиятсизлигига нисбатан бирор-бир шикоят бўлса, иерархик тизим мавжуд бўлганлиги туфайли, юқорироқ сайлов комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. МСКнинг қарорларига қарши апелляция Олий суд томонидан кўриб чиқилса, УСК ва ОСК қарорлари туман судлари томонидан кўриб чиқилади.

Қонунда ҳар бир киши судга мурожаат қилишга ҳаққи борлиги белгиланган ва МСК сайлов комиссияларининг, сиёсий партияларнинг, давлат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг, ННТларнинг ҳисоботини тинглайди.

Шунингдек, МСК ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсмен) сайлов билан боғлиқ бўлган шикоятлардан хабардор бўлиш учун ишонч телефонларини ишлатиб қўйдилар.

Қонунда шикоят ва апелляцияларни тақдим қилиш охириги муддати ёзилмаган. Қоида тариқасида, сайлов комиссиялари, судлар уч кун ичида қарор чиқариши шарт. Сайлов кунига олти кун қолганда тақдим этилган шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши шарт. Сайлов комиссияларига берилган шикоятлардан фарқли ўлароқ, судларга тақдим этилганлари алоқадор тарафлар иштирокида очиқ жараёнда кўриб чиқилиши лозим. МСК сайловни бутунлай ёки қисман бекор қилиши мумкин. МСКнинг сайловни бекор қилиши устидан апелляцияни фақат номзодлар бериши мумкин, апелляция сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин ўн кун давомида Олий судга берилади.

ЕХХТ/ДИИХБ СКМга суд ва сайлов комиссияларига келган расмий шикоятлар ҳақида маълумот берилмади. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКМга 129 та ёзма мурожаат ва 347 та телефон кўнғироқлари, шулардан 60 таси ёзма мурожаат ва 102 таси телефон кўнғироқлари умуман сайловга боғлиқ бўлмаган.

Омбудсмен ЕХХТ/ДИИХБ СКМга 304 та сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган телефон кўнғироқлари қабул қилганликлари тўғрисида маълум қилдилар.

Маҳаллий ва халқаро кузатувчилар

Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро кузатувчилар сайлов жараёнининг барча босқичларини кузатишлари ва натижалар баённомаларининг нусхаларини олишлари мумкин. Ҳар бир сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасида бир кузатувчи тайинлаш ҳуқуқига эга.

МСК, ОСКга кўра 37 352 партия вакиллари аккредитациядан ўтган, шулардан ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» партиясида 9 339 тадан, «Адолат» ва ХДП да 9 337 тадан вакил тайинланди. 548 нафарга яқин халқаро кузатувчилар аккредитациядан ўтган.

Миссия ҳақида маълумот ва миннатдорлик


11–13 октябрда Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси тавсиясига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифи ва мандати асосида, ЕХХТ/ДИИХБнинг Сайловларни кузатиш миссияси 2016 йил 4 декабрни кузатиш учун ўз фаолиятини бошлади. ЕХХТ/ДИИХБ СКМ 15 нафар эксперти пойтахтда ва 20 нафар узоқ муддатли кузатувчилар мамлакат бўйлаб ўз фаолиятини 2 ноябрь куни Тошкентда бошлади.

Сайлов куни ЕХХТ/ДИИХБ 32 мамлакатдан ташриф буюрган 193 нафар кузатувчилар билан ўз ишини бошлади. Мамлакат бўйлаб Президентлик сайловининг очилиш маросими 84 сайлов участкаларида, овоз бериш 833 сайлов участкаларида кузатилди. Овозларни санаш 81 сайлов участкасида кузатилди. Натижаларни ҳисоблаш 14 ОСКнинг барча 14 та ҳудудида кузатилди.

Сайлов маҳаллий қонун, демократик сайлов стандартлари ЕХХТ ва халқаро мажбуриятларига риоя қилган ҳолда ўтганлигини баҳолади. Бу Дастлабки натижа ва ҳулосалар Баёноти сайлов жараёни тугатилмасидан тақдим этилади. Сайловни яқуний баҳолаш бошқа сайлов жараёнларини яқунланиши, санаш ва натижаларни ҳисоблаш, уларни эълон қилиш сайловдан кейинги шикоят ва апелляцияларни урдасидан чиқишига боғлиқ. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёни саккиз ҳафта ўтганидан сўнг, тўлиқ такомиллаштириш учун тавсияларни ўз ичига олган батафсил яқуний ҳисобот тақдим қилади.

Кузатувчилар сайловларни кузатиш учун юборган таклифлари учун ҳукуматга, шунингдек кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун МСК, Ташқи ишлар вазирлигига ҳам миннатдорлигини изҳор этадилар. Бундан ташқари, кузатувчилар ҳамкорлик учун давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва халқаро ҳамжамиятга ўз ташаккурларини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси, 2016 йил 5 декабрь //
<http://www.osce.org/ru/odihr/elections/uzbekistan/286146?download=true>



**Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА)
Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг
БАЁНОТИДАН**

БСОАнинг кузатиш бўйича дастурининг сайлов жараёнини мониторинг қилиш ва текширишга катта эътибор берадиган бошқа ташкилотларга қараганда кузатиш предметида муайян фарқ бор. БСОА мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар билан ўзаро билим ва тажриба алмашишга интилади. Чунки Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, унга аъзо давлатлар бир-бирларини хабардор қилади ва ҳар бирларини танқид қилишга эмас, балки ҳар бирининг илғор тажрибасидан фойдаланишга интилади. Бошқа сўзлар билан айтганда, биз ҳар биримиз ўрганамиз ва ўзаро маслаҳат берамиз.

Ўзбекистонга келгунга қадар сайлов жараёнига нисбатан шунчаки юзаки муносабатда эдик. Лекин «Давлат бошлиғи сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибаси» мавзусидаги конференциясида иштирок этиш вақтида биз олимлар, давлат идоралари, фуқаролик жамияти вакиллари сайлов ва демократия аҳамияти ва ривожланиши ҳақида эркин ва очик гапираётганини кўрдик. Бизнинг сайлов адолатлилиги ҳақидаги фикрларимиз мутлақо қайта кўриб чиқилди.

Сайловга бир кун қолганида биз Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ва Тошкентдаги иккита участка сайлов комиссиясига ташриф буюрдик ва улар сайловга қандай тайёргарлик қилганини кўрдик. Биз сайлов комиссиялари аъзоларининг «оилавий овоз бериш» деб аталмиш ҳолатларнинг олдини олиш катта истаги ва интилишини кўрдик. «Бир киши – бир овоз» демократиянинг асосий принципларидан биридир. Биз участка сайлов комиссиялари аъзолари ишончнома бўйича овоз беришга йўл қўйилмаслиги ҳақида яхши хабардор эканликларини кўрдик.

Сайлов куни биз Тошкент шаҳридаги битта сайлов участкасида ва Бухоро шаҳарларида учта сайлов участкасида бўлдик. Сайлов участкалари яхши ташкил этилган ва яхши жиҳозланган эди. Уларда сайловчиларнинг ҳужжатларини текшириш учун етарли миқдорда столлар жойлаштирилган бўлиб, бу бир вақтнинг ўзида участкага кўп сайловчилар келган тақдирда овоз беришни амалга ошириш учун эҳтимоли бўлган навбатда туриш вақтини қисқартириш имконини берди. Биз Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини амалиётда самарали ташкил этишга эришди, деган хулоса қилдик.

Сайловчилар рўйхати ҳақида фикр юритганда, хусусан, бизга айтишларича, бу рўйхат сайловга ўн беш кун қолганида осиб қўйилди ва сайловчиларнинг талаби билан аниқлаштирилиши ва қайта кўриб чиқилиши мумкин эди. Биз рўйхат тўғрилигини текшириш имконига эга бўлмадик. Шунга қарамасдан, Марказий сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини лозим даражада бошқаришга қодир эканлигини аниқладик. Шунингдек, Ўзбекистон сайлов тизими амалдаги қонунчиликка мувофиқ амал қилишига ишонч ҳосил қилдик.

Бухорода биз сайлов участкаларининг бирида овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатдик ҳамда қандайдир қоидабузарликлар ва шикоятларни аниқламадик. Ишончли вакиллар, участка сайлов комиссияларининг аъзолари муайян тажрибага ва сайлов жараёни ҳақида етарли даражада билимга эга.

Битта сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатишда биз номзодларнинг бири, кутилганидек, сайловчиларнинг кўпчилик овозларини олганини кўрдик.

Бундай вазиятда сайлов жараёни иштирокчиларининг, шу жумладан маҳаллий фаолларнинг ҳеч кимда сайлов тўғрисидаги қонунни бузишга ҳеч қандай сабаблари бўлмаган, деган хулосага келдик.

Демократия ва ҳар бир мамлакатнинг сайлов тизими унинг тарихий, сиёсий, иқтисодий ва ҳатто маданий хусусиятларини белгилайдиган йўлидан келиб чикқан ҳолда ривожланади. Кузатувчилар бошқа мамлакатлардаги сайловларни кузатганда янглишмасликлари ва қандайдир стереотипларга эга бўлмасликлари лозим. Қайсидир сайлов жараёнини ёки амалиётини танқид қилишдан олдин кузатувчилар ҳуқуқий асосларни, сиёсий вазиятни, сайлов соҳасидаги сиёсат ва сайлов органлари ривожланиши босқичларини, шунингдек сиёсий доираларнинг ижтимоий кайфиятларини аниқ англаб олишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, биз кузатувчи сифатида ишонч ҳосил қилдикки, сайлов жараёнига доир қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг ҳеч қандай бузилиши ҳолатлари бўлмади.

Ким Ён Хи,

БСОА Бош котиби,

*Тошкент шаҳри, 2016 йил 5 декабрь//
<http://elections.uz/en/events/news/45292/>*



Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) кузатувчилари миссиясининг БАЁНОТИДАН

4 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ошкора, эркин ва транспарент бўлди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидан кузатувчилар сифатида сайловда иштирок этишга таклиф қилгани учун миннатдор-миз.

Мамлакатингиз Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Октябрь ойида Тошкентда ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси 50 дан зиёд давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлардан делегатлар иштирокида ўтди. У «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорликка йўл» шиори остида республика раислик қилишини бошлаб берди. Ўшанда Ўзбекистоннинг билдирган ташаббуслари бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мамлакатингиздаги вазият биз учун муҳим аҳамиятга эга, биз бу ерда юз бераётган жараёнларни, шу жумладан сайлов жараёнини диққат билан кузатиб бормоқдамиз.

Бешинчи мартаба кузатувчи сифатида Ўзбекистондаги сайловда иштирок этмоқдаман ва ҳар сафар унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тобора такомиллашиб бораётганини кўраман. Бу гал биз сайловни юқори даражада ўтказиш учун муҳим бўлган сайлов қонунчилигига яқинда киритилган қатор ўзгартишлар ҳақида билиб олдик. Хусусан, Президентликка номзод кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолар миқдори беш фоиздан бир фоизгача туширилиши бу сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини енгиллаштирди. Кампаниянинг бошқа жуда муҳим хусусияти – бу Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик

кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар дастури қабул қилинганидир. Уни татбиқ этиш бўйича амалга оширилган кенг миқёсдаги ишлар натижасида аҳолининг хабардорлиги анча ошди.

Миссия аъзолари учта гуруҳ таркибида қатор сайлов участкаларида сайловгача ва бевосита овоз бериш куни бўлишди, овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлдилар. Уларнинг фикрича, участкалар энг юқори даражада тайёрланди, сайлов комиссияларининг аъзолари эса жуда яхши тайёргарлик кўрган ва овоз бериш жараёнининг барча жиҳатлари ҳақида хабардор эди. Шунингдек, улар жисмоний имконияти чекланган шахсларга яратилган имкониятлар, хусусан, кўзи ожиз сайловчилар учун Брайль алифбосида чоп этилган сайлов бюллетенларининг илк маротаба ишлатилганини ижобий баҳолади.

Биз сиёсий партияларнинг кузатувчилари билан мулоқотда бўлдик, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар билан фикр алмашдик. Уларнинг барчаси сайлов ташкил этилишининг юксак профессионаллик даражасини таъкидлади. Бу бежиз эмас, чунки Ўзбекистон турли даражадаги сайловларни бир неча маротаба ўтказган ва бу борада катта амалий тажриба тўплаган.

Ҳар бир давлатда ўз қонунлари, тарихий хусусиятлари ва анъаналари бор, уларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидламоқчиман. Демократия барчага нисбатан ягона ёндашув мумкин бўлган тизим эмас. Биз учун муҳими – Президент сайлови каби Ўзбекистон тарихида ўта муҳим сиёсий тадбир ошқора, шаффоф ва тинч қонунчиликка мувофиқ ўтди.

Биз сайловни баҳолаган биринчи мезон – кишилар у ёки бу номзодга ҳеч қандай мажбурловсиз, эркин овоз берди. Бутун аҳолининг юқори кўрсаткични таъминлаган фаол иштирокини таъкидлаш жоиз. Айниқса, ўз қонуний ҳуқуқидан фойдаланишга интилиб биринчи марта овоз берувчи ёшлар хурсанд эди. Ҳамма ўзлари танлаган номзодга овоз берди. Биз қандайдир муаммолар ва камчиликларни учратмадик, сиёсий партиялар кузатувчиларидан ёки бошқа бирон-бир кишидан шикоятлар олмадик.

Ва ҳозир, дастлабки натижалар эълон қилинганида, сайланган Президентни ва Ўзбекистоннинг ўз сиёсий етуқлигини ва келажагидан манфаатдорлигини намоён қилган бутун халқини табриқлаймиз.

Али Аболхассаний ШАҲРЕЗА,

Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари,

Тошкент шаҳри, 2016 йил 6 декабрь

<https://telegraf.uz/ru/vibori/organizaciya-islamskogo-sotrudnichestva-vibori-bili-svobodnimi-i-prozrachnimi>



**Хитой Халқ Республикаси кузатувчилари делегациясининг
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги
БАЁНОТИДАН**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таклифига мувофик 2016 йил 2–5 декабрь кунлари ХХР кузатувчилари делегацияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борди.

Кузатувчилар делегацияси Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳукукий ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда суверенитетини ҳурмат қилиш ва ички ишларига аралашмаслик тамойиллари асосида ўз вазифаларини виждонан бажарди.

Ўзбекистонда бўлган вақтида Кузатувчилар делегацияси вакиллари Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов билан учрашди, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига ва бошқа 8 та округ сайлов комиссиясига ташриф буюрди, Президентликка 4 нафар номзодларнинг таржимаи ҳоллари ва дастурлари, шунингдек овоз бериш тартиби, Президентлик сайловига тайёргарлик кўришнинг бориши билан танишди.

4 декабрь – овоз бериш куни Кузатувчилар делегацияси вакиллари мамлакатнинг 8 та ҳудуддаги, шу жумладан Тошкент ва Самарқанддаги 71 та сайлов участкасида ҳозир бўлдилар, жойларда сайлов бюллетенлари ва кутилларини тайёрлаш, сайловчиларнинг шахсини аниқлаш, сайлов бюллетенларини бериш, овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш каби жараёнларни кузатиб бордилар.

Хитой кузатувчилари делегациясида барча сайлов комиссиялари сайловчиларни сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳақида ҳар томонлама, ўз вақтида хабардор қилдилар, сайловчиларга ахборотга доир ҳуқуқни таъминладилар, деган

фикр шаклланди. Оммавий ахборот воситалари сайлов боришини ёритиб борди.

Юкоридагиларга асосан ХХР кузатувчилари делегацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилди, деб ҳисоблайди. Сайлов осойишта вазиятда ўтди. Қоидабузарликлар аниқланмади. Сайлов қонуний, демократик, шаффоф ва адолатли бўлди. Ўзбекистоннинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши тўлиқ ҳажмда таъминланди.

Кузатувчилар делегацияси Марказий сайлов комиссиясига, Ташқи ишлар вазирлигига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ташкилотлари ва муассасаларига кўмаги ва қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдиради.

*Гао ЮЙШЭН,
Хитой Халқ Республикаси
кузатувчилари делегацияси раҳбари,
Тошкент шаҳри, 2016 йил 5 декабрь
[//http://elections.uz/ru/events/current_topics/45289/](http://elections.uz/ru/events/current_topics/45289/)*

САЙЛОВНИ ЁРИТИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимизнинг нодавлат телерадиостудиялари орқали ёритишда халқаро стандартларни қўллаш: миллий тажриба ва жаҳон амалиёти» мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, К. Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Болгария, Германия, Франция, Дания, Латвия, Литвадан экспертлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Ташки сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Одилов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдуҳолиқов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча жараёнлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Бу аҳолининг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишида муҳим

роль ўйнамоқда. Бу жараёнга нодавлат электрон ОАВ ҳам муносиб ҳисса кўшаётир. Бунга Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида битим имзолангани кенг йўл очди.

– Ўзбекистонда сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган, – дейди ЮНЕСКО катта маслаҳатчиси ва консультанти Могенс Шмидт. – Сайлов кампанияси жараёнининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани, бу жараёнда сиёсий партиялар ва улардан Президентликка кўрсатилган номзодлар учун бир хил ва тенг имконият яратиб берилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телерадиостанциялар томонидан сайлов жараёнлари ўз вақтида ва сифатли ёритилишини, сайлов жараёнларининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Шу асосда хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш, сайловга оид медиа-контентни тайёрлашда хориж тажрибасини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида «Менинг овозим» ва «Мой голос» ток-шоуларини, медиа маҳсулотларни тайёрлаш, нодавлат телестанциялар эфирини ижтимоий роликлар билан бойитиш, радио ахборот маркази кўмагида нодавлат радиостанцияларни сайловга оид материаллар билан таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олган қатор тадбирлар амалга оширилди.

ЎзЭОАВМА ахборот маркази ва нодавлат телеканаллар ахборот хизматлари томонидан 12 тадбир, 800 дан ортиқ медиа маҳсулот, қарийб 140 телерадиоролик, 12 ток-шоу тайёрланди.

– Ахборот асри журналистлардан нафақат тезкорлик ва холислик, балки ўзига хос янгича ёндашувларни талаб этмоқда, – дейди ЕХХТнинг Венадаги ОАВ эркинлиги масалалари бўйича эксперти, Литва журналистлари уюшмаси раиси Дайнюс Радзьявичиус. – Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳам шунга интилаётгани уларнинг сайлов кампаниясини ёритишга оид чиқишларида намоён бўлаётганини кузатдик. Бу борада, айниқса, нодавлат телерадиоканаллар ўзига хос ютуқларга эришаётир. Эфирга узатилаётган материаллар, журналистлар билан суҳбатлашиб, уларнинг интилишларини кўриб, шундай хулосага келдик.

Халқаро давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини ёритишда нодавлат электрон ОАВнинг роли, бу борада халқаро тажриба ҳақида фикр алмашилди. ЎзЭОАВМА томонидан амалга оширилаётган нодавлат ОАВ ходимларининг маҳоратини оширишга

қаратилган лойиҳалар муҳокама этилди. Тадбир доирасида нодавлат электрон ОАВ ижодий гуруҳларининг мавзуга оид тайёрлаган ижтимоий роликлари тақдимоти ўтказилди.

*Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА, 2016 йил 18 ноябрь*

МДХ МИССИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ОЧИҚ РАҚОБАТ РУҲИДА ЎТМОҚДА

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси бугун Тошкентда ОАВ вакиллари учун бўлиб ўтган брифингда Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан кузатув жараёни ҳақидаги оралиқ ҳисоботда дастлабки хулоса ва баҳоларини баён қилди.

Ҳисоботда Ўзбекистондаги сайловолди ташвиқоти қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда бўлиб ўтаётганлиги, Президентликка номзодларга ўз дастурларини тақдим этиш ва сайловчилар билан учрашиш учун тенг шарт-шароитлар яратилганлиги хабар қилинади. Умуман олганда, сайлов кампанияси очик рақобат руҳида ва юксак ташкилий савияда ўтказилмоқда.

МДХ кузатувчилари бу галги сайлов кампаниясининг барча босқичларини, қонунчилик асосларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартишларни батафсил таърифлаб, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишлар уюшган ҳолда ва изчил ўтказилаётганини таъкидладилар.

Миссия аъзолари округ ва участка сайлов комиссиялари иш олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини, фуқаролар сайловга кўрилаётган тайёргарликнинг бориши ҳақида босма нашр саҳифаларида, теле- ва радиоканаллар эфирида хабардор этиб борилаётганлигини қайд этмоқдалар. Шу йилнинг 1 ноябридан бошлаб Марказий сайлов комиссиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиши, қонун ҳужжатлари бузилган ҳолатларнинг олдини олиш учун «Ишонч телефони» ҳамда электрон почталар туну кун фаолият кўрсатаётганига алоҳида урғу берилмоқда.

Кузатувчиларнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида Ўзбекистон сайлов амалиётида илк бор МСК томонидан тасдиқланган Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди ва изчил рўёбга чиқарилмоқда. Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Оралиқ ҳисоботда Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлик форматидаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлари, шу жумладан турли мавзуларга бағишланган ижтимоий акциялари тафсилотлар билан ўз аксини топди.

Мамлакат Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг салоҳиятидан самарали фойдаланмоқда, – деб таъкидлади МДХ кузатувчилари миссиясининг аъзолари. Кузатувчиларнинг фикрича, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янгилик кўрсатувларида ва бошқа ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиш давомийлиги ва ҳажми бўйича тенг шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Эслатиб ўтамиз, МДХ кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан 17 ноябрдан бошлаб мониторинг олиб бормоқда. 10 нафар узоқ муддатли ва 60 нафар қисқа муддатли кузатувчини ўз ичига олган миссия раҳбари этиб Ижроқўм раиси – МДХнинг ижро этувчи котиби Сергей Лебедев тайинланган.

Сайлов юзасидан мониторинг олиб бориш доирасида МДХнинг узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимиздаги округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан танишдилар, республиканинг турли минтақаларида жойлашган 104 та сайлов участкасига ташриф буюрдилар. Бундан ташқари, миссия аъзолари 24 ноябрдан 2 декабрга қадар ўтказиладиган муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ҳам кузатдилар.

Миссия ўзининг якуний хулосаларини ва баҳоларини сайлов мониторинги натижаларига оид якуний ҳужжатда баён қилади.

МДХ кузатувчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар ҳамда сайлов кампаниясининг боришини сифатли ва ўз вақтида ёритиб бераётганликлари учун ОАВ вакилларига миннатдорчилик билдирдилар.

<http://www.ut.uz/ru/eshvo/missiya-sng-izbiratelnava-kampaniya-v-uzbekistane-prokhodit-v-dukhe-otkrytoy-konkurentsii/>

2016 йил 29 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИР АРАФАСИДА

«Кўшпартиявийлик давр тақозоси ва халқ талабидир». Россиянинг «Независимая газета» нашрида эълон қилинган ушбу номдаги мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланди.

Мақола муаллифи яқинда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларини таҳлил қилиб, сиёсий партиялар дастурларини таққослайди, уларнинг

Ўзбекистондаги давлат ҳамда жамият қурилиши жараёнидаги роли ҳақида фикр юритади.

Хусусан, мақолада Ўзбекистонда мамлакатни ислоҳ қилиш стратегияси давом эттирилиши ва ҳокимиятнинг барқарор фаолият юритиши таъминланиши қайд этилган. Мамлакат фуқароларига энг муҳими тинчлик-осойишталикни сақлашдир. Улар учун сайлов нафақат ҳуқуқ, айти чоғда фуқаролик бурчи, мамлакат келажига дахлдорлик ифодаси, давлат бошлиғи лавозими-га муносиб номзодни танлашда ўз фикрини билдириш имкониятидир.

Президентликка номзодлар ўртасидаги реал сиёсий рақобат 2016 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади. Бунинг учун «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилиш, уларнинг сайловда эркин иштирок этишига шарт-шароит ҳамда сайлов кампаниясида сиёсий партиялар ва Президентликка номзодларга кенг ҳамда тенг имкониятлар яратишга қаратилган бўлиб, ушбу сиёсий тадбирнинг адолатли, очик, ошқора ва транспарентлик принциплари асосида ўтказилишига хизмат қилмоқда. Бутун сайлов жараёни ошқоралик ва очиклик асосида олиб борилапти.

Муаллиф Ўзбекистонда сайлов жараёни янги мазмун-моҳият билан бойиган, партиялараро сиёсий рақобат, аҳолининг сиёсий фаоллиги ўсган, уларнинг сайловда қатнашишга бўлган интилиши кучайган бир шароитда ўтказилаётганига эътибор қаратган. Унинг фикрича, бу давлат ҳокимияти ва бошқарувини изчил модернизация қилиш юзасидан амалга оширилган ислохотлар самарасидир.

Чунончи, 2015 йилда биринчи марта мамлакат Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Унга мувофиқ, Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Парламент куйи палатасида кам ўринни эгаллаган сиёсий партиялар парламент муҳолифатини шакллантирди. «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши халқ томонидан сайланган парламентнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат Олий Мажлиснинг назорат-тахлил фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

Муаллиф сиёсий партиялар платформаларини қиёслар экан, уларнинг хилма-хиллигини, ёндашув ва қарашларнинг турфагини, айти пайтда уларнинг демократик қадриятларга содиқликда яқинлигини эътироф этган.

«Аргументы и факты» газетасида эса «Ўзбекистон ўз келажагини белгиламокда» деб номланган мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига мамлакат мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куриш йўлида амалга оширилган ислохотлар нуқтаи назаридан эътибор қаратилган.

Мақола муаллифининг ёзишича, Ўзбекистонда давлат бошқарувида Президентлик институти асосий ўрин тутати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолатидир.

Шу маънода, жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Мамлакатда демократик принципларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилиги ва тизими яратилган. Улар адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Миллий қонунчиликда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда ташкил қилиниши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари ҳақидаги меъёр мустақамлаб қўйилгани сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Муаллифнинг қайд этишича, жорий йилги сайлов кампаниясининг муҳим жиҳатларидан бири Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар дастури қабул қилинганидир. Ушбу ҳужжатга биноан, сайлов кампаниясини қонун талаблари асосида олиб бориш, шунингдек фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашдек муҳим вазифага нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб қилинган.

«Шуни комил ишонч билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган давлат бошқаруви, демократик институтлар ва миллий қонунчилик тизими самарали ишламоқда ва келажак сари дадил ҳаракат қилишга хизмат қилмоқда», деб хулоса қилади «АиФ».

*Лилия АХМАДЖОНОВА,
«Народное слово», 2016 йил 30 ноябрь*

ХИТОЙ ЭЛЧИСИ: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ЖАМИЯТ ЖИПСЛАШУВИНИНГ ЯҚҚОЛ МИСОЛИ БЎЛАДИ»

2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон халқи давлат раҳбарини сайлайди.

Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа арафасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Сунь ЛИЦЗЕ «Жаҳон» ахборот агентлиги учун эксклюзив интервью берди.

– Элчи жаноблари, Хитойнинг Тошкентдаги дипломатия миссияси раҳбари сифатида Сиз Ўзбекистонни яхши биласиз, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кечаётган жараёнлардан яхши хабардорсиз. Шу боис олдинда турган Президент сайлови ва унинг Ўзбекистон келажаги учун аҳамияти тўғрисидаги фикрларингизни билишни истар эдик.

– Давлат раҳбари учун овоз бериш Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиши билан бирга, даврнинг мамлакат ривожланишидаги аҳамиятли босқичи ҳисобланади. Унинг натижалари давлатни янада модернизациялаш бўйича кенг камровли ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Шуниси қувонарлики, сайловга тайёргарлик жараёни қонунчиликка қатъий риоя этилиши асносида очиқлик ва ошқоралик муҳитида кечмоқда. Аҳолининг аксарияти олдинда турган воқеанинг муҳим аҳамиятини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини теран англагани баробарида, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта фаолликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни намоён этаётир.

Шубҳа йўқки, сайловлар қонунийлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтади ҳамда мамлакат фаровонлиги йўлида жамият жипслашувининг яққол мисоли бўлади. Хитой томони ўзбек халқини ўзининг мустақил тараққиёт йўлида бундан кейин ҳам қатъий қўллаб-қувватлайди.

– *Ўзбекистонда шаклланган сайлов тизими ва мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ҳамда шаффофлиги таъминланиши мақсадида кўрилатган чора-тадбирларни Сиз қандай баҳолайсиз?*

– Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич модернизациялашуви туфайли замонавий сайлов тизими яратилди. У демократия андозаларига ва умум-этироф этилган халқаро меъёрларга тўла жавоб беради, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишларининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди.

Сиёсий партияларнинг кенг кўламдаги ижтимоий-сиёсий фаолияти учун шароитлар яратиб берган кўппартиявийлик тамойили ҳамда конунчиликка тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосидаги демократик сайловлар ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминлайдиган мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимидаги энг муҳим ўзига хослик ҳисобланади.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат институтлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Улар фуқаролар сиёсий-ижтимоий фаоллиги ошишининг, аҳоли хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини ифодалашнинг ишчан омиллари бўлиб қолди.

Шуниси ҳам эътиборга сазоворки, халқ ҳокимияти асослари мустаҳкамланиши йўлида республикангизнинг сайлов тизими халқаро андозаларга мувофиқ равишда такомиллашмоқда ва ислоҳ этилаёпти. Ишончим комилки, олдинда турган сайловлар Ўзбекистон сайлов тизими самарали эканлиги ҳамда демократияга таянганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

– *Сайловларга тайёргарлик жараёни ва олиб борилаётган ташкилий, ташвиқот ишлари хусусидаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашишингизни сўрар эдик...*

– Ҳозирги кунда сайлов кампанияси ўзининг якуний босқичига чиқди. Халқаро жамоатчилик бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарликни диққат билан кузатмоқда. Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ қилиш доирасида турли даражадаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш менга мамнуният бағишлайди.

Биз олий давлат раҳбари лавозимига номзодларнинг ташвиқот ишлари қонунийлик, шаффофлик, очиқлик ва тенглик асосида ўтаётганини юқори баҳолаймиз. Мамлакатда сайловчилар ўртасида фаол ахборот-тарғибот ишлари ҳаётга татбиқ этилаётир, сайлов куни овоз бериш жараёнларини онлайн тарзда кузатиш мумкин бўлган ягона компьютер тизими яратилди.

Сайлов жараёнларида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакилларининг кузатувчи сифатида қатнашиши сайлов шаффофлигининг ошишига хизмат қилади ҳамда унинг халқаро андозаларга мослигини намоён этади.

Биз сайловга тайёргарликнинг юқори ташкилий даражада ўтаётгани ҳамда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо қилингани юзасидан халқаро қузатувчилар миссияси томонидан билдирилган фикрларга тўла қўшиламыз.

– Президент сайловидан кейинги ҳафтада Ўзбекистон халқи мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигини нишонлайди. Кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида Ўзбекистон Асосий Қонунининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдирсангиз.

– Ўзбекистон Конституцияси мамлакат мустақиллигининг ёрқин рамзи, ҳуқуқий-демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда мустаҳкам ва муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қолди.

Ўтган йиллар давомида Асосий Қонунда белгиланган қоидаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли Ўзбекистон замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, демократик янгиланишлар йўлида ишонч билан одимлаётган, аҳолининг фаровонлигини таъминлаётган, барқарор ривожланаётган давлатга айланди. Энг муҳими, Конституцияда айнан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ғояси қонунчилик асосида мустаҳкамланган. Мустақил Ўзбекистон тарихи Асосий Қонуннинг улкан салоҳиятини яққол тасдиқлайди. Конституция ҳамда унинг ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги пухта ўйланган тамойиллари Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч бағишлайди, дея қайд этиш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу муҳим сана билан самимий табриклашни, унга янада улкан муваффақиятлар ҳамда фаровонлик тилашни истардим.

<http://jahonnews.uz/ru/aktualno/626/28555/>

2016 йил 1 декабрь

«НЕЗАВИСИМАЯ ГАЗЕТА»: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ КЕНГ ОЧИҚ-ОШКОРАЛИК АСОСИДА ҚУРИЛМОҚДА

Россиянинг «Независимая газета» нашрининг электрон порталида В. Панфилованинг Ўзбекистонда бўлажак Президент сайловига бағишланган маколasi жойлаштирилди.

Материалда таъкидланишича, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра фуқароларнинг 95 фоизи Президент сайловини энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг 41,2 фоизи: «Сайловдан нимани кутаяпсиз, – деган саволга, – энг асосийси, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик сақланишини хоҳлаймиз», деб жавоб берди. Сўровда иштирок этган фуқароларнинг 95 фоизи «овоз беришда албатта қатнашаман» деб жавоб берди. Уларнинг 41,3 фоизи бу «фуқаролик бурчи» эканлигини билдирди, 31,8 фоизи «Мамлакат келажаги учун масъулиятни намойиш этиш» деб жавоб берди. Респондентлар 21,3 фоизининг фикрича, сайлов ўз фикрини билдириш ва муносиб номзодни танлаш имкониятидир.

Нашрининг ёзишича, тадқиқот орқали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришини, бу жараёнда сиёсий партиялар иштирокини, уларнинг фаолиятини ва истиқболга мўлжалланган дастурларини баҳолашда аҳолида талабчанлик пайдо бўлганлиги ҳам аниқланган.

Президентликка номзодларнинг ҳақиқий рақобатлашиши – 2016 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳати эканлиги таъкидланмоқда. «Давлат раҳбарини сайлаш жараёнини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар бунга кўмаклашмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир».

Бутун сайлов кампанияси кенг очиқ-ошкоралик асосида қурилаётганлиги алоҳида қайд этилмоқда. Ҳар бир овоз берувчи сайлов жараёнида сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, улар жойлашган жой ва иш вақти, номзодларни рўйхатга олиш ва умуман, сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизациялашга батафсил тўхталиб, Россия газетаси бу соҳада Бош вазир номзодини тасдиқлашнинг янги тартиби илк маротаба қўлланганлигини қайд этади. Бу тартибга кўра номзод Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлар ўрнига эга бўлган сиёсий партия томонидан кўрсатилади. Озчилиқни ташкил қилган партиялар парламент муҳолифатини ташкил қилади. Бу ўз-ўзидан

сайлов жараёнининг мутлако бошқа моҳиятини ва хусусиятини, партиялар ўртасидаги ҳақиқий сиёсий курашни, аҳоли сиёсий фаоллиги ошганлигини, унинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга бўлган диққат-эътибори кучайганлигини назарда тутати.

Ўқувчиларни Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган тўртта сиёсий партиядан хабардор қилаётиб, мазкур нашр уларни демократия кадриятларига бўлган содиқлик бирлаштиришини таъкидлайди. Бироқ улар ўртасидаги фарқ ўзига хос ижтимоий манфаатларни таъминлаш вазифаларида намоён бўлади. «Агар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўрта синфни, шу жумладан аграр секторни ташкил этувчи тадбиркорларга суянса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига таянади. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзини замонавий ижтимоий-демократик ғоялар улашувчи сифатида намоён этади. Ушбу партиянинг асосий электорати ишчилар синфидан таркиб топган. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ижод ва илм-фан билан машғул бўлган зиёлиларни жалб қилади».

Шундан сўнг муаллиф «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши халқ томонидан сайланган парламентнинг роли ва жавобгарлигини оширишда муҳим кадам бўлганлигини қайд этади. «Бугун қонунчилик органи кўмиталари томонидан парламент эшитувларининг ўтказилиши кундалик амалиётга айланган. Бундай тадбирларда ҳукумат аъзолари халқ сайлаган кишилар олдида ҳисобот беради».

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши аҳоли ва бизнес вакилларининг давлат органлари билан интерактив муносабатларини амалга ошириш имкониятларини жорий этишни назарда тутати, – деб сўзида давом этади «Независимая газета». – Қонунда халқаро қонун ҳужжатларининг ва АҚШ, Германия, Австрия, Корея Республикаси илғор тажрибасининг концептуал жиҳатлари ҳисобга олинган. Натижада энди аризалар, шикоятлар ва таклифларни тўғридан-тўғри сайт орқали ёки бутун Ўзбекистон бўйлаб кулай бўлган қисқа телефон рақамига бепул қўнғироқ қилиб юбориш мумкин».

<http://uzbekistan.lv/ng-izbiratel'naya-kampaniya-v-uzbekistane-stroitsya-na-osnove-shirokoj-glasnosti/>

2016 йил 1 декабрь

НИКОЛАЙ ЛЕВИЧЕВ: «ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНАМИЗ ҲАМДА РОССИЯДАГИ САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА УНИНГ ЭНГ ФОЙДАЛИ ВА ЭНГ ЯХШИ ЖИҲАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШИМИЗ МУМКИН»

«Журналистлар Ўзбекистондаги сайлов жараёнини мамлакатнинг миллий-маданий, диний ва ижтимоий-сиёсий анъаналарини ҳисобга олиб, халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда ёритишлари лозим», – дейди Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Николай Левичев.

«Россия билан муносабатлар Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти учун устуворлигича қолишига умид қиламиз. Пресс-клубнинг очилиши жуда яхши ғоя. Бу сайловнинг бориши ҳақида ахборот олиш имконини берибгина қолмай, балки турли мамлакатлардан келган журналистларнинг бир-бирлари билан профессионал мулоқот қилишлари учун мутлако янги платформа яратади», – дейди у.

Шунингдек, Николай Левичев журналистлар Ўзбекистондаги сайлов жараёнини мамлакатнинг миллий-маданий, диний ва ижтимоий-сиёсий анъаналарини ҳисобга олиб, халқаро стандартларга риоя қилган ҳолда ёритишлари лозимлигига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, Ўзбекистон демократия йўлидан бормоқда ва демократик жараёнларни такомиллаштириш босқичида турибди. Бу борада мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри тушунтириб беришда ва халқаро ҳамжамият эътиборига етказишда ОАВ роли муҳимдир.

«Биз, албатта, Ўзбекистонда сайловни ўтказиш тажрибасини ўрганамиз ҳамда Россиядаги сайлов жараёнида унинг энг фойдали ва энг яхши жиҳатларини қўллашимиз мумкин», – деб таъкидлади Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Николай Левичев.

– Президентликка номзодларнинг билбордлари ва ташқи рекламалари Тошкент шаҳрида тенглик шартлари асосида тақдим этилди. Менга турли мамлакатларнинг журналистлари ўртасида сайлов кампаниясининг бориши ҳақида фикр алмашиш имконини берадиган пресс-клуб яратилганлиги ёқди. Биз матбуот маркази нафақат ахборот олиш, балки ахборотни англаш мумкин бўлган маконга айланиши учун бу амалиётни Россияда ҳам қўллаймиз, – деб таъкидлади у.

<http://www.ut.uz/ru/eshyo/nikolay-levichev-my-budem-izuchat-opyt-provedeniya-vyborov-v-uzbekistane-i-vse-poleznoe-i-khoroshee/>

2016 йил 1 декабрь

КИМ ЁН ХИ: «ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРМОҚДА»

Бугун Тошкентда «Давлат раҳбарини сайлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси» деб номланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмасининг Бош котиби Ким Ён Хи иштирок этди.

Конференцияда миллий экспертлар билан бир каторда 22 мамлакатнинг, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмасининг ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 80 дан зиёд эксперти иштирок этди. Конференция якунида жаноб Ким Ён Хи «Uzbekistan Today» мухбирининг саволларига жавоб берди.

– Ўзбекистондаги Президент сайловини ташкил этиш жараёни ҳақидаги фикрингиз конференциядан сўнг ўзгармадими?

– Конференцияда олинган ахборот билан бу ҳақда фикр билдириш қийин, чунки менинг графигим зич бўлганлиги боис конференциянинг бошидан иштирок этганим йўқ. Ўзбекистондаги сайлов жараёнини ҳар томонлама ёритиб берган жуда сермазмун маърузалар берилганини қайд этишим лозим. Шунга қарамай, Марказий сайлов комиссияси мутахассислари билан мулоқот қилганимда мен сайлов жараёнини такомиллаштиришга, уни очикроқ ва шаффофрок қилишга интилишни сездим.

– Конференцияда қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги ҳақида кўп гапирилди. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

– Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистондаги бу галги сайлов кампанияси ўтган йилнинг охирида амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар асосида илк маротаба ўтказилмоқда. Партия Президентликка номзодни рўйхатдан ўтказиш учун тўплаши зарур бўлган сайловчилар имзоларининг сони 5 фоиздан 1 фоизга камайтирилди. Муддатидан олдин овоз бериш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Барча ўзгартишлар сайловларни шаффофрок, демократик ва холис қилишга қаратилган. Бунда мамлакатда сайлов қонунчилиги босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётганлиги жуда муҳимдир. Марказий сайлов комиссиясида менга хабар беришларича, бу жараёнга ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши такомиллаштириш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлади. Шунингдек, сайловчиларнинг электрон рўйхатлари тузилади, ўзбекистонликлар электрон форматда овоз бериш имкониятига эга бўладилар. Буларнинг барчаси овозларни ҳисоблашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-ларнинг олдини олишга, сайловларнинг холислиги ва ошкоралигини таъминлашга кўмаклашади.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга мамлакатнинг амалий жиҳатдан тайёргарлигини қандай баҳолайсиз?

– Тўлиқроқ таассуротларим билан кейинроқ ўртоқлашим мумкин. Яқин кунларда мен Тошкент шаҳридаги ва Бухоро вилоятидаги сайлов участкаларига ташриф буюришни режалаштираяпман. Шу билан бирга барча сайлов жараёнларини такомиллаштиришга ва модернизациялашга бўлган интилишни мен ўзбек диёрига келган илк соатларданок ҳис қилдим. Шаҳар кўчаларининг безатилганлиги, оммавий ахборот воситаларининг материаллари номзодлар ўртасидаги рақобатдан дарак беради, одамлар кайфияти мамлакат келажагини аниқлаш учун сайлов участкаларига келишга шайлигидан далолатдир.

<http://www.ut.uz/ru/eshyo/kim-ven-khi-tsik-uzbekistana-uluchshaet-i-sovershenstvuet-sistemu-provedeniva-vyborov/>

2016 йил 2 декабрь

ЧУРОВ: ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗ БЕРИШ ШАРОИТЛАРИНИ ВА САЙЛОВНИНГ ШАФФОФЛИГИНИ ЯХШИЛАЙДИ

Ўзбекистон сайлов тизимини ривожлантиришнинг асосий мақсади сайловчиларнинг овоз бериши учун шарт-шароитларни яхшилашга, шунингдек сайловнинг шаффофлигини оширишга қаратилган, деб ҳисоблайди Россия Марказий сайлов комиссиясининг собиқ раҳбари, Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Владимир Чуров.

Ўзбекистон Президенти сайлови 4 декабрь куни бўлиб ўтди. Мамлакатда расман фаолият кўрсатаётган барча тўртта сиёсий партия сайловда иштирок этадиган номзодларини рўйхатдан ўтказди. 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов 78 ёшида инсультдан вафот этди. Республика раҳбари вазифасини вақтинча ижро этувчи этиб Бош вазир Шавкат Мирзиёев тайинланди.

«Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайлов тизимини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад – сайловчиларнинг овоз бериши учун шарт-шароитларни яхшилашдан ҳамда яна ҳам кўпроқ шаффофликни таъминлашдан иборат. Айнан шунинг учун ЕХХТ ДИИХБ мамлакатингизга тўлиқ таркибда ташриф буюрди, шунингдек МДХ, ШХТ каби мониторинг олиб борувчи миссиялар ва кўп сонли хорижлик кузатувчилар иштирок этмокда», – деб маълум қилди В. Чуров жума куни журналистларга.

МСК собиқ раҳбари бу галги сайлов унинг учун Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси сифатида кузатиб

бораётган биринчи сайлов эканлигини таъкидлади. Сайловни кузатиш чоғида у Фарғона водийсидаги шаҳарларни бориб кўрмоқчи. Бундан ташқари, В. Чуров бу галги сайлов кампаниясини у Ўзбекистонда кузатган аввалги иккита сайлов кампанияси билан таккослашни мақсад қилган.

Сиёсатчиларнинг фикрича, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган Ш. Мирзиёев – Президент лавозимида асосий даъвогардир. Мирзиёев мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилишини хохламайди ва МДХ мамлакатлари билан, биринчи навбатда Россия билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори. Яна икки нафар номзод – парламентнинг қуйи палатаси спикер ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган Сарвар Отамуродов ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясини раҳбари Наримон Умаров ҳам РФ билан иттифоқчилик алоқаларини ва стратегик муносабатларни сақлаб қолишга ҳамда ривожлантиришга чақирмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясини раҳбари Хотамжон Кетмонов, энг аввало, бандлик дастурларини ва уй-жой-коммунал хўжалигида нархлар сиёсатини амалга оширишга эътибор қаратмоқда.

<https://ria.ru/world/20161202/1482688262.html>.

2016 йил 2 декабрь

РАШИД АЛИМОВ: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМДИР

Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан олдин ва сайлов куни фаолият кўрсатган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) миссияси сайловни «очиқ, эркин ва демократик» деб эътироф этди. Бу ҳақда ШХТ Бош қотиби Рашид АЛИМОВ ТАСС ахборот агентлигига интервью берди. Рашид Алимов ШХТ миссияси берган баҳо бўйича сайлов: «Ўзбекистон Республикасида демократик жараёнларни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди», деб таъкидлади.

Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон билан бирга Ўзбекистон бу йили Тошкентда саммити ўтказилган ва бир қатор муҳим ҳужжатларни қабул қилган ҳамда халқаро майдонда ўз нуфузини тезда топиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат ҳисобланади.

– Рашид Қутбиддинович, ташкилотга асос солган давлатларнинг бирида ўтказилаётган сайловни кузатиш жараёнида ШХТ миссияси иштирокига қандай баҳо берасиз?

– Халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилганлиги Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг Президент сайловини имкон қадар очиқ, шаффоф ва демократик тарзда ўтказишга интилаётганлигини кўрсатади.

Миссиянинг барча хулосалари миссия аъзолари томонидан амалга оширилган шахсий кузатувларга ва бевосита сайлов куни сайловга тайёргарлик жараёнида тўпланган амалий материалга асосланади. Миссия аъзолари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шу жумладан Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида уларни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан батафсил таништирилдилар. Миссияга сайлов иштирокчилари томонидан сайлов кампанияси доирасида олиб борилаётган ташвиқот ишлари, шунингдек аккредитациядан ўтказилган халқаро ташкилотлар кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари хақида батафсил ахборот берилди. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёни субъектлари учун қонунчилик даражасида барча зарур шарт-шароитлар яратилган, яширин овоз бериш тартиб-таомилларидан фойдаланган ҳолда ўз хоши-иродаларини тенг билдириш орқали бемалол овоз бериш ёки овоз бермаслик, сайланиш ёки сайлаш ҳуқуқи ва имконияти кафолатланмоқда. Миллий озчилик ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан таъминланмоқда. Масалан, Ўзбекистон МСК қарори билан бюллетенларни уч тилда – ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этиш назарда тутилмоқда.

– Сайлов жараёнини такомиллаштириш борасида нимани аниқ ажратиш кўрсатиш мумкин?

– Миссиянинг фикрича, сайлов жараёнининг асосий субъекти учун имзолар тўплаш фоиз ставкасининг пасайтирилганлиги, камоқда сақланаётган, бироқ суд қарори билан жазога маҳкум этилмаган шахслар учун овоз беришнинг ташкил этилганлиги, сайлов куни у ёки бу сабабларга кўра овоз бериш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари учун шарт-шароитлар яратилганлиги, фуқароларга амалдаги яшаш жойи бўйича овоз бериш имкониятининг тақдим этилганлиги – сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва либераллаштириш йўлида ташланган муҳим қадамлардан биридир. Албатта, Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўришни ва уни ўтказишни бошқа давлат ҳокимияти органларининг ҳеч бир аралашувисиз таъминловчи мустақил демократик институт сифатидаги мақомининг Конституцияда мустаҳкамланиб қўйилиши – сайловларнинг демократиклигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир.

– ШХТ миссияси республикадаги турли сиёсий кучлар, турли миллатларга мансуб фуқаролар учун яратилган шароитларни тенг деб ҳисоблайдими? Марказий Осиё мамлакатларида бу жуда жиддий масала. Бирор-бир сабабларга кўра сайлов ҳуқуқлари бузилган ҳолатлар қайд этилмадими?

– Сайлов жараёни иштирокчилари учун уларнинг қайси партияга мансублигидан ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, адолатли рақобатлашиш учун тенг шароитлар яратиб берилди. Президентликка номзодларга тенг бепул эфир вақти ва тенг нашр майдони ажратилди. Миллий озчилик вакиллари зич яшайдиган жойларда ташвиқот материаллари бешта тилда – ўзбек, рус, қозок, тожик, қорақалпоқ тилларида тарқатилди. Шу билан бирга, номзодларга оммавий ахборот воситаларида ўз дастурларини 17 та тилда чоп этиш имконияти берилди. ШХТ миссияси қайд этганидек, сайловолди кампаниясининг барча жиҳатлари таҳлили кўрсатишича, мамлакатда сиёсий ҳурфикрлик ва рақобат мавжуд, сайлов кампанияси очиқ-ошкорадир, фуқароларга мустақил ва онгли танловни амалга ошириш учун кенг имкониятлар берилган.

– Бу ерда бирор-бир янгилик борми?

– Мамлакат сайлов амалиётида биринчи марта Марказий сайлов комиссияси томонидан Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли татбиқ этилди. Участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилаётган тайёргарлик ишларининг барча босқичларини ва сайловчиларнинг овоз бериш куни сайлов участкасидаги хатти-ҳаракатларини кўрсатиб берадиган рисолалар ва услубий қўлланмалар чоп этилди, махсус видеороликлар тайёрланди. Маҳалла кўмиталари, хотин-қизлар кўмиталари, фахрийлар кенгашлари каби жамоат ташкилотлари ва тузилмалари фаол жалб этилди. Сайловчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур ташкилотлар томонидан равоқ тушунтириб берилди, шунингдек оила бошлиғи оиланинг барча аъзолари учун овоз берадиган ҳолатнинг – оилавий овоз беришнинг мумкин эмаслиги тушунтирилди.

– Шундай бўлса ҳам жиддий нуқсонлар қайд этилдимми?

– ШХТ кузатувчиларининг фикрича, қайд этилган айрим қоидабузарликлар оммавий хусусиятга эга бўлмади. Улар овоз бериш яқунларига таъсир қила олмасди.

– Техника борасида энг ривожланган мамлакатларда ҳам кўпинча муаммоли масала ҳисобланган сайлов жараёнининг техник жиҳатдан таъминланиши ҳақида нима дея оласиз?

– Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ, деб айтган бўлардим. Онлайн конференциялар туфайли номзодлар бир вақтнинг ўзида бир нечта аҳоли пункти вакиллари билан суҳбат ўтказа олдилар, олис туманларда яшовчиларга эса Президентликка номзодларга саволлар бериш ва энг қизиқтирган саволларига жавоб олиш имконияти берилди.

– Миссия бирор-бир тўсиқ ва қийинчиликларга учрадимми? Фаолиятингизга таъсир кўрсатишга уринишлар бўлдимми?

– Миссия кузатувчилари сайлов участкаларига аввалдан ишлаб чиқилган режасиз, ижро этувчи органлар ва сайлов органлари билан келишмаган ҳолда ташриф буюрдилар. Миссиянинг ҳар бир аъзоси сайлов участкасини ўзи танлади. Миссия аъзоларининг у ёки бу сайлов участкасига ташриф буюришига тўсиқлар қўйилмади. Биз ҳатто «ёпик» сайлов участкаларига ҳам бордик, масалан, Чирчиқ шаҳридаги вилоят психоневрологик диспансерида бўлдик.

– **Сайлов жараёнининг сизнинг диққатингизни тортган бирорта хусусияти бўлдими?**

– Сайлов участкаларининг очилишида туман оксоқолларининг оқ фотиҳаси олиниши Миссия аъзоларида анча катта таассурот қолдирди. Миссиянинг фикрича, бу ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирга маънавийлик бахш этади ҳамда сайлов жараёнининг иштирокчиларига яна ҳам кўпроқ масъулият юклайди. Барча сайлов участкаларида тиббиёт пунктлари, «Она ва бола» хоналари ташкил этилган. Жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг овоз бериши учун махсус жойлар назарда тутилган, сайлов участкалари йўлқалар билан жиҳозланган. Кўзи ожиз шахслар учун овоз бериш бюллетенлари илк мартаба Брайль шрифтида ҳам chop этилди.

Ўзбекистон Президенти сайловида сайловчиларнинг 87,83 фоизи иштирок этди.

– **Биринчи марта сайлов пунктларига келган ўзбекистонлик ёшлар ўзларини қандай тутдилар?**

– Овоз бериш куни ёшларнинг жуда фаоллигини мамнуният билан қайд этамиз. Сайловда биринчи марта иштирок этган ёшларга участка комиссияси томонидан алоҳида эътибор кўрсатилди. Уларга гуллар ва эса қоладиган совғалар топширилди, бу, бир тарафдан, ушбу фуқаро учун воқеанинг тантанали эканлиги бўлса, бошқа томондан, давлатнинг улғайиб бораётган авлод ҳақида ғамхўрлиги нишонасидир.

– **Рашид Қутбиддинович, қайси воқеалар сиз учун муҳим, қандай воқеалар хотирангизда қолди?**

– Тошкентдаги 83-сайлов участкасида мен 1926 йилда туғилган Назирова Марьям Маниловна билан учрашдим. Улуғвор ёшига қарамай, бу аёл номзодлардан бирига шахсан ўзи овоз беришини айтди. Неваралари билан бирга биринчилардан бўлиб сайлов участкасига келиб, участка сайлов комиссияси аъзоларига оқ фотиҳа тилади, бюллетенни ўзи тўлдирди ва овоз берди. «Политотдел» совхоздаги сайлов участкасида корейс миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари ҳукуматнинг миллий сиёсати, корейс мактаблари ва маданият марказларининг фаолияти ҳақида ижобий фикр билдирганларини эшитдим. Мусиқа мактабининг биносида жойлашган сайлов участкасида эса мусиқа янграрди. Яқинроқ келгач, сайлов комиссияси аъзолари бўлмиш мактаб ўқитувчилари сайлов участкаси эшиги олдида айни шу пайт яратилган ашулани ижро этаётганликларини

кўрдик. 200 дан ортиқ сайловчи тўпланди. Улар ҳам ашулага жўр бўлдилар. Сайловчилар мамлакат келажagini белгилашда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун онгли равишда сайлов участкаларига келдилар.

– Ўзбекистондаги бу галги сайлов якунлари ҳақида қандай асосий ҳулосаларга келиш мумкин?

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов конунчилиги талабларига ва республика томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ келди. Сайловнинг конунчилигини шубҳа остига қўядиган миллий конунчилик нормаларининг бузилиши миссия томонидан қайд этилмади. Миссия бўлиб ўтган сайловни очик, эркин ва демократик деб тан олади. Бўлиб ўтган Президент сайлови Ўзбекистон Республикасида демократик жараёнларни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлганлигини таъкидлаймиз. Ушбу интервьюда ШХТ миссияси номидан Ўзбекистон Республикасининг конуний сайланган Президентини ишончли ғалаба билан табриклашга, унга мамлакатнинг мустақиллигини, суверенитетини ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мустақамлаш йўлидан боришда муваффақиятлар тилашга, ўзбек халқига эса жамият ҳаётининг барча соҳаларида янги ютуқлар ва муваффақиятлар ёр бўлишини айтишга ижозат бергайсиз.

*ТАСС ахборот агентлигининг Пекиндаги муҳбири
Андрей КИРИЛЛОВ телефон орқали суҳбатлашди.
<http://tass.ru/opinions/interviews/3841001>.*

2016 йил 5 декабрь

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ Б. ИМАШЕВ 2016 ЙИЛ 4 ДЕКАБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ КУЗАТИШДА ИШТИРОК ЭТДИ

Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Имашев Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг таклифига кўра 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатишда иштирок этди.

4 декабрь кунини Б. Имашев Тошкент шаҳридаги бир нечта сайлов участкасини бориб кўрди. Шу куннинг ўзида у Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов билан учрашди. Учрашувда сайловни ташкил этиш масалалари, номзодлар, сиёсий партиялар, ОАВ, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар ҳамда сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари фаолияти муҳокама этилди. Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси раиси ўзи борган сайлов участкала-

рида сайловчиларнинг жуда фаоллигини, участка сайлов комиссияларининг аниқ ва уюшган фаолиятини қайд этди. Халқаро ташкилотларнинг кўп сонли миссиялари, чет давлатлар кузатувчиларининг сайловни кузатишда иштирок этиши халқаро ҳамжамият томонидан сайловга бўлган кизиқишнинг катталигидан далолат беради. Томонлар икки мамлакат марказий сайлов органлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш хақида келишиб олдилар.

Сайлов участкалари ёпилганидан кейин Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси раиси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) кузатувчилари миссияси баёнотининг муҳокамасида катнашди.

Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) кузатувчилари миссияси таркибида сайловни кузатишда Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси М. Сарсембаев ҳам иштирок этди.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловида Қозоғистондан жами 59 киши, шу жумладан МДХ миссияси таркибида 8 киши, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси таркибида 10 киши, ШХТ таркибида 1 киши, икки томонлама асосда 40 киши катнашди.

<http://www.election.kz/rus/news/releases/index.php?ID=3477>.

2016 йил 5 декабрь

ФРЕДЕРИК СТАРР: «БУ ГАЛГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ – ОЛДИНГА ТАШЛАНГАН ҚАДАМДИР»

«Давлат раҳбарини сайлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси» деб номланган халқаро конференция якунлангач, «Uzbekistan Today» мухбири конференция иштирокчиси, халқаро кузатувчи – Ж.Хопкинс номидаги университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик СТАРР билан суҳбатлашди.

– Давлат раҳбари сайлови – Марказий Осиёнинг етакчи мамлақати бўлмиш Ўзбекистон учун жуда муҳим воқеадир. Ўзбекистонда юзага келган кўппартиявийлик тизими мамлакат демократия йўлидан бораётганлигидан далолат беради. Партиялараро рақобат жамиятни олға ривожлантиради. Сайлов кампанияси вақтида барча тўртта сиёсий партия учун яратилган тенг шарт-шароитлар адолат тимсолидир. Ўтган давр мобайнида барча партиялар реал амалий ишлар билан шуғулланадиган ва бутун республика аҳолиси билан ишлайдиган жонли организмларга айланди. Партиялар мамлакатни ривожланти-

риш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим масалалари юзасидан ўзининг аниқ нуқтаи назарларига эга бўлди. Шунинг учун Ўзбекистондаги кўппартиявийлик тизимининг янада ривожлантирилишини кузатиш жуда қизик бўлади, – деб таъкидлади Ф.Старр.

– Сиз Ўзбекистонда биринчи бўлишингизми?

– Мен мамлакатингизда кўп бўлганман, юртингиз ҳақида кўп ёзганман. Мамлакат МДХ етакчиларидан бири, десам муболаға бўлмайди. Бундай ютуқлар қонунчиликни замон талабларига мувофиқ мунтазам ривожлантириб бориш натижасида юзага келган. Ўзбекистон халқининг мамлакатнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан бошлаб берилган кенг миқёсли ислохотларни давом эттиришга интилиши юксак баҳога лойиқ. Лекин республикангизда бўлиб ўтаётган сайловда биринчи марта иштирок этишим.

– Ўз китобингизда сиз ҳам Збигнев Бжезинский каби Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги, Буюк Ипак йўлида жойлашган муҳим давлат эканлигини таъкидлайсиз.

– Китобимнинг асосий ғояси 500 йил давомида Марказий Осиё – бу эса Ўзбекистон жойлашган ҳудуд – жаҳоннинг чеккаси эмас, балки маркази бўлганлигини таъкидлашдан иборат. Барча соҳаларда, жумладан маданият, иқтисодиёт ва ҳатто ўша давр технологиялари борасида эришилган ютуқлар жаҳонда эришилган ютуқларнинг энг чўққиси эди. Ва мен барча соҳаларда эришилган бу ютуқлар қандай бўлганлигини ва бунга қандай эришилганлигини тушунтиришга интилдим.

Лекин менинг энг асосий ғоям: бу минтақа жаҳоннинг чекка ҳудуди эмас. Сизлар атрофингизда жойлашган барча маданият марказлари билан тўғридан-тўғри алоқага киришган ягона минтақасиз. Сизлар бутун дунёдаги энг ноёб минтақада жойлашгансиз ва бундай ҳолат ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

– Сизнингча, бу галги сайлов халқаро стандартларга қай даражада мос келади?

– Бу саволни барча халқаро кузатувчилар ўзларига бермоқдалар. Аввалги сайлов кампанияси билан таққосланса, бу галги сайлов кампаниясини олдинга ташланган қадам дейиш мумкин. Мамлакатнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Яна бир муҳим жиҳат – ҳокимият алмашинуви ва бўлиб ўтаётган сайлов тинч йўл билан ўтказилмоқда. Бу республиканинг чинакам ютуғидир, ҳамма ерда ҳам бундай бўлавермайди, шу сабабли менинг туйғуларим ижобий.

– Сиз Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдингизми?

– Албатта. Уларнинг дастурлари анча қимматли. Бу дастурлар мамлакат аҳолисини хавотирга солаётган жиддий муаммоларни аниқлаш ва уларни са-

марали ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш борасида номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан катта ишлар бажарилганлигидан дарак беради.

– Сайловнинг мамлакат оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини қандай баҳолайсиз?

– У юкори даражада деб ўйлайман. Мени «Elections.uz – 2016» пресс-клуби койил қолдирди. Мен мазкур пресс-клубнинг фаолиятига шўнғиб кетдим. У ердаги ижодкорлик кайфияти ва замонавий технологиялар менда таассурот қолдирди. Менимча, бу шунчаки сайловни ёритишдаги янгилик эмас, балки республикада журналистикани ривожлантиришдаги янги босқичдир.

«Uzbekistan Today»,
2016 йил 6 декабрь

ИСПАНИЯЛИК КУЗАТУВЧИЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН БОРМОҚДА»

Ўзбекистон Президенти сайлови устидан мониторинг олиб бораётган ва уни ёритаётган испаниялик кузатувчилар ва журналистлар ўз миссиясини яқунлаб, она юртларига қайтиб кетдилар. «Жаҳон» ахборот агентлигининг Мадриддаги мухбири уларнинг таассуротлари ва фикрлари билан қизиқиб кўрди.

Мадриддаги Сан Пабло университети профессори Антонио Алонсо МАРКОС:

– Менда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларнинг кўлами таассурот қолдирди. Президент сайлови умумэтироф этилган демократик стандартларга мувофиқ ҳеч бир қоидабузарликсиз ўтказилди. Мен сайловни ташкил этишда ҳам, умуман сайлов жараёнида ҳам жиддий ютуқларни сездим. Президентликка кўрсатилган барча тўртта номзод қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек, бир хил ва мутлақо тенг имкониятлардан фойдаландилар.

Сайловчиларнинг овоз беришда фаол иштирок этганлиги ўзбек халқи ўз мамлакатининг келажаги ҳақида кўп қайғураётганидан дарак беради. Фуқаролар сайловга фақат бир мақсадни – энг муносиб номзодни сайлашни кўзлаб келдилар.

Умуман олганда, бу сайлов Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёни катта ютуқларга эришганини кўрсатиб берди.

Испаниянинг Саноат ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар уюшмаси («SERCOSBE») бош директори Хуан Рамон Дюран ПУЭБЛА:

– Демократия йўлида ишонч билан ривожланаётган ёш давлат учун ҳеч бир шубҳа ва муболағасиз тарихий воқеа бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Ёш авлоднинг ўзига хос электорал фаоллигини қайд этиб ўтмоқчиман. Афсуски, Европа мамлакатларида бундай вазият камдан-кам учрайди. Ёшлар ўз мамлакатининг келажаги билан қизиқиши жуда муҳимдир. Ўзбек ёшлари келажакдан жуда умидвор ва ўз мамлакатининг истиқболига ишонади.

Овоз бериш жараёнига келсак, сайлов участкаларига ташриф буюрган чоғимда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолатлар бўлмади. Сайлов энг юксак савияда, халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилди. Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини янги раҳбар сайланганлиги билан табриклайман.

Испаниянинг «Дипломат» наشري бош муҳаррири Мануэль-Альберто РУБИО:

– Мен Ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюрдим ва сайлов жараёни билан танишиш учун журналистларга берилган имкониятдан жуда мамнунман. Очиги, мен мамлакатингиз барча соҳаларда, шу жумладан сайловни ташкил этиш борасида эришган ютуқлардан лол қолдим. Глобал молия бозорларида «гирдоб» кузатилаётган, сайёрамизнинг турли минтақаларида низолар тўхтамаётган бир шароитда сиёсий барқарорликни ҳамда фаол иқтисодий тараққиётни сақлаб қолиш мураккаб вазифадир. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти бунинг урдасидан чиқмоқда. Шу туфайли қўйилган мақсадлар ва вазифалар амалга ошмоқда.

Янги Президентни сайлаш натижалари бундан буён ҳам ютуқ-муваффақиятларни жамлашга ва давлат олдида турган таҳдидларни енгиб ўтишга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

*«Жаҳон» АА, Мадрид
2016 йил 8 декабрь*

ЕВРОПА ОАВ: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: ОСИЁ ЮРАГИДАГИ ТАРИХИЙ ЛАҲЗА»

Мамлакатимиздаги сайлов жараёни Европа ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доираларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг ҳали ҳам диққат марказида турибди.

Жумладан, яқинда Испаниянинг етакчи таҳлил марказларидан бири – Валенсия шаҳрида жойлашган **Стратегик ва халқаро тадқиқотлар ин-**

ститутининг веб-саҳифасида мақола чоп этилиб, унда Президент сайлови Ўзбекистонда янги саҳифа очиши ва Марказий Осиёда минтакавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда барқарорликни сақлаш учун улкан аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

«31 миллиондан ортик аҳолисига, қадимий тарихи ва бой маданиятига эга Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юрагидир. Тинч ва тотув, диний бағрикенглик муҳотида яшаётган 100 дан ортиқ миллат ҳамда этник гуруҳларнинг ватани бўлган бу давлат минтақанинг барқарорлиги ва равнақи учун марказий аҳамиятга эга. 15 та дин вакиллари, шу жумладан католик черков издошлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга», – деб қайд этилади таҳлилий мақолада.

Шу муносабат билан Ўзбекистон давлат раҳбарининг сайланиши ҳеч бир муболағасиз минтақа микёсидаги тарихий воқеадир, Ўзбекистоннинг янги йўлбошчиси раҳбарлигида барқарор ва фаол тараққиёт минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни кенгайтиришга катта ҳисса қўшади.

Швейцариянинг «Diplomatic News» журнали Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловига журналнинг бутун сонини бағишлади. Ушбу сонда Ўзбекистонда ўтказилган сайловнинг турли хусусиятларига, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, унинг ноёб тарихий-маданий меросига ва туристик салоҳиятига бағишланган материаллар чоп этилди.

Мазкур сонда демократик ва институционал ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, сўз икки палатали парламент тизими ривожини, сиёсий партиялар ролининг ошиши ва сайлов тизимининг такомиллашуви ҳақида борди. Демократияга мувофиқлик даражаси бўйича мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларини ортда қолдириши таъкидланмоқда.

«Diplomatic News» журналига кўра охириги вақтда Ўзбекистон демократик институтларни янгилаш борасида анча муҳим жараёни бошидан ўтказди. Сайлов тизимини кузатиш асосида 2014–2015 йилларда парламент ва Президент сайловлари юқори профессионал даражада, шаффоф ва очик тарзда, демократия тамойиллари ҳамда нормаларига мувофиқ равишда ўтказилганлиги таъкидланмоқда.

Муаллифлар куз фаслида Президент ҳокимиятининг янги раҳбарга ўтказилиши қонуний бўлганлигига, ўзбек давлатчилиги ўз барқарорлигини намоён этишга урғу бермоқда. Бу галги сайлов кампанияси Ўзбекистон демократик ислоҳотларнинг ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг тўғри йўлидан бораётганини намоён этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу сонда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига юқори баҳо берилмоқда. Етакчи халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот марказларининг экспертлари ҳамда таҳлилчилари «тараққиётнинг

Ўзбек модели» феноменини эътироф этаётганлиги таъкидланмоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимиз юқори технологик келажакка қадам ташлаб, халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнига фаоллик билан киришди.

Муаллифлар охириги 4 йилда хусусий мулкнинг ролини оширишга ва уни химоя қилишга, ишбилармонлик муҳити ҳолатини ҳамда бизнес юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та қонун қабул қилинганлигига эътибор қаратмоқдалар.

Ўзбекистонда таркибий ислохотларни ўтказиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини янада камайтириш, саноат секторини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

«General Motors», «MAN», «Huawei», «Knauf», «Rieter», «Nestle», «Indorama» ва «Maxam» каби жаҳоннинг етакчи компаниялари билан йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли инвестициявий ҳамкорликка мисоллар сифатида келтирилмоқда.

Швейцария наشري БМТ, Жаҳон банки, ЕТТБ маърузалари ва прогнозларини эсга олади. Бунга кўра Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши охириги 10 йилда 8 фоиз даражасида баҳоланмоқда.

*Жаҳон» АА,
2016 йил 8 декабрь*

«ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ЎТМОҚДА»

Хитой халқаро радиосининг веб-сайтида Хитой инстимойи фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтининг катта илмий ходими Су ЧАНнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловига бағишланган мақоласи жойлаштирилди.

Мақолада қайд этилишича, ушбу воқеанинг муваффақиятли ўтказилиши Марказий Осиё барқарорлиги ва хавфсизлигининг муҳим кафолатидир.

«Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар тараққиётнинг янги босқичига ўтди. Президент сайловидан сўнг мамлакат янги раҳбариятининг устувор вазифаси жаҳонда инқирозлар давом этаётган шароитда республиканинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни ҳал қилишдан иборат», – дейди муаллиф.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон кўплаб қийинчилик ва синовларни енгиб ўтиб, тараққиётнинг ўз йўлини танлаб олганига урғу берилади. «Мамлакатнинг сиёсий тизими миллий манфаатларни ҳисобга олиб шакллантирилган, ислохотларнинг миллий модели эса бозор иқтисодиётига асосланган.

Кўплаб йўналишларда юқори натижаларни кўрсатаётган Ўзбекистон янги тарихий даврга қадам қўймоқда», – деб ёзади эксперт.

Шунингдек, материалда ўзбек халқи аниқ мақсадни кўзлайдиган кучли халқ эканлиги ҳам қайд этилади. «Мамлакат ҳудудида яшаган буюк шахслар жаҳон фани ва маданиятини ривожлантиришга кўмаклашди. Ўзбекистонлик савдогарлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ҳамкорликка ўзига хослик бахш этди», – деб ёзилади мақолада.

Муаллиф ХХР ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётган алоқаларга алоҳида эътибор қаратади. «Ўзбекистон Хитойнинг самимий ва ишончли ҳамкори бўлган ва бўлиб қолади. Мавжуд келишувлар асосида икки томонлама ҳамкорлик мустаҳкам ривожланишда давом этади», – деб хулоса қилади С. Чан.

«Жаҳон» АА, Пекин,
2016 йил 8 декабрь

«ДАРҲАҚИҚАТ, ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА»

Малайзиянинг машҳур «TOP 10» журналида Малайзиянинг Ислом маданият институти директори Моҳд Юсуф бин Ҳожи ОСМАНнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайловига бағишланган катта мақоласи чоп этилди.

Материалда мазкур воқеа ўзбек халқи ва давлати учун чиндан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Муаллиф барча номзодлар сайловолди кампаниясини ўтказиш учун тақдим этилган тенг имкониятлардан фойдаланганликларини таъкидлайди. Экспертнинг фикрича, сайловчилар номзодларнинг ўзбек халқи олдидаги хизматларидан, шунингдек улар Президент лавозимига сайланган тақдирда, уларнинг дастурларида баён этилган фаолиятнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, ўз танловини амалга оширдилар.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳақида сўзлаётиб, муаллиф мамлакатимиз Марказий Осиёдаги муҳим давлат эканлигини таъкидлайди. «Ўзи билан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган бу ўлка жаҳон маданиятини бойитди. Республика кўплаб ноёб ёдгорликларга эга ва минтақадаги энг асосий сайёҳлик маркази саналади», – дейилади мақолада.

Шу нуқтаи назардан Малайзия буддистлари жамияти Виктор Вининг фикри келтирилади. У буддизмнинг тарихий ёдгорликлари жойлашган Сурхондарё вилоятини тез-тез зиёрат қилади. Виктор Ви мамлакатимиз пойтахти

ва шаҳарларининг кифасини ўзгартириш, хусусан уй-жойлар куриш борасида амалга ошириладиган ишларга ҳамда аҳолининг маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга юқори баҳо беради.

Мақола муаллифи Ўзбекистон Ислон маданиятининг қадимий марказларидан бири, буюк олим ва мутафаккирлар ватани эканлигини таъкидлайди.

«Мамлакатнинг меъморий мероси бутун дунёдан, шу жумладан Малайзиядан кўплаб сайёҳларни жалб қилади. Мавжуд ресурслар ва имкониятларни, шунингдек ўзаро манфаат ва ҳурматни, анъаналар ўхшашлигини ҳисобга олсак, яқин йилларда икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада ошириш ҳамда сайёҳлар оқимини бир неча баравар кўпайтириш мумкин», – деб ёзади эксперт.

*«Жаҳон» АА, Куала-Лумпур
2016 йил 9 декабрь*

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ПАРИЖДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Яқинда Парижда мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан Европадаги истиқболлар ва хавфсизлик институти (IPSE) билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари: ўзбек халқи манфаатларига, Конституцияга ва юксак халқаро стандартларга содиқлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Франция парламенти, вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотлари, Сорбонна университети ҳамда Илмий тадқиқотлар миллий маркази вакиллари, IPSE экспертлари, Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловда иштирок этган халқаро кузатувчилар, шунингдек маҳаллий ОАВ журналистлари қатнашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Светлана Артикова ҳам иштирок этди. С. Артикова сайловолди тайёргарлигининг бориши, 4 декабрь куни сайловнинг ўтказилиши ва овоз бериш яқунлари ҳақида батафсил ахборот берди. Мамлакатда кенг кўламли социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва демократик ислохотларни давом эттириш, Марказий Осиёнинг барқарорлигини, хавфсизлигини ва барқарор тараққиётини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Сайланган Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқининг асосий низомлари Франция томонида катта қизиқиш уйғотди.

Франциялик халқаро кузатувчилар мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловидан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

Эммануэль ДЮПЮИ, Европадаги истиқболлари ва хавфсизлик институти президенти:

– Ўзбекистонда 2016 йилги сайлов кампаниясининг бориши ва яқунлари, бизнинг баҳоимиз бўйича мамлакатдаги ва минтақадаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатади. Сайланган Президентнинг ички сиёсий устуворликлари унинг Конституция қунига бағишланган нутқида яхши акс этган. 2017 йил мамлакатда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганлиги Ш.М. Мирзиёев танлаган йўлни кўрсатиб беради. Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини яратиш ҳақидаги унинг новаторлик ташаббуси – бу ҳокимият органларининг жавобгарлигини, улар фаолиятининг очиқ-ошкоралигини ва ҳисобдорлигини кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш, шунингдек давлат ишларининг барча соҳаларида самарали бошқарувни такомиллаштириш мақсадида қўйилган муҳим қадамдир.

Андре РИШАР, Қуйи Рейн департаменти сенатори, Европа Кенгаши парламент ассамблеяси аъзоси, «Франция–Кавказ» дўстлик гуруҳи раиси:

– Қонун ижодкорлиги, назорат ва таҳлил соҳасида ҳукумат ҳамда парламент ўртасида самарали ҳамкорлик олиб бориш ҳақидаги ташаббус сенатор сифатида эътиборимни тортди. Бу қадам ҳокимият органларида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини кучайтиради, қонунлар, шунингдек уларнинг ижроси устидаги ишларни яхшилайд.

Ўзбекистондаги сайловни кузатиш чоғида биз катта демократик жараённинг, юқори савияда ташкил этилган ва ўтказилган ҳақиқий демократик умумхалқ сайловининг гувоҳи бўлдик. Бошқа кўпчилик мамлакатлар сизлардан ўрганса бўлади, деб ҳисоблайман.

Жан-Антуан ДЮПРА, Париж IV Сорбонна университетининг Шаҳарсозлик ва тараққиёт институти директори ўринбосари:

– Бу галги сайлов кампанияси Ўзбекистонда мен халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган учинчи сайлов кампаниясидир. Аввалги парламент ва Президент сайловларида мен сайлов органларининг аниқ ва бенуқсон ишларига алоҳида эътибор қаратган эдим. Бу сафар сайлов жараёнининг ажойиб тарзда ташкил этилганлиги, шунингдек сайлов кампаниясининг шаффофлик даражаси ошганлиги, бирор-бир техник хатолар, қоидабузарликлар ёки суиистеъмолларга йўл қўймаслик чораларининг кучайтирилганлиги мени хурсанд қилди.

Мамлакат ҳаётининг турли соҳаларини модернизация қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотларнинг давом эттирилиши туфайли республи-

када фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг самарали ҳуқуқий базаси шаклланган бўлиб, у халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида сайловни ташкил этиш жараёнида юз берган бир қатор ижобий ўзгаришларни ҳам қайд этмокчиман. Мамлакат бўйлаб овоз беришнинг жонли харитасига эга ахборот жадвали тизимининг қўлланилганлиги, сайлов кампаниясининг матбуотда ва телевидениеда тўлиқ ёритиб борилганлиги, ташвиқот материаллари, сайлов жараёнининг тўғридан-тўғри трансляция қилиниши юқори баҳоларга муносиб. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда сайлов кампанияларини ўтказиш технологик ва сиёсий жиҳатдан такомиллаштирилганлигидан далолатдир.

Пьер-Эммануэль ДЮПОН, Халқаро ҳуқуқ масалалари бўйича консалтинг ташкилот – «Public International Law Advising Group» раиси:

– Энг аввало, республика сайлов органларининг юқори даражада профессионалигини ва жавобгарлигини қайд этиб ўтмокчиман. Ўзбекистонда сайловчилар фаол қатнашган, мамлакат сиёсий партиялари ўртасида ҳақиқий рақобат муҳитида ҳамда қоидабузарликларсиз ва тўсиқларсиз ўтказилган сайлов менда жуда ижобий таассурот қолдирди. Мен Бухородаги 16 та сайлов участкасида бўлдим. Жисмоний имкониятлари чекланган одамлар учун яратилган қулай шарт-шароитларни, оилавий овоз бериш, бюллетенларни ташлаб юбориш ва бошқа қоидабузарликларнинг олдини олиш борасида кўрилган чораларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Шунингдек, бизнинг миссиямиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат маҳсулотларини кўпайтириш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни рўёбга чиқариш, йўллар ва бошқа коммуникациялар қуриш соҳасида Ўзбекистон эришган янги ютуқларни кўриш имкониятига эга бўлди. Мамлакат киёфаси яхши томонга тез ўзгармоқда.

Янги Президент сайланиши Ўзбекистон ўз давлатчилиги ва унинг фаол тараққиёти синондан ўтганлигини кўрсатиб беради. Сайлов республиканинг минтақадаги барқарорлик, хавфсизлик ҳамда иқтисодий ва сиёсий тараққиёт омили сифатидаги ролини яна бир бор кўрсатиб берди. Ўзбекистон – минтақавий таҳдидлар ва хавфларга қарши таянч мамлакатдир.

Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши нафақат иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини давом эттиришга, балки минтақадаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Президентнинг сиёсий дастури Ўзбекистоннинг барча қўшни мамлакатлар билан муносабатларини яхшилашга ва мустаҳкамлашга, шунингдек дўстона ва ўзаро самарали алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги пухта ўйланган ёндашувни сақлаш-га кўмаклашади. Ўзбекистон – Франциянинг бу борадаги муносабатлари ҳар томонлама кенгайиб боришига ишонаман.

«Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида сенатор Андре Ришар сайловчиларнинг, шу жумладан ёшларнинг фаоллиги уни лол қолдирганлигини таъкидлади.

– Ёш авлод учун бу ўзбек халқининг бой тарихига таянадиган ҳақиқий демократия дарси вазифасини ўтаб берди, – дейди А. Ришар. – Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти танлаган ва республика Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сайланган Президент Ш.М. Мирзиёевнинг нутқида белгилаб берилган демократик, ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий ислохотларни янада ривожлантиришга қаратилган йўлни фаол қўллаб-қувватлаш – ҳозирги шароитда Франциянинг ва бутун Европанинг вазифаси бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Франция Сенатининг «Франция – Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи Ўзбекистон манфаатдор бўлган барча устувор йўналишлар бўйича парламентлараро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори. Имкониятдан фойдаланиб, ўзбек халқига янги ютуқлар ва тараққиётга эришишда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Ўз навбатида, «Авиценна–Франция» уюшмаси президенти Марк БОННЕР Ўзбекистоннинг туризм соҳасини жадал ривожлантириш, шу жумладан виза сиёсатини тубдан эркинлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

– Бу, ҳеч шубҳасиз, жаҳон сайёҳлик бозорида Ўзбекистонга янги имкониятларни очиб беради, – деди у. – Мамлакатингизга халқаро кузатувчи сифатида амалга оширган бу галги ташрифим республика вазирлик ва идораларида муҳим учрашувлар ўтказилганлиги билан эсда қолади. Умид қиламанки, мазкур учрашувлар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳасида, Абу Али ибн Синонинг буюк илмий ва инсонпарварлик меросини жаҳонда илгари суришда ўзаро самарали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Сорбонна университети профессори Ги Оливье ФОР қуйидагиларни таъкидлади:

– Ўзбекистондаги Президент сайловида овоз бериш жараёни имкон қадар очик ва ошкора ташкил этилди. Маҳаллий ва кўп сонли халқаро кузатувчилар сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини бошидан охиригача кузатиб бориш имконига эга бўлдилар. Сайлов демократия шароитида ўтказилди. Ўзбекистон фуқаролари жавобгарликни тўлиқ ҳис этади, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни ривожлантириш йўлидан қатъий боришга бўлган иштиёқи баланд.

*«Жаҳон» АА, Париж,
2016 йил 10 декабрь*

ФРЕДЕРИК СТАРР: «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН СИЁСАТИДАГИ РОЛИ ОШИБ БОРАДИ

Жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бир қатор халқаро ташкилотлар ва жаҳоннинг 46 мамлакатидан ташириф буюрган қарийб 600 нафар кузатувчи сайловнинг бориши устидан мониторинг олиб борди. Улар орасида америкалик эътиборли олим, Жон Хопкинс университети қошидаги жаҳонга машҳур Марказий Осиё ва Кавказ институтининг раиси Фредерик СТАРР ҳам бор эди.

Эксклюзив интервьюда америкалик эксперт «Жаҳон» АА саволлари-га жавоб берди.

– Халқаро кузатувчи сифатида Сиз Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига ҳамда сайлов яқунларига берган баҳоларингизни биз билан ўртоқлаша оласизми?

– Энг аввало, сайланган Президент Шавкат Мирзиёевни сайловда қозонилган ишончли ғалаба билан табриклашни хоҳлардим. Шунингдек Ўзбекистон халқини ҳам ушбу муҳим сиёсий тadbир яқунланганлиги билан қутлайман.

Ўзбекистондаги Президент сайлови муддатидан олдин ўтказилганлигига ва унга тайёргарлик кўриш учун мамлакат Конституциясида қисқа вақт берилганлигига қарамай, сайлов муваффақиятли ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтди.

Давлатдаги энг олий лавозимга кўрсатилган барча номзодларга босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида бир хил майдон тақдим этилди. Партиялар ўз ғояларини сайловчиларга етказиш учун илк маротаба Интернет технологияларини, ижтимоий ресурсларни («Твиттер», «Телеграмм», «Фейсбук») қўллади. Номзодлар мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ йўллари таклиф қилдилар, баҳслашдилар.

Сайловнинг очиклигини намоиш этган ҳолда Ўзбекистон сайловга биринчи марта ЕХХТнинг узоқ муддатли миссиясини таклиф қилди. Ҳукумат «оилавий овоз бериш» амалиётини қоралайдиган, «сайловчиларни фаол бўлишга» рағбатлантирувчи махсус роликлар телевидениеда намоиш этилишини ташкил қилди.

Албатта, мутлақо кўнгилдагидек сайловлар бўлмайди. Ҳатто жаҳоннинг энг ривожланган демократик давлатлари ҳам айрим хатоларга йўл қўяди. Бунинг ҳеч кўрқинчли жойи йўқ. Лекин ўйлашимча, энг асосийси, барча бир ҳолатни тан олди – бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистондаги демократия тартиб-таомилларини ривожлантиришда олдинга ташланган катта қадам бўлади.

Ўзбекистон бу билан тўхтаб қолмайди, деб умид қиламан. Кейинги Президент сайловида биз партиялар ва номзодларнинг кўпроқ фаоллигини, ғоя

ва фикрлар қарама-қаршилигини кўришимизга ишонаман. Бу мазкур сайлов мамлакатни ривожлантиришга катта сиёсий туртки берганининг исботи бўлади.

– Сайланган Президент Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди кампаниясини қандай баҳолайсиз?

– Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти вазифасини бажараётган вақтда тезлик билан қарорлар қабул қилди ва аҳолининг турмушини яхшилаш, етилиб қолган ислохотларни таклиф қилиш борасида бир қанча амалий қадамлар ташлади. У суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга, коррупцияга қарши курашишга, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишга ва бизнес муҳитини яхшилашга, парламент ролини оширишга ҳамда унинг ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилишини кучайиришга қаратилган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилди. Аслини олганда бу ташаббуслар аҳолига Ш. Мирзиёевнинг сиёсий йўлини қўллаб-қувватлаш учун мутлақо онгли танловни амалга ошириш имконини берди.

Сайловга қадар эълон қилинган ислохотлар узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар деб ўйлайман. Сайлов якунлари – муваффақиятли хотима эмас, балки мамлакат сиёсий ҳаётининг янги дебочасидир. Ўзбекистон ўзининг янги раҳбарияти билан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил ривожлантиришни ва янада ислох қилишни давом эттиришига ишончим комил.

Мен Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Бу тизим мамлакатнинг сиёсий тизимида катта салмоққа эга бўлишига ишонаман. Бу ҳукумат инсонлар манфаатлари ва орзу-истакларини акс эттиришининг энг яхши кафолатидир.

– Сиз Конституция кунига бағишланган тадбирда, сайланган Президентнинг нутқи вақтида иштирок этдингиз. Унинг нутқи Сизда қандай таассурот қолдирди?

– Сайланган Президент менда серғайрат, қатъиятли ва ажойиб сиёсатчи сифатида таассурот қолдирди. Аслида у ўз нутқида янги сиёсий йўлни тилга олди. Бу унинг сайловолди ташаббуслари ва дастурий платформасида кўрсатилган асосий низомларнинг манتيқий давоми бўлди. Мен Ш. Мирзиёевнинг ҳокимларни сайлаш тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги таклифини туб ўзгариш деб ҳисоблайман.

У томонидан бошланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислох қилиш жараёни, шунингдек унинг аҳоли билан мулоқотга тайёрлиги ва очиқлиги Ўзбекистонни сиёсий тараққиётнинг умуман янги босқичига олиб чиқади.

– Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият мураккаблигича қолган бир вазиятда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистонга АҚШ томонидан қандай ўрин берилади?

– АҚШда Ўзбекистон – Афғонистон билан чегарадош бўлган Марказий Осиёнинг энг йирик давлати эканлиги яхши маълум. Вашингтонда ҳам мамлакатингиз минтақанинг маданий маркази эканлигини яхши тушунадилар.

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан муносабатларни фаоллаштиришга қаратилган бир қанча ташаббусларни амалга оширди. Умид қиламанки, бу ташаббуслар Марказий Осиёнинг барча давлатлари томонидан қўллаб-қувватланади. Минтақа мамлакатлари бир-бири билан келишиб иш тутиши, жаҳон майдонларида уларнинг алоҳида овозлари эмас, балки кучли умумий қарашлари янграши муҳимдир. Шу туфайли Вашингтонда ҳам, бошқа пойтахтларда ҳам бутун минтақанинг овози кучлироқ янграйди. Бунда Ўзбекистон марказий роль ўйнаши лозим.

– АҚШнинг янги маъмурияти сиёсатида Марказий Осиё ва Афғонистонга нисбатан бирор-бир ўзгаришларни кутиш мумкин?

– Ҳозирча мен учун бу саволга жавоб бериш қийин. Лекин менимча, биз янги маъмурият холис ахборотга кўпроқ амал қилишини, маслаҳатчиларнинг кенг доирасини жалб қилишини кўраимиз. Умид қиламанки, ҳеч бир муаммо уларнинг эътиборидан четда қолмайди ва барча қарашлар ҳисобга олинади.

Янги маъмурият раҳбарлиги остида АҚШнинг ташқи сиёсати фаолроқ хусусиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Менинг тахминларимга кўра яқин келажакда Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги, шу жумладан АҚШ ташқи сиёсий стратегиясидаги роли ошиб боради.

Вашингтонда ҳозирги вақтда янги маъмурият шакллантирилмоқда. У Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни ва Афғонистонда муҳим роль ўйнашни давом эттиришига ишончим комил.

– Биз Сизни Марказий Осиё тарихи ва маданиятини чуқур ўрганган йирик олим сифатида биламиз. Сизнингча, минтақанинг тарихий-маданий мероси Марказий Осиё давлатларининг жаҳондаги ролини қандай белгилаб беради?

– Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё халқлари ноёб қобилиятга, қандайдир бир «жипслаштирувчи кучга» эга бўлган. Бундай куч турли қитъалардаги ва турли маданиятга мансуб кишиларни бирлаштиради. Марказий Осиё давлатлари халқаро сиёсий жараёнларга фаол жалб этилган, уларнинг ҳудудларида йирик жаҳон форумлари ўтказилмоқда. Бу ерга маҳаллий халқларнинг меҳмондўстлигидан баҳра олиш, бир-бирлари билан суҳбатлашиш учун турли мамлакатлардан ташриф буюрадилар.

Ўзимнинг «Йўқотилган маърифат: Араблар босқинидан то Темур замонасига қадар давом этган Марказий Осиёнинг олтин асри» номли китобимда 500 йил давомида, антик давр ва XVI–XVII асрлар орасида Марказий Осиё жаҳоннинг маркази бўлганлигини қайд этганман. Бу минтақа тарихидаги ғоят зўр давр эди. Марказий Осиёнинг буюк арбоблари математика, астрономия, биология, кимё соҳасида туб бурилиш ясаб, жаҳон маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Бунга нима сабаб бўлганди? Марказий Осиё у вақтда Евросиёнинг барча мамлакатлари билан алоқада бўлар эди, жаҳоннинг ҳар бир нуқтасидан ахборот олар эди. Бу ўзгаришларга тайёр очик, бироқ шу билан бирга мустақил жамият эди. Марказий Осиё халқлари нафақат иқтисодиётни қандай бошқаришни ва пул билан қандай муомала қилишни биладиган моҳир савдогар эдилар, балки илм-фан таъсирини ёйишга интилар, Қадимги Юнон мутафаккирларининг асарларини ўз тилларига таржима қилар эдилар.

Нима учун бу «олтин аср» давом этмади? Бунинг сабаблари кўп. Лекин, энг асосий сабаби, менимча, тўғри ва оқил ғоялар диний зиддиятнинг кескинлашиши туфайли эски ақидалар томонидан сиқиб чиқарилди. Шу сабабли биз ҳаммамиз тарих сабоқларини ёдда сақлашимиз, ўтмишнинг хатоларини қайтармаслигимиз лозим. Ўзбекистонда мен кўрган ҳолат бу ерда буни яхши тушунишларидан далолат беради.

«Жаҳон» АА,
2016 йил 10 декабрь

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ОАВ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВ СОФ ВА ОЧИҚ СИЁСИЙ КУРАШ ОСТИДА ЎТДИ

Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайлов яқунлари Жанубий Корейнинг бир қатор оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларида, жумладан «The Seoul City» журналида, «The Korea Post», «Yonhap News Agency», «Joongan Ilbo», «News is», «Asian news agency» Интернет нашрларида ўз аксини топди.

Мазкур нашрларнинг чоп этишича, бўлиб ўтган сайлов фуқаролар ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигининг юксак даражасини намойиш этиб берди. Фуқаролар овоз беришда иштирок этиб, ўз Ватани тақдирига дахлдорлигини ва фуқаролик нуқтаи назарини яна бир бор кўрсатдилар.

«Сайловолди кампанияси кўппартиявийлик ва адолатлилик тамойиллари асосида ўтказилди. Барча номзодларга ўз дастурларининг асосий мазмунини сайловчиларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Сайлов жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар ва талабларга тўлиқ риоя қилинди», – деб қайд этилади материалларда.

Ўқувчиларнинг диққат-эътибори сайловда ғалаба қозонган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга қаратилмоқда. Ш. Мирзиёевга сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи овоз берди.

«**The Seoul City**» журналининг мақоласида Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган ушбу нашр бош муҳаррири Шин Хюн Дунинг фикрлари берилмоқда.

«Мен сайловнинг очик-ошкоралигини ва барчаси пухта ташкил этилганлигини кўрдим. Ҳар бир сайлов участкасида паспорт маълумотлари асосида тузилиб, барча рўйхатдан ўтказилган сайловчиларнинг рўйхатлари бор эди. Сайловчилар яхши кайфиятда эдилар ва ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қатъий қарор қилгандилар», – дейилади нашрда.

Шунингдек, «**The Seoul City**» журнали ўқувчиларни мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар билан ҳам таништиради. Ўзбекистон демократик янгиланиш ва либерализация йўлидан ишонч билан бораётганлиги, мамлакатда тинчлик ва тотувлик, ўзаро ҳурмат муҳити, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ҳукм сураётганлиги, макроиқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлиги таъкидланади.

«Бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон халқи демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, аҳоли фаровонлигини оширишга ва республикани раванқ топтиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга содиқ эканлигини яна бир бор намоёиш этди», – деб ёзилади журналда.

Ўз навбатида, «**The Korea Post**» Интернет нашрида Ўзбекистодаги сайлов соф ва очик сиёсий кураш остида миллий қонун ҳужжатларининг қоидалари ва нормаларига ҳамда умумэътироф этилган тамойилларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтганлиги таъкидланади.

«Республиканинг янада гуллаб-яшнаши, халқаро майдонда унинг нуфузи юксалиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифати изчил ошиб бориши учун Президент сайлови муҳим аҳамиятга эга», – деб хулоса қилади нашр.

*«Жаҳон» АА,
2016 йил 10 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР НАЗАРИДА

Юй СИНХУЭ, Шанхай ижтимоий фанлар партия кўмитаси котиби:

– Ўзбекистондаги Президент сайлови юқори савияда ташкил этилди. Бу демократик сайловларни ташкил этиш борасида мамлакат тўплаган катта тажрибадан дарак беради. Сайлов участкаларининг фаолияти билан танишиш билан бир вақтда биз республиканинг миллий конун ҳужжатларини синчиклаб ўргандик.

Барча замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган пресс-клубнинг очилиши ушбу муҳим сиёсий воқеани ёритиб бериш учун сифатли ахборот хизматлари кўрсатилишига кўмаклашди.

Шунингдек, мамлакат аҳолисининг фаоллигини, сиёсий етуклигини ва давлат раҳбарини танлашга жиддий ёндашувини ҳам қайд этиш зарур. Ҳар бир номзод ўз дастурида жиддий масалаларни ва электоратнинг орзу-умидларини акс эттиришга ҳаракат қилди.

Бугун мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар туфайли Ўзбекистон ислохотларнинг ўз модели асосида ишонч билан ва муваффақиятли ривожланаётган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Шу нуқтаи назардан Биринчи Президент Ислон Каримов нафақат республика равнақиға, балки Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга улкан ҳисса қўшганлигини қайд этиб ўтмоқчиман.

Цзян ФЭН, Шанхай халқаро тадқиқотлар университети партия кўмитасининг котиби:

– Ўзбекистонда замонавий демократик талабларга мувофиқ келадиган сайлов тизими шаклланган, халқаро нормаларга жавоб берадиган конунчилик асослари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Сайловолди кампанияси вақтида барча номзодларга ўз дастурларининг асосий йўналишларини фуқаролар эътиборига етказиш учун кенг ва тенг имкониятлар берилди.

Биз 10 дан ортик сайлов участкасига ташриф буюрдик ва у ерда фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганига ишонч ҳосил қилдик. Умуман олганда, сайлов очиқлик ва ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтказилди.

Сайлов юқори савияда ташкил этилган, участка комиссиялари аъзоларининг муносиб малакаси ва уюшган фаолияти натижасида танбеҳға сабаб бўлиши мумкин бўлган бирорта ҳолат ҳам аниқланмади.

Биз Ўзбекистонда бўлган вақтимизда Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг меъморий ёдгорликлари билан танишишға, ўзбек халқининг бой тарихи

хақида кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб олишга муваффақ бўлдик. Буюк аждодлар меросини ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда маданий ёдгорликларни тиклаш, кишлоқ ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича республикада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ким Ён ХИ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг (БСОА) Бош котиби:

– Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилган ишлар юксак баҳоларга лойиқ. Ушбу сиёсий воқеа муносиб даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этдилар, бюллетенларни ҳисоблаб чиқиш жараёни очик ва ошқора амалга оширилди.

Кузатиш чоғида биз сайлов қонунчилиги бузилган ҳолатларга дуч келмадик. Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шароитлар яратилган, комиссия аъзолари юксак даражада тайёргарлик кўрган.

Сонг Бонг СУП, Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясининг режалаштириш бўйича департаменти бош директори:

– Ўзбекистонда сайлов ўтказиш тартиб-таомили билан танишиб чиқиш, шунингдек республика қонун ҳужжатларини батафсилроқ ўрганиш учун бизда яхши имконият пайдо бўлди. Мамлакат сайлов тизимининг бир қанча хусусиятларини Жанубий Корея амалиётида татбиқ этса бўлади, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, ушбу ташриф Ўзбекистон сайлов органлари билан алоқаларни кенгайтириш ва бу соҳадаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятини берди.

Абдул Халим бин АБД САМАД, Малайзия парламенти Сенати президентиининг ўринбосари:

– Мени сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишга таклиф этганликлари учун Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг раҳбариятига миннатдорчилик билдиришни хоҳлайман.

МСК мамлакатингиздаги сайловнинг ошқоралигини, демократиклигини ва шаффофлигини таъминлаш борасида катта ва муҳим ишларни амалга оширганлигини қайд этмоқчиман. Сайлов участкаларига ташрифим чоғида дўстона сокин муҳит ҳамда кекса авлодга бўлган ҳурмат мени лол қолдирди.

Мен овоз бериш жараёнида иштирок этдим. У барча халқаро стандартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилди. Умуман олганда, Президент сайлови умумэтироф этилган демократик стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ҳеч бир қоидабузарликсиз ўтказилди.

Фахри ҲАМЗА, Индонезия парламенти Халқ вакиллари палатаси вице-спикери:

– Ўзбекистондаги сайлов миллий қонун ҳужжатларига ва умумэтироф этилган демократик нормаларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтди. Овоз бериш усти-

дан мониторинг ўтказиш чоғида мен бошқа халқаро кузатувчилар билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим. Менинг барча суҳбатдошларим сайлов комиссияларининг уюшган фаолиятига қойил қолдилар.

Республика янги сайланган Президент раҳбарлиги остида бундан буён ҳам равнақ топишига ишончим комил.

Мамлакатингизда бўлган вақтда биз Олий Мажлисида ва бошқа идораларда бир қатор учрашувлар ўтказдик. Учрашувлар вақтида томонлар Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Республикага компанияларимизнинг инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини илгари суриш, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масаласида қўмаклашишга тайёрман.

*«Жаҳон» АА, Сеул
2016 йил 11 декабрь*

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПЕКИНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ХИТОЙ ОАВ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбирда «Жэньминь жибао», «China Daily», Хитой халқаро радиоси каби нашрларнинг журналистлари иштирок этдилар.

Сайловнинг бориши устидан мониторинг олиб бориш мақсадида Ўзбекистонда бўлган ХХР ОАВ вакиллари ўз баҳолари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, Хитой халқаро радиосининг мухбири **Ли Чжунцин** унда мустақил Ўзбекистоннинг турли соҳаларда, шу жумладан сайлов тизимини такомиллаштириш соҳасида эришган ютуқлари катта таассурот қолдирганини қайд этди. У овоз бериш чоғида болали аёллар учун яратилган шароитларга, хусусан «Она ва бола» хоналари ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Л. Чжунцин Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Шарқ марваридлари – Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ташриф буюрганлигини маълум қилди. У республика таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан танишди ва ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятига юқори баҳо берди.

«China Daily» газетаси журналисти **Жэнь Ци** Ўзбекистонда 2014 ва 2015 йилларда ўтказилган парламент ҳамда Президент сайловларида иштирок этиб, Тошкент ва Хива шаҳарларидаги сайлов участкаларига ташриф буюрганлигини таъкидлади. Бу йили у Самарқанд ва Бухорода бўлди. Мухбирнинг қайд этишича, сайлов участкалари ушбу муҳим воқеага пухта тайёргарлик

кўрган. Мухбир сайловчиларнинг фаоллиги ва сиёсий етуқлиги, шунингдек кузатувчиларга хурмат билан муносабатда бўлиши ҳамда ўз миссиясини муваффақиятли бажариш учун унга берилган кенг имкониятлар унда катта таассурот қолдирганлигини маълум қилди.

Брифинг якунлари бўйича Хитой ОАВ веб-сайтларида Ўзбекистон Президенти сайлови натижаларига бағишланган ахборот материаллари жойлаштирилди.

Жумладан, «Жэньминь жибао» ва Хитой халқаро радиоси мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеа халқнинг сиёсий, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик жавобгарлиги ошганлиги ҳақида ахборот берди.

Сайловни кузатишда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, ЕХХТ ДИИХБ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмасининг ҳамда 46 та давлатнинг қарийб 600 нафар кузатувчиси иштирок этганлиги – сайлов кампаниясининг демократик, очик ва ошқора ўтганлигидан далолатдир. Халқаро ташкилотлар миссиядорининг раҳбарлари охириги йилларда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилган ислоҳотларга юқори баҳо бердилар», – деб таъкидланади материалларда.

Қайд этилишича, бўлиб ўтган сайлов демократик стандартларга жавоб берадиган ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришини таъминлайдиган замонавий сайлов тизимини яратиш ҳамда ривожлантириш борасида Ўзбекистон катта тажриба тўплаганлигини кўрсатиб берди.

ХХР ОАВ хабар беришича, буларнинг барчасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси туфайли эришилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат Асосий Қомуси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги арафасида ўтказилганлиги эътиборга лойиқ. Демократик ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг манфаатлари давлат учун устувор эканлиги – Конституциянинг ўзига хос қадриятидир.

Конституция асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга, уларнинг сайловларда эркин иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, сайловолди кампанияси вақтида сиёсий партиялар учун кенг ва тенг имкониятларни тақдим этишга қаратилган», – деб хабар берилади мақолаларда.

*«Жаҳон» АА, Пекин,
2016 йил 11 декабрь*

ТУРКМАНИСТОН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ: САЙЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ СИЁСИЙ ЕТУКЛИГИ ДАРАЖАСИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Мамлакатимизнинг Туркменистондаги дипломатик элчихонаси орқали «Жаҳон» ахборот агентлигига Туркменистонда Сайловларни ва референдумларни ўтказиш бўйича Марказий комиссия раиси Гулмурод МУРОДОВнинг расмий фикр-мулоҳазалари келиб тушди. Эътиборингизга мактубнинг матнини ҳавола этамиз.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси (МСК) таклифига биноан Туркменистонда Сайловларни ва референдумларни ўтказиш бўйича Марказий комиссия раиси Гулмурод Муродов ва Комиссия котиби Амангелди Гандимов 2016 йилнинг 3 – 5 декабрь кунлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси таркибида Ўзбекистон Президенти сайловида иштирок этди.

Миссия Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилиб, сайлов жараёнининг боришига ва давлатнинг ички ишларига аралашмай, ўз вазифаларини эркин ҳамда мустақил бажарди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тўғрисидаги низомларга эга, очик, эркин ва демократик сайловларни ўтказиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади.

Биз Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор сайлов участкаларига бордик. Аҳолининг фаоллиги, фуқаролик онгининг сезиларли даражада ошганлиги Президент сайловининг ўзига хос хусусиятидир.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишларни уюшган ҳолда изчил олиб борди.

Сайловга доир қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси 20 та номдаги эслатма, қўлланма, тўплам ва бошқа нашрларни тайёрлади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда иккита ўқув фильми тайёрлади. Улардан бири овоз бериш кунидан олдин, иккинчиси сайлов кунини Марказий сайлов комиссияси ишларининг ташкил этилишига бағишланган.

Марказий ва қуйи турувчи комиссияларнинг фаолияти сайлов қонунчилиги нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган эди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан С. Отамуродовни, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ш. Мирзиёевни,

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Х. Кетмоновни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Н. Умаровни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сифатида рўйхатга олди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг салохиятидан самарали фойдаланди.

Марказий сайлов комиссияси ахборотига кўра сайловда иштирок этиш учун рўйхатга 20 миллион 400 минг фуқаро киритилди. Сайловчилар рўйхатларини тузиш ва аниқлаштириш тартиб-таомили умумий сайлов ҳуқуқи тамойили рўёбга чиқарилишини таъминлади.

Биз ташриф буюрган сайлов участкалари сайловчиларнинг овоз бериши ва Марказий сайлов комиссияси аъзолари ишлаши учун барча зарур нарсалар билан таъминланди. Ҳар ерда тиббиёт, оналар ва болалар хоналари ташкил этилди. Президентликка номзодлар тўғрисида ахборот жойлаштирилди. Овоз бериш тинч ва уюшган ҳолда фуқароларнинг ўта фаоллиги билан ўтди.

Сайлов давомида давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, барча даражалардаги сайлов комиссиялари мамлакат фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи рўёбга чиқарилишини таъминлади.

Сайлов фуқаролик жамияти сиёсий етуклиги даражасини кўрсатиб берди, Ўзбекистоннинг тараққиёт ва яратувчанлик йўлидан боришида, янги демократик ислохотларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон халқи ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди ва демократик тараққиёт йўлидан боришга тайёрлигини тасдиқлади.

«Жаҳон» АА, 2016 йил 13 декабрь

**ВИКТОР ГРИШИН, Г. ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ
ИҚТИСОДИЙ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ: «МЕҲНАТКАШ ХАЛҚ
БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР»**

2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистонда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир – Президент сайлови бўлиб ўтди. Мен Россия Федерациясининг кузатувчиси сифатида Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларига ташриф буюганимда минг йиллик бой давлатчилик тарихига, эзгу анъаналари ва урф-одатларига эга мамлакатингиз ўз тараққиётида сифат жихатидан янги босқичга ўтаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Бу, айниқса, миллий бинокорлик анъаналарини ўзида мужассам этган замонавий чиройли уйларни, шаҳарларнинг кенг кўчаларини, озода ва яхши парвариш қилинган далаларни ҳамда ёш оилалар учун замонавий ховлилар қурилаётган қишлоқларни кўрганимда сезилади. Серғайрат, иқтидорли ва қувноқ, келажакка ишонч билан қараётган ва Ватан равнақи учун ўз хиссасини кўшишга интилаётган ўғил ва қизлар билан суҳбатлашганимда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Халқингиз оғир жудоликни, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг вафотини бошидан ўтказди. Республикадан ташқарида яшаётган минглаб инсонлар бу қайғуга шерик бўлди. Ўзбекистон халқи бу синовдан ваҳимага ва саросимага тушмай, сабот-матонат билан ўтди. Ўзининг Биринчи Президентини охириги йўлга муносиб кузатиб қўйди. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, халқ фаровонлиги, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, тотувликни таъминлаш, мамлакатнинг изчил ривожланишини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг қўламли ислоҳотларни давом эттириш зарур.

Ва одамлар 4 декабрь куни узоқ йиллардан бери Ислон Каримов билан ёнма-ён ишлаб келган Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаб, ўзларининг демократик ва эркин танловини амалга оширдилар. Кўп жиҳатдан мамлакатдаги изчил, чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган кенг қўламли ислоҳотлар Шавкат Миромонович туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги Президент сайловини қарийб 60 нафар давлат ва жамоат арбоби, 46 мамлакатнинг парламент ва сайлов органлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлари, сиёсатчилари кузатиб бордилар.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти кузатувчиларининг халқаро миссиялари ушбу сиёсий тадбирга таклиф этилдилар. Мазкур ташкилотларнинг вакиллари овоз бериш жараёнини эркин кузатиб бордилар. Халқаро ташкилотлар ва чет давлатлар кузатувчиларининг иштирок этганлиги умумэътироф этилган стандартлар ва демократия тамойилларини мустаҳкамлашнинг кафолати бўлди.

Халқаро экспертлар берган баҳоларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўртта партия ўртасида юксак сиёсий рақобат муҳитида, фуқароларнинг фаол иштирокида, очик-ошкоралик ва шаффофлик руҳида ўтди. Миссиялар томонидан Президентликка номзодни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган сайловчилар имзоларининг сони 5 фоиздан 1 фоизга ка-

майтирилганлиги, ташвиқот учун тенг имкониятлар берилганлиги, камокда сакланаётган, бироқ суд ҳукми чиқарилмаган шахслар овоз беришининг таъминланганлиги алоҳида қайд этилди. Муддатидан олдин овоз бериш механизми, шунингдек амалда яшаётган манзилда овоз бериш имконияти яратилганлиги қайд этилди.

Мен эркин ва очиқ сайлов ўтказишнинг бу ва бошқа қонунчилик қафолатлари амалда рўёбга чиқарилганига, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари уларга риоя этилишидан манфаатдор эканлигига ўзим гувоҳ бўлдим. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва эркинлаштириш йўлида юқорида ташланган қадамлардан ташқари аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ошганлигини, ўзбекистонликларнинг сиёсий фаоллигини қайд этиб ўтишим лозим. Сайловда овоз берувчиларнинг 88 фоизи иштирок этгани бундан дарак бермоқда. Мамлакат фуқаролари уларга Ватан келажаги бефарқ эмаслигини кўрсатдилар, улар ўзларини Ватан тақдирига дахлдор деб ҳис қилмоқдалар.

Бу Ўзбекистоннинг энг муҳим ютуғидир. Одамлар чорак аср давомида тинч-тотув яшамоқдалар, мамлакатда барқарорлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Ахир барча соҳалардаги кенг қўламли ислохотлар, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, аҳолининг барча қатламли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Мен Ўзбекистонда тез-тез бўламан. Ҳар сафар ажойиб меҳмондўст халқингиз ўз ҳаётидан мамнунлигига, порлоқ келажакка ишонч билан қарашига амин бўламан.

Мустақиллик йилларида республика иқтисодиёти деярли 6 баравар ўсди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Глобал инқироз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётининг йиллик ўсиши мана 10 йилдирки 8 фоиздан кам бўлмапти, бу эса жаҳоннинг камданкам мамлакатаида кузатилади, аҳолининг турмуш даражаси тўхтовсиз ошиб бормоқда. Фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Саноатнинг мутлақо янги юқори технологик тармоқлари ривожланмоқда. 2016 йилда куриб битказилган узунлиги 123,1 километрлик «Ангрен – Поп» янги электр темир йўли ва Қамчиқ довонидан ўтган узунлиги 19,2 километрлик туннель халқаро иқтисодий харитада катта воқеа бўлди. Бу темир йўл линияси халқаро транспорт йўлагини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги тадбиркорлик муҳитини мунтазам яхшилаш мақсадида республика раҳбарияти томонидан кўрилаётган кенг миқёсли чора-тадбирлар билан белгилаб берилган. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, тўлиқ эркинлик берилди. Мустақиллик йилларида хусусий мулк ва

инвестицияларнинг норматив-ҳуқуқий асосини яратиш ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш, хусусий мулкдорларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва кафолатлар бериш учун кўп ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари амалда хусусий мулкка ўтказилди, иқтисодиётда давлатнинг иштироки камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши кенг кўламли ишларнинг навбатдаги мантиқий давоми бўлди. Фармоннинг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгилаб берилган ҳамда иқтисодиёт барқарор ривожланишининг муҳим омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва сунъий ғовларни қатъий бартараф этишга қаратилган йўлнинг изчиллигини таъминлайди, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга, мамлакатдаги тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга ва умуман аҳоли фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

XXI асрда юксак ривожланган мамлакатнинг асосий устунлиги, энг аввало, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш мақсадларига эришишда муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган мамлакатнинг инсон салоҳиятини ривожлантириш, маълумотли ва интеллектуал баркамол авлодни тайёрлаш имконияти билан боғлиқ. Шу муносабат билан инсон капиталига сармоя киритиш Ўзбекистон учун ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланишини алоҳида қайд этмоқчиман. Республикада таълимни ислоҳ қилиш бўйича ноёб дастур муваффақиятли жорий этилган, 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизимига ўтилган, ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг кенг тармоғи яратилган. Бу ерда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур, Жанубий Кореянинг энг нуфузли олий ўқув юртарининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Мен шуни тўлиқ ишонч билан айта оламан, қалби ва фикри-зикри мустақил Ватани келажаги учун доим меҳнат қилиш туйғуси билан тўлган истеъдодли халқи Ўзбекистон учун ўсиш ва тараққиётнинг энг асосий ҳамда бебаҳо манбаи бўлган ва бўлиб қолади.

*«Народное слово»,
2016 йил 13 декабрь*

ҚИРҒИЗИСТОН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА

Бишкек шаҳрида Қирғизистон ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро қузатувчи сифатида иштирок этган Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Нуржан ШАЙЛДАБЕКОВА олиб борди.

Матбуот анжумани вақтида Қирғизистон делегацияси Ўзбекистоннинг 6 та округида жойлашган 40 та сайлов участкасида бўлганлиги хабар қилинди. Н. Шайлдабекова сайлов юқори даражада ташкил этилганлигини таъкидлади.

– Барча сайлов участкалари зарур ускуналар билан жиҳозланганди. Болалар учун хоналар ташкил этилганди. Делегациямиз сайлов жараёнининг айрим жиҳатларини кайд этди.

Ушбу муҳим тадбирнинг ташкил этилишига кўра ва фуқароларнинг қайфиятига қараганда ўзбек халқи сайлов жараёнига ишонади ва олиб борилаётган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлаш мумкин. Биз буни яққол кўрдик. Сайлов участкалари тонгги соат 6 да очилди ва одамлар овоз беришга келдилар.

Ўзгаришлар электоратнинг очиклигида ва хабардорлигида ҳам акс этди. Сайлов участкаларида овоз бериш тартиби, номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари тўғрисида жуда кўп ахборот берилди. Биз ОАВ фаолиятида ҳам ўзгаришларни сездик. Оммавий ахборот воситалари нафақат расмий ахборотни, балки экспертларнинг шарҳлари ва фикрларини ҳам бериб бордилар.

Кузатувчиларнинг кўпчилиги сайлов очик, ошқора ва демократик тарзда ўтди, деган фикрга келди. Биз бюллетенлар ташлаб юборилган бирорта ҳам ҳолатни кўрмадик.

*«Жаҳон» АА, Бишкек,
2016 йил 14 декабрь*

ИТАЛИЯДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда ўтказилган Президент сайлови ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан янгилаш ҳамда модернизациялаш борасида амалга оширилган ислохотларнинг кўзгусидир.

Жумладан, жорий йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида Италия ижтимоий-сиёсий, экспертлар ва ишбилармонлар доираларининг диққат-этибори мамлакатимиздаги сайлов жараёнига қаратилди.

Хусусан, **Италия парламенти депутатлари палатаси Молия комиссияси раиси Маурицио БЕРНАРДО** «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлади:

– Ўзбекистон халқаро майдонда муҳим ўрин эгаллашини қайд этмоқчиман. Президент сайлови сифат жиҳатидан янги шароитда ўтказилди ва давлатни бутун халқ манфаатлари йўлида ривожлантириш стратегиясига жавоб беради. Сайлов кампаниясининг ошқоралиги электоратга муносиб номзод фойдасига холис танловни амалга ошириш имконини берди.

Халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш ва янги савдо-иқтисодий лойиҳаларни рўёбга чиқариш тарафдори эканлигимни таъкидламоқчиман.

Фабио ИНДЕО, Камерино университети тадқиқотчиси, Марказий Осиё бўйича эксперт:

– Президент сайлови Ўзбекистон кўзлаган мақсадни яққол намойиш этиб берди. Биринчи Президент Ислом Каримов билан мамлакат мустақилликка эришди. И. Каримов ўзбек давлатчилигини ривожлантирди. Бу сайлов сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг, мамлакат иқтисодий ўсишини саклаб қолишнинг кафолати бўлди.

Илк маротаба ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш учун тўлик миссияни юборди. Бу сайлов жараёнига холис баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг натижаси бўлди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё салоҳиятининг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистоннинг геосиёсий нуфузини оширади ва минтақадаги етакчи ролини кўрсатиб беради.

Фабио ГРАССИ, Сапиенца университети профессори:

– Ўзбекистон учун мамлакатда партиявий плюрализм ва сиёсий ракобатни ўз ичига олган ривожланган демократия пайдо бўлишига сабаб бўладиган муҳим давр бошланмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Президент сайлови этник ёки диний гуруҳларнинг ғоялари эмас, балки турли ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ғоялар ифодаланган майдон бўлганлиги жуда муҳимдир. Тўртта сиёсий партиянинг дастурларида болалар ва аёллар ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида ғамхўрлик кўрсатилганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий равнақи бутун халқаро ҳамжамият учун муҳим намуна бўлади. Менинг бунга ишончим комил!

Шу билан бирга **Италиянинг Евросиё ва Ўрта Ер денгизи тадқиқотлар маркази («CESAM»)** ҳам ўз порталида Ўзбекистондаги Президент сайлови-га бағишланган материал чоп этди. Мақолада бу воқеа мамлакат тақдирида

катта аҳамиятга эга эканлиги қайд этилади. Марказ республикада ўтказилган тадқиқот фуқароларнинг демократик янгиланишлар ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини яққол кўрсатиб берганлигини хабар қилади. «Сайловчиларнинг юксак даражада фаоллиги фуқаролар орасида миллий сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб боришни назарда тутувчи Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурини рўёбга чиқаришга кўмаклашди», дейилади нашрда. Италиялик тадқиқотчиларнинг фикрича, фуқаролар миллий сайлов тизимига қаттиқ ишонишларини намойиш қилдилар.

*«Жаҳон» АА, Рим,
2016 йил 14 декабрь*

ИСРОИЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

Маълумки, мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган сайлов жараёни хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда. Исроил нашрлари ҳам бу воқеага бағишланган мақолаларни чоп этди.

Масалан, «**Jerusalem Post**» газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистонда Президент сайлови бориши устидан 600 дан зиёд халқаро кузатувчи мониторинг олиб борганлиги қайд этилади.

Ўзбекистон ўсиб бораётган иқтисодиётга, катта салоҳиятга эга дунёвий мамлакат сифатида таърифланган мазкур нашрда мамлакатимиз 25 йиллик суверен таракқиёт даврида сезиларли ютуқларга эришганлиги таъкидланади. Тошкентда бўлган исроиллик кузатувчиларнинг фикрлари келтирилган мақолада Ўзбекистон жамиятида руҳий осойишталик муҳити ҳукм сураётганлиги, одамларнинг фаровонлиги ошганлиги, мамлакат қиёфаси ва шаҳарлар кўриниши ўзгарганлиги, миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлиги қайд этилади.

Нашрда республикада халқаро демократик стандартларга мувофиқ келадиган миллий сайлов тизими шаклланганлиги таъкидланади. Сайловчилар билан бўлиб ўтган суҳбат асосида исроиллик кузатувчилар одамлар янги раҳбариятдан мамлакатда барқарорлик ва тинчлик таъминланишини, яратувчанлик йўли давом эттирилишини, давлатнинг секуляр хусусияти сақлаб қолинишини кутмоқда, деган хулосага келдилар.

Ўз навбатида, «**Вести**» (Исроил) газетасининг материалида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган сайловчилар сони кўп

бўлганлиги, бу эса мустақиллик йилларида юзага келган фуқароларнинг юксак сиёсий маданиятидан дарак бериши ҳақида сўз боради.

«Жаҳон» АА, Тель-Авив,
2016 йил 15 декабрь

GERMANYALIK KUZATUVCHILAR: ЎZBEKISTONDAGI PREZIDENT SAYLOVI SHAFFOF B'LDI

Берлинда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда Бундестаг, Германия Федератив Республикасининг ҳукумат, жамоат, экспертлар ва академиклар доираси ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Брифинг иштирокчиларига мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови якунлари тўғрисида ахборот тақдим этилди. Тадбирда таъкидланишича, сайлов очиқ-ошкора тарзда сиёсий партиялардан кўрсатилган барча номзодларга тенг имкониятлар тақдим этилган ҳолда ўтди. Сайлов жараёнининг демократиклиги ва шаффофлиги овоз бериш жараёни устидан мониторинг олиб борган халқаро кузатувчилар томонидан ҳам тасдиқланди. Бундан ташқари, сайлов кўп сонли миллий ва хорижий ОАВ томонидан ёритилди.

Тадбирда сўзга чиққан германиялик кузатувчилар Ўзбекистондаги сайлов юксак савияда ташкил этилганлигини қайд этдилар. Улар овоз бериш жараёнини эркин ва тўсиқсиз кузатиш учун яратилган шарт-шароитлар учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Германияликларнинг фикрича, бўлиб ўтган сайлов республика фуқаролари сиёсий маданиятининг даражаси ошганлигини кўрсатиб берди.

Хусусан, Бундестаг халқаро ҳамкорлик қўмитасининг эксперти **Андреас ЯН** овоз бериш куни Бухоро шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларини бориб кўрганлигини айтди. Унинг сўзларига кўра сайлов участкаларидаги ишларнинг батартиблиги сайловга пухта тайёргарлик кўрилганидан дарак беради.

– Сайлов участкалари барча зарур белгилар билан жиҳозланганди, эркин ва яширин овоз бериш учун шарт-шароитлар яратилганди. Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ва кўтаринки кайфияти менда қатта таассурот қолдирди, – деб қайд этди А. Ян.

Фуқаролик жамияти институти директори **Экхард ПРИЛЛЕР** Ўзбекистон сайловни муваффақиятли ўтказганидан фахрлана олишини, сайловчиларнинг фаол иштироки бундан дарак беришини таъкидлади. Унинг фикрича,

овоз бериш чоғида ҳеч бир қоидабузарлик аниқланмади, сайлов замонавий халқаро стандартларга мувофиқ ўтди. Эксперт сайлов участкаларида нафақат сайловчилар учун, балки халқаро кузатувчилар ва журналистлар учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини қайд этди.

Шунингдек, Э. Приллер республикада давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратди.

– Бу демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, шунингдек одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш учун жуда муҳимдир, – деб таъкидлади германиялик эксперт.

Ўзбекистондаги сайлов кампаниясини ёритиб боришда иштирок этган «**Düsseldorfer Blatt**» наشري бош директори **Фолькер НЕФ**нинг фикрича, сайлов мазмун-моҳияти бўйича ҳам, ташкилий-техник нуктаи назардан ҳам энг юқори савияда ўтди.

– Биз овоз бериш жараёнини бемалол қийинчиликсиз кузатиш, исталган сайловчидан ва кузатувчидан интервью олиш имкониятига эга бўлдик. Сайловга катта масъулият билан ёндашган фуқароларнинг фаоллигини алоҳида қайд этмоқчиман. Сайловга сайловчиларнинг деярли 90 фоизи келганидан хайратдаман, – дейди Ф. Неф.

Шунингдек, брифинг катнашчилари Ўзбекистоннинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасининг мазмуни билан ҳам таништирилди. Германия вакилларининг фикрича, давлат органларининг аҳоли олдидаги жавобгарлиги оширилишига урғу берилиши янги раҳбариятнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашни мақсад қилганидан далолатдир. Бу мақсад 2017 йил Ўзбекистонда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинишида ҳам ўз аксини топди.

Шу нуктаи назардан тингловчиларнинг диққат-эътибори республикада жамиятни янада демократлаштириш, суд тизимининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш юзасидан олиб борилаётган изчил чора-тадбирларга қаратилди.

Брифингнинг айрим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Эдуард КИНСБРУНЕР, Германия иқтисодиётининг шарқий кўмитаси Марказий Осиё бўйича минтақавий директори:

– Мен учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш катта шарафдир. Ушбу миссия доирасида мен Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги сайлов участкаларида овоз бериш

жараёнини кузатдим. Менинг баҳолашимча, сайлов эркин ва очиқ-ошкора ўтди. Мен бирор-бир қоидабузарликка дуч келмадим. Овоз беришда республика фуқароларининг фаол иштирокига гувоҳ бўлдим.

Шунингдек, мен Ўзбекистонда бўлган чоғимда бир қатор корхоналарга ташриф буюрдим ва мамлакатингиз улкан саноат салоҳиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Иқтисодий эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни ҳисобга олганда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш республикани янада жадал ривожлантириш учун янги истикболларни очиб беради.

Барча ўзбекистонликларга тинчлик, фаровонлик ва янги муваффақиятларни тилайман.

Ханс-Йоахим КНАУПЕ, Берлин халқаро иқтисодий академияси директори:

– Ўзбекистондаги Президент сайлови очиқ ва демократик тарзда ўтказилди. Халқаро кузатувчилар сайловнинг боришини бемалол қийинчиликсиз кузатиш имкониятига эга бўлдилар. Электоратнинг фаоллиги менда катта таассурот қолдирди. Бу мамлакат келажагини ҳал қилишда республика фуқаролари онги ва масъулияти юксак савияда эканлигидан дарак беради.

Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳуқуқларини яхши билишини, сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодларнинг устуворликлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлганликларини қайд этиб ўтмоқчиман. Шубҳасиз, буларнинг барчаси овоз беришда уларга онгли танловни амалга ошириш имконини берди.

Мен Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловига мамлакатни янада барқарор ривожлантиришнинг муҳим босқичи сифатида қарайман. Бизнинг академия кадрлар тайёрлаш ва республика иқтисодийнинг турли тармоқларига инновация технологияларини жорий этиш соҳасида ўзбекистонлик ҳамкорлари билан алоқаларни кенгайтиришга тайёр.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбариятини ва халқини Конституция куни билан табриклайман ҳамда республика аҳолисига қўйилган мақсадларга эришишни тилайман!

«Жаҳон» АА, Берлин,

2016 йил 16 декабрь

<http://jahonnews.uz/ru/aktualno/626/29272/>

**«САЙЛОВНИ БУНДАЙ ЮКСАК ДАРАЖАДА,
МАЙДА ТАФСИЛОТЛАРГАЧА ПУХТА ЎЙЛАБ
ТАШКИЛ ЭТИШДА БИЗ ЎЗБЕКИСТОНДАН
ИБРАТ ОЛСАК БЎЛАДИ»**

Шу йилнинг 4 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган польшалик халқаро кузатувчилар сайлов демократик стандартларга тўлиқ жавоб берганлигини қайд этмоқдалар.

Витольд БУЙСКИ, «PUBLISHING HAUS REA» нашриёт-полиграфик концерни президенти:

– Мен Ўзбекистонда ўтказилган сайловда биринчи марта халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Сайлов ажойиб даражада ташкил этилганлигини, муқобиллик асосида ўтказилганлигини қайд этмоқчиман. Сайловолди кампанияси вақтида сиёсий партияларнинг тўрт нафар вакили ўз дастурларини ёритиш ва мамлакат Президенти лавозимига сайланиш учун бир хил имкониятга эга бўлдилар.

Овоз бериш очик-ошкора ва тинч мухитда ўтди, барча сайловчилар сайлов участкаларига кўтаринки кайфиятда ташриф буюрдилар. Бу эса сайловдан фақат ижобий натижалар кутаётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳаётида сайлов расмий тадбир бўлмай, балки ўзига хос воқеа эканлигини англатади.

Мен Самарқандда жойлашган еттига сайлов участкасида бўлдим. Ҳар бир сайлов участкасида нафақат халқаро кузатувчилар, балки энг муҳими, сиёсий партиялар кузатувчилари ҳам бор эди. Соат 11 гача ҳар бир сайлов участкасида электоратнинг камида 40 фоизи овоз бериб улгурди.

Ҳар бир сайлов участкасида тиббиёт пунктлари ҳамда «Она ва бола» хоналари ташкил этилганлиги биз учун қутилмаган воқеа бўлди. Бундан ташқари, у ёки бу сабабларга кўра сайлов участкаларига кела олмаган шахсларнинг уйда овоз бериши таъминланди. Бундай юксак савияда, майда тафсилотларгача пухта ўйланган сайловни ташкил этишда биз Ўзбекистондан ўрнак олсак бўлади.

Ўзбек халқига ютуқ-муваффақиятлар ва энг яхши тилакларни тилайман!

Ежи ШУКАЛЬСКИЙ, Люблин университети ҳамда Хельм шаҳрининг Халқаро муносабатлар ва ижтимоий алоқалар олий мактаби профессори:

– Ўзбекистондаги Президент сайловида биз уч нафар польшалик кузатувчидан иборат таркибда иштирок этдик, республика вилоятларида жойлашган бир нечта сайлов участкаларига ташриф буюрдик. Хусусан, мен сайлов-

дан олдин пойтахтнинг округ сайлов комиссиясида, шунингдек Тошкент ва Самарканддаги сайлов участкаларида бўлдим.

Сайловдан олдин ҳам, сайлов куни ҳам тайёргарлик юқори даражада бўлганлигини тўлиқ ишонч билан айта оламан. Энг аввало, Ўзбекистонда сайловчиларнинг фаоллиги юқори даражада бўлганлигини қайд этиш зарур. Бу сайловга тайёргарлик кўришда қатнашганларнинг касбий тайёргарлиги юқориликдан ва мамлакат аҳолисининг фуқаролик нуқтаи назари фаоллигидан дарак беради.

Таъкидлаш лозимки, сайлов демократик нормалар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтди.

Мен Ўзбекистонда 1990 йилда бўлганман ва айтишим мумкинки, мамлакатингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бугун – бу бой ва гуллаб-яшнаётган республикадир. Буни кўчаларнинг саранжом-саришталигидан, автомашиналардан, замонавий бинолардан, ўқув юртларидан, ижтимоий овқатланиш объектларидан кўриш мумкин. Мен кўплаб мамлакатларда бўлганман, бироқ меҳмондўстлик ва самимийлик борасида Ўзбекистонга тенг келадиган мамлакат йўқ.

Бутун ўзбек халқига порлоқ келажак тилайман!

Адам МАРШАЛЕК, «Маршалек-холдинг» наشريёт уйи президенти:

– Ўзбекистондан Польшага кўтаринки кайфиятда ва ажойиб тарзда ташкил этилган Президент сайловини кузатиш натижаларидан мамнун бўлган ҳолда қайтдим.

Биз Тошкентда ҳамда Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида жойлашган сайлов участкаларига ташриф буюрдик.

Сайлов юқори даражада ўтказилганлигини ишонч билан айта оламан. Сайлов участкаларига эрталабки соат 6 даёқ овоз берувчилар келганди. Бу ерда биз сиёсий партияларнинг тўрт нафар номзоди номидан қатнашувчи қузатувчиларни учратдик.

Мен Польшада ва бошқа мамлакатларда камдан-кам учрайдиган Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини кўрдим. Мисол учун болаларга мўлжалланган махсус хоналар. У ерда ота-оналари овоз бераётган вақтда болалар ўз вақтини чоғ ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, сайлов участкаларида пухта ташкил этилган тиббиёт пунктлари хизмат кўрсатаётган эди.

Сайлов кампанияси вақтида Ўзбекистон фуқаролари барча номзодлар тўғрисида батафсил ахборот олдилар. Барча сайлов участкаларида номзодларнинг таржимаи ҳоллари ва сайловолди платформалари ёзилган плакатлар ҳамда баннерлар мавжуд эди. Барча номзодларга телевидение ва радиода бир хил вақт ҳамда босма нашрларда бир хил жой ажратилди.

*«Жаҳон» АА, Варшава,
2016 йил 16 декабрь*

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИНING ИФОДАСИ БЎЛДИ»

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловида иштирок этган туркиялик халқро кузатувчилар ўз юртларига қайтгач, ўзларининг баҳолари ва фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Ҳикмат ЭРЕН, «Еко Avrasya» ижтимоий-сиёсий журналининг бош директори:

– Ўзбекистондаги сайлов Туркияда катта кизиқиш уйғотди. Ҳар куни Туркия оммавий ахборот воситаларида мамлакатда ўтказиладиган муҳим воқеага кўрилаётган тайёргарликнинг бориши ҳақида материаллар чоп этилди, телерадиоканаллар орқали репортажлар узатилди. Ушбу материалларда, шу жумладан Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятларидан биз уюштирган репортажларда сайлов жараёнининг бориши ҳамда мамлакат сайлов участкаларида яратилган замонавий шарт-шароитлар ҳақида ахборот бериб борилди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги сайловолди кампаниясининг боришини ва овоз бериш якунлари бўйича қилинган нутқларни диққат билан кузатдик. Бунда экспертларимизнинг асосий эътибори номзодларнинг сайловолди дастурларини ўрганишга қаратилди. Номзодларнинг сайловолди дастурлари пухта ўйланганлиги, амалий жиҳатдан муҳимлиги ва популистик декларациялардан холи эканлиги билан ажралиб турди.

Президент Р.Т. Эрдоганнинг яқинда Самарқандга қилган ташрифи ва жаноб Ш.М. Мирзиёев билан олиб борган музокаралари якунлари ҳам янги раҳбарнинг ташқи сиёсий ҳамкорлар билан мамлакатнинг энг биринчи ўринда турадиган манфаатларини ҳисобга олиб, айрим ташқи кучларнинг турлича талқинига қарамай, ўзаро самарали муносабатларни куришга тайёрлигидан дарак беради.

Айфер ИЛЬХАН, «Dunya Gazetesi» ижтимоий-сиёсий газетасининг мамлакатшунослик лойиҳалари раҳбари:

– 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва умумэтироф этилган демократия тамойиллари таъминланишининг навбатдаги тимсоли бўлди.

Сайловни ёритиш мақсадида Ўзбекистонга амалга оширилган сафар менга материаллар тайёрлаш ва узатиш учун ноёб имконият тақдим этди. Бу материаллар газетамиз ўқувчилари орасида самимий қизиқиш уйғотди. Улар сайлов қонунчилигининг ва сайлов жараёнининг расмий жиҳатларидан ташқари, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳолат тўғрисида ўзлари учун қизиқ бўлган маълумотларни билиб олдилар.

Шахсан ўзим номимдан ва «Dunya Gazetesi»нинг кўп сонли ўқувчилари номидан Ўзбекистон халқини янги Президент сайланганлиги билан чин қалбимдан табриклайман ҳамда тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман!

«Жаҳон» АА, Анқара,
2016 йил 16 декабрь

БМТ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА ХАБАРДОР ҚИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош Ассамблея 71-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида БМТнинг олтига расмий тилида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари ҳақида ахборот тарқатилди.

Ҳужжатда қайд этилишича, мамлакатимиз фуқаролари овоз беришда иштирок этиб, юритимизда олиб борилаётган ислохотларни яна бир бор қўллаб-қувватлашни билдирдилар. Республиканинг Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келиб тушган баённомалар асосида 2016 йил 4 декабрь куни овоз беришда мамлакатимиз сайловчилари умумий сонининг 87,73 фоизи овоз берганини қайд этди.

Материалда таъкидланишича, сайлов жараёни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши таъминланган ҳолда ҳамда умумийлик, тенглик ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи тамойилларига риоя этилган шароитда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

«Сайловни кузатишда 46 та давлатнинг, шунингдек бешта халқаро ташкилотнинг – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг қарийб 600 нафар кузатувчиси иштирок этганлиги сайлов кампаниясининг демократиклиги ва очиқ-ошқоралиги исботи бўлди. Сиёсий партияларнинг 37 000 дан зиёд кузатувчиси ҳам сайлов устидан мониторинг ўтказишда иштирок этди», – дейилади ҳужжатда.

«Жаҳон» АА, Нью-Йорк,
2016 йил 22 декабрь

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори 2016 йил 4 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тўғрисида	3
Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. <i>Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг 2016 йил 14 декабрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги нутқи</i>	4
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сайлов қонунчилигига мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлади	23
Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисидаги фикрлари	37
I. Ўзбекистонда яратилган мустақкам сиёсий-ҳуқуқий тизим Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муваффақиятли ўтказилишини таъминлади	37
II. Сайлов тўғрисидаги такомиллаштирилган қонунчилик ва сайлов амалиёти сайловнинг янги сифат даражасида ўтказилишига хизмат қилди.....	70
III. Сиёсий партиялар – соғлом рақобат муҳитида бўлиб ўтган сайловнинг асосий субъектлари	93
IV. Сайлов кампаниясининг ошқоралиги, очиқлиги ва транспарентлиги таъминланганлиги сайловга нисбатан кизиқишни орттиради	119
V. Фуқароларнинг юксак электорал фаоллиги – сайлов тизимида нисбатан ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси кўрсаткичидир	142
Халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларининг баёнотлари, оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида эълон қилинган мақолалар ва бошқа материаллар	174

Расмий нашр

**ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК, ТЕНГ ХУҚУҚЛИЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК –
2016 ЙИЛ 4 ДЕКАБРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ
АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Редактор	<i>Г. Азизова</i>
Рассом-дизайнер	<i>Ш. Ходжаев</i>
Бадий муҳаррир	<i>Х. Қутлуқов</i>
Техник муҳаррир	<i>Л. Хиёзова</i>
Кичик муҳаррир	<i>Г. Ералиева</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>Ф. Хасанова</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2017 йил 2 июнда рухсат этилди. Офсет қоғози.

Бичими 70×100^{1/16}. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 21,28+0,97 вкл. Нашр табоғи 18,13+1,12 вкл. Адади 1000 нусха.

Буюртма № 17-503.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-магбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

ISBN 978-9943-25-421-3



9 789943 254213

